ISSN 2181 – 8096

SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ИНСТИТУТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

№ 3, 2019

Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – **ISSN 2181 – 8096**

Бош муҳаррир – **Рихсиева Гулчеҳра Шавкатовна**
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати

А. Қуронбеков	*филология фанлари доктори, профессор (масъул котиб)*
Қ. Омонов	*филология фанлари доктори, профессор (бош муҳаррир ўринбосари)*
А. Маннонов	*филология фанлари доктори, профессор*
Р. Ходжаева	*филология фанлари доктори, профессор*
Қ. Содиқов	*филология фанлари доктори, профессор*
Ш. Шомусаров	*филология фанлари доктори, профессор*
Б. Абдуҳалимов	*тарих фанлари доктори, профессор*
А. Ходжаев	*тарих фанлари доктори, профессор*
М. Исҳоқов	*тарих фанлари доктори, профессор*
Р. Жумаев	*сиёсий фанлар доктори, профессор*
У. Идиров	*сиёсий фанлар доктори, профессор*
Ш. Ёвқочев	*сиёсий фанлар доктори, профессор*
Н. Абдуллаев	*сиёсий фанлар номзоди*
А. Ваҳобов	*иқтисод фанлари доктори, профессор*
Р. Абдуллаев	*иқтисод фанлари доктори, профессор*
И. Мавланов	*иқтисод фанлари доктори, профессор*
Э. Иззетова	*фалсафа фанлари доктори, профессор*
Р. Баҳодиров	*фалсафа фанлари доктори, профессор*
М. Нуриддинов	*фалсафа фанлари доктори, профессор*
Грегори Глизон	*АҚШнинг "New Mexico" университети, сиёсий фанлар доктори*
Оно Масаки	*Цукуба университети профессори*
Ли Джи Ин	*Ханкук чет тиллар университети профессори*
В. И. Месамед	*Исроилнинг Қуддус университети профессори*
А. Гурер	*Туркиянинг Анқара университети профессори*

Нашрга тайёрловчилар:

З. Алимов, Ш. Гаипова, Ш. Тўйчибаева, Н. Арипджанова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tashgiv.uz
web-site: www.tashgiv.uz

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2019

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

Шомусаров Ш. “Минг бир кеча”нинг яратилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 5

Муҳибова У. Қадимги ҳинд эпосларининг кейинги давр ёзма адабиёти ривожига таъсири 13

Сайдазимова У. Чосон иккинчи даври корейс насрининг жанр таркиби 26

Гаипова Ш. Закария Тамернинг услубий маҳорати: композиция ва рамзий тил хусусиятлари (“Ранда” ҳикояси асосида)..... 40

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

Аҳмедова Д. Форс тили газета матнларида публицистик услубга хос феъл шаклларининг қўлланилиши 49

Насирова С. Особенности употребления общественно-политических терминов в политическом дискурсе китайской инициативы «Один пояс, один путь»..... 62

Маҳмудова Д. Ҳозирги араб тилида янги сўзларнинг ясалиши..... 75

МАНБАШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ // SOURCE STUDY

Мирзаалиев И. “Девону луғатит-турк”даги мақолларнинг мавзуий гуруҳлари ... 86

Ўктамова Ҳ. Farhang-e Jahangiri (“Жаҳонгир луғати”) – форси-йе дарий тили грамматик асари сифатида 102

Қодирова З. Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари – шарқ мумтоз поэтикаси манбаси сифатида..... 110

ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY

Алимова Р. XIX –XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихшунослигига доир..... 118

Рискулов Ш. Буюк Британия империясининг биринчи инглиз-афғон уришига тайёрланиши 128

ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // ЭКОНОМИКА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // ECONOMY AND INTERNATIONAL RELATIONS

Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида..... 135

Муҳаммадсиддиқов М. Африка араб давлатларида сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ислом сиёсийлашувига таъсири..... 142

Убайдуллаева С. Новый внешнополитический подход Узбекистана региональным процессом..... 158

Сайфуллаев Д. Замонавий халқаро муносабатларда маданий дипломатия: Хитой ва Россия тажрибаси 169

Алимов О. Шарқий Осиёдаги геосиёсий трансформацияларнинг энергетика хавфсизлигига таъсири..... 179

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

Изетова Э. Эволюция методологической основы и категорий китайской философии 201

Pulatov Sh. Philosophical concept of Mahatma Gandhi 214

ТАҚРИЗ // РЕЦЕНЗИЯ // REVIEW

Ходжаева Р. Ризоуддин Фахриддин ўғли қаламига мансуб “Машҳур хотунлар” асарининг нашри ҳақида 225

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

ШОМУСАРОВ ШОРУСТАМ
филология фанлари доктори, профессор, ТошДШИ

“Минг бир кеча” нинг яратилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар

Аннотация. *Жаҳон тамаддуни дурдоналаридан бири бўлган “Минг бир кеча” эртаклари яратилгани ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинганидан бери унинг генезиси ҳақида турли мулоҳазалар мавжуд.*

Дунё олимларининг ушбу масаладаги фикрларини кенг мушоҳада этиб, муаллиф бу мулоҳазалар ва хулосаларга ўзининг хос қарашларини билдирган.

Манбанинг яратилиш тарихига оид қарашлар икки лагерга бўлинадилар. Форс фольклори манбаси – “Ҳезор афсонэ” (“Минг эртак”) асосида яратилган дегувчилар бир қутб бўлсалар, тўпламдаги барча эртакларнинг асоси-араб фольклоридан келган, дегувчилар иккинчи қутб тарафдорлари ҳисобланадилар.

Форс фольклори маҳсули дегувчилар ҳақ, деб биламиз. Паҳлавий тилида ёзилган “Ҳезор афсонэ” тўплами Эрон фольклорида жуда машҳур бўлган. Араб таржимашунослигининг “олтин асри” бўлган IX-X асрларда бу фольклор асар паҳлавийдан арабчага ўгирилган. “Минг бир кеча” қаҳрамонлари- шоҳ Шахриёр ва малика Шаҳризодаларнинг исмлари ҳам форсийдир.

“Алф лайла ва лайла” китоби бир халқ-арабларгагина тааллуқли эмас, балки Марказий Осиё, Эрон, Ҳинд халқлари орасида тарқалган эртаклардан ҳам фойдаланиб, яратилган асардир. У жаҳон фольклоршунослигидаги турли халқлар мотив ва сюжетлари муштараклиги ва “сюжетлар кўчиши” жараёнлари мисолида таҳлил қилинган.

Бу манбанинг икки варианти бўлган. Биринчи вариант VIII асрда форсларнинг “Минг эртак”идаги арабчага ўгирилган вариантидир. Иккинчи вариант эса X асрда яшаган бағдодлик Жахшиёр томонидан тузилгандир.

Жахшиёр тўплаган араб эртакларидан кўплаб Миср эртаклари XIII-XIV асрларда ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналаридир. “Бир минг эртак” номи билан машҳур бўлган тўплам Мисрда йиғилган, кейинчалик унга янги-янги эртаклар киритилди.

“Минг бир кеча” дастлаб ҳинд эртаклари асосида форсларда пайдо бўлган, араб сўз усталари томонидан ишлов берилиб, сайқалланган ва араб халқининг нодир ёдгорлигига айланган. Тўпламнинг ҳозирги нусхаси араб халқининг қимматли ёдгорлигидир. Бу асар дунё маданиятининг ноёб дурдонаси ҳамдир.

“Минг бир кеча”дек маҳобатли ёдгорлик турли Шарқ халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам адабий мероси саналади.

Таянч сўз ва иборалар: *“Минг бир кеча”, паҳлавий тили, санскрит, Ҳезор афсоне, форс ҳикоятлари, араб эртаклари.*

Аннотация. *Существуют разные мнения о одного из шедевров и жемчужине мировой цивилизации, “Тысячи и одной ночи”, со времени его создания и переведена на разные языки мира. Ученые мира высказывали мнения по этим вопросом, и автор в статье приводит свои взгляды на эти выводы.*

Ученые разделились на два лагеря во взглядах на происхождене источника. На одной стороне оказались учёные считавшие, что источником является персидский фольклор, основанный на "Хезор Афсонэ" ("Тысяча сказок"), на другой – ученые, считавшие, что источником всех сказок в сборнике является арабский фольклор.

Мы признаём, что правы те, кто считает его произведением персидского фольклора. Сборник "Хезор афсонэ", написанный на языке пехлави был очень знаменитым в иранском фольклоре. В золотом веке арабского перевода, то есть в IX–X вв. это фольклорное произведение было переведено с пехлави на арабский язык. Имена героев "Тысячи и одной ночи" падишаха Шахриёра и принцессы Шахеризады являются персидскими.

Книга "Альф Лейла ва Лейла" повествует не только об арабах, при создании произведения, использовались мотивы сказок из Средней Азии, Ирана и Индии. Проанализирована "миграция сюжетов" на примере сочетания мотивов и сюжетов мирового фольклора разных народов и процессов.

Есть два варианта этого источника. Первый вариант – перевод персов на арабский язык в VIII веке. Второй вариант был собран в X веке Джахшиёром, выходцем из Багдада.

Египетские сказки, собранные Джахшиёром считаются примерами устного народного творчества, написанного в XIII–XIV вв. Сборник известный под названием "Тысячи сказок", был собран в Египте, после чего в него добавлены новые сказки.

"Тысячи и одна ночь" изначально создавалась в форме индийских сказок, переработанных арабскими мастерами, и стала уникальным памятником арабского народа. Нынешняя копия коллекции яляется ценным памятником арабского народа. Это также уникальная жемчужина мировой цивилизации.

Памятники, похожие на "Тысяча и одна ночь" являются литературным наследием народов всего Востока, и в том числе, узбекского народа.

Опорные слова и выражения: *«Тысяча и одна ночь», пехлевийский язык, санскрит, «Хезор афсоне», персидские рассказы, арабские сказки.*

Abstract. *There are different opinions about the origin of the "Thousand and One Nights", one of the masterpieces and pearls of world civilization, and science it was translated into different languages of the world. Scientists of the world expressed opinions on this issue, and the author in the article cites his views on these conclusions.*

Scientists are divided into two camps in their views on the origin of the source. On the first side were scholars who believed that the source of all fairy tales in the collection is Arabic folklore.

We admite true who thinks that this work of Persian folklore. The omnibus was writed in pehlavi language and was very famous in Iranian language. This folklore product was translated from pehlavi into Arabian language e in golden age of Arabian translation, actually in 9-10 centuries. The names of heroes "Thousand and One Nights" Padishah Shakhriyor and Princesse Shakhrezad are persian.

The book "Alf Leila wa Leila" belongs and tells not only about the Arabs, but also when creating the work, the motifs of fairy tales from Central Asia, Iran and India were used. Analyzed on the example of a combination of motifs and plots of world folklore of different peoples and the processes of "plot migration".

There two options for this source. The first option is the translation of Persians into Arabic in the 8th century. The second version was assembled in the 10th century by Jahshiyor, who came from Baghdad.

Explain of oral creation is recognized Egyptian fary tales, were collected by Jaxshiyor, was written in 13-14 centuries. The famous omnibus which named "Thousand fary tales" was collected in Egypt after that the new fary tales were added.

"A Thousand and One Nights" was originally created in the form of Indian fairy tales cultivated by Arab masters, and became a unique monument of the Arab people. The current copy of the collection is a valuable monument of the Arab people. It is also a unique gem of world civilization.

Literatury antiques of all Orient nation and uzbek are recognized antiques like on "Thousand and One Nights".

Keywords and expressions: *"Thousands and One Nights", Pahlavi language, Sanskrit, Hezor afsone, Persian stories, Arabian tales.*

Ранго-ранг сюжетлари билан бутун дунёни забт этган "Минг бир кеча" китоби жаҳон адабиётининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Бу асарнинг тарихи жуда кўп олимлар томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган ва баҳс – мунозараларга сабаб бўлган. "Минг бир кеча" китобининг қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб айтиш қийин, бу масала ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Асрлар қаърига яширинган бу ҳақиқатни англаб етиш, асл тарихни тиклаш учун манбалар ҳозирча етарли даражада эмас, бу масалани узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди,фақатгина тахминларгагина таянишимиз мумкин. Аммо бу масалани дунёнинг етакчи олимлари ўрганган ва мулоҳаза билдиришга уринган, биз тарихий далилларга асосланган ҳолда атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилмоқчимиз.

"Минг бир кеча" XV-XVI асрларда Мисрда йиғилиб, таҳрир этилиб,шу ҳолга келтирилган бўлса-да, унинг илк тарихи X асрга бориб тақалади"[1]-деб ёзади устоз Шоислом Шомуҳамедов. Бундан кўриниб турибдики, бу китоб жуда қадимда яратилгандир.

Араб олими А.Сальханий, даниялик олим Эструп ва рус олимларидан И.Фильштинский, М.Сальелар ҳам "Минг бир кеча"нинг тарихи ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишга ҳаракат қилганлар. "Минг бир кеча"нинг пайдо бўлишини ўрганишда бизга ёрдам берадиган энг қадимги манба бу 1900 йилда Веселовод Миллер юбилейи шарафига чиқарилган тўпламдаги Г.Горстер, А.К.Крымскийларнинг мақоласидир. Бу мақола "К литературной истории "Тысячи и одной ночи"[2], деб номланган. Биз ўз фикр-мулоҳазаларимизни юритишда шу мақолага асосланишга ҳаракат қилдик. Мақолада бу асарнинг пайдо бўлишини белгилашда икки йўналиш мавжудлиги ҳақида маълумот берилади. Биринчи йўналиш Гаммер издошлари ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра, "Минг бир кеча"нинг пайдо бўлиш замини ҳинд ёки эрон эртаклари бўлиб, паҳлавий тилида ёзилган "Ҳэзор афсонэ" ("Бир минг эртак") тўпламининг арабча таржимасидир. Қиёсий метод асосчиси

[1] Минг бир кеча. Тошкент., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. Ш.Шомуҳамедов ёзган сўзбоши. 10-бет.

[2] Горстер Г., Крымский А. К литературной истории «Тысяча и одна ночь». Юбилейный сборник в честь Всеволода Миллера. 1990.,стр. 225-240.

Бенфий “Минг бир кеча” эртакларининг қарийб барчаси ҳинд фольклорида мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Бедье фикрларига асосланган Брюнетьерд ҳам “Турли халқ эртаклари бир хилдир”, деган хулосага келади. Чунки Бедье ҳам бу тўпламнинг ҳинд эртаклари асосида аввал форсларда пайдо бўлиб, кейин арабларга ўтганлиги ҳақида мулоҳаза билдиради. Миср этнографияси билимдони Эдвар Лэн ҳам бу араб эртакларининг бошланиши ҳинд фольклорига бориб тақалишини айтади. Лекин у бу йўналишга қўшилмайди. Гаммер ўзининг 1827-йилда “Осиё” журналида чиққан мақоласида “Минг бир кеча”нинг ҳинд-эрон ва араб халқларига мансублиги ҳақидаги фикрларни тўла қўллаб- қувватлайди. У “Ҳэзор афсонэ” Аббосийлар даврида энг яхши адабиётшунослар томонидан араб тилига таржима этилганлигини, янгидан бойиб борганлиги ва “Синбоднома”каби алоҳида асарлар ҳам қўшилганлигини ёзади. Араб эртаклари номи билан дунёга машҳур бўлган “Минг бир кеча” ёки “Алф лайло ва лайло” китоби араб халқининггина эмас,Ўрта Осиё, Эрон,Ҳинд ва ҳатто Хитой халқлари орасида тарқалган эртаклар, ҳикоят ва ривоятлардан ҳам фойдаланилган ҳолда яратилган асардир. Бу китоб Шарқ халқлари эртакларидан тўпланиб, асрлар мобайнида қайта-қайта сайқалланиб, шу ҳолга келтирилгандир. Баъзи маълумотларга кўра “Минг бир кеча” тўплами дастлаб алоҳида-алоҳида эртаклар шаклида бўлган. XII-XIII асрларда тараққиёт Осиёдан Мисрга силжиган ва “Минг бир кеча”таркибига ҳам янги-янги эртаклар қўшилиб борган. Бу тўпламнинг алоҳида эртаклар ҳолатида бўлганлигини Салтиков-Шедрин номли Санкт-Петербург Давлат кутубхонасида сақланаётган қўлёзма нусхалар ҳам тасдиқлайди. XI-XII асрларга мансуб бу қўлёзма нусхалар араб тилида яҳудий ҳарфлари билан битилган ва “Кечалар”, деб номланган. Дастлаб ҳикоятлар алоҳида бўлган ва кечаларга бўлинмаган. XVIII асрда Мисрда яшаган билимдон шайх бу ҳикоятларни тўплаган. Демак, “Минг бир кеча” дастлаб алоҳида-алоҳида эртаклар ҳолатида бўлган, кейинчалик ҳикоятлар тартибга келтирилган ва кечаларга бўлинган.

Иккинчи йўналиш тарафдори Сильвестр де Саси эса бу асарнинг аслида араб эртаклари эканлигини тасдиқлайди. Бу фикрга Шовен ва Кремерлар ҳам қўшилади. Чунки улар китобнинг ҳар бир саҳифасида мусулмон динини эъзозловчи ёзувчининг қиёфаси мавжудлигини ҳисобга оладилар. Асарнинг руҳи ва дунёқараши асл арабларники,чунки унда араб ахлоқи ва кейинги даврдаги ҳаёт акс этганлигини, оддий халқ тилидан фойдаланилганлиги назарда тутилади. Силвестр де-Саси “Минг бир кеча” тўлиқ арабларга тегишли, деб хулоса чиқаради. Олим бу китобнинг аста-секинлик билан вужудга келганлигини инкор этади ва суриялик муаллиф томонидан XV аср ўрталарида тузилганлигини ёзади. Муаллифнинг ўлими туфайли китоб якунланмай қолганлигини, давом эттирувчилар эса унга бошқа эртакларни (ўша пайтда араблар ўртасида машҳур бўлган Синдбод саргузаштларини, форсларнинг “Ҳэзор афсонэ”сини) қўшиб юборганлигини таъкидлайди. Саси фикрига кўра, суриялик тузувчи араб улардан ҳеч нарса олмаган-

лигини, фақат сарлавҳа ва қолип-рамкадангина фойдаланганлигини айтади. Эдвар Лэн эса Сасидан ҳам ўтиб тушади. Лэн 1501-йилда қурилган Адилей масжиди ҳақидаги эсдаликларни, биринчи марта кофе, тамаки ҳамда олов отадиган қурол ҳақидаги фикрлар айтилганлигини назарда тутиб, китоб XVасрнинг охирида ёзиб бошланган, XVI асрнинг 1-чорагида тугалланган, деб тасдиқлайди. Охирги қиссалар китобга Усмонли турклар даврида XVI-XVII асрларда киритилган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Асарнинг тили ва услуби Лэн фикрига кўра, оддий маълумотли, аммо жуда ўткир бўлмаган мисрлик олимнинг услубидир. Аммо Лэн Сасининг тузувчи олим муаллифнинг бошқа манбалардан фойдаланмаганлиги ҳақидаги фикрларига қўшилмайди Лэн фикрига кўра, тузувчи олим улардан нафақат сарлавҳа ва қолипни олган, балки форс тўпламларидан, ҳинд эртакларидан, араб манбаларидан ҳам кенг фойдаланган. Араб олими Сальханий 1889-1890-йилларда янгидан “Минг бир кеча”китобини нашр эттиради ва сўзбоши ёзади. Бу сўзбошининг асар тарихини ўрганишга бағишланган иккинчи қисмини Г.Горстер ва А.Кримскийлар араб тилидан таржима қилиб, мақолада Сальханий фикрларига ўз муносабатларини билдирадилар. Сальханий фикрига кўра, китобдаги кўп эртаклар араб халқига мансуб бўлиб, фақатгина қолип-рамка форслардан олинганлигини алоҳида таъкидлайди. Маълумки, “Минг бир кеча”нинг бир неча нусхаси мавжуд, бу нусхалар ҳикоятлар тартибига ва кечаларга тақсимланишига кўра бир –биридан фарқланади.

Араб олими Сальханий ҳам, Фильштинский ҳам бу китобнинг икки варианти мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Биринчи вариант VIII асрларда форсларнинг “Ҳэзор афсонэ” китобининг арабчага ўгирилган таржимаси ҳисобланади. X асрда яшаган араб тарихчиси ва географи ал-Масъудий ўзининг “Олтин ўтлоқлар”асарида форсларда “Ҳэзор афсонэ” китобининг мавжудлиги ҳақида маълумот бериб, бу тўпламда подшо, вазир ва унинг қизи Шаҳризода, жория Дунёзода образлари мавжуд бўлганлигини ёзиб қолдирган. Шунингдек, араб библиографи Абу Ёқуб ал-Варрак тахаллусли Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ҳам 987-йилларда тузган тўпламидаги маълумотларга кўра, дастлаб бу эртакларни форслар яратганлиги, аштархоний подшолар бу иш билан жиддий шуғулланганлигини, Сосонийлар даврида бу нарса янада кенгайганлигини, шу асосда пайдо бўлган “Ҳэзор афсонэ”ни араблар таржима қилиб олганлиги ҳақида маълумотларни беради. “Ҳэзор афсонэ”да форслар шоҳи Шаҳриёр ва малика Шаҳризода тимсоллари бўлганлиги, бераҳм шоҳ ҳар кун бир қизга уйланиб, эрта тонгда қатл этиши , фақатгина Шаҳризода минг кеча эртак айтиб, бу офатдан барча аёлларни қутқариб қолганлигини, Дунёзода номли уй бошқарувчиси ҳам Шаҳризодага кўмаклашганлиги ҳақида гапирилади. Ан-Надим маълумотига кўра, “Ҳэзор афсонэ” VII асрда яшаган форс шоҳи Ардашернинг қизи Хумойга бағишланган. Шунингдек, Надим “Фахрнома”китобининг 8-бўлимида бу “Ҳэзор афсонэ“ тўпламини бир неча марта кўрганлигини, унда 200 дан камроқ ҳикоялар жамланганлигини ёзиб қолдирган. Сальханий таъкидлаши-

ча, Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ўз “Фахрнома”сида шундай маълумотларни ёзиб қолдирган. “Тарихий ҳақиқат шундаки, Искандар Зулқарнайн – Александр Македонский узун кечаларни суҳбатлашиб ўтказган, унинг ўз қизиқчилари ва алоҳида тайинланган ҳикоя айтувчилари бўлган. Александр Македонский бу ҳикоятларни фақат кўнгилхушлик учун эшитмасдан, балки ўз-ўзини ҳимоя қилиш-ҳаётдан ибрат олиш мақсадида тинглаган. Бу одатни форс подшолари ҳам давом эттирганлар ва “Ҳэзор афсонэ” китоби яратилган”. Демак подшоларга эртак сўзлаб бериш мотиви Александр Македонский даврларидан бошлаб адабиётга кириб келган.

X асрда яшаган Абдулқосим Фирдавсий ҳам Сосонийлар ҳукмронлиги даврида (III-VII асрлар) Эрон қаҳрамонлик эпосини бир китобга йиғиш анъанаси вужудга келганлигини ёзиб қолдирган. Бу даврда “шу сулола подшоларининг амри билан шоҳлар ҳақида расмий маълумотлар, тарихий ҳужжат ва ривоятлар тўпланиб, хўжайинлар(яъни шоҳлар) ҳақида китоб маъносида “худойнома” номи билан паҳлавий тилида китобат қилина бошланди. Бу китоблар кейинчалик араб тилига ҳам таржима этилган эди. Аммо бу китобларнинг на аслидан ва на тўққиз марта амалга оширилган таржималаридан бирортаси бизгача етиб келмаган”[3]. Бу ҳақда Абулқосим Фирдавсийнинг ўзи “Араб ва паҳлавий тилларида жуда кўп асарлар ўқидим, жуда кўп меҳнат чекдим”, деб ёзиб қолдирган. “Худойнома” ҳам “Ҳэзор афсонэ” ҳам паҳлавий тилида ёзилган. Аммо бу китоблар бизгача етиб келмаган. Ўша даврни эътиборга олсак ва шоир сўзларига асослансак, Фирдавсий балки “Ҳэзор афсонэ”ни ҳам ўқиб чиққан, “Минг бир кеча”нинг дастлабки нусхаларидан фойдаланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. “Минг бир кеча”нинг дастлаб пайдо бўлган бу варианти – асл оригинал бутунлай йўқолиб кетган. Фақатгина унча катта бўлмаган қисмлар мавжуд бўлиб, бу қисмлар 1949-йилда америкалик арабшунос олима Наби Аббот томонидан “Алф лайла” номи билан нашр этилган. Биз бу маълумотларни 1996-йилнинг декабрь ойида “Ариэль” журналида босилган Виктор Бохманнинг “Яҳудийлар ва “Минг бир кеча” мақоласидан олдик.[4] Иккинчи вариант Муҳаммад ибн Надим маълумотига кўра, X асрда яшаган бағдодлик олим Жахшиёр томонидан тузилган. Сальханий ёзишича, “Вазирлар” китобининг муаллифи бўлган Жахшиёр ўша даврда яшаган барча машҳур ровийларни тўплаб,улардан энг асл араб, ҳинд, юнон ва форс афсоналарини саралаб териб, ёзиб олган. Мингта ҳикоятга етказмоқчи бўлган, аммо 942-йилда вафот этганлиги сабабли, тўрт юз кечага биттадан ҳикоят тузган, ҳар бир кеча эллик варақ ҳажмида бўлган. И. Фильштинский ҳам бу маълумотларни тўла тасдиқлайди ва Жахшиёр тўрт юзта эмас, балки тўрт юз саксон эртак тўплай олган дейди.[5] Дастлаб Жахшиёр араб, форс, юнон ва ҳинд эртаклари

[3] Фирдавсий. Шоҳнома. 1-китоб. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1975.12-бет.
[4] В.Бохман. Евреи и “Тысяча и одна ночь”. Журнал “Ариэль”, Декабрь 1996.
[5] “Тысяча и одна ночь». Ашгабад: Издадельство Туран-1., 1992. Вступительная статья И.М.Фильштинского. стр. 8.

асосида ҳар бири алоҳида бўлган ҳикоятлар тузмоқчи бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Шунингдек, Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим 987-йилда тузган тўпламида Жахшиёр тузган бу китобнинг кўп қисмларини ўз кўзи билан кўрганлигини, бу ҳикоятлар тўплами Абу Таййиб томонидан кўчирилганлигини, бу асарда форс эртакларидан фақат шакл қолганлигини ёзиб қолдиради. И.М.Фильштинский бу ҳақда "Арабская классическая литература" китобида жуда қимматли маълумотларни ёзиб қолдиради[6].

Европа олимлари "Минг бир кеча" ҳикоятлари билан юнон эртакларининг ўхшашликларини текширганлар. "Минг бир кеча"даги учар от –юнон шеъриятидаги қанотли Пегас, кўринмас қалпоқ- Гигес узуги, қора баҳайбат маҳлуқ- Полифемга ўхшатилган. Сальханий буларни мисол тариқасида келтирса ҳам, бу ўхшатишлар нисбий ҳисобланади. Чунки Пегас тирик от бўлиб, учар от икки қулоғи ёрдамида бошқариладиган ёғоч отдир, юқоридаги мисоллар ҳам айнан ўхшаш эмаслигини Г.Горстер ва А.Крымскийлар ҳам таъкидлаб ўтадилар.

И.Фильштинский "Минг бир кеча"даги эртакларни уч гуруҳга бўлади.

1.Дастлаб яратилган ҳинд-эрон эртаклари.

2.X-XI асрларда яратилган Бағдод эртаклари.

3.XIII-XIV асрларда пайдо бўлган Миср эртаклари.

Жахшиёр тўплаган иккинчи вариантга кўплаб Миср эртаклари киритилади. XII асргача бу китоб "Бир минг эртак", деб номланган бўлса, бу асрларда тўпламга янгидан-янги эртаклар киритила бошланди ва асар номи ўзгартирилди. Немис олими Энно Литтман фикрига кўра, жуда кўп маъносини англатувчи туркий ибора "бин бир"(минг бир) таъсирида бу китоб "Минг бир кеча" деб номланган . Кейинчалик эса бу сўз ўз маъносида қўлланилиши натижасида ўша давр котиблари томонидан бу тўпламга минг битта эртак жамлана бошланган. Фильштинский "Араб классик адабиёти" китобида қадимги форсча "Ҳэзор афсонэ" номининг IX асрда араблар томонидан "Минг кеча", деб ўзгартирилганини, ўша даврда бу тўпламга бир нечта ҳикоятлар жамланганлигини ёзади ва минг бир сўзи туркий ибора асосида пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрларга қўшилади. Ан-Надим бу асарга ҳатто "ахлоқсиз ва бемаъни" деган таърифлар ҳам беради.

Ўзбек олимларидан Ш.Шомуҳамедов "Минг бир кеча"нинг сўзбошисида шундай деб ёзган эди: " Унинг қачон ва қаерда аввалроқ пайдо бўлганлиги ҳақида ҳали ҳам аниқ бир фикр айтиш қийин. Ундан илгарироқ форсларда "Ҳэзор афсонэ" ("Бир минг эртак") китоби бўлганлиги, унда кўпроқ эрон шоҳлари сосонийлар даврида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида сўз юритилганлиги ва бу китобнинг IX асрда араб тилига таржима этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Паҳлавий тилидаги "Бир минг эртак" китоби ҳинд афсоналаридан олинган, деган тахминий фикрлар ҳам йўқ эмас". Адабиётшунос олим Н.Комилов ҳам ишонч билан бу асарни "Асли ҳинд заминида

[6] И.М.Фильштинский. Арабская классическая литература. Москва. 1965. стр. 268-295.

пайдо бўлиб, кейин форс ва араб тилларига таржима этилган”[7], деган фикрни маъқуллайди. Олим “Минг бир кеча”даги уч юздан ортиқ эртак ва қиссаларни жамлаб, уни шу ҳолга келтиришда бир неча истеъдодли адиблар жамоати ижод этганлиги шубҳасиз эканлигини алоҳида таъкидлайди.

1820-1830-йилларда бу китобнинг уч нусхаси борлиги аниқланди: Калькутта, Коҳира ва Бреславл нусхалари. Ҳинд ва Миср нусхалари қарийб ўхшаш бўлиб, фақат уларда “Аловиддин ва сеҳрли шамчироқ”, ”Алибобо ва қирқ қароқчи”, ”Халифа Абул Ҳасан”каби эртаклар берилмаган. Немис олими Хабихт Бреславл нусхасини топади. Тўпламнинг қўлёзмаларини ўрганишга бўлган қизиқиш 1880-йилларнинг охирида кучаяди. Париж Миллий кутубхонасининг ходими, шарқшунос Зотанбер томонидан шу кутубхонада сақланаётган “Кечалар” нинг нусхалари ўрганила бошланди. Унинг аниқлашича, Миср нусхаси нисбатан кейин яратилган бўлиб, бошқа нусхаларга қараганда мукаммалроқ ҳисобланади[8].

“Минг бир кеча”нинг 1959-йилда ўзбек тилида нашр этилган 1-томида таржимон Солиҳ Муталлибов “Минг бир кеча”эртакларининг қаерда ва қачон ёзилгани ноаниқдир.Энг ишончли ва пухта манба “Кашфуз-зунун” муаллифи котиб Чалабий фақат “Алф лайло ва лайло” деган исмни кўрсатиш билангина чекланган”[9], деган маълумотни беради. Маълумки, котиб Чалабий 1609-1657-йилларда яшаган турк тарихчиси ва географи бўлиб, унинг “Кашф уз-зунун” номли библиографик асари мавжуд. Лекин бу асарда ҳам “Минг бир кеча” ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шунингдек, олимлар ўртасида бу асарнинг дастлаб қайси тилда ёзилганлиги тўғрисида ҳам турли фикрлар юзага келган. Баъзи бир гуруҳ олимлар асардаги бош қаҳрамонлар –Шаҳриёр ва Шаҳризод исмлари форсча эканлигини, у форсча “Ҳэзор афсонэ” асарининг араб тилига қилинган таржима асосида юзага келган, дастлаб форсча ёзилган, деб даъво қилсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар кўпчилик воқеалар араб халифаси Хорун ар –Рашид ҳақида эканлигини назарда тутиб ва бошқа ишончли далиллар келтириб, асли араб тилида ёзилган, деган фикрни маъқуллайдилар. Агар тарихий далилларга асосланадиган бўлсак, “Минг бир кеча”нинг дастлабки вариантини аниқлаш мураккаб жараёнга ўхшайди. Лекин далиллар бу китобнинг асли араб тилида ёзилганлигини исботлайди. Чунки арабшунос олима Наби Аббот “Минг бир кеча” нинг дастлабки варианти араб тилида ёзилганлигини тўла тасдиқлайди ва “Ҳазор афсона”дан қилинган илк арабча таржималарни “Алф лайла” сарлавҳаси остида 1949-йилда нашр эттиради. Тўғри, асарнинг дастлабки ёзма нусхалари арабча яратилган бўлса ҳам, аммо бу китобнинг илк пайдо бўлиш жараёнини назарда тутадиган бўлсак “Минг бир кеча”дай маҳобатли ёдгорлик бир халқ ёки бир кишининг эмас, балки

[7] Н.Комилов. Тафаккур карвонлари. Тошкент. Маънавият. 1999. 131-бет.

[8] «Халиф на час”. Новые сказки из книги “Тысячи и одной ночи”. М.: Восточная литература, 1961. С.7.

[9] Минг бир кеча. 1-том.,Тошкент. 1959. 10-бет.

турли Шарқ халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам адабий мероси ҳисобланади. Чунки Ж.Шарипов таъкидлаганидек, “Минг бир кеча” ҳали таржима этилмай туриб, халқ оғзаки ижодидан кенг ўрин олган эди, ровийлар томонидан айтилиб юрар эди. Н.Комилов ҳам “Минг бир кеча” ҳикоятлари халифалик қўл остидаги Қурдоба орқали оғиздан –оғизга ўтганлигини таъкидлайди. “Минг бир кеча”нинг таржимони М.Салье ҳам бу китобнинг ижодкори халқ эканлигини таъкидлайди.[1] Дунё олимларининг илмий фикрларига таянадиган бўлсак, “Минг бир кеча” дастлаб ҳинд эртаклари асосида форсларда пайдо бўлган, истеъдодли араб шоирлари ва ёзувчилари томонидан ишлов берилиб, сайқалланиб, араб халқининг нодир ёдгорлигига айланган. Дарҳақиқат, араблар сўз сеҳрига катта эътибор берганлар. Тарихий маълумотларга кўра, турли қабилалардаги ҳар бир оддий араб ҳам ўз юрти мадҳида жозибали сатрлар бита олган. Бу халқнинг сўз устаси эканлигини инобатга оладиган бўлсак, “Минг бир кеча”нинг ҳозирги нусхаси шубҳасиз, араб халқининг қимматли ёдгорлиги саналади. Чунки бу китобда ислом дини улуғланган, Муҳаммад пайғамбарга ҳамду санолар битилган, халифа Хорун ар – Рашид ва Хотам Той, Исҳоқ Мосул, Зайд ўғли Ман каби асли араб бўлган тарихий шахслар тимсоли берилган, Дамашқ, Қоҳира ва Бағдод шаҳарларидаги ҳаёт акс эттирилган, энг муҳими сўз сеҳргари бўлган араблар томонидан қайта ва қайта ишлов берилиб, бугунги мукаммал ва ягона асарга айланган. Гофман таърифи билан айтганда, “мангу навқирон” бу асар дунё маданиятининг ноёб дурдонаси ва қимматбаҳо гавҳарларидан биридир.

МУҲИБОВА УЛФАТХОН
филология фанлари доктори, ТошДШИ

Қадимги ҳинд эпосларининг кейинги давр ёзма адабиёти ривожига таъсири

Аннотация. *Ушбу мақола қадимги ҳинд фольклор мероси намуналари, хусусанг. Махабхарата ва Рамаяна эпосларининг кейинги давр миллий адабиётлари ривожига таъсири масаласига бағишланганди.*

Ушбу масала шуниси билан қизиқарлики, ушбу икки эпос илк ўрта асрларда шакллана бошлаган янги ҳинд тилларидаги ёзма адабиёт ривожига асос бўлиб хизмат қилган.

Мақолада эпосларнинг ёзма адабиётга таъсири адабиётнинг ривожланиш босқичлари кесимида ўрганилган. Ёзма адабиётга илк таъсир қадимги ҳинд драматургиясида кузатилади. Бу масала Махабхарата эпоси таъсирида ижод қилган таниқли драматурглар Бхаса ва Калидасаларнинг асарлари мисолида тадқиқ этилган. Эпосларнинг кейинги таъсир доираси эртак жанрида кузатилади. Маълумки, эртак жанри

[1] «Тысяча и одна ночь”. Избранные сказки. Москва. 1929. Предисловие М. Салье . стр. 6

ўзининг фантастик дунёқараши, ҳайвонларнинг тилга кириши, уларнинг инсонлар тилида сўзлашиши, улар билан мулоқотда бўлиши, найзаларнинг самоларда учиши каби унсурларнинг илк бор Рамаяна эпоси мазмунида шаклланганлиги ҳақида сўз юритилади. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳинд адабиётшунослари ҳам эртак жанрининг элементлари Рамаяна эпоси таркибида шаклланган, деган фикрларни баён этганлар.

Ўрта аср давридаги бҳакти адабий мероси эса деярли қадимий икки эпоснинг халқ тилларида яратилган янги нусхаси, дейиш мумкин. Шунингдек, эпосдаги турли мотивларни, персонажларни, сюжет линияларини замонавий ҳинд адабиёти саҳифаларида ҳам кўп учратамиз. Бундан ташқари, санскрит тилидаги эпослар таъсирида деярли ҳар бир ҳинд миллий адабиётларида ўз миллий қаҳрамонлари киритилган эпослар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, қадимги Ҳиндистоннинг икки эпоси «Махабхарата» ва «Рамаяна»лар янги ҳинд тилларидаги ёзма адабиётнинг шаклланишига жуда катта асос бўлиб хизмат қилган.

Таянч сўз ва иборалар: *дутагхатоткач, карабҳара, вишну, урубханга, маъбуд, гхатоткач, абхишекантака, панчаратра, Гёте, Гупта, олтин давр, кутб – минор, ажанта – эллора, шива, ривоят, калиман, шакунтала, ритусамҳара, мегхадута, викрамурваши, рагхуванша, душянта, брахма, шакунтала*

Аннотация. *Данная статья посвящается влиянию памятников древнеиндийского фольклора, а именно эпосов «Махабхарата» и «Рамаяна» на дальнейшее развитие литератур народов Индии.*

Данный вопрос интересен тем, что вышеназванные два эпоса во многом послужили основой всей последующей письменной литературы на новоиндийских языках, становление которых начинается в раннем средневековье.

В статье раскрывается влияние эпосов на письменную литературу в хронологическом порядке. Первое влияние на письменную литературу можно увидеть в становлении древнеиндийской драматургии, на примере произведений известных драматургов древней Индии Бхасы и Калидасы, где многие сюжеты драм были заимствованы из «Махабхараты». Следующее влияние эпосов можно выявить на становлении жанра сказок. Как известно, жанр сказки отличается фантастическими элементами, где животные говорят на человеческом языке, общаются с людьми, стрелы летят на небеса и т.п. Именно такие элементы впервые можно увидеть в эпосе «Рамаяна». Исходя из этого, индийские литературоведы считают, что элементы сказок впервые прослеживаются в древнеиндийских эпосах.

Также различные мотивы эпоса можно увидеть и в современной литературе, где постоянно присутствуют или персонажи, или сюжетные линии, присущие этим эпосам. Кроме того, под влиянием санскритских эпосов почти в каждой национальной литературе были созданы свои эпосы, где героями являются национальные персонажи каждого народа.

Одним словом, два эпических произведения древней Индии «Махабхарата» и «Рамаяна» имеют очень большое влияние на становление письменной литературы во многих национальных литературах Индии.

Опорные слова и выражения: *дутагхатоткач, карабҳара, вишну, урубханга, богиня, гхатоткач, абхишекантака, панчаратра, Гёте, Гупта, золотой век, кутб – минар, ажанта – эллора, шива, легенда, калиман, шакунтала, ритусамҳара, мегхадута, викрамурваши, рагхуванша, душянта, брахма*

Abstract. *This article is devoted to the influence of monuments of ancient Indian folklore, namely the epics "Mahabharata" and "Ramayana" on the further development of the literature of the peoples of India.*

This question is interesting because the above two epics largely became the basis of all subsequent written literature in the new Indian languages, the formation of which begins in the early Middle Ages.

The article reveals the influence of epics on written literature in chronological order. The first influence on written literature can be seen in the formation of ancient Indian drama, on the example of works of Bhasa and Kalidasa, the famous playwrights of ancient India, where many of the plots of their dramas were taken from the Mahabharata. Next influence of the epics can be traced on the development of the genre of fairy tales. As you know, the genre of fairy tales has fantastic elements, where animals speak human language, communicate with people, arrows fly in the sky and others. Such elements are first seen in the epic Ramayana. Based on this, Indian literary critics believe that the elements of fairy tales first appeared in the ancient Indian epics.

Various motives of the epos can be seen in modern literature, presented by characters or plots. In addition, under the influence of Sanskrit epics, almost every national literature has created its own epics, where the heroes are considered to be the national heroes of every nation.

In a word, two epic works of ancient India the Mahabharata and Ramayana have a very great influence in the formation of written literature in many national literatures of India.

Keywords and expressions: *Dutaghatotkach, Karabara, Vishnu, Urubhanga, Goddess, Ghatotkach, Abhishekantaka, Pancaratra, Goethe, Gupta, Golden Age, Qutb - Minar, Azhanta - Ellora, Shiva, Legend, Kaliman, Shakuntala, Ritusamxara, Meghurshta, Rigusvuta, Rigusvuta, Rigusvuta, Rigusvuta, Rigusvuta, Rigusvuta, Rigusvuta, Meghurutha, Bhutan.*

Кириш. Ҳар бир миллатнинг фольклор мероси миллий адабиётнинг кейинги давр ривожига маълум даражада таъсир кўрсатади. Шу маънода Қадимги ҳинд фольклор адабий мероси Ҳиндистон халқлари адабиётининг кейинги давр ривожига жуда катта таъсир кўрсатган. Маълумки, ҳинд фольклор мероси санскрит тилида яратилган, лекин унинг таъсири ўрта асрларда шакллана бошлаган деярли барча миллий адабиётлар мазмунига турли тарзда кириб борган. Шу боис бугунги кунда Ҳиндистондаги йигирма икки тилдаги миллий адабиётда ўша қадимий санскрит тилидаги фольклор мероснинг маълум даражадаги таъсирини кузатишимиз мумкин. Қадимги ҳинд фольклор мероси эпос, эртак ва масаллардан иборатлигини ниобатга олган ҳолда ушбу мақолада эпосларнинг таъсири масаласи ҳақида сўз юритилади.

Қадимги Ҳиндистон субконтинентида яшаган халқлар тарихи, уларнинг хаёт тарзи. дини, фалсафий қарашлари, адабиёти, маънавий олами кабилар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи "Рамаяна" ва "Маҳабхарата" эпослари ҳинд жамиятида икки муҳим вазифани бажарган, бири ҳинд жамиятига ҳиндуизм динини олиб кириш вазифаси бўлса, иккинчиси, халқ оғзаки ижоди намунаси вазифаларини ўтаган. Шу боис ушбу эпослар ҳақида халқ орасида шундай таъриф шаклланган: *"халқ учун баён этилган ҳиндуизм"* ёки *"ҳиндуизмнинг халқ учун яратилган китоби"*.

Ушбу эпосларнинг кейинги давр адабиётига таъсири масаласини адабиёт ривожининг тараққиёт босқичларини ўрганиш асосида кузатиб бориш мумкин.

Мақсад ва вазифалар: Ушбу мақолада ҳинд фольклор мероси ҳисобланган икки йирик эпослар – “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларининг кейинги давр ҳинд ёзма адабиёти ривожига таъсирини адабиёт ривожининг тараққиёт босқичлари кесимида, яъни драматургия ривожида, эртак ва масаллар ривожида, ўрта аср адабий мероси ривожида эпосларнинг таъсири эпослар сюжетидан, мотивларидан, образлар тизимидан фойдаланиш орқали ёзма адабиёт ривожланганлиги масаласи очиб берилади.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тизимлаштириш тамойиллари, қиёсий-типологик ва тирихий-қиёсий таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза: Ҳар бир миллатнинг ёзма адабиёти маълум даражада фольклор меросга суянган ҳолда шаклланади ва ривожланади. Шу маънода ҳинд адабиёти ҳам Ҳиндистон халқлари қадимий фольклор мероси бўлган “Рамаяна” ва “Маҳабхарата” эпосларига суянган ҳолда ривожланганлиги ва уларнинг ёзма адабиётга бўлган таъсири ўрта асрлар давригача бўлган адабиёт кесимида очиб берилади.

Эпослар ва қадимги ҳинд драматургияси. Адабиёт тарихи ривожига кўра эпослардан кейин қадимги ҳинд драматургияси шаклланиб, ўзининг ривожланиш босқичига етган. Бу давр мелодий III-V асрларни ўз ичига олади. Шу даврларда яшаб ижод этган ва драматургияга асос солиб, уни ривожлантирган уч адибни номини тилга олиш мумкин. Улар Бхаса (III аср), Шудрака (III-IV асрлар) ва Калидаса (V аср).

Қадимги ҳинд драматургияси ҳақида шуни айтиш мумкинки, унинг ривожи тўлиқ равишда эпослар билан боғлиқ. Жумладан, биринчи ҳинд драматурги Бхасанинг бизгача жами ўн учта пьесаси етиб келган. Ушбу пьесалардан деярли барчасининг сюжети “Махабхарата” эпосидан олинган. Масалан, «Мадхьяма вьйога» («вйога»- санскрит тилида ўртанча ўғил дегани) «Дутагхатоткач» («Элчи Гхатоткач»), «Дутавакья» («Элчилик»), «Карабҳара» («Карнабхранинг тақдири»), «Урубханга» («Синган сон»), «Панчаратра» («Беш кеча») асарлари «Маҳабҳарата» асосида яратилган. «Пратиманатака» («Натака хайкали ҳақида») ва «Абхишекантака» («Натака суркаш ҳақида») асарлари қадимий ҳинд эпоси «Рамаяна» асосида яратилган. «Рамаяна»нинг Кришна ҳақидаги бир бўлими асосида «Балачарита» («Кришнанинг болалиги») асари яратилган. Удаяна шоҳи ҳақидаги номаълум икки афсона асосида «Пратиджняугандҳараяна» («Яугандҳараянанинг қасамёди») ва «Свапнавасавадатта» («Хаёлий Васавадатта») асарлари яратилган. Пьесаларнинг барчаси Вишну маъбудига бағишлангандир. Матнда барча илохларнинг номлари қайд этилган. Бхаса ўзининг «Мадхьямавьйога» драмасида «Махабҳарата»даги ота бола Бхим ва Гхатоткачлар ўртасидаги учрашувни асос қилиб олган. Шу орқали у ота ва фарзанд ўртасидаги азалий

можароларни, яъни бир-бирини аввалига танимай икки душман сифатида курашаётган, лекин қандайдир сабабга кўра ота - бола эканлигини билиб қолиб курашни тўхтатиб икки душман томонларни ҳам бир-бири билан дўстлаштириб юбориш мавзусини кўтариб чиққан. Бхасанинг яна бир драмаси «Дутагхатоткач» драмасида эса асар «Маҳабҳарата» эпоси воқеалари билан бошланиб сўнг ундан ажралиб чиқади. «Мадхьямавьяйога» каби асарнинг бош қаҳрамони Гхатоткачдир. Бу асарда Гхатоткачнинг шоҳ Дхритараштранинг олдига элчи бўлиб боргани тасвирланган. Бхасанинг яна бир драмаси «Дутавакья»дир. Бу асарнинг ҳам мавзуси элчиликдир, лекин бу асардаги элчи Кришнадир. Бунга кўра Кришна буюк жанг бошланишидан аввал кауравларнинг олдига улар сулҳ тузишни таклиф қилиб боради. Лекин унинг таклифига рад жавобини берадилар. Бхасанинг яъна бир драмаси бу «Панчаратра»дир. Бу асар ҳам «Маҳабҳарата» эпоси асосида яратилгандир. Бу асарда пандавларнинг ёзилган ўн уч йиллик саргардонлик даври баъзи бир ўзгартиришлар киритилган холда яратилган. Бхасанинг «Урубханга» ва «Карнабҳара» асарларида эса Карн ва Дурьйодхон образлари етакчи ўрини эгаллайди. «Карнабҳара»да Карннинг Аржун билан бўлиб ўтган сўнгги жанги тасвирланган. Биргина шу асардаги воқеалар «Маҳабҳарата»даги воқеалар билан мос келган. «Урубханга»да эса Дурьйодхоннинг ўлими тасвирланган яъни, унинг сўнгги Бхим билан жанги. «Урубханга»да Бхаса «Натьяшастра»да белгиланган қоидалари бўзади, яъни у Дурьйодхоннинг ўлимини тасвирлайди. Бхасанинг «Балачарита» пьесаси Кришна маъбуди ҳақида бўлиб, ушбу асар диний-дидактик аҳамиятга эгадир. Асар афсонавий ҳарактерга эгадир. Бхасанинг бошқа икки асари «Абхишеканатака» ва «Протимнатака» пьесалари иккинчи буюк ҳинд эпоси «Рамаяна» асосида яратилган. Ушбу асарнинг бош қаҳрамони Рамдир. Лекин бу асарлар «Рамаяна» эпосидан унчалик фарқ қилмаган. Биргина фарқи шундаки «Рамаяна»да Рам океан сохилига келиб қўшинлари ёрдамида океан устига кўприк қурдиради. «Абхишеканатака»да эса Рам океан сохилига келиб, унга йўл беришни талаб қилади.

«Пратиманатака»да эса «Рамаяна»даги бир қанча муҳим воқеалар ёритилмаган. Масалан, Рам ва Раван ўртасидаги жанг, Вибхишаннинг Ланка тахтига ўтириши ва яна бир қанча воқеалар ёритилмаган. «Пратиманатака»-да, «Рамаяна»да мавжуд бўлмаган бир воқеа келтирилган бўлиб, бу ҳам бўлса Бҳаратанинг ибодатхонадаги авлиё билан бўлиб ўтган суҳбатидир.

Драматургияни ривожланиш чўққисига олиб чиққан таниқли драматург Калидасадир.

Калидасанинг ғарбда танилиб, унинг ижодига қизқиш бошланишига 18 аср иккинчи ярмида Ост-Индия компанияси вакили Вильям Джонснинг Калидаса қаламига мансуб «Шакунтала» номли пьесасини инглиз тилига таржима қилиб нашр эттириши сабаб бўлган. Ушбу инглиз тилидаги асарни немис сайёҳи ва олими Георг Форстер немис тилига ўгиради ва у билан танишиб чиқиши учун пьсани Гётега тақдим этади. Гёте бу асарга жуда

юқори баҳо беради. Шу асосда Калидасанинг Махабхарата эпосидан олинган сюжет асосида яратган “Шакунтала” пьесаси ғарб китобхонларига танилади ва шу асосда Европада Калидаса ижодига қизиқиш бошланади.

Бироз вақт ўтгач ушбу асарни рус ёзувчиси Н.М.Карамзин «Шакунтала» асарининг қисмларини рус тилига ўгириб нашр эттиради ва унга каттагина кириш сўзи ёзади. У шундай деб ёзган эди: «Ижодий руҳ фақат Европани эмас балки бутун дунёни кэзади. У бутун жаҳон гражданидир. Инсон ҳамма ерда ҳам инсондир. Унинг юраги ҳамма ерда ҳам бир хилда ҳис этади. Ўз юрак кўзгусига бутун еру - осмонни сиғдира олади. Асарнинг деярли ҳар бир саҳифасида шеъриятнинг гўзал тимсолини, юракнинг нозик ҳис қилиш қудратини, май ойининг майин шамолидек ёқимли туйғусини ҳис қилдим. Гомернинг асари Қадимий Грецияни қандай тасвирласа Калидаса асари ҳам қадимий Ҳиндистоннинг шунчалик гўзал тасвири дейиш мумкин. Унда қадимги ҳинд халқининг урф-одатларини, характерини аниқ кўриш мумкин».

«Шакунтала» асари шу йўсинда жаҳон халқлари адабиётига кириб борди ва уларда қадимий Ҳиндистон драматургияси, хусусан, Калидаса ижодига бўлган қизиқишни кучайтирди. Калидасанинг ушбу асари Европаликларда шаклланган Ҳиндистон ва ҳинд халқи фақат босиб олиш ва талон-тарож қилишгагина яроқли деган тушунчани чиппакка чиқарди ва бу юртда жуда катта маданият, санъат ва илм-фан ўчоғи борлгини тушуниб етишига сабаб бўлган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Европаликлар қадимги Ҳиндистонда ўзининг ҳеч бир хусусияти билан қадимги грек адабиётидан қолишмайдиган бой адабий мерос борлигига ишонч ҳосил қилганлар.

Калидасанинг яшаган даврини унинг асарларидаги воқеалар ва тилининг услубидан аниқлашга ҳаракат қилинган. Унга кўра Калидаса Гупталар империяси даврида яшаб ўтган деб таҳмин қилинади. Гупталар империяси эса маълумки шимолий Ҳиндистонда мелоднинг IV-V асрларида ҳукмронлик қилган. Европалик мутахассислар ҳам Калидасанининг яшаган даври масаласида ҳинд мутахассислари фикрига қўшиладилар. Ушбу фикрни Калидаса ижоди билан яқиндан танишган ҳинд адабиётшунос олим Бхагаватшаран Упадхяй ҳам илмий жиҳатдан тасдиқлаб берган.

Гупталар империяси даври Ҳиндистонда «Олтин давр» номини олган. Гупталар империяси ҳукмронлик қилган даврда Ҳиндистонда ҳар бир соха ўзининг ривожланиш чўққисига етган. Чунки, Гупталар илм-фан, архитектура ва маданиятнинг ривожланишига барча шарт-шароитларни яратиб берган. Бу даврда асосан математика, астрономия, тиббиёт (медицина) фанлари, грамматика бўйича қонун-қоидалар китоби, санъат ва адабиёт ҳамда архитектура ривожланган. Буюк грамматист Патанжали, алгебра асосчиси Арьябхатта, астроном Брахмагупталар айнан шу даврда яшаб ижод этганлар. Ҳозирги Ҳиндистоннинг кўпгина архитектура ёдгорликлари айнан гупталар даврида бунёдга келган ва бугунги кунда ҳинд маданияти ва архитектурасининг ўлмас ёдгорликлари ва Ҳиндистоннинг архитектура бойлиги бўлиб

хизмат қилиб келмоқда. Улардан Деҳлидаги Кутб - Минор ва ундаги зангламас темир устун, Ажанта - Эллорадаги тошдан ясалган хайкаллар ҳам ўша Гупталар империяси даврида бунёдга келган. Калидаса ижоди ҳам айнан мана шу даврга тўғри келиб, бу даврда ҳинд драматургияси ҳам ўзининг тараққиёт чўққисига эришган давридир.

Калидаса ижодида ҳинд адабиётида биринчи бор гуманистик ғоялар шаклланди. Диний дунёқараш ҳукм сурган, кастачилик тизими кучли бўлган бир даврда ҳинд жамиятида гуманистик ғояларнинг адабиётга кириб келиши ўз навбатида адабиётнинг ва умуман ҳинд жамияти онгининг тараққиётидан дарак беради. Ҳинд халқи яратувчи маъбуд Брахмага сиғинадими, сақловчи Вишнуга сиғинадими ёки яксон этгувчи Шивага сиғинадими, лекин «карма» деган тушунчадан халос бўла олмас эди. Унга кўра инсон ўз қилмишига яраша ҳар бир тўғилганида маълум бир жазони ёки бахтли-саодатли ҳаётни бошидан кечириши керак. Бу даврда Буддизм ҳам ҳинд жамиятида катта аҳамият касб этувчи дин эди. У ҳам инсониятни қайта туғилиш занжирига боғлаб қўйган бўлса-да, лекин ундан озод бўлиш мумкинлигини ҳам яратиб берган. Шундай қолоқ ғоялар ҳукм сурган бир даврда гуманистик, яъни инсонпарвар ғояларни ўз асарларида кўтариб чиқиш ёзувчи учун маълум даражада қаҳрамонлик деб ҳисоблаш хато бўлмайди. Калидаса айнан мана шундай ғояларни ўз асарларида илгари сурган.

Калидаса ўз даврининг илғор ва илмли шахсларидан бўлганлиги унинг асарларидан маълум. У ҳақда аниқ маълумот бўлмаса-да унинг халқ орасида оммабоп ва севимли бўлганлиги турли ривоятлардан маълум. Ривоятларда Калидаса ҳақида турли яхши фикрлар, ижобий таърифлар берилган. Калидаса ўта ақлли, илмли, кенг дунёқарашли, ватанпарвар шахс бўлган. У ўз халқининг тарихи тили, урф-одатлари, миллий анъаналари ва географик худударини жуда яхши билгани унинг асарлари мазмунида яққол кўзга ташланади.

Ривоятларга кўра Калидаса унинг тахаллуси бўлган. Бунга асос бўлувчи бир ривоят ҳам мавжуд. Ривоятда айтилишича, Калидаса ёшлигида ўта ахмоқ ва саводсиз бола бўлган. Шу боис у ўз ён-атрофдагилардан ҳам кўпинча танбех эшитиб, дакки еб юрган. Кунлардан бир кун у «Кали ман» - «Қора она» (яъни, Парвати маъбудасининг бир эпитети) ибодатхонасида ухлаб қолади ва кечаси Кали ман маъбудаси келиб унинг миясига барча билимларни киритиб қўяди. Эрталаб турганида у ўзининг билимдонлигидан ҳайратда қолади ва бу воқеа қандай амалга ошганини дархол тушуниб етади ва энди мен ўз умримни «Кали ман» маъбудасига бағишлашим керак, унинг менга кўрсатган меҳрибончилиги учун мен ундан умрбод қарздорман деб ҳисоблаб ўзига «Калидас» деб ном қўяди («Қора она» қули, яъни «Кали»-қора, «дас» - «қул» деган маънода). Тарихда ҳам у шу ном билан қолган. Шу сабаб унинг асл исми ҳам номаълумлигича қолган.

Калидасанинг Ҳиндистоннинг қайси ерида тўғилиб ўсгани ҳам бутунлай номаълум. Чунки у асарларида бу ҳақда ҳеч нарса ёзмаган, лекин унинг

асарларини ўқиган китобхон Калидасанинг Ҳиндистоннинг ҳар бир бурчагини қанчалик яхши билганлигидан ҳайратда қолади. Айниқса Калидасанинг «Мегхадута» («Хабарчи бўлут») ва «Ритусамҳара» («Йил фасллари») номли асарларида у Ҳиндистоннинг ҳар бир ерини, қишлоқ ва шаҳарларини барча икир-чикирларигача шунчалик усталик билан тасвирлаб берадики китобхон беихтиёр Калидасани шу ерда тўғилиб ўсган деган фикрга келади. Унинг Ҳиндистоннинг турли худудларида яшовчи майда миллатлар ҳақида, уларнинг тили, урф-одатлари ҳақида ҳам хаттоки ҳар бир каста вакилларининг ҳам тилини ҳам жуда яхши ажрата олишига ва буларни ўз асарларида нақадар гўзал тасвирлаб берганлигига унинг асарларини ўқиган китобхонгина тушуниб етади.

Ҳинд драматургиясига кўп тиллиликни олиб кирган драматург ҳам Калидасадир. Чунки, унинг драмаларида ҳар бир қаҳрамон ўз тилида, яъни агар қаҳрамон маъбуд ёки брахман бўлса санскрит тилида сўзлаган, аксинча қаҳрамон оддий халқ вакили бўлса халқ тилида, яъни пракрит тилларида сўзлаган. Пракритлар ҳам бир хил бўлмаган. Масалан, савдогар ёки деҳқонлар, ҳарбийлар ёки ҳунармандлар ва бошқа турли касбдагилар ўз шеваларида сўзлаганлар. Шу йўсинда ҳинд драматургиясига кўп тиллилик кириб келган. Бу билан Калидаса ўз мамлакатининг ҳар бир вакилига, ундаги ҳар бир тилга ва тарихий анъанага нисбатан бўлган ўз ҳурматини изҳор этган. Унинг кўпчилик асарлари санскрит тилида яратилган бўлишига қарамасдан бошқа тиллар ҳам унинг асарида ўз ўрнини топган ва театр саҳналарида бу тиллар секин аста адабий жиҳатдан сайқалланиб борган.

Калидасанинг адабий мероси. Калидаса драмалар ёзиш билан бир қаторда актёрлик қобилиятига ҳам эга бўлган, чунки у барча драмаларини ўзи саҳналаштирган ва образларни юқори даражали, томошабинга таъсирчан қилиб яратиш сирларини ҳам барча актёрларга ўзи ўргатар экан.

Ҳинд мутахассислари бугунги кунда Калидаса қаламига мансуб асосан лиро-эпик пьесалардан жами етитасини номини тилга оладилар, улар:

1) Шакунтала – Шакунтала.
2) Ритусамҳара – Йил фасллари
3) Мегхадута – Хабарчи булут
4) Малявика Агнимитра – Малявика ва Агнимитра
5) Кумарасамбхава – Ўғилнинг туғилиши
6) Викрамурваши – Қаҳрамонлик билан қўлга киритилган Урваши
7) Рагхуванша - Рагху авлоди

Калидаса ўз ижодида барча ҳинд шоир ва ёзувчилари қатори қадимий ҳинд адабиётига таянган холда ижод қилган. Бунинг учун у аввал қадимий ҳинд фольклор меросини чуқур ўрганган ва улардан таъсирланиб ўзининг шоҳ асарларини яратган. Кўпгина ҳинд ёзувчилари қатори Калидаа ҳам «Маҳабҳарата» ва «Рамаяна» эпосларидан сюжет ва мавзу манбаи сифатида фойдаланган. Чунки, мана айни шу эпосларда ҳинд халқининг асл дунёқараши, уларни қайғуга

солган муаммолар, ҳинд халқининг маънавияти, қариндош-уруғчилик анъаналари, миллий қадриятлари, тахт ва ворислик масалалари, инсон ва жамия, шоҳ ва жамият ўртасидаги муносабатлар, олам ва унинг моҳияти, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш каби инсоннинг кундалик хаётида зарур бўлган муаммолар ўз ечимини топган. Шу сабаб бу эпосларга китобхонлар ва ёзувчилар қайта-қайта мурожаат қилганлар ва бугунги кунда ҳам мана шу анъана ҳинд адабиётида давом этиб келмокда.

Калидаса ҳам ўз навбатида мана шу асарлардан таъсирланиб ўзига улардан мавзу танлаб, персонажлар танлаб ўткир ғояли асарларни яратган. Унинг шундай асарларидан бири бу «Шакунтала» драмасидир.

Шакунтала. «Шакунтала» Калидасанинг шоҳ асаридир. Бу асар Ҳиндистон худудан чиқиб жаҳон миқёсида донг таратган асардир. Ушбу асар дарҳақиқат кўпгина чет тилларига таржима қилинган ва кўпчилик унга жуда юқори баҳо берган. Асарнинг сюжетини юқорида айтганимиздек Калидаса «Маҳабҳарата» эпосидан олган. «Маҳабҳарата» эпоси маълумки буюк Бҳарата шоҳи ва унинг сулоласи тарихи билан боғлиқ асардир. Шоҳ Бҳарата эса аслида шоҳ Душянтанинг авлиё Вишвамитранинг қизи Шакунталага бўлган муҳаббати натижасида дунёга келган фарзанддир. Шоҳ Душянта ҳам унинг ўғли Бҳарата ҳам жуда одил ва халқпарвар шоҳ сифатида элга танилган шоҳлардир. Калидаса эса Шакунтала ва шоҳ Душянта севгиси тарихини ўз асарига сюжет қилиб олиб бир пьеса яратган. Пьеса санскрит тилида яратилган. Лекин кейинчалик у жуда кўп махаллий ҳинд тилларига таржима қилинган ва унинг санскритча варианти деярли йўқолиб кетган. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Шоҳ Душянта ўз хизматкорлари билан овга чиқади ва ўрмонда ов қилиб юрганида бир гўзал қизни учратиб қолади. У қиз билан танишиб анча вақт у била суҳбатлашади. Суҳбат давомида Душянта қизнинг ҳусни - жамоли ва одобига маҳлиё бўлиб қаттиқ севиб қолади. Бу қиз авлиё Канванинг асраб олган қизи Шакунтала эди.

Улар бир неча кун бирга бўладилар ва шоҳ Душянта Шакунталага севги изхор этади ва уни иззат- икром билан ўз юртига олиб кетиши, уни ўз маликаси деб эълон қилиши ҳақида ваъда беради ва ўз юртига қайтиб кетади. Шакунтала уни кутиб отаси билан қолади. Кунлар ўтади, кунлар кетидан ойлар ўтиб Шакунтала бир ўғил кўради ва унга Бҳарата деб исм қўяди. Шакунтала ўз севгилиси Душянтани кутишда давом этади. Лекин, ундан кўп вақтгача дарак бўлмайди. Кунлардан бир кун Шакунтала ҳижрон азобида Душянта ҳақида ўйлаб ўтирганида уларнинг уйига бир авлиё унинг отаси Канвани сўраб келади. Душянта ҳақида уйга берилиб кетган Шакунтала авлиёнинг кирганини ҳам сёзмай қолади ва унга иззат-икром кўрсата олмайди. Бундан ғазабланган авлиё уни: «ким ҳақида ўйлаб уйга келган меҳмонни сёзмаган бўлсанг у ҳам сени шундай унутиб юборсин - деб дуоибад қилади. Дуоибадга учраган Шакунтала Душянтани олти йил кутади. Дарҳақиқат авлиёнинг қарғиши таъсирида Душянта

ҳам уни унутиб юборган эди. Ўғли олти ёшга тўлганида Шакунтала отасидан оқ фотиха олиб ўз севгилиси юртига равона бўлади. У шаҳарга етиб боради ва дархол саройга йўл олади. Сарой қўриқчиларига ўзини шоҳнинг аёли деб таништиради. Бундан ғазабланган соқчилар бу хабарни шоҳга етказадилар. Шоҳ эса ҳайрон бўлади ва: «қайси бир аёл бундай ботирлик билан ўзини менинг аёлим деб айта олибди» - деб ўйлаб аёлни кўришга қарор қилади. Шакунтала шоҳ мени ва ўғлини кўриб жуда қувонса керак деган ҳаёл билан саройга йўл олади, лекин шоҳ на аёлни ва на ўз ўғлини таний олади. Шоҳ ўзича: «уларни очлик ёлғон гапиришга мажбур қилган бўлса керак: - деган хаёлга бориб сарой хизматчиларига уларга ҳайр - эҳсон бериб жўнатиб юборишларини айтади. Тушкунликка тушган Шакунтала нима қилишини, қаерга бориб кимдан ёрдам сўрашини билмай шаҳарда дарбадар кезиб юради. Душянта ўрмонда Шакунталага ўз севгисининг тимсоли сифатида шоҳ мухри туширилган бир ўзук совға қилган бўлади, лекин Шакунтала уни ҳам Ганг сувида ибодат қилаётганида тушириб йўқотиб қўяди. Шоҳ Шакунталани тан олмади. Покиза аёлнинг покиза севгиси оёқ ости бўлди. Энди ҳақиқатни юзага чиқариш пайти етиб келди ва буни ҳинд халқининг миллий анъаналарига кўра маъбудлар амалга оширадилар. Улар севгисидан воз кечган Душянта олдида асл ҳақиқатни очиш учун бу воқеага аралашадилар. Индра маъбудининг избошчиси Матали самодан товуш бериб шоҳ Душянтага Шакунталани ким эканлигини эслатади. Шундан сўнг шоҳ барча ўтган воқеаларни эслаб ўз қилмишидан уялиб сарой қўриқчиларига дархол ўша аёл ва болани топиб келтиришларини буюради. Хизматчилар уларни дархол топиб шоҳ саройига келтирадилар. Душянта эса Шакунталага тўй тамоша қилиб уйланади ва эл-юрт олдида ўз маликаси деб Бҳаратани эса ўз ўғли деб эълон қилади.

Драманинг бир неча хил вариантлари мавжуд. Бошқа бир вариантида Шакунталанинг Душянта томонидан танилиши йўқолган ўзук орқали амалга оширилади. Унга кўра Шакунтала муқаддас Ганг сувида ибодат қилаётганида ўзи билмаган холда Душянта совға қилган узукни тушириб қўяди. Уни эса балиқлар ютиб юборган бўлади. Балиқчилар балиқ овлаб тутган балиқларидан бирини қорнини ёрганларида унинг қорнидан шоҳ мухри қўйилган ўзук чиқади. Бундан ҳайратда қолган балиқчилар мухрни таниб дархол ўзукни саройга олиб борадилар ва бўлган воқеадан шоҳни хабардор қиладилар. Ўзук эса шоҳга бундан олти йил аввал бўлиб ўтган тарихни эслашига ёрдам беради. Ўзук орқали Душянта келган аёл Шакунтала, у билан бирга келган бола эса улар ўртасидаги муқаддас севгининг меваси эканини дархол тушуниб етади ва тезлик билан соқчилар орқали Шакунталани топтиради. Соқчилар уларни сув бўйидан топиб келадилар. Душянта Шакунталадан кечирим сўрайди ва катта тўй томоша қилиб унга уйланади. Шакунталани сарой маликаси ва ўғли Бҳаратани эса тахт вориси деб эълон қилади. Шу боис ҳам асар баъзи бошқа тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам «Йўқолган ўзук» номи билан юритилади.

Вишакхадатта ҳинд драматурглари қаторига киради. V-VI аср охири ва VII аср бошларида яшаб ўтган деб таҳмин қилинади. Вишакхадаттанинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Унинг илмли зиёлилар оиласида тарбия кўрган шахс бўлганлиги унинг асарларида кўзга ташланади. У ҳинд драматургиясида тарихий драма асосчиси ҳисобланади. Унинг бизгача тўртта драмаси етиб келган ва улардан "Рагхавананда" драмасининг сюжети «Рамаяна»дан олинган, дейилади.

Шу тарзда, "Рамаяна" ва "Махабхарата" эпослари санскрит тилидаги қадимий ҳинд драматургиясининг ривожига жуда катта таъсир кўрсатганини кузатишимиз мумкин. Эпосларнинг кейинги таъсири эртак ва масал жанрлари доирасида кўзга ташланади.

Эпослар ва эртак жанри. Қадимги Ҳиндистон адабиётида эртак ва масаллар эпослардан кейинги давр фольклор мероси ҳисобланади. Лекин жанрнинг шаклланиш илдизлари масаласида ҳинд адабиётшунослари эртак жанрининг илдизи "Рамаяна" эпосига бориб тақалади, деган фикрни билдирадилар. Чунки, "Рамаяна" эпосидаги муҳим персонажлардан бири бу маймунлар шоҳи Ҳанумандир. У маймунлар шоҳи бўлиб, ўрмонда яшайди. Рамаяна эпосдаги энг муҳим воқеа, сургунда юрган шаҳзода Рамнинг умр йўлдоши Ситанинг ёвуз шоҳ Раван томонидан ўғирлаб кетилиши воқеасидир. Раван Ситани ўғирлаб, уни қуш ҳам учиб кира олмайдиган Ланка юртига яшириб қўяди. Айнан шу воқеада маймунлар шоҳи Хануман Ситани Раван салтанидан қутқариб олиб чиқишда шаҳзода Рамга энг катта ёрдамни кўрсатади ва Сита қутқарилади. Бу воқеада маймунлар салтанати, уларнинг инсонлар билан сўзлашиши, дўстлашиши, ўзаро ҳамжиҳатликда иш кўриши бу эртакка хос бўлган унсурлар бўлса, ўрмондаги маймунлар ва эпосда акс этган бошқа ҳайвонлар ҳаёти ҳақидаги воқеалар масал жанрига хос унсур ҳисобланади. Шу боис, эртак ва масал жанрига ҳос хусусиятлар эпослар таркибида шакллана бошлаган, деган мулоҳазалар ҳинд адабиётшунослигида мавжуддир.

Эпослар ва бҳакти адабиёти. Халқ оғзаки ижоди махсули ҳисобланган икки йирик эпос ўрта асрларда "бҳакти адабиёти" номи билан юритиладиган каттагина адабий мероснинг ҳам асоси ҳисобланади.

Маҳабҳарата ва Рамаяна эпослари билан боғлиқ ҳиндулар дини бҳакти диний-ислоҳотчилик ҳаракати орқали ислоҳ қилинади ва бунда, албатта, адабиёт ғоя тарғиботи воситасига айланади. Демак, бҳакти адабиёти ўз ўзидан эпослар билан чамбарчас боғлиқ адабиётдир.

Бхакти адабиёти ҳинд жамиятида Рам ва Кришна маъбудларига бўлган эътиқодни кучайтириш йўлида шаклланган боис бу даврда кришнабҳакти ва рамбҳакти шеъриятининг каттагина мероси вужудга келган. Демак, ўз ўзидан шоирлар ўз ижодида Рамаяна ва Махабҳарата эпосларидаги турли воқеалар, персонажлар, турли мотивларга мурожаат қилиш орқали бҳакти ғояларини тағиб қилганлар. Жумладан, кришнабхакти шеърятининг энг танили шоири шоир Сурдас ижодида Махабхарата эпоси халқ тилларида деярли қайта

яратилган. Ёки бўлмаса рамбхакти шеъриятининг йирик вакили ятулсидас бутун ижодини Рамаяна эпосини халқ тилларидан бири авадхида қайта яратишга бағишлаган ва ўз асарини "Рамачаритамасна", "Рамнинг хаёти" номли асар яратган. Шу тарзда, қадимий Ҳиндистон адабиётининг фольклор мероси бўлган санскрит тилидаги икки эпос ўрта аср адабиётида халқ тилларида қайта яратилган десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Аслида, "Рамаяна", "Махабхарата" эпослари бхакти адабиётида ҳинд жамиятига халқ тилларида бҳакти ғоялари тарғиботи орқали қайта кириб келгани шу давр адабий меросида яққол кўзга ташланади.

Жумладан, Сурдас ўзининг бутун ижодида "Маҳабхарата" эпоси воқеаларига доимий равишда мурожаат этган. Сурдас ижодида биз "Маҳабхарата" эпоси воқеаларини ўзгача тарзда, яъни бхакти ғоялари кучли сингдирилган ҳолда қайта яратилганини кузатамиз, айниқса, унинг "Сурсагар" ("Сурдас шеърият уммони") асари "Маҳабхарата" эпоси воқеаларини бхакти ғоялари, бхакти дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ равишда куйлашга бағишланган. Асарда эпос воқеалари ва персонажлари акс этган бўлиб, унда меҳр оқибат, садоқат ғояларига урғу бериш билан бир қаторда ҳиндуизмдаги мутаассиблик ҳам қаттиқ танқид остига олинган ва бу танқидни Сурдас "Маҳабхарата" эпосидаги образлар орқали амалга оширган.

Сурдас учун энг севимли мавзу бу *"балкришна",* яъни бола Кришна мавзусини куйлашдир. Кришна болаликда барча учун жуда севимли бўлган ва уни эркалаб турли номлар билан чақиришган, улардан энг машҳурлари *"макханчўр"* (*"*қаймоқ ўғриси"), *"Нандлала"* ("Нанданинг эркатойи"), "*Канхея"* (қулоққа ёқимли), *"Нандкишор"* ("кичикина Нанду"), *"гвала"* ("сигир боқувчи"), *"Говардхандхари"* ("Говардхан тоғини кўтарган"), *"Натвар нагар"*[1] ("Шивага ўхшаш") каби тахаллуслари бўлган, лекин бу мавзуни алоҳида меҳр билан куйлаган Сурдас ўз шеърлари билан Кришнанинг "макханчўр" тахаллусини ҳинд шеъриятининг шоҳ мавзуси даржасига етказган.

Кришнабхакти шеъриятида ижод қилган шоир ва шоиралар ўз ижодида Кришна ва унинг атрофидаги бошқа образлар ва воқеаларни жуда маромига етказиб, маънавий жиҳатдан анчагина бойитиб тасвирлаган. Халқнинг Кришнага бўлган эътиқодининг кучайишида энг катта омиллардан бири шоирларнинг браж тилида ижод қилганлигидир. Кришнага бағишланган шеъриятнинг айнан браж тилида яратилишининг сабаби бхакти ҳаракати қадимда "Маҳабхарата" воқеалари бўлиб ўтган ҳудудда шаклланган ва маҳаллий халқнинг она тили браж тили бўлган, шу боис бу худуд *"Браж-бхуми"*[2] номи билан юритилган. Бхакти ғояларидан таъсирланган халқ эса

[1] Маҳабхарата эпосида сигирлар суғориладиган дарёнинг сувини илонлар шоҳига захарлаш буюрилганида бола Кришна олти бошли шешнаг илонни енгиб, сувни қайта тозалаб беради ва илоннинг бошида Шива рақсидек рақсга тушади, шундан сўнг унга натвар нагар тахаллуси берилган.

[2] Браж юрти. Бу ҳақда батафсироқ маълумот учун қаранг: Муҳибова У.У. Индийская агиографическая литература. Т., 2008.

санскрит тилидаги Маҳабхарата эпосидаги Кришна билан боғлиқ воқеаларни браж тилида куйлай бошлаган. Диний нуқтаи назардан ҳиндулар браж тилини Кришнанинг тили деб ҳисоблайдилар ва, гўёки, Кришнанинг ўзи бхакти ҳаракати орқали халқ билан яқинлашиш учун айнан Браж юрти ва браж тилини танлаган, деган фикрларни ҳам билдирадилар[1].

Бхакти ҳаракатида Кришнани куйлаш орқали браж тили сўзлашув тилидан секин-аста ўрта асрлар адабий тилига айланган. Ҳинд халқи, бугунги кунда, браж деганда Кришна ва бхактини, бхакти деганда эса Кришна, браж тилини тушунадилар.

Бхакти ҳаракатининг иккинчи йўналиши сифатида Рамбхакти йўналиши тилга олинади. Рамбхакти деганда "Рамаяна" эпосидаги маъбуд Рамга бўлган эътиқод ва садоқат тушунилади. Рамаяна эпоси ҳам, аслида, ҳинд жамиятида кучайиб кетган ёвузликка якун ясаб, адолат байроғини ўрнатиш йўлида содир бўлган эпик воқеалар баёнидир. Шу боис, халқнинг Яратганга бўлган меҳрини уйғотувчи иккинчи маъбуд бу Рамдир. Эпосда Рам ҳам Кришнага ўхшаб икки образда: шоҳ Рам ва маъбуд Рам образларида иштирок этади. Рам ҳинд жамиятида энг адолатпарвар ва халқпарвар шоҳ сифатида ном қолдирган. Унинг шоҳ сифатида ҳам, маъбуд сифатида ҳам вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат бўлган. Шу билан бир қаторда Рам ҳинд халқи маънавиятини энг юқори чўққига кўтарган шоҳ ва маъбуддир.

Умуман олганда, ижтимоий характерга эга бўлган бхакти ҳаракати халқ тилларидаги адабиётни ривожлантирган ҳаракат ҳисобланади ва бу даврда ким қайси ҳудудда яшаган бўлса, бхакти ғояларини ўз она тилида тараннум этган. Шу боис, Рам ва Кришнага бағишланган шеърият жуда кўп тиллар ва шеваларда - браж, авадхи, ражастхани, гужарати, бундели, чхаттисгархи, каннаужива бошқа шу каби кўпгина халқ тилларида яратилган. Лекин, улар орасида кришнабхакти адабиётининг энг катта мероси браж тилида ва Рамбхактининг энг катта мероси авадхи тилида яратилган.

Хулоса. Юқорида баён этилган мулоҳазалар ва таҳлиллар асосида шуни айтиш мумкинки,

Биринчидан, "Рамаяна" ва "Маҳабхарата" эпослари ёзма адабиёт ривожига жанрлар кесимида ҳам, сюжетлар манбаи кесимида ҳам, персонажлар ва образлар тизими доирасида ҳам анчагина катта таъсир кўрсатган.

Иккинчидан, эпосларнинг энг кучли таъсири қадимий ҳинд драматургиясида кузатилади. Санскрит тилидаги драматургия, асосан, "Маҳабхарата" ва "Рамаяна" эпослапри асосида риовжланди ва бу давр драматугияси ҳанузгача энг бой мерос саналади.

Учинчидан, қадимий ҳинд эртак ва масалларининг элементлари даставвал мана шу икки "Рамаяна" ва "Маҳабхарата" эпослари тарикибида шаклланди.

[1] Бундай фикрларни, айниқса, бхакти тарғиботчиларидан бўлган файласўф Валлабхаяарья ва унинг шогирдларининг шеъриятида кўп учратиш мумкин.

Тўртинчидан, санскрит эпослари ўрта аср адабий меросининг асосида ётади. Шу даврда шаклланган бҳакти диний-ислоҳотчилик ҳаркатининг ғоялари адабиёт орқали тарғиб қилинганлиги боис, шу давр махаллий халқ тилларидан авадхида “Рамаяна” эпоси ҳамда браж тилида “Маҳабхарата” эпоси қайта яратилган. Бугунги кунда ҳинд халқи икки турдаги эпосга, бири мелоддан аввал санскрит тилида яратилган қадимий эпослар бўлса, иккинчиси эса ўрта асрларда халқ тилларида яратилган ва бхакти ғоялари сингдирилган эпослардир. Икки давр эпослари ўртасидаги фарқлар масаласига келсак, қадимий эпосларда курашувчанлик, сиёсий ғоялар, қатъийлик, жанговорлик, қонун устуворлиги кучли бўлса, ўрта аср эпослари эса бхакти ғоялари таъсирида яратилганлиги боис, уларда меҳр, мурувват, садоқат ва тенглик ғоялари кучли акс эттирилган ва ушбу ғоялар эпослардаги ҳар бир образга, ҳар бир ҳодиса ва воқеа мазмунига чуқур сингдирилган.

Бешинчидан, эпосларнинг ёзма адабиётга таъсирининг кейинги даврлари, яъни янги давр ва замонавий адабиёт мазмунида ҳар турли кўринишда давом этиб келаётгани келажак мақолаларда ўз аксини топади.

САЙДАЗИМОВА УМИДА
филология фанлари доктори, ТошДШИ

Чосон иккинчи даври корейс насрининг жанр таркиби

Аннотация. *Маданият қадриятларнинг инсон фаолиятида рўёбга чиқиш даражаси билан белгиланади. Барча миллий адабиётлар каби, корейс адабиёти ҳам корейс халқи маданиятининг ажралмас қисми, унинг тарихи, тараққиёт босқичлари ва ривожланиш жараёнларининг инъикосидир. Корейс сюжетли насри Европа насридан фарқли равишда ривожланган эпик анъанага эга бўлмаган маданият негизида вужудга келган. Шу туфайли, маълум даражада эпос вазифасини бажарган ҳодисани унинг бош манбаи деб ҳисоблаш мумкин. XVII–XVIII асрлар корейс адабиёти ривожланиш тарихида ғоялар ва уларнинг концептларигина эмас, балки воқеликни, унинг асосий субъектлари – инсон ва табиатни акс эттиришда, бадиий тасвир усулларини такомиллаштиришда, янги жанрларнинг шаклланишида ва сюжет чизиқларининг мураккаблашувида ҳам сифат ўзгаришлари юз бергани кузатилади.*

XVII-XVIII асрлар корейс адабиёти поғоналарга ажратилган. Энг юқори даражани ханмундаги «юксак» наср ва назм эгаллаган, жанр жиҳатидан улар хитой насри ва назмига тўлиқ мос келган. Кейинги поғонада ханмундаги насрнинг кичик шакли – пхэсол турган, энг қуйи поғонадан эса корейс тилидаги адабиёт ўрин олган. Ўз навбатида, у ҳам уч: юқори (назм), ўрта («юксак наср» (кундаликлар ва романлар) ва қуйи (корейс қиссалари ва новеллалари) даражаларга бўлинган.

Хусусан, XVII аср корейс насрининг кичик шакллари – пхэсол равнақи билан тавсифланади. Буни адабиёт инсон ички дунёсининг инъикоси эканлиги, халқнинг оғир ижтимоий аҳволини акс эттириши ва ҳаётнинг беқарорлиги билан изоҳлаш мумкин.

XVII асрда корейс адабиётига янги ғоялар кириб келиши давом этди, унинг ижтимоий роли ўзгарди, янги шаклларни излаш ва яратиш, шунингдек, янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва эски жанрлар шакл-шамойилининг ўзгариши каби жараёнлар юзага чиқди. Пхэсол услуби ўз етуклик даврига қадам қўйди ва бу, ҳеч шубҳасиз, унинг ғоявий-тематик кўламининг кенгайиши ва насрий асарларнинг янги тури – сосол пайдо бўлишига имконият яратди.

Адабий жанрларнинг назарий адабиётшуносликда таснифи мавжуд бўлмаган корейс адабий тафаккурида сосол атамаси қисса, роман, ҳикоя сингари насрий асарларни қамраб олади.

XVII аср корейс адабиётида катта ҳажмли асар – роман жанрининг тараққиётини бошлаб берди. Сюжетли асарлар яратган биринчи муаллиф Ким Манжун бўлган. («Са хонимнинг жануб бўйлаб саргардонликлари» ва «Тўққиз кишининг булутли туши» номли машҳур романларида корейс халқига хос дунёқарашнинг икки тенденцияси – одил инсон ва шахснинг ички уйғунлиги айниқса бўртиб намоён бўлади). XVII–XVIII асрларда корейс адабиётида янги шаклларни топиш йўлидаги изланишлар тарихий ва географик хусусиятга эга ханмундаги янги жанр – кундаликлар ривожланиши учун имконият яратади. Бунга Ли Сунсиннинг «Ҳарбий воқеалар кундалиги», Хван Чиннинг «Японияга саёҳат кундалиги» ва бошқалар мисол бўла олади.

Таянч сўз ва иборалар: *корейс насри, пхэсол, қисса, роман, кундаликлар, сюжет, адабиёт, сосол.*

Аннотация. *Культура имеет непреходящее значение в мире ценностных ориентаций человека. Корейская литература, как и любая другая, представляет собой органичную часть культуры корейского народа, отражение его истории и развития. Корейская сюжетная проза в отличие от европейской возникла на основе культуры, не имевшей развитой эпической традиции. В силу этого ее главным источником можно назвать явление, в определенной степени замещавшее эпос, – это исторические сочинения и жития, сборники литературы «пхэсоль». Прослеживание истории корейской средневековой литературы XVII – XVIII вв. позволяет утверждать, что ее развитие сопровождалось постепенными качественными изменениями не только в области идей и их концептов, но и в воспроизведении действительности, в совершенствовании изобразительных приемов, формировании новых жанров и усложнении сюжетных линий.*

Корейская литература данного периода подразделялась на ярусы: 1) «высокая» проза и поэзия на ханмуне; 2) проза малых форм «пхэсоль» на ханмуне; 3) литература на родном, корейском языке, которая тоже подразделялась на три ряда: верхний (поэзия), средний (своя «высокая проза» (дневники и романы)) и нижний (корейские повести и новеллы).

В XVII в. в корейскую литературу продолжают проникать новые идеи, происходит трансформация ее социальной роли, продолжается поиск и создание новых форм, а также зарождение новых и видоизменение старых жанров. «Пхэсоль» вступил в период зрелости, что способствовало появлению нового прозаического жанра – «сосоль». В литературной корейской мысли, в которой отсутствовала привычная для нас жанровая классификация, под термином «сосоль» объединялись такие прозаические произведения, как повесть, роман, новелла.

Однозначного толкования термина «сосоль» нет и в трудах российских ученых. Между тем «сосоль» является достойным продолжателем жанра «пхэсоль», обус-

ловив появление новых литературных приемов, обогащающих возможности жанра, и одновременно создание другого более объемного, качественно самобытного жанра – средневековой корейской повести, известной под названием «классическая». Средневековая повесть тесно связана с устным народным творчеством, ее сюжеты развиты по законам народной сказки, действие всегда имеет два полярных полюса – страдания героя и благополучный конец. Такая сюжетная особенность обусловлена представлениями корейцев о смене хаоса гармонией.

Конец XVII в. характеризуется эпохой рождения корейского романа (основатель Ким Манджун «Скитания госпожи Са по югу» и «Облачный сон девяти») и появлением нового жанра – «дневник» исторического и географического характера («Дневник военных событий» Ли Сунсина, «Дневник путешествия в Японию» Хван Чина, «Записки о путешествии к горе Пэктусан» Пак Чона и др.).

Опорные слова и выражения: *корейская проза, «пхэсоль», повесть, роман, дневниковая проза, сюжет, литература, «сосоль».*

Abstract. *Culture is integral, regarding its meaning in the world of value orientations of the human-being. The Korean literature as any other one is seen as the organic part of culture of the Korean people, the reflection of its people and development. The gist-based prose is different from the European, due to the fact that it emerged on the basis of culture, which did not have the epic tradition.*

Due to this matter, the main source is the being itself, which substitutes the epos – the historical compilations and collection of livings of the literature «Pkhesol» . The analysis of the history of the middle-aged literature of XVII – XVIII centuries allows to say that its development was supported with the high-quality based ideas and concepts, and also the reality and its production, regarding the perfection of the arts forms, the formation of new genres and the process of sophistication of the gist based lines.

The Korean literature of this period is divided into the following items: 1. the high prose and the poetry, based on hanmun, 2. the prose of small forms «pkhesol» on hanmun.3. the literature on the Korean, native language, which was divided into three ranges: upper poetry, middle-average (its own high prose) (diaries and novels) and low prose (the Korean novels).

In the XVII century the Korean literature started to get the new concepts, it occurs the transformation of the social role, there are continued the search and creation of new forms, and also the birth of new and transformed old genres. «Pkhesol» of emergence of the prosaic genre «sosol». In the literary Korean thought, which was lack of the genre-based qualification, the term «sosol» united the prosaic works such as the novel, novelette and a tale.

The Russian scientists also do not possess with the unique explanation of the term «sosol». Meanwhile, the term «sosol» is seen as the continuation of the genre «pkhesol», which allowed the emergence of new literary opportunities of genre, enriching this very trend, and creating a more unique genre, the high-quality based unique genre of the middle-aged Korean novel, which is seen as the classical novel. The middle-aged novelty is related with the oral people's creative work, its compositions are related with the rules of the fairy tales, the actions always have 2 (two) polar poles-the suffering of the hero and the lucky end. Such gist-based peculiarity is seen by the imagination of the Korean people about the change of chaos to the harmony.

The end of XVII century is characterized as the epoch of birth of the Korean novel (the founder is Kim Mandjun), («The wanderings of Ms. Sa throughout the South» and «The cloudy dream of nine») characterizes an emergence of new genre –«the diary» of the geographic and historical character («The diary of the military adventures» of Li Sunsin, «The diary of

adventures to Japan» of Khwan Chin, «The scriptures of adventures to the mount Pektusan» of Pak Chon and others).

Keywords and expressions: *Korean prose, «pkhesol», story, roman, diary prose, plot, Korean novel, «sosol».*

Кириш. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама чуқурлашаётган бугунги кунда корейс халқининг анъанавий урф-одатлари ва миллий маданияти жозибасига мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг қизиқиши кучайиб бормоқда. Бир қатор илмий тадқиқотларда инсон камолотининг бош шарти бўлган жамият ва табиат ўртасидаги уйғунликка эришиш имконияти очиб берилмоқда.

Корея маданиятининг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади, бу эса ўзўзидан битмас-туганмас маданий мерос тарихини ўрганиш, унинг моҳиятини ёритиб бериш вазифасини кун тартибига қўяди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, корейс маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган бадиий адабиёт, хусусан, ўрта аср мумтоз адабиёти алоҳида аҳамият касб этади. Бадиий асарларда ўз аксини топган XVII–XVIII асрларга хос бўлган адолатли подшо ҳақидаги тасаввурлар, ижтимоий зиддиятлар ва маънавий қадриятларни англаб етиш учун адабий-маданий ҳаёт ҳодисаларини илмий жиҳатдан ёритишга зарурат сезилади.

Мақсад ва вазифалар: XVII – XVIII асрлар корейс насрининг жанр хусусиятларини очиб бериш. Мазкур даврда яратилган *сосол* насрий асарлар туркумига кирувчи асарларнинг *пхэсол* кичик насрий асарлар асосида юзага келганлигини аниқлашдан иборат.

Усуллар: Мақолани ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий асарни комплекс таҳлил қилиш, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Ўрта аср корейс адабиёти XVII–XVIII асрларда Кореяда юз берган тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг объектив манзарасини гавдалантиришга имкон яратади. Ўз навбатида, у корейс адабиёти ривожланишининг янги қирраларини, унда янги жанр ва мавзулар пайдо бўлиши жараёнларини очиб беради. Мазкур жараёнлар реал воқелик билан, шунингдек, юксак маънавиятли ижтимоий шахсни тарбиялашга қаратилган конфуцийчилик анъаналари билан боғлиқ. XVII–XVIII асрларда мамлакат маънавий-маърифий ҳаётга асос бўлган конфуцийчилик жамиятга жуда кучли таъсир кўрсатган. Айни вақтда, корейс халқининг миллий хусусиятларини ўзида мужассам этган ўрта аср корейс адабиётида анъаналарга содиқликнинг янги давр талаблари билан уйғунлашуви аниқ намоён бўлади.

Барча миллий адабиётлар каби, корейс адабиёти ҳам корейс халқи маданиятининг ажралмас қисми, унинг тарихи, тараққиёт босқичлари ва ривожланиш жараёнларининг инъикосидир. Жамият ва унинг фуқароларини комилликка йўналтирувчи ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили миллий, маънавий ҳамда ахлоқий қадриятларда мужассам топади. Чунки давлат барқарорлиги ва тараққиёти жамиятнинг маънавий-руҳий, маданий-бадиий

илдизларига таянади. Таниқли файласуф М. Хайдеггернинг ёзишича: «*...инсоннинг фаолияти маданият сифатида тушунилади ва уни ташкил этади. Маданият юксак қадриятларни инсон қадр-қимматини маданийлашув йўли билан амалга ошишидир*»[1].

Маданият қадриятларнинг инсон фаолиятида рўёбга чиқиш даражаси билан белгиланади. Уларнинг рўёбга чиқиш воситаси эса бадиий адабиётдир. Адабиёт бадиий тўқима ва сўз санъатини ўзида уйғунлаштирган серқирра поэтик ҳодисадир. Адабиётшунос олим М.М. Бахтин айтганидек, «*Адабиёт тилдан фойдаланишгина эмас, балки уни бадиий жиҳатдан англаб етиш ҳамдир*»[2]. Ишонтириш хусусиятига эга бўлган бадиий адабиёт ўзининг шаклланиш жараёнида халқ анъаналарига таяниб турли даврларнинг барча мавзу ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни китобхонга етказади.

Корейс сюжетли насри Европа насридан фарқли равишда ривожланган эпик анъанага эга бўлмаган маданият негизида вужудга келган. Шу туфайли, маълум даражада эпос вазифасини бажарган ҳодисани унинг бош манбаи деб ҳисоблаш мумкин. XVII–XVIII асрлар корейс адабиёти ривожланиш тарихида ғоялар ва уларнинг концептларигина эмас, балки воқеликни, унинг асосий субъектлари – инсон ва табиатни акс эттиришда, бадиий тасвир усулларини такомиллаштиришда, янги жанрларнинг шаклланишида ва сюжет чизиқларининг мураккаблашувида ҳам сифат ўзгаришлари юз бергани кузатилади.

XVII-XVIII асрлар корейс адабиёти поғоналарга ажратилган. Энг юқори даражани *ханмун*[3] даги «юксак» наср ва назм эгаллаган, жанр жиҳатидан улар хитой насри ва назмига тўлиқ мос келган. Кейинги поғонада *ханмун*-даги насрнинг кичик шакли – *пхэсол* турган, энг қуйи поғонадан эса корейс тилидаги адабиёт ўрин олган. Ўз навбатида, у ҳам уч: юқори (назм), ўрта («юксак наср» (кундаликлар ва романлар) ва қуйи (корейс қиссалари ва новеллалари) даражаларга бўлинган[4].

---

[1] Haydegger M. Vremya kartini mira//Novaya tehnokraticheskaya volna na Zapade. [Haydegger M. World picture time//New technocratic wave in the West]. Moskva, 1986. 93 s. (In Russian).

[2] Bahtin M.M. Yazik v hudojestvennoy literature//Bahtin M.M.Sobranie sochineniy. [Bakhtin M.M. Language in fiction// Bakhtin M.M. Collected works] v 7 t. Moskva, 1996. T.5. 287 s. (In Russian).

[3] Ханмун – хитой иероглифларининг корейслаштирилган шакли. Ўрта асрда Кореядаги расмий ёзма адабий тил ҳисобланган. VI-VII асрларда хитой иероглифлари асосида яратилган «иду» (амалдорлар ёзуви) ва XV асрда корейс фонетик алифбоси яратилганига қарамасдан ханмун э.а. I асрдан 1984 йилга қадар давлат бошқарувида, билим ва маданият соҳасида ёзма муносабат вазифасини бажарган. Ўрта аср корейс илмий адабиёти ва бадиий адабиётнинг барчаси ханмунда(ханмунхак)да яратилган. Хитой мумтоз адабиётидаги кўплаб жанрлар, сюжетлар, анъанавий образлар ва бадиий тасвир воситалари тизими ханмунда ижод қилган корейс адиблари томонидан қабул қилинган ва қайта ишланган; хитой шеърияти қонунларига амал қилиш корейс сўз усталари учун мажбурий бўлган. Шу билан бирга ханмундаги асарлар «юксак» асарлар ҳисобланган; ханмундаги адабиётнинг ривожланиши корейс тилининг тараққиётига ҳам қатта таъсир кўрсатган.

[4] Konsevich L.R. Koreevedenie. Izbrannie raborti. [Konsevich L.R. Korean Studies. Selected works] Moskva, “Muravey-Gayd” , 2001. 592 s. (In Russian).

Маълумки, ҳар бир адабий жанр ўзига хос маданий-тарихий характер белгилари билан ажралиб туради. Ҳар бир адабий асарда ўз даврининг маданий-тарихий воқеликлари акс этади. Ўзбек адабиётшунос олими Х.Дўстмуҳаммад: «*Ҳар қандай бадиий ижод турида «жанр» тушунчаси бор. Ҳар бир жанрнинг ўзига хос қиёфаси ҳам бор. Ҳар қиёфанинг ташқи ва ички аломатларини санаб адоғига етиш қийин*»[1], дея таъкидлаганидек, ўрта аср корейс адабиётида қисса жанри, ўзининг ташқи ва ички хусусиятларга бойлиги билан бошқа насрий жанрлардан ажралиб туради.

Жанр доимий равишда ўзгариш ва янгиланиш жараёнида бўладиган ҳодиса саналади. Адабий жараёндаги ўзгаришлар жанрнинг шакл ёки мазмун жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлади.

Кореяда қабул қилинган адабиёт тарихини даврлаштиришга кўра, XVII–XVIII асрлар корейс адабиёти тарихининг иккинчи даври бўлган Чосон (*Ли)* адабиётига киради. Асрлар бўйича бундай даврлаштириш ҳар бир асрда *янги жанр ва мавзулар пайдо бўлгани билан изоҳланади. «Шуни унутмаслик керакки, «янги»нинг пайдо бўлгани эскининг ғойиб бўлганини англатмайди. Улар ҳар доим ёнма-ён мавжуд бўлган, бир-бирини тўлдирган ва биридан иккинчисига ўтган*», деб ўринли таъкидлайди А.Ф.Троцевич[2].

Хусусан, XVII аср корейс насрининг кичик шакллари – *пхэсол* равнақи билан тавсифланади. Буни адабиёт инсон ички дунёсининг инъикоси эканлиги, халқнинг оғир ижтимоий аҳволини акс эттириши ва ҳаётнинг беқарорлиги билан изоҳлаш мумкин. *Пхэсол* кичик насрий асарлар туркуми Чосон даври адабиётининг илк насрий шаклларидан бири ҳисобланади. Л.Р. Концевичнинг «Корейсшунослик. Танланган асарлар»ида берган таснифига кўра, у шакл жиҳатидан «юксак» насрга кирган, чунки асарлар ханмунда яратилган, аммо мазмун жиҳатидан у қуйи даражага мансуб бўлган. *Пхэсол*да турли мавзулар кўтарилган, сюжетли ва қизиқарли воқеалар тасвирланган, этнографик ва географик мулоҳазалар баён этилган. Уларнинг сюжети реал воқеалар тавсифидан холи инсоннинг эркин фикрлаш ва ёзишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган кўнгилочар мотивларга асосланган. Зотан, бундай кўнгилочар наср, зерикканда ўқиладиган ҳикоялар тўплами ҳам Шарқ, ҳам Ғарбий Европанинг кўпгина халқлари адабиётига хосдир.

Пхэсол асарлари аниқ бир мақсад ва мўлжалга эга бўлмаган тўпламлардан ташкил топган. Уларда кичик ҳикоялар, латифалар, одатда ҳам хронологик, ҳам мавзу жиҳатидан, шунингдек, умумий сюжетига кўра бир-бири билан боғланмайдиган турли-туман воқеалар баёни жамланган. Илк *пхэсол* (패설) муаллифларининг асарлари тўқима бўлмаган, балки тайёр манбалар

[1] Dustmuhammad H.N. Milliy hikoya: izlanishlar, yutuklar, istaklar. Ozod Vatan saodati. 5-jild. Adabiy tankid. [National short story: researches, achievements, reviews].Toshkent, “Adib”, 2013. (In Uzbek).

[2] Trosevich A.F. Istoriya koreyskoy tradisionnoy literatury (do XX c.). [Trosevich A.F. The history of Korean traditional literature (until XX c.] Sankt-Peterburg, “Peterburgskoe vostokobedenie”, 2004. 3 s. (In Russian).

асосида яратилган. Шу сабабли уларда реал тарихий, ижтимоий ва маиший воқелик тасвирланган. Кейинчалик бадиий адабиёт олдига китобхон маънавиятини шакллантириш каби янги вазифаси қўйилиши билан насрга тўқима воқеа, образ, мотив ва бошқаларни киритиш талаб этилган. Табиийки, бу адабий-назарий талаб адабиётга бадиий тўқимага асосланган сюжет кириб келишига асос бўлган.

Анъанавий халқ оғзаки ижоди асосида яратилган бу кичик насрий асарлар туркуми халқ дидактикасининг, унда шаклланган яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларнинг моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу адабиётнинг улкан тарбиявий аҳамиятини белгилаб берди.

Рус олими Д.Д. Елисеев *пхэсол*ни ўрта аср адабиётининг кичик насрий шаклларига киритади, унинг вужудга келиши замирида халқ оғзаки ижоди ва мумтоз тарихнавислик ётади, деб ҳисоблайди. Унда ҳам бадиий адабиётга, ҳам тарихий асарларга хос хусусиятлар мужассам топганига урғу беради[1].

Пхэсол кичик насрий асарлар туркумига халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлгани учун қуйи даража адабиётининг намуналари сифатида қаралган. Ваҳоланки, айнан материални баён этишнинг «юксак» шакли билан мавзунинг оддийлиги уйғунлашиб, *пхэсол*ни Чосон даврининг корейс адабиёти ривожланиш жараёнининг янги босқичида пайдо бўлган ўзига хос адабий ҳодиса сифатида тавсифлаш учун асос беради.

А.Ф. Троцевичнинг фикрига кўра, бундай асар муаллифлари асар мавзуси, қаҳрамони ва предметини танлашда ўзини жуда эркин ҳис қилган[2]. Бироқ, муҳими шундаки, *пхэсол* асарлари воқеаларнинг ўта ихчам, қисқа ва лўнда баёни, қаҳрамон тавсифлари сингари умумий хусусиятлар билан ажралиб турган. Одатда асарда фақат муайян бир жиҳат тасвирланган.

XVII асрда корейс адабиётига янги ғоялар кириб келиши давом этди, унинг ижтимоий роли ўзгарди, янги шаклларни излаш ва яратиш, шунингдек, янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва эски жанрлар шакл-шамойилининг ўзгариши каби жараёнлар юзага чиқди. *Пхэсол* услуби ўз етуклик даврига қадам қўйди ва бу, ҳеч шубҳасиз, унинг ғоявий-тематик кўламининг кенгайиши ва насрий асарларнинг янги тури – *сосол* пайдо бўлишига имконият яратди.

Сосол насрий асарлар туркуми воқеликни тарихий маълумотларга таяниб ифода этишдан бадиий тўқималар воситасида тасвирлашга ўтиши билан характерланади. Гарчи «тарихийлик» қисман сақланиб қолса–да, тўқима образлар

[1] Eliseev D.D. Koreyskaya srednevekovaya literatura phesol (nekotorie problemi proishojdeniya janra). [Eliseev D.D. Pkhesol of Korean medieval literature (some problem of the origin genre]. Moskva, “Nauka” , 1968. 134 s. (In Russian).

[2] Trosevich A.F. Mif i syujetnaya proza Korei. [Trosevich A.F. Korea myth and storyline prose]. Sankt-Peterburg, “Peterburgskoe vostokobedenie”, 1996. 14 s. (In Russian) .

мавқеи ошди, фольклор материаллари бўлган халқ оғзаки ижоди бойликларидан, «норасмий тарих»[1] асарларидан олинган ўхшаш сюжетлар яратилди.

Адабий жанрларнинг назарий адабиётшуносликда таснифи мавжуд бўлмаган корейс адабий тафаккурида *сосол* атамаси қисса, роман, ҳикоя сингари насрий асарларни қамраб олади. Таниқли корейс тадқиқотчиси Ли Сантхэк мазкур масалани ёритар экан, сюжетли корейс насрида жанрларга аниқ бўлиниш мавжуд эмаслигини кўрсатади[2]. Кореяда чоп этилган *«Катта луғат»* фундаментал нашрида *сосол* атамасига қуйидаги таъриф берилган: «*Сосол – наср шаклларидан бири бўлиб, унда фактлар ва муаллифнинг бадиий тўқимаси бирикмаси асосида ҳаёт, шунингдек, барча юксак эстетик нарса ва ҳодисалар акс эттирилади. Узун, ўртача ва қисқа сосол фарқланади*»[3].

Рус тадқиқотчиси Д.Д. Елисеев *сосол* деганда шартли равишда қисса, новелла, роман жанрларига бўлинадиган асарларни тушунади[4]. А.Ф. Троцевич фикрига кўра, мазкур атама билан қисса ва романлар ифодаланади[5]. *Сосол* атамасининг аниқ таърифи россиялик бошқа олимларнинг тадқиқотида ҳам мавжуд эмас.

Япония билан бўлган Имжин (1592–1598) урушидан кейин мамлакат тараққиётида, хусусан, маданият соҳасида силжишлар кузатилади. Корейс халқи корейс ёзувидан фойдалана бошлади. Бундай шартли ўзгаришлар энг машҳур насрий жанр – корейс тилида қиссаларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Шубҳасиз, у ўзига хос ўрта аср корейс насрининг пайдо бўлишини янада жонлантирди. Айни вақтда, *сосол пхэсол*нинг муносиб давомчиси ҳисобланади, жанр имкониятларини бойитадиган янги адабий усулларнинг пайдо бўлишини ва шу билан бир вақтда бошқа ўзига хос жанр – ўрта аср классик корейс қиссасининг вужудга келишини таъминлайди[6].

Ўрта аср қиссаси билан халқ оғзаки ижоди ўртасида яқин алоқа мавжуд. Қисса сюжетлари қадимги афсоналардан, халқ эртакларидан ўзлаштирилган ёки қисса асосига *пхэсол* тўпламлари новеллалари киритилган. Бундай қис-

[1] Яса, яъни «норасмий тарих» алоҳида шахсларнинг асарлари бўлиб, аксарият ҳолларда бу шахслар тарихий воқеаларни шахсий нуқтаи назари, воқеаларга шахсий муносабатидан келиб чиқиб талқин қилишган. Натижада баъзи тарихчилар, давлат арбобларига берган салбий тавсифи учун қувғин қилинган. Яса анъанавий тарихшунослик тамойилига амал қилинмасдан ёзилган. Бунда баённинг изчиллигига ва тарихий материалларни танлаш каби шартларга риоя қилинмаган: унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа замонавий масалаларга сезиларли даражада эътибор қаратилган. Ясада муайян тарихий воқеа ёки ҳақиқий тарихий шахс билан доим боғлиқ бўлмаган кўплаб фольклор материаллари - ривоят, ҳажвия, халқ новеллалари, эртак, мақол-маталлар ишлатилган.

[2] Pek Nam Chol. “Heyi engu. Seoul, 1997. 18 p. (In Korean).

[3] Kyn sajon. Seoul, 1995. 23-73 p. (In Korean).

[4] Eliseev D.D. Novella koreyskogo srednevekovya (evolyusiya janra). [Eliseev D.D. Shot story of the middle Korean literature (genre evolution). Moskva, “Nauka”, 1977. 67 s. (In Russian).

[5] Trosevich A.F. Koreyskiy srednevekoviy roman «Oblachniy son devyati» Kim Mandjuna. [Trosevich A.F. Korean medieval roman “Cloud dream of nine”]. Moskva, “Nauka”, 1986. 10 s. (In Russian).

[6] Pak Sonniy. Istoriya staroy koreyskoy povestvovatelnoy literaturi. [The story of old Korean narrative kiteraturt]. Seul, 1964. 307 s. (In Russian).

саларнинг ютуғи, унинг халқчиллиги, ҳамма учун тушунарли тилда ёзилганлигидир. Шу боис уларга адабий қайта ишлов берилишидан олдин оғзаки, ёзма қайдлар ва бошқа шаклларда бўлган. Шунинг учун ҳам кўп қиссаларнинг муаллифи номаълум бўлган.

Эътибор берилса, қиссаларнинг қаҳрамонлари тақдирига ғайритабиий кучлар аралашади. Улар муҳим воқеаларни башорат қиладиган, ўз ҳаракатларини белгилайдиган ажойиб тушлар кўради. Аксарият қиссаларда шундай туш сюжет тугунига айланади. Китобхонни кўпинча асар яратувчиси эмас, фақат сюжет қизиқтирар эди. Одатда барча сюжетлар бир типли: ё тарихий асосга эга бўлган воқеалар, ёки турли фантастик ҳодиса ва воқеалар, можаролар билан бойитилган, ажойиб қаҳрамонлар фаолияти ҳақидаги мифлардан иборат ҳикоялар. Асосан қисса бош қаҳрамони ҳамма нарсадан маҳрум қилиниб, оғир синовларни бошдан кечиради ва охир оқибатда ҳаёти яхши томонга ўзгариш билан якун топади.

Корейс қиссасида ҳар доим икки қарама-қарши қутб – қаҳрамоннинг изтироблари ва хайрли интиҳо мавжуд[1]. Сюжетнинг бундай хусусияти корейс халқининг хаос ўрнини уйғунлик эгаллаши ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ. Қиссаларнинг қаҳрамонлари одатда пассив бўлиб, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга, ўзига озор етказганларни қилмишига яраша жазолашга умуман уринмайди. Бу эса инсонпарвар, одил бўлишни, катталарни ҳурмат қилишни талаб этадиган конфуцийчилик ахлоқий меъёрлари билан мос келади. Улар ўзига озор етказганлардан ўч олишни ёки уларни қириб ташлашни эмас, балки ўз андишалилиги ва ярашувчанлигини сақлашни бош вазифа деб ҳисоблайдилар, уларнинг тасаввурларига кўра, бу одамларнинг ўзаро муносабатларидаги уйғунликни бузмайди[2].

Ўрта аср қиссалари учун инсоннинг шахсий фазилатларни тавсифлаш ва персонажлар портретини чизиш хос эмас. Ўрта аср корейс адабиёти учун умумий бўлган образли иборалар аёл гўзаллиги, қаҳрамоннинг қобилияти ва ижобий фазилатлари орқали ифодаланади. Қисса қаҳрамонлари ҳар доим гўзал, меҳрибон ва олижанобдир. Ёвуз одамлар барча салбий хусусият ва жиҳатларни ўзида жамлайди. «*Хинбу ҳақида қисса*»да Нолбу, «*Чан Хва ва Хон Нён ҳақида қисса*»да ўгай она шундай образлар сирасига киради. Санаб чиқилганларнинг барчаси хитой адабиётига хос бўлган конфуцийчилик схематизми билан муштаракдир. Айни вақтда, образларнинг янгилиги ва ҳиссиётларнинг бевositалиги билан ажралиб турадиган корейс қиссасида конфуцийчилик схематизми ўз кучини йўқотади ва китобхонга ўрта аср корейс адабий тилининг алоҳида жозибадорлигини англаб етиш учун имконият яратади.

[1] Vernaya Chhunhyan: Koreyskie klassicheskie povesti XVII–XVIII vekov/Predislovie Trosevich A.F. [Faithful Chunhyan. Korean classic novels of XVII–XVIII c./Foreword Trosevich A.F.] Moskva, “Hudojestvennaya literatura”, 1990. 10 s. (In Russian)

[2] Ўша манба. – Б.11.

Бу жанрда кўплаб асарлар яратилган, хусусан, Хо Гюннинг «*Хон Кил Дон ҳақида қисса*»си, номаълум муаллиф яратган «*Чхунхян ҳақида қисса*» ва бошқалар. Адолатли утопик мамлакат қурган «*Хон Кил Дон ҳақида қисса*» асарининг қаҳрамони Робин Гудни ёдга солади, шунингдек, XIV асрда яшаб ўтган хитой ёзувчиси Ши Най-аннинг «*Дарёли ўзан*» романи қаҳрамонига ҳам ўхшаб кетади. «*Чхунхян ҳақида қисса»*ни ўрта аср корейс насрининг дурдонасига киритиш мумкин. Биз бу асарда «Ромео и Джульетта»нинг корейсча талқинини кўрамиз. Бу асарлар учун ижтимоий масалаларга мурожаат, билимсизлик, зўравонлик, ижтимоий адолатсизликни фош қилиш, аёллар садоқатини мадҳ этиш, уйғунликка чорлов, фольклор анъаналаридан насиҳатомуз тарзда фойдаланиш каби жиҳатлар муҳим саналади. Кўриб чиқилаётган жанрда тубанликни фош қилувчи, турли ёш ва қатламларга мансуб қаҳрамонлар саргузашти ҳақидаги қизиқарли тарихий асарлар яратилган. Китобхонлар олдида амалдор ва оддий инсон, роҳиб ва ўқитувчилар, яъни жамият ижтимоий табақасининг турли вакиллари намоён бўлади. Даврга оид барча асарлар сюжетининг марказида жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг салбий томонлари ва унинг муаллиф томонидан қабул қилинмаганлиги ҳақидаги ғоя етакчилик қилади.

XVII аср корейс адабиётида катта ҳажмли асар – роман жанрининг тараққиётини бошлаб берди. А.Ф.Троцевич таъкидлаганидек: «*Романларда асосан жамиятда уйғунликка эришиш ва шахснинг ички олами муаммолари муҳокама қилинган*». Сюжетли асарлар яратган биринчи муаллиф Ким Манжун бўлган. Адиб ўз даврининг ўткир муаммоларини бадиий тасвирлаб берган, қаҳрамонлар ташвиши орқали уларнинг ички дунёси ва тўғри йўлни топиш илинжидаги хатти-ҳаракатларини ёритиб берган биринчи носирдир. Унинг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб саргардонликлари*» ва «*Тўққиз кишининг булутли туши*» номли машҳур романларида корейс халқига хос дунёқарашнинг икки тенденцияси – одил инсон ва шахснинг ички уйғунлиги айниқса бўртиб намоён бўлади. Биринчи романнинг сюжети у сарой воқеаларининг қайноқ излари ортидан ёзилганидан далолат беради. Унда ёзувчи ўз қиролини қоралайди ва адолат тантана қилишига умид билдиради. Ёзувчининг иккинчи романи – «*Тўққиз кишининг булутли туши*» инсоннинг табиати, ижтимоий фаоллиги, ҳаётда ўз йўлини топиш ва ички уйғунликка эришиш борасидаги изланишлари ҳақидаги ўй-мулоҳазалар маҳсулидир[1].

Ёзувчи корейс адабиётида илк бор шахс муаммосини кўтарган бўлиб, унинг асарларидаги қаҳрамон олдида қайси йўлни танлаши истиқболли эканлигини ҳал қилиш муаммоси туради. Мазкур мавзу бу йўналишдаги бошқа кўплаб хусусан, «*Хон Кил Дон ҳақида қисса*», «*Чхунхян ҳақида қисса»* асарларнинг юзага келишига ҳам туртки бўлди. Кейинги яратилган асарлар-

[1] Vernaya Chhunhyan: Koreyskie klassicheskie povesti XVII–XVIII vekov/Predislovie Trosevich A.F. “Hudojestvennaya literatura”. [Faithful Chunhyan. Korean classic novels of XVII–XVIII c./Foreword Trosevich A.F.] Moskva, 1990. 186 s. (In Russian)

да озми-кўпми даражада Ким Манжун томонидан кўтарилган шахс муаммоси ёритилганлиги кузатилади. Ёзувчи асарларининг таҳлили орқали унинг корейс адабиётида янги йуналишдаги асарларнинг пайдо бўлишига тамал тошини қўйганини кузатиш мумкин.

XVIII аср корейс адабиётида кетма-кет ижтимоий романлар пайдо бўла бошлайди, жумладан, номаълум муаллифларнинг «*Ха ва Чин оиласи*», «*Икки билакузукнинг ғаройиб учрашуви*», «*Нефритлар ва марваридларнинг ажойиб тақдири*» ва бошқалар.

Қоида тариқасида, ижтимоий романларнинг номларида доим *ки* ёки *нок* (*қайдлар*, *тавсиф*) жанр белгилари ёки *кибон*, *киён* (ғаройиб учрашувлар, ажойиб тақдирлар) сўзлари учрайди. Одатда ёзувларда оила (баъзан унинг кўп сонли авлодлари) тарихи баён этилади. Қаҳрамонлар ҳаёти турли конфликтларга, оила тинчини бузишга уринаётган душманлар билан курашга тўла бўлади. Бироқ изтироблар ва оила душманларига қарши фаол курашлар эвазига адолат ғалаба қозонади, ёвуз одамлар эса қилмишига яраша жазосини олади.

Жоиз бўлса қиёслаш мумкин, корейс адабиётидаги бундай романларнинг ғоявий-бадиий хусусияти ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёти дурдоналарини ёдга солади. Хусусан, бир қатор ўзбек эртакларида, шунингдек, Алишер Навоийнинг «Хамса» асарида шундай пафос мавжуд. Бу ҳол албатта инсоният томонидан яратилган бадиий асарларнинг умумбашарий хусусияти ҳамда ўзаро муштараклигини кўрсатади.

Корейс ижтимоий романларининг деярли барчаси тузилиш жиҳатидан ўхшаш: уларда сюжет конфликт асосига қурилади, қаҳрамонларнинг шиддатли ҳаракатларига ёвуз одамларнинг «кирдикорлари» туртки беради. Воқеалар ривожи умумий тузилмавий хусусиятга эга бўлиб, бу китобхонга асарнинг кейинги сюжет чизиқлари ва қаҳрамонларнинг ҳаракатларини олдиндан англай олиш имконини беради.

Ноижтимоий романларда, яъни роман-тушларда бошқача қаҳрамон типи – юксак маънавиятли, ўз хулқ-атвори билан барчага ўрнак бўладиган, ўз инсоний фазилатларини фаол намоён этадиган, юксак ижтимоий мақом ва фаровонликка эришишга интилаётган инсон тасвирланади. Масалан, Ли Чонжагнинг «*Оннинниng туши*», номаълум муаллифнинг «*Нефритли илоҳ туши*», Нам Ённонинг «*Нефритли нилуфардаги туш*» романлари (сўнгги роман корейс тилида «*Нефритли павильондаги туш*» номи билан маълум) шулар жумласига киради.

Ноижтимоий романлар номида одатда *мон* (туш) сўзи учрайди. Бундай романлар қаҳрамони ҳамма нарсани туш орқали идрок этади. Қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ муҳим воқеаларнинг барчаси тушда содир бўлади, қаҳрамоннинг уйғониши эса дунёвий ҳаётнинг ўткинчи эканлигига урғу беради. Роман-тушларнинг барчаси қизиқарли сюжет, ғаройиб саргузаштлар билан ажралиб туради, улар китобхонни қизиқтириш билан бир қаторда, уни чуқур ўйга ҳам солади.

Роман-тушларда деярли ҳар доим оиланинг ахлоқий тамойилларини ва унда мужассамлашган табиий фазилатларни сақлашни ҳамма нарсадан устун қўядиган олижаноб қаҳрамон эмас, балки амалга, ҳокимиятга, бойликка ўч персонаж, яхши фазилатли бўлмаса-да, лекин душманлар билан аёвсиз жангга киришадиган довюрак аскар тасвирланади. Мазкур қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари дунёвий эҳтиросларни қондиришга қаратилади, аммо уларнинг бутун дунёвий ҳаёти хомхаёл, туш бўлиб чиқади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ижтимоий романларда ҳам, ноижтимоий романларда ҳам тўқима образ ва воқеалар кенг тасвирланади, бироқ айни вақтда уларда даврнинг муҳим, жиддий муаммолари акс эттирилади. Анъанавий корейс насрида ушбу романлар орқали янги ижтимоий ҳодисани англаш учун асос бўладиган икки адабий оқим – романтизм ва реализм синтези мавжудлигини кузатиш мумкин.

XVII–XVIII асрларда корейс адабиётида янги шаклларни топиш йўлидаги изланишлар тарихий ва географик хусусиятга эга ханмундаги янги жанр – кундаликлар ривожланиши учун имконият яратади. Бунга Ли Сунсиннинг «*Ҳарбий воқеалар кундалиги*», Хван Чиннинг «*Японияга саёҳат кундалиги*» ва бошқалар мисол бўла олади. Уларда қаҳрамон замон ва макон алоқалари силсиласида, воқеалар ривожи динамикасида тасвирланади. Бу адабиёт инсоннинг шахсий ҳаётига, унинг ички дунёсига қизиқиш кучайганидан далолат беради. Мазкур кундаликларда инсоннинг шахсий тақдири кузатилади, унинг ҳиссиётлари ва кечинмалари тавсифланади.

Кундаликларда муаллифлар ўз дардлари, шахсий кечинмаларини баён этадилар. Япония билан бўлган урушнинг фожиали воқеалари, ўзлари иштирок этган жангу жадаллар, асирликдаги ҳаёт, асирликдан қочгандан кейинги дарбадарликлар ва ватанга қайтиш тафсилотлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Кундаликлар фақат ҳарбий воқеалар баёнига бағишланмаган. XVII–XVIII асрларда шахсий саёҳатлар ҳақидаги кундаликлар пайдо бўлди. Чон Сиханнинг «*Тоғларда ёзилган кундаликлар*», Пак Чоннинг «*Пэктусан тоғига саёҳат кундаликлари*», Ли Ининг «*Соктамнинг кундаликлари*», Чон Чхолнинг «*Увахэ-чун подшолик давринининг кундаликлари*» ва бошқа асарларда маҳаллий аҳолининг яшаш шароитлари тасвирланади, содир бўлаётган воқеаларга танқидий баҳо берилади. XVII–XVIII асрларнинг кундаликлар шаклидаги насрида йўл қайдлари ва тақдири фожиали кечган аёлларнинг кундаликлари етакчи ўринни эгаллайди (асосан подшо саройига мансуб аёлларнинг, масалан, «*Хон хоним кундаликлари*».

Мазкур кундаликлардан Кореянинг ҳукмрон давра вакиллари ҳаётига доир фактлар, аёлнинг муҳаббати, ёлғизлик ва айрилиқ азоби ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кенг ўрин олган. Аёллар томонидан ёзилган кундаликларда мазкур жанрнинг бошқа қирраси, яъни, ҳиссиётларга тўлалик, чуқур лиризм ва экспрессивлик кўпроқ намоён бўлади.

Кундаликлардаги қайдларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда келтирилган ноёб фактик маълумотлар муаллифнинг эмоционал муносабати орқали акс эттирилади ва бунинг натижасида мазкур қайдлар тўлақонли бадиий асарга айланади.

XVII асрда ханмунда яратилган тарихий *чон* (биография) услубида ёзилган, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳатто буюмлар тасвир предмети бўлиб хизмат қилувчи тўқима сюжетларга асосланган асарлар пайдо бўлди. Агар бундай асарларнинг қаҳрамонлари сифатида муайян инсон образи киритилган бўлса, улар албатта расмий давлат муносабатларидан холи тарзда тасвирланган. Жумладан, камбағал ва ароқхўр ҳақидаги Квон Пхилнинг (1569-1612) «*Майхонадаги амакининг таржимаи ҳоли*» ва Хо Гюннинг «*Чаннинг таржимаи ҳоли*» асарлари шулар жумласидандир. Бу шаклда яратилган дастлабки асарлар каби бу асарларда ҳам расмий давлат муносабатларидан, ижтимоий шартларга тобе бўлмаган шахс тасвирланади. Бу асарларнинг мафкуравий асосида даосизм ва буддизм ғоялари ётади.

Чон услубида ёзилган асарларда, асосан, муҳаббат ва оила мавзуси акс эттирилган бўлиб, бу асарларнинг бошқа асарлардан фарқли жиҳати шуки, муаллиф қаҳрамонлар қилмишини очиб беради, аммо уларга ўзининг муносабатини билдирмайди. Одатда, барча қиссаларнинг номланиши бош қаҳрамон исми ва «таржимаи ҳол» маъносини англатувчи *чон* белгиси билан ифодаланади. Бундай асарлар орасида Квон Пхилнинг «*Чу тарихи*», Чо Виханнинг «*Чхве Чхок*», Ли Ханбокнинг «*Лю Ен*» каби асарлари етакчи ўринни эгаллайди.

Квон Пхилнинг муҳаббат учлиги ҳақидаги «*Чу тарихи*» қиссасида ёш йигит ва икки қиз муҳаббати тарихининг бадиий талқини алоҳида аҳамият касб этади. Қиссадаги воқеалар жуда динамик тарзда ривожланади: асарда инсоний муносабатлар, уларнинг руҳий ҳолати, муҳаббат учлиги, муҳаббат ҳиссиётларини келтириб чиқарган сабаблар баён этилади.

Бу учликда бош қаҳрамон биринчи муҳаббатининг ўлими билан, тақдир тақазоси билан Имжин урушидан сўнг уйига қайтиши ҳикоя сюжетининг тугуни, кейинги ҳаракат ва ҳолатлар воқеалар ривожи учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Муаллиф қаҳрамонларнинг лирик кайфияти, руҳий ҳолати билан боғлиқ воқеаларни шеърий мисралар орқали ифодалайди.

Чон услубида кўплаб корейс қиссалари яратилган. Асар қаҳрамонлари – уйғунликка интилувчи ва аҳамиятга молик иш қиладиган, жамиятда ўрнатилган тартибларга амал этмайдиган, ёки бўлмаса, жамиятдан ташқарида яшайдиган шахслардир. Асардаги мавзулар учун «*Чхунхян ҳақида қисса*», «*Сим Чхон ҳақида қисса*» каби фольклор асарлар, буддавий характерга эга корейс афсоналари, турли тарихий воқелар манба бўлиб хизмат қилган.

Барча асарларда қаҳрамоннинг машаққатлари, бошдан кечирганлари ва қашшоқ ҳаёти тасвирланган бўлса-да, улар сюжетига бахтли якун топиш хосдир. Бу услубда ёзилган барча асарларга жамият негизини ташкил этувчи анъаналарга содиқлик, ихтилофга бормаслик, тақдирга тан бериш ва ҳаётини

ўзгартиришга ҳаракат қилмаслик ҳам хос. Уйғунликка интилиш эса ихтилофнинг ечимига олиб келади. *Чон* услубидаги барча қиссалар жамиятнинг асосий ижтимоий муаммосига бағишланган. Қаҳрамоннинг намунавий хулқи эвазига эришилган ижтимоий уйғунлик ғояси турли тарихий воқеалар тарзида баён қилинади. Сюжет конфуцийчиликнинг тўғри тарбия билан боғлиқ бош ғояси – инсон ва жамият ижтимоий уйғунлиги асосига қурилган. Аммо, *чон* услубидаги қиссаларда инсоннинг оламни конфуцийчилик ғояси асосида англаши билан бирга даосизм ғоялари ҳам кузатилади: азоблардан қутилиш учун фаол ҳаракатлардан воз кечиб, табиат ва май билан ҳузур-ҳаловатга етиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XVII-XVIII асрларда корейс адабиётига янги ғоялар кириб келиши натижасида унинг ижтимоий роли ўзгарди. Янги шаклларни излаш ва яратиш, шунингдек, янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва эски жанрлар шакл-шамойилининг ўзгариши каби жараёнлар давом этди.

Пхэсол асарларининг аксарият қисми тарихнавислик йўналишида вужудга келган бўлиб, бутун тараққиёт даври давомида (XVIII асрнинг бошигача) тарихий воқеаларни ёритиш хусусиятини сақлаб қолди. *Сосол* насрий асарлар туркуми эса *пхэсол* кичик насрий асарлар туркумининг муносиб давомчиси ҳисобланади.

Корейс назарий адабий тафаккурида *сосол* атамаси қисса, роман, новелла сингари насрий асарларни қамраб олади. Таниқли корейс тадқиқотчиси Ли Сантхэк сюжетли корейс насрида жанрларга аниқ бўлиниш мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Сосол насрий асарлар туркуми воқеликни тарихий маълумотлар орқали тасвирлашдан бадиий тўқималар орқали тасвирлашга ўтиши билан характерланади. Гарчи «тарихийлик» қисман сақланиб қолса–да, тўқима образлар мавқеи ошди, фольклор материаллари бўлган халқ оғзаки ижоди бойликларидан, «норасмий тарих» асарларидан олинган ўхшаш сюжетлар яратилди.

XVII–XVIII асрларда инсон ҳаётидаги долзарб масалаларни ўзида акс эттирган корейс насрининг янги шакл ва мавзулари орқали жамиятни инсонийлик тамойилларига мувофиқ одилона ташкил этишнинг умумий манзараси билан ҳиссиёт ва кечинмалар дунёси уйғунлиги юз берганини таъкидлаш жоиз.

XVII–XVIII асрлар корейс насрида ўз ифодасини топган эстетик идеал диний ва маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлашиб кетди. Унда буддизм ва конфуцийчиликка асосланган жамоавий ҳамда шахсий диний-фалсафий қарашлар бирлиги кузатилди. Буларнинг барчаси реал воқеликни эстетик баҳолаш мезонларига тўла жавоб берувчи XVII–XVIII асрлар корейс насрида яққол акс этган.

ГАИПОВА ШАҲНОЗА
ўқитувчи, ТошДШИ

Закария Тамернинг услубий маҳорати: композиция ва рамзий тил хусусиятлари (“Ранда” ҳикояси асосида)

Аннотация. *Мазкур мақола Замонавий Сурия адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Закария Тамернинг услубий маҳоратига бағишланган бўлиб, унда ёзувчи қаламига мансуб “Ранда” ҳикояси таҳлилга тортилади ва шу орқали адибнинг ўзига хос бадиий услуби, айнан шу ҳикояда қўллаган композицион уддабуронлиги ва асарнинг рамзий тил хусусиятлари очиб берилади. Ҳикоя ичида ҳикоя қолипида яратилган “Ранда” ҳикояси шаклан болалар учун мўлжалланган эртакнамо асарни эслатса-да, аслида моҳир ёзувчининг жамиятдаги долзарб мавзуларни содда жумлалар ичига яширган маъно кўлами кенг бадиий асари ҳисобланади. Бош қаҳрамон Ранда исмли қизча образи орқали муаллиф универсал Аёл қиёфасини яратади ва унинг жамиятда тутган ўрни, айниқса, араб аёли қисмати, унинг шахс сифатида шаклланиш жараёнларини нозик чизгилар орқали кўрсатиб беришда рамзлардан усталик билан фойдаланади.*

Таянч сўз ва иборалар: *замонавий араб адабиёти, ҳикоя, рамз, рамзийлик, жонлантириш, сюжет, композиция, бадиий асар тили.*

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению особого литературного стиля одного из ярких представителей современной сирийской литературы – писателя Закарии Тамер. В ней анализируется авторский рассказ «Ранда», который ярко показывает композиционные навыки З. Тамера и символический язык, использованный в рассказе. Хотя «Ранда», созданная в форме “рассказ внутри рассказа”, напоминает сказку для детей, на самом деле это обширная литературная работа талантливого писателя, которая затрагивает важные темы общества простыми предложениями. С помощью образа маленькой девочки по имени Ранда, автор создает универсальный образ женщины и умело использует символы, чтобы показать ее роль в обществе, особенно судьбу арабской женщины через тонкие линии.*

Опорные слова и выражения: *современная арабская литература, рассказ, символ, символика, олицетворение, сюжет, композиция, язык произведения.*

Abstract. *This article is devoted to the study of the special literary style of one of the prominent representatives of modern Syrian literature – the writer Zakaria Tamer. It analyzes the author’s story “Randa”, which clearly shows the compositional skills of Z. Tamer and the symbolic language used in the story. Although the “Randa”, created in the form of a “story inside a story”, resembles a fairy tale for children, in fact it is an extensive literary work of a talented writer that addresses important topics of society with simple sentences. Using the image of a little girl named Randa, the author creates a universal image of a woman and skillfully uses symbols to show her role in society, especially the fate of an Arab woman through thin lines.*

Keywords and expressions: *modern Arabic literature, story, symbol, symbolistics, personification, plot, composition, language of the work.*

Мазмун ва шакл бирлиги санъат ва адабиётда алоҳида аҳамият касб этади. Санъаткор томонидан танланган ва қамраб олинган ҳаёт материали асарнинг мазмунини ташкил қилади[1]. Ҳаётнинг ўзида шаклсиз бирор предмет ёки воқеа бўлмагани каби, адабиёт ва санъатда ҳам воқеа-ҳодисаларни шаклсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон санъат ва адабиётнинг бош предметидир. Ҳар бир ёзувчи ва шоир ўз асарида инсон ва предметлар орасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган воқеа ва ҳодисаларни тартибга солади, ҳар бир воқеанинг бошланиш ва тугалланиш нуқталарини белгилайди. Бадиийликни вужудга келтирувчи мавзу ва ғоя, образ ва характер, сюжет ва композиция, бадиий тил ва услуб, тур ва жанрлар каби воситалар ҳар бир асарда бетакрор тарзда уйғунлашиб, жонли бир вужудни – аниқ бир фарзандни дунёга келтиради. Ёзувчи учун ҳар бир асари ҳам ўз фарзандидек азиз бўлади. Бадиий асар – уни яратган муаллифнинг бетакрор оламидир. Шу ўринда, замонавий Сурия адабиётининг ёрқин намояндаси З. Тамернинг бадиий олами чуқур мулоҳаза ва мушоҳадани талаб қилади. Унинг жиддий фалсафий ўй-фикрлари ва қарашлари рамзларга бой жумлаларда ўз аксини топади.

З. Тамернинг бевосита таҳлил қилинаётган “Ранда” номли ҳикояси ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, ҳар бири ўз мустақил сюжет ва композициясига, ўз мазмун ва шаклига, мавзу ва ғоясига эга 39 та кичик-кичик ҳикоячалардан ташкил топган. Бадиий асарнинг ғоявий-эстетик таъсири унинг турли қисмларининг бир-бирига қанчалик мутаносиблигига боғлиқ экан, мазкур ҳикоядаги барча қисмлар ўзаро бирлашиб, ягона тўлақонли ҳикояни ташкил этади. Қисмлар рақамлар кетма-кетлиги орқали сарлавҳа тариқасида қўйилган. Ҳикояда тасвирланган барча воқеа-ҳодисалар биргина марказий образ Ранда атрофида содир бўлади ва айнан Ранда ҳикоянинг ҳамма қисмларини ўзаро чамбарчас боғлаб туради.

Асарнинг турли қисмлари орасидаги мутаносиблик асарнинг композиция[2]сини ташкил қилар экан, у асардаги бош ғояни бошқариб туради, тасвирдаги меъёр ва мувофиқликни ҳам юзага чиқаради. Композиция сюжетни ҳам, сюжетдан ташқарида қолувчи воситаларни ҳам ўзида жамлайди. “Ранда” ҳикоясининг композицияси араб адабиётида азалдан машҳур бўлган қолиплаш усули, яъни “ҳикоя ичида ҳикоя” услубида яратилган. З. Тамер ҳикоянинг асосий мазмунини чиқариб беришда қўшимча воқеаларни асар ичига киритиб, ҳикоянинг ўзига хос услубини яратади.

З. Тамер асарга фольклор мотивларидан эртак ва афсоналарни киритади, туш элементларини ҳам ҳикоянинг баъзи бир қисмларида қўллайди. Баҳорнинг кириб келишини ўз ҳаёлида тасаввур қилган Ранда хаёлларга берилиб, осмонларда учиб юради.

Ҳикоянинг яна бир қисмида Ранда туш оғушида бўлиб, тушида бир подшоҳни кўриб, ундан қанотлар совға қилишни илтимос қилади. Подшоҳнинг

[1] Qo‘shjonov M. Hayot va mezon [Life and criteria]. – T., 1974.
[2] Sulton I. Adabiyot nazariyasi [Literature theory]. – T.: O‘qituvchi, 1980. – B. 188.

қарори чиқиб, Ранда энди қанотли бўлиб, учишга тайёр турганида онасининг овози уни уйғотиб юбораркан, бу билан Тамер қизалоқнинг реал ҳаётдан бошқа бир олис оламга учиб кетгиси келаётганини аён қилади. Ранда ҳар томонлама романтик оламга интилаверади.

Яна бир тушида у кенг яйловда сайр қилиб юрганида оқ қуш учиб келиб, уни ўзи билан олиб кетади. Оппоқ мамлакатга келиб, ерга қўнишаркан, қуш Рандага бу ер мактаблардан, дарслардан, буйруқ бераверадиган ўқитувчилар ва оналардан озод мамлакатлигини айтади. Ранда эса, ўз уйи ва ҳовлисини, онаси ва яқинларини ёдга олиб, йиғлаб юборади ва уйғонади. Бундан англашиладики, адиб Рандага Ватан туйғуси ҳақида дарс беради. Ранда ёш бола бўла туриб, қанчалар мактабини, дарс қилишни ёмон кўрмасин, онасининг иш буюришлари ва даккиларидан хафа бўлмасин, барибир ҳеч нимага уларни алмашмаслигини ўзи учун кашф қилади ҳамда яна бир ҳаётий сабоқни уқиб олади.

Ана шундай тарзда, З. Тамер ўз қаҳрамонини ҳаёт йўлларидан олиб ўтади, турли хил муаммоли вазиятлар қарамоғига ташлаб, ўша муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Ёзувчи ўз қаҳрамонига бефарқ эмас. З. Тамер ижтимоий ҳимояланмаган, яшаш учун пули бўлмаган одамлар ҳаётига ўзининг ҳамдардлик ва илиқ муносабатини турли бадиий усуллар орқали ифодалаш билан бирга, бу ҳис-туйғуларни ўқувчида ҳам уйғотишга ҳаракат қилади.

Аввалига ёш болалар учун мўлжалланган бир эртакни эслатадиган бу ҳикоя, воқеалар ривожи мобайнида жиддий ҳаётий масалаларни ўз ичига қамраб олиб, ёш бир қизчанинг турли ҳаётий вазиятларга бўлган ўзига хос муносабатини гўзал ва унутилмас сатрларда ифодалайди.

Ҳикоядаги воқеа-ҳодисалар ихчам ва пишиқ сюжет, кутилмаган ечим асосида кўрсатиб берилади. Муаллиф воқеаларга аралашавермайди. Ҳикоя ичидаги ҳикоячалар эртакнамо тарзда муаллиф томонидан сўзлаб берилади. Қаҳрамонлар характерларининг тасвирида психологик тасвирга ортиқча ўрин ажратилмайди. З. Тамер бош қаҳрамон Ранданинг суҳбатлари, хатти-ҳаракатлари ва руҳий-эмоционал ҳолати, ички дунёси орқали унинг психологик портретини чизади. Ҳикояда воқеалар ёйиқ ҳолда, қисмларга ажратилган ҳолда берилади.

Ҳикоя Ранданинг икки хил олами асосига қурилган. Бири Ранданинг хаёлий-фантастик олами бўлса, иккинчиси эса – онаси, мактаби, дугоналари қуршовидаги реал ҳаёт тасвири.

Ҳикоя бошдан-оёқ Ранданинг табиат билан, унинг турли унсурлари ва ҳодисалари билан, ҳайвонот олами вакиллари, ўсимлик дунёси ва жонсиз предметлар билан бўлган диалоги асосига қурилган. Айнан диалог ёрдамида Ранда характеридаги ўзига хос жиҳатлар кўрсатилади. З. Тамер Рандани уни қуршаб турган олам билан мулоқотга киргизишда жонлантиришдан самарали фойдаланади. Жонлантириш – тирик нарсаларнинг хусусиятларини жонсиз нарсаларга нисбатан берилиши бўлиб, унинг ёрдамида бадиий асар тилида образлилик ва ёрқинлик касб этади. “Ранда” ҳикоясида жонсиз

нарсаларнинг ҳамма-ҳаммасига жон киради. Ранда ҳақиқий оламда яшаб туриб, сеҳрли равишда предметлар ва табиат оламини ҳис қилиб яшайди. Ана шундай равишда, адиб Рандани бошқа болаларга ўхшамайдиган қилиб, ноёб қобилият соҳибаси қилиб яратади.

Ёзувчининг тили унинг ҳаёт тажрибаси кўзгусидир. Асар тилининг сўз бойлиги қанчалар катта бўлса, унда шунча кўп янгиликлар, фикрлаш учун шунча кўп мавзу ва ғоялар бўлади, бадиий асарда акс этган ҳақиқат ва борлиқ кўпқиррали ҳамда ранг-баранг бўлади. “Ранда” ҳикоясининг тили содда ва равон, аммо ана шу оддийлик тагида ўта муҳим ва жуда жиддий тагмаъно яширинган. Ҳикоя чигал ва мужмал жумлалардан ҳоли, лекин бу билан асарнинг бадиий қийматига заррача путур етмайди. Муаллиф ортиқча безакларга берилмасдан, майин ва мураккаб бўлмаган иборалар орқали реал ҳаётий лавҳаларни тасвирлайди ва бу билан ўзининг моҳир сўз устаси эканлигини кўрсатиб беради. З. Тамер бадиий тасвирий воситалаларни ҳаддан зиёд қўлламайди. Одамга ёқадиган даражада, майин ўхшатиш ва истиоралардан, таққослаш ва аллегориялардан ўрнида, ортиқча жимжимадорликка берилмаган ҳолда фойдаланади.

З. Тамер болаларга мўлжалланган кўплаб ҳикояларнинг муаллифи бўлгани учун у болалар психологиясини яхши билган ва тушунган ҳолда улар ҳаётига бағишлаб ноёб асарлар яратади. Адиб айнан ёш болаларни ўз асарларининг қаҳрамонлари қилиб танлаб олар экан, улар орқали умуман одамзот тимсолини рамзий тарзда ифода этади. Жумладан, “Ранда” ҳикояси ҳам ёш қизчанинг ҳаёт ҳақидаги жумбоқли ўй-фикрларини, унинг психологик ҳолатларини, атроф-муҳитга бўлган муносабатини содда тилда тасвирлаб беради. З. Тамер ҳикояда Ранданинг қувноқ кайфияти орқали ҳаёт гўзалликларини, беғубор болалик чоғларини куйлайди, Ранда атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалар орқали ҳаётнинг аччиқ ва аламли ҳақиқатини ифода этади. Ёзувчи ёш бола нигоҳида инсониятга сир бўлган ҳар хил масалаларни ёритишга ҳаракат қилади.

Ҳикоянинг илк сатрларидан уфуриб турган романтик кайфият, кўтаринки руҳ секин-аста ҳикоя давомида тушкун кайфият билан ўрин алмашади. Лекин адибнинг ўз қаҳрамонига нисбатан бўлган илиқ ва самимий муносабати ҳикоя охиригача ўзгармас бўлиб қолаверади.

Ҳикоя тугунида муаллиф Рандани турли ҳаётий зиддиятларга тўқнаштиради, аммо Ранда ўзига бўлган ишончини ҳамиша сақлаб қолади. Ҳаттоки ўз онаси уни тушунмаган ҳолларда ҳам Ранда болаларча беғуборлик билан бундан хафа бўлмайди, инжиқлик қилиб, салбий хулосалар чиқармайди. Аксинча, у билан содир бўлаётган ҳар бир воқеага ижобий томондан ёндашиб, ҳаёт ўргатаётган сабоқларга қулоқ солади.

Асар охирида бутун асар давомидаги воқеаларни изоҳлайдиган, қаҳрамон руҳий дунёсини янги изга соладиган кутилмаган ўзгариш рўй беради ва бу ўзгариш туфайли асардаги ҳамма воқеалар моҳияти тўлароқ очилади. Ҳикоя ҳам воқеада, ҳам маънода катта “портлаш” билан тугалланади. Ана

шу фавқулодда юз берадиган ҳодиса китобхон руҳиятига шу оннинг ўзида қаттиқ таъсир кўрсатади.

Ҳикоя том маънода фожеавий воқеа билан якунланади. Адиб Рандани ҳикоя давомида ҳаёт қийинчиликларидан асраб-авайлашга қанчалик уринмасин, аччиқ ҳаёт ҳақиқати ўзини ҳар қадамда намоён қилиб, Рандани таъқиб қилаверади. Бу билан адиб ҳаёт қонуниятидан қочиб қутулиб бўлмаслигини кўрсатиб беради.

Ҳикоянинг охириги 39-қисмида Ранда бевосита даҳшатли бир воқеанинг гувоҳи бўлади. Унинг беғубор кўзлари олдида бир киши ўз синглисини пичоқ билан сўйиб қўяди ва оиласи шаънини ҳимоя қилиш учун ор-номусини йўқотган синглисига ана шундай жазо берганидан мағрурланиб, оломонга йўналиб, қилган ишидан фахрланади.

Умрида ҳали бундай ҳолатга тушмаган Рандaнинг бутун вужуди ва қалбидаги ўзгаришларни, руҳий изтироби ва тушкун ҳолатини адиб ўта таъсирчан иборалар ва ўхшатишлар билан тасвирлайди:

"لم تستطع رندا الواقفة في شارع اغماض عينها او الصراخ او الانتحاب، انما اكتفت بان ترتجف كورقة صفراء تواجه بعناد ريحا شديدا تحاول اجبارها علي التخلي عن شجرتها"[1].

“Кўчада турган Ранда на кўзини юма олди ва на бақиришга қурби етди, фақатгина уни ўз бандидан туширишга мажбур қилаётган шамол билан курашаётган сариқ барг каби титрарди”.

Мазкур тасвир орқали ўқувчи кўз ўнгида ҳамиша баҳор каби гўзал ва қувноқ, ҳечам ҳаётга бўлган ишочини йўқотмайдиган Ранда тамомила ўзгача кайфиятда гавдаланади ва қизчанинг оғир психологик ҳолати аянчли тарзда ўз ифодасини топади.

Бу мудҳиш воқеадан таъсирланган Рандaнинг руҳий ҳолатини З. Тамер сўнгги сатрларда биргина жумла орқали баён қилади:

"عندئذ اختفت رندا"[2].

“Ана шу дамда Ранда ғойиб бўлди”.

Мана шу биргина, қисқа жумлага З. Тамер не-не маъно жамлайди. Китобхонни мустақил фикрлашга ундаган ҳолда, якуний хулоса чиқаришни унинг ўзига ҳавола қилади. Ҳар бир ўқувчи ўз дунёқараши, ҳикояни тушуниши ва қабул қилишига қараб Рандaнинг кейинги ҳолати ҳақида ўз тахминларини билдиради.

Оламни романтик англашга хос бўлган идеал олам ва ўз шахсияти билан фожеали ажралиш Ранда образида намоён бўлади. Романтик қаҳрамонларга хос бўлган ҳодисаларни тушкун руҳда қабул қилиш инсонни ташқи оламдан бутунлай узилишига олиб келади. Ранда табиатдан нажот излайди, лекин бу

[1] زكريا تامر. النمور في يوم العاشر. قصص. – بيروت: منشورات دار الآداب. 1981. – ص. 116
[Zakariyâ Tâmer. An-numûr fî yavmi-l-‘âşiri. Qisas. Bayrût: manşûrâtu dâri-l-âdâb] / [Zakariya Tamer. Tigri na desyatiy den’]

[2] Ibid.

ерда ҳам унинг олий идеаллари реал ҳаётнинг мураккаб зиддиятли олами билан тўқнашади. Барча романтик қаҳрамонлар сингари Ранда икки хил дунёда яшайди: реал дунё ва табиат оғушидаги романтик дунё. Кўп ҳолларда икки қиёфа реал ва идеал дунё келишмовчилигига олиб келади. Ёзувчи Ранданинг бу келишмовчиликни кўтара олмаганини ўқувчига яққол етказаркан, унга фақат ўзининг идеал дунёси билан яшаш нақадар хавфли эканлигини, бу мураккаб, айни дамда, гўзал бўлган реал дунёда яшай олиш учун ўзида куч топа олиш нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Қаҳрамон икки йўл олдида: ёки уни ўраб турган воқеликка мослашиши керак, ёки бўлмасам, ўзининг идеал дунёсида қолиши керак. Ранда қай бирини танлагани бизга номаълум.

Ранданинг ғойиб бўлганлиги том маънода ҳам бўлиши мумкин, ёки бўлмасам кўчма маънода тушунилиши ҳам мумкин. Ҳаётнинг бундай зулмкорлигини қабул қилолмаган, адолатсизликка бардош беролмаган ва реал ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига рози бўлолмаган Ранда чинакамига табиат оғушига ўзини бахш этган бўлиши мумкин. Бу билан эса, адиб асар бош қаҳрамони Ранданинг у яшаётган ҳаётий шароитга нисбатан норозилигини аён қилади ва асарнинг бош конфликтини кўрсатиб беради.

Иккинчи талқин бўйича эса, романтик Ранда реал ҳаёт ҳақиқати олдида таслим бўлиб, бош эгади. Яъни муаллиф бу ерда Ранданинг ва ниҳоят улғайиб, ўз хаёлий оламини тарк этганлигини билдирмоқчи бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳикоя ана шундай сўлғин оҳангларда якунланаркан, китобхоннинг Рандага астойдил раҳми келади. Унга нисбатан ачиниш ҳисси уйғонади. Уни ўз бағрига босиб, таскин бергиси келади. Чунки бутун ҳикоя давомида Ранданинг гўзал романтик оламида китобхонни ҳам кезишга мажбур этган адиб қизчани шундай маҳорат билан тасвирлайдики, Рандага меҳр қўйиб, уни яхши кўриб қолишликдан ўзга илож қолмайди. Ана шу биргина марказий образга З. Тамер бутун меҳр-муҳаббати ва самимий туйғуларини сингдиради.

З. Тамернинг ҳаётни трагик тарзда қабул қилиши ва ўз китобхонлари диққатини ҳаётнинг айнан зиддиятли ва муаммоли томонига қаратиши “Ранда” ҳикоясида ҳам ўз ифодасини топади. Лекин шу билан бирга, адибнинг ҳаётнинг гўзал ва одамга ором бағишловчи қирраларини ҳам нозик ҳис қилиб, ҳайратомуз тарзда тасвирлай олиш қобилияти соҳиби эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бежиз эмаски, унинг ижодий фаолиятини кузатиб бораётган мунаққидлар З. Тамерни “Ҳаёт даҳшатлари ва гўзалликлари куйчиси” деб атайдилар. Ўз асарларида З. Тамер ўткир руҳшунос, ўз персонажларининг руҳий ҳолатини тушуниб, уларнинг дардларига ҳамдардлик билдира оладиган кузатувчан инсон сифатида намоён бўлади.

Ижодкор тафаккури борлиқни, ҳаётни, инсонни англашга, уни тасвирлашга ҳаракат қилар экан, чуқур мушоҳадалар ва фалсафий қарашларни илгари суради, янги-янги бадиий ифода усулларини яратади. З. Тамер ҳикояларига ҳам замон ва маконнинг ноаниқлиги, воқелик, образлар тизими, ғоя ва қарашларнинг турли рамзлар билан ифодаланиши тааллуқлидир.

Замонавий Ғарб адабиёти билан, ўз халқининг бой адабий мероси ҳамда Ислом оламининг фалсафий қарашлари билан яқиндан таниш бўлган З. Тамер ўз ижодида барча билими ва истеъдодини намоён қилади. Замонавий жаҳон адабиётидаги тасвир воситалари ва принципларини миллий адабиётга мослаштирган ҳолда ўз ижодига олиб киради.

З. Тамер ҳикояларига, асосан, рамзийлик хос. Адиб рамзларни қўллаганда айтмоқчи бўлган гапи ёки илгари сурган ғоясини ўқувчига яққол кўрсатмайди, балки унга ногаҳон ишора қилиб ўтади, китобхонларни мазмунни қидиришга, маънони ахтаришга чорлайди.

“Ранда” ҳикоясида ҳам табиатни рамзлар манбаи сифатида кўрсатар экан, унинг турли кўринишлари ва унсурларидан ўзининг ғоявий мақсадини амалга оширишда усталик билан фойдаланади.

Адибнинг “Ранда” ҳикоясидаги рамзлар силсиласини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Табиат унсурлари ва табиат ҳодисалари рамзлари. Уларга ҳикояда фаол иштирок этган *қуёш ва ой, кун ва тун, булут ва шамол, денгиз ва дарё, баҳор ва ёз, куз ва қиш фасллари ҳамда ер* образлари киради. Бунда қуёш ёруғлик, яхши кайфият ва хурсандчилик рамзи, ой билан қуёш биргаликда Ранда учун она ва ҳамроҳ, меҳрибонлик ва илиқлик рамзидир. Универсал равишда кун билан тун – ёруғлик ва зулмат, булут – кўз ёшлари, хорғин ва маъюс кайфият, шамол – енгиллик, енгилтаклик ва лоқайдлик рамзи. Тўрт фасл тўрт хил кайфиятдаги инсон тимсоли. Ер эса инсоннинг ота-боболаридан қолган мероси рамзидир. Денгиз эса ҳадсиз, чегарасиз само ва борлиқнинг рамзий ифодасидир. Дарё адибнинг индивидуал дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда жамланма ва тўпламни акс эттиради. Бу ўринда, ҳикояда Ранданинг “дарё” сўзини талаффуз қилганида тасаввурида пайдо бўлган лавҳа эътиборга молик:

"و ها هم الناس يتراكضون نحو نهر الذهب، و يتشاجرون، و كل منهم يبغي الحصول علي اكبر كمية من الذهب، فتغضب رندا، و تسارع إلي تخيل نهر من خبز، فيهرع إليه اطفال ضفر الوجوه، هزيل الاجسام، فيضمحل غضب رندا، و تزداد حبا لكلمة "نهر"[1].

“Мана, одамлар тилла дарёси томон югуриб, бир-бирлари билан олишмоқдалар, ҳар бири кўпроқ тилла олиш иштиёқида. Ранданинг жаҳли чиқди, дарров нонли дарё тасаввур қилишга шошилди. Энди унга юзлари бўзарган, озғин болалар югуриб кела бошлади. Ранданинг ғазаби йўқолиб, “дарё” сўзига меҳри янада ошди”.

2. Ҳайвонот олами ва паррандалар рамзлари. Уларга ҳикоядаги *митти қушча, қўзичоқ, от, қарға, капалак, эшак ва мушук* образларини киритиш мумкин. Бунда митти қушча ва қўзичоқ адибнинг шахсий рамзлари бўлиб, улар жамиятнинг ҳимояланмаган ва ночор қатлами тимсолида намоён

[1] زكريا تامر. النمور في يوم العاشر. قصص. – بيروت: منشورات دار الآداب. 1981. – ص. 108
[Zakariyâ Tâmer. An-numûr fî yavmi-l-‘âşiri. Qisas. Bayrût: manşûrâtu dâri-l-âdâb] / [Zakariya Tamer. Tigri na desyatiy den’]

бўладилар. От – озод ва ҳур инсон рамзи. Лекин эгарланиши биланоқ эркинлигини йўқотиб, қарамга айланади. Ҳикояда мушук айёрлик, уддабуронлик, очкўзлик ва ношукрлик рамзини билдиради. Қарға – ёлғизлик, капалак эса гўзаллик ва қувноқлик рамзидир. Эшак меҳнаткаш халқ, "қора" ишчи рамзи сифатида ифодаланади. З. Тамер усталик билан "эшак каби ишлаш" қандай бўлишини қуйидаги парча орқали тасвирлаб беради.:

"قالت رندا:
- ماذا تأكل؟
قال الحمر:
- افطاري حلوي و غذائي لحم مشوي اما في المساء فلا اكل شيئا تنفيذا لتعليمات طبيبي الخاص.
قالت رندا:
- و اين تنام؟
قال الحمر:
- انا قي افخم فندق.
قالت رندا بلهجة موبخة:
- انت حمار سيء الاخلاق. اسألك بتهذيب فتجاوب هازئا بي؟!
قال الحمر بنزق:
- ضعي عاي ظهرك هذه الاكياس الثقيلة ثم جاوبي افضل من اجوبتي"[1].

"Ранда деди:

- Сен нима танаввул қиласан?

Эшак жавоб берди:

- Нонуштага ширинликлар танаввул қиламан, тушлик пайтида қовурилган гўшт ейман, кечки овқат вақтида эса шифокоримнинг айтганларини қилиб ҳеч нима емайман.

Ранда сўради:

- Қаерда ухлайсан?

Эшак деди:

- Мен энг шинам меҳмонхонада ухлайман.

Ранда хафа бўлиб деди:

- Сен – одобсиз эшак экансан! Мен сендан ҳурмат билан сўрасам, сен менга даҳмаза билан жавоб беряпсан.

Эшак нолиб деди:

- Сен ҳам менга ўхшаб елкангга мана бу оғир нарсаларни илиб олгинда, кейин меникидан яхшироқ жавоб бериб кўр!"

3. Ўсимлик дунёси рамзлари. Буларга *атиргул, бойчечак, оддий дарахт ва лимон дарахти киради.* Ҳикояда адиб атиргулни ўз қаҳрамони Рандага ўхшатар экан, у гўзаллик ва беғуборлик сифатида намоён бўлади. Бойчечак осмоннинг ердаги акси. Оддий дарахт ўз тақдиридан, қисматидан

[1] زكريا تامر. النمور في يوم العاشر. قصص. – بيروت: منشورات دار الآداب. 1981. – ص. 106
[Zakariyâ Tâmer. An-numûr fî yavmi-l-'âşiri. Qisas. Bayrût: manşûrâtu dâri-l-âdâb] / [Zakariya Tamer. Tigri na desyatiy den']

норози киши бўлса, лимон дарахти “ҳамиша баҳор” типидаги очиққўнгил, мулойим инсон тимсолидир.

4. Ранглар рамзлари. Ҳикояда З. Тамер ранглар жилосига эътиборимизни қаратади. *Оқ ранг* поклик, тозалик, айбсизлик, беғуборлик, мувозанат ва осойишталик, эркинлик ва куч-қудрат рамзи. *Қора ранг* дим ҳаво, тун, ёмонлик, нохуш кайфият рамзи. Ҳикояда яна *қизил, кўк, сариқ ва яшил ранглар* тасвирланади.

5. Предметлар олами. Ранданинг *қўғирчоқлари, қалам ва қоғоз.* Бу ерда қўғирчоқлар ҳам, қалам билан қоғоз ҳам дўстлик ва душманлик, баҳс-мунозара, можаролар рамзи сифатида гавдаланади.

Ҳикоядаги рамзлар олами уммонида жуда узоқ сузиш мумкин ва ҳар бир рамзни хоҳлаганча талқин қилиш мумкин. Чунки З. Тамер китобхонларнинг ўз асарлари оламига бениҳоят даражада эркин парвоз қилишини таъминлаб қўйган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, З. Тамернинг “Ранда” ҳикояси адибнинг ўзига хос услубини ёрқин кўрсатиб берувчи ноёб шаклга эга ва рамзий тили билан китобхонлар диққатини ўзига жалб қилиб, улар эътибори ва қизиқишига моликдир. Уни таҳлил қилиш жараёнида ҳикоядаги мавзуларнинг хилма-хиллиги ва бойлиги, инсон ҳаётининг турли қирраларини ёритиб бериши, ҳикоя рамзий тилининг ифодалилиги ва турфалиги борасида мулоҳазалар ва фикрларни кашф қилиш мумкин.

Болалар адиби сифатида ҳам фаолият юритаётган З. Тамер ўзининг катталар учун мўлжалланган асарларида ҳам ёш болалар образини яратади ва улар орқали ўз яширин бадиий концепциясини ёритиб беради.

“Ранда” ҳикоясида ҳам адиб бош қаҳрамон сифатида Ранда исмли қизчани танлаб олар экан, ёш қизларнинг не-не орзулар, ниятлар, гўзал хаёллар ила ҳаётга қадам қўйиши, атрофидаги оламни ўзгача ҳис қилиб, гўзалликларга интилиб яшаши, уларнинг меҳр-муҳаббатга ташна ва диққат-эътиборга муҳтож эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Шу ўринда, З. Тамер орзу-хаёллар оғушида яшовчи беғубор ва беозор романтик қиз образини яратади.

Ҳикояда З. Тамер романтик қатламни реалистик унсурлар орқали сиқиб чиқариб, моҳирлик билан икки планли, икки хил дунёни ҳамоҳанг равишда тасвир этади. Реал ҳаётда ҳам романтик хусусият барча нарса ва ҳамма одамда бор экан, у ҳамиша инсоният борлиғининг эзгуликларини, нозик жиҳатларини, ҳиссий томонларини намоён қилади. З. Тамер ҳам гўзаллик ва нафосатни кўйлаш билан бирга, ҳаётда унинг акси мавжуд эканлигини инкор этмайди.

З. Тамер ижоди Сурия халқи ҳаётидан сарчашма олиб, ўз бадиий гўзаллигини тараққий этишда давом этмоқда. У яратган ва яратиб келаётган асарлар ўзининг сеҳрлилиги ва ҳаётийлиги билан китобхонлар қалбини ўзига ром этиб келмоқда.

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

АҲМЕДОВА ДИЛФУЗА
Филология фанлари доктори, ТошДШИ

Форс тили газета матнларида публицистик услубга хос феъл шаклларининг қўлланиши

Аннотация. *Мақола форс тили газета матнлари таҳлили асосида уларда қўлланган феъл шаклларнинг ўзига хос услубий хусусиятларини ёритишга қаратилган. Таҳлил давомида, аввало, газета матнларида қўлланган феълнинг грамматик категориялари тадқиқ этилиб, энг фаол ва нофаол грамматик категориялар аниқланган, уларнинг фаоллик сабаблари очиб берилган. Шу билан бирга мақолада айнан газета матнларида қўлланувчи феъллар таҳлилга тортилиб, уларнинг қўлланишидаги услубий ўзига хослик очиб берилган.*

Публицистик матнлар, хусусан, газета матнини лингвистик таҳлил қилишда функционал ёндашувда тил бирликларининг семантикаси ва шакли, уларнинг матн ҳосил қилишдаги вазифасидан келиб чиқиб ўрганилади. Ушбу функцияни бажаришда тил бирлигининг семантикаси ва шакли уни газета матнини вужудга келтирувчи воситага айланади. Эроншуносликда ҳам сўз туркумлари ва уларнинг маъновий гуруҳларини функционал услублар доирасида қўлланиши таҳлили алоҳида аҳамият касб этса-да, бу борада махсус тадқиқотлар амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Форс тили газета-публицистик услубини тадқиқ этиш замонавий эроншуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади. Шундан келиб чиқиб, феъл сўз туркумининг услубий-функционал аспектда ёритишда мазкур мақола долзарблик касб этади.

Таянч сўз ва иборалар: *стилистика, функционал услуб, публицистик услуб, газета матнлари, сўз туркумлари стилистикаси, феъл сўз туркуми, феълнинг грамматик категориялари, замон категорияси, майл категорияси, нисбат категорияси, расмий услубга хос феъллар.*

Аннотация. *Цель статьи – подчеркнуть специфические стилистические особенности форм глаголов, используемых в газетных текстах на персидском языке. В ходе анализа были изучены грамматические категории глаголов, используемых в основном в газетных текстах, выявлены наиболее активные и неактивные грамматические категории и причины их активности. В то же время в статье анализируются глаголы, используемые в газетных текстах и разъясняются методологические особенности их использования.*

Публицистические тексты изучаются согласно функциональному подходу к лингвистическому анализу газетных текстов, исследуются, исходя из семантики и формы языковых единиц, их функции в формировании текста. В реализации этой функции семантика и форма языковой единицы превращаются в средство, порождающие газетный текст. Несмотря на то, что и в иранистике особую важность обретает анализ применения частей речи и их семантических групп в рамках функциональных стилей, отсутствуют исследования на данную тему.

Исследование газетно-публицистического стиля персидского языка является важнейшим направлением современной иранистики. С этой точки зрения данная статья актуальна в стилистическо- функциональном аспектах категории глаголов.

Опорные слова и выражения: *стилистика, функциональный стиль, публицистический стиль, газетные тексты, стилистика частей речи, глагол, грамматические категории глагола, категория времени, категория склонения, глаголы официального стиля*

Abstract. *The purpose of the article is to emphasize the specific stylistic features of verb forms used in Persian language newspaper texts. The analysis examined the grammatical categories of verbs used mainly in newspaper texts, identified the most active and inactive grammatical categories, and identified the reasons for their activity. At the same time, the article analyses verbs used in newspaper texts and explains the methodological features of their use.*

Newspaper-journalistic style has specific features and the main task of the materials of this style is to report certain information to certain positions; thereby achieving the desired effect on the reader or listener. The content of the newspaper and informational messages is different in that here we are talking about events that are available for a broad understanding of the layers of non-specialists, directly or indirectly related to their lives and interests. From this point of view, this article is relevant in stylistic-functional aspects of the verb category.

Keywords and expressions: *Stylistics, functional style, publicistic style, newspaper texts, speech part stylistics, verb, grammar verb categories, time category, inclination category, formal style verbs*

Кириш. Публицистик услуб газета-публицистик, радио-тележурналистик, нотиқлик каби услуб ости йўналишларга ажратилади. Публицистик услубда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки газета ва публицистика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Газетадаги ҳар бир публицистик мақола ўзига хос ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиши ёки жамиятдаги турли янгиликларни бадиий ифода этиши мумкин. Шунинг учун ҳам публицистик мақолада олға сурилаётган ҳар бир ғоя, фикр ўқувчига, кенг очиқ оммага тез етиб бориши, тушунарли тилда ёзилиши керак. Қайси тилда ёзилишидан қатъий назар, қуруқ ёки жонсиз тилда ёзилган публицистика ўз ўқувчисига етиб бормайди. Шу билан бирга, газета стили публицистик стилнинг бир тармоғи ҳисобланади[1].

“Газета тилини атрофлича ўрганиш адабий тил хусусиятларини тадқиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тилшуносликларда газета тилини ўрганишга жиддий эътибор берилмоқда”[2].

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва унинг тил ривожига, тил маданияти шаклланишига таъсири бу услубни ўрганишга бўлган қизиқишни

[1] Qo’ng’urov R., Karimov S., Qurbonov T. Nutq madaniyati asoslari (Basis of standard of speech). II qism. – Samarqand, 1986. – b.20

[2] Abdusaidov A. Gazeta janrlarining til xususiyatlari (Language feature of newspaper genre). Filol. fan. nomz. …dis. – T., 2005. – B.10.

тобора орттираверади. Ҳозирги кунда газета матнлари тадқиқида лингвист олимлар унинг мазмуни, услуби, грамматик тузилиши ва лексикасини ўрганмоқдалар.

Мавзунинг мақсади форс тили газета матнларида феълларнинг таркиби, уларнинг функционал-услубий хосликларини аниқлашдан иборат.

Усуллар. Газета элементларини тавсифлашда анализ, газета матнларидан танлаб олинган мисолларни изоҳлашда интерпретация, лексемаларнинг ранг-баранглигини ўрганиш жараёнида тавсифий, қиёсий, миқдорий, умумлаштириш, семантик-услубий таҳлил, шунингдек, контекстуал ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Феъл ўрганиш объекти сифатида бир қатор тилшунослар эътиборида бўлиши бежиз эмас. Кўпчилик олимлар маълум воқеани тасвирлашда барча зарур компонентларни ўз ичига олган феълнинг мураккаб семантик тузилишини таъкидлайдилар.

Феълларнинг семантик таркиби мураккаблиги ҳақида А.А.Уфимцева қуйидаги фикрларни билдиради: “Феъл лексемалар, уларнинг номинациясида турли семантик белгилар, турли ҳаракатлар, жараёнлар, ҳолатларнинг шу ҳаракат ва ҳолатларни амалга оширувчи предмет ва шахслар билан алоқалари ракурси қайд этилган сўз белгиларидир”[1].

Е.Кубрякова эса “феъл нафақат ҳаракат, жараён ёки ҳолат ҳақида, балки инсон фаолияти билан боғлиқ вазиятлар ҳақида маълумот бериши”[2] ни таъкидлайди. Демак, феъл нафақат иш-ҳаракат турини номлаш, балки бутун жараённи тасвирлаш имконига эга.

Феъл сўз туркумини газета матнларининг таянч қисми сифатида кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, феълнинг грамматик шакллари маълум контекстда шаклланувчи ўзига хос функцияси билан ажралиб туради.

Феълнинг матн таркибида қўлланиши масаласи долзарблиги унинг тил сатҳи системасида энг юқори бирлик сифатида кўрсатилиши билан янада ортади. Феълларни газета матнлари материаллари асосида ўрганиш тил системасидаги функцияси қонуниятларини очиш, ҳамда тил бирликларининг индивидуал услубий қўлланиш хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Форс тилида феъл нисбат, замон, майл ва шахс-сон категориялари орқали ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаб келади. Мазкур грамматик категориялар газета матнларида ўзига хос услубий кўринишда намоён бўлади.

Форс тилида газета матни баёнида замон формаларининг барчаси иштирок этади. Лекин, газетанинг информатив функцияси инобатга олинса, унда феълнинг ўтган замон шаклларининг қўлланиши маҳсулдор ҳисобланади.

[1] Ufimseva A.A. Tipi slovesnix znakov (Types of verbal signs). – M.:Nauka, 1974. – S. 117.

[2] Kubryakova E.S. Yazik I znaniye: Na puti polucheniya znaniy o yazike: Chasti rechi s kognitivnoy tochki zreniya. Rol yazika v poznanii mira (Language and knowledge: On the way to gaining knowledge of language: Parts of speech from a cognitive perspective. The role of language in the knowledge of the world) / RAS In-t linguistics. – M., 2004. – 560 s.

Шу билан бирга, газета матнларида ифодаланувчи кенг планлилик сабабли ҳозирги ва келаси замон шаклларининг қўлланиши ҳам кузатилади.

Замон грамматик категорияси табиатда реал мавжуд бўлган замоннинг ифодасидир. У иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ моменти ёки бошқа бирор моментга нисбатан муносабатини белгилаб беради[1].

Газета матнларининг таҳлилида ўтган замон феъли 70%, ҳозирги замон феъли 20%, келаси замон феъли 10%ни ташкил этиши кузатилди.

Ҳозирги-келаси замон феъли иш-ҳаракатнинг айни дамда бажарилаётгани, келажакда бажарилиши ва доимий такрорий бажаралиб туришини ифодалайди. Форс тили грамматикасида ҳозирги-келаси замон феъли айнан қайси маънони англатаётганини шу феъл билан қўлланган пайт равишлари орқали аниқланиши мумкин. Лекин газета матнларининг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда ҳозирги келаси замон феъли ифодаланган жумлалар таркибида пайт равишлари деярли қўлланилмайди.

Газета матнлари таҳлилида ҳозирги келаси замон феълининг иш-ҳаракатни такрорий бажарилиши ва ҳозирги замон маъноларини англатиб келиши кўп кузатилади. Мақола мавзулари бўйича олиб борилган таҳлиллар натижаси сиёсий, иқтисодий ва спорт матнларида ҳозирги келаси замон феълининг ҳозирги замон маъносини англатиши 80%ни, келаси замон маъносини англатиб келган ҳолатлари 20%ни ташкил этишини кўрсатади.

Қуйидаги мисолда сиёсий мавзудаги матнларда ҳозирги келаси замон феълининг қўлланишини кўриш мумкин:

آنها خودشان را از لحاظ قدرت اقتصاد، نظامی، سیاسی برتر و بالاتر میدانند[2]

Улар ўзларини иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жиҳатдан юқорироқ ҳисоблайдилар.

پیشرفت کشور با بودن یا نبودن تحریم ها اتفاق نمی افتد بلکه پیشرفت کشور با اقتصاد مقاومتی و خودباوری شکل میگیرد[3]

Мамлакат ривожланиши санкциялар бор йўқлиги билан эмас, барқарор иқтисодиёт ва ўзига ишонч орқали шаклланади.

Иқтисодга оид матнларда ҳозирги келаси замон феълининг қўлланиши:

اشخاص و موسسات مالی آمریکایی پس از لغو تحریمها هم نمیتوانند با اشخاص ایرانی همکاری کنند[4]

Америка фуқаролари ва молиявий муассасалари санкциялар бекор қилинганидан сўнг ҳам Эрон фуқоролари билан ҳамкорлик қила олмайдилар.

---

[1] Rubinchik Yu.A. Grammatika sovremennogo persidskogo litaraturnogo yazika (Grammar of Persian language). – M., 2003. – S. 239.

[2] Ruzname-ye jomhuri-ye eslami. Farvardin 1394. Šomare-ye 10275. (Islom respublikasi gazetasi) روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴فروردین۲. شماره. ۱۰۲۷۵. ص.۱۵

[3] Ruzname-ye jomhuri-ye eslami. Farvardin 1394. Šomare-ye 18. (Islom respublikasi gazetasi) روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴فروردین ۱۸ . شماره. ۱۰۲۹۱. ص.۳

[4] Ruzname-ye jomhuri-ye eslami. Farvardin 1394. Šomare-ye 10273. (Islom respublikasi gazetasi) روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴فروردین۱۰. شماره. ۱۰۲۸۳. ص.۸

یقینا در چنین حالتی ما تمامی پروژه های کشور را تأمین مالی می کنیم[1]

Шак шубҳасиз бундай ҳолатда биз барча мамлакат лойиҳаларини молиялаштирамиз.

Спорт мавзусидаги матнларда ҳозирги-келаси замон феълининг қўлланишини қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:

با ورزش کردن سوخت و ساز بدن زیاد می شود، کالری ها سوزانده می شود و وزن اضافه و چربی از بین می رود[2]

Спорт билан шуғулланиш орқали колориялар, ортиқча вазн ва ёғлар чиқиб кетади.

وضعیت این بازیکن ظرف ۴۸ ساعت آینده روشن میشود[3]

Бу ўйинчининг аҳволи 48 соат ичида маълум бўлади.

Форс тили газета матнларида ҳозирги замон است ... در حال бирикмаси орқали ифодаланиши, газета услубининг ўзига хос жиҳати саналиб, ҳозирги замоннинг бундай бирикмалар орқали ифодаланиши матнга расмийлик ва юқори услуб руҳини бағишлайди.

Масалан,

ایران برای اتصال کریدور خاورمیانه به آسیای میانه در حال فعال کردن چهار کریدور مهم منطقه ای است[4]

Эрон Ўрта Шарқ коридорини Ўрта Осиёга бирлаштириш учун тўрт муҳим минтақавий коридорни йўлга қўймоқда жумласини меъёрий тил грамматик қоидаси бўйича шакллантирилса, жумла таркибида келган در حال فعال бирикмаси ўрнида فعال کردن феъли қўлланиб, ایران برای اتصال کریدور خاورمیانه به آسیای میانه چهار کریدور مهم منطقه را فعال میکند жумла шаклида бўларди. Лекин газета матнларининг услуби ҳозирги замонни ифодалашда ана шундай бирикмаларни қўллашни тақозо этади.

Газета матнларида келаси замонни ифодалашда аниқ келаси замон феълини қўллаш ҳам сермаҳсул усуллардан бири саналади. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:

از سوی دیگر وی مدعی شده که افزایش دستمزد ۹۵ کارگران بیش از نرخ تورم خواهد بود[5]

Бошқа тарафдан у 95 йили ишчиларнинг ойлиги инфляция кўрсаткичидан кўпроқ этиб оширилишини даъво қилди.

---

[1] Ruzname-ye etela'at. Bahman 1394. Šomare-ye 24382. (Xabarlar gazetasi)
روزنامه اطلاعات. ۱۳۹۴بهمن .۲. شماره .۲۴۳۶۲. .ص۹.

[2] Ruzname-ye siyasat-e ruz. Ordibehešt 1394. Šomare-ye 3909. (Kun siyosati gazetasi)
روزنامه سیاست روز. ۱۳۹۴ اردیبهشت .۲۲. شماره. ۳۹۰۹. ص.۶

[3] Ruzname-ye etela'at. Bahman 1394. Šomare-ye 24381. (Xabarlar gazetasi)
روزنامه اطلاعات. ۱۳۹۴بهمن.۲۱. شماره .۲۴۳۸۱ . ص.۲.

[4] Ruzname-ye jomhuri-ye eslami. Farvardin 1394. Šomare-ye 10288. (Islom respublikasi gazetasi)
روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴فروردین۱۵. شماره. ۱۰۲۸۸. ص.۲

[5] Ruzname-ye etela'at. Bahman 1394. Šomare-ye 24382. (Xabarlar gazetasi)
روزنامه اطلاعات. ۱۳۹۴بهمن .۱. شماره .۲۴۳۶۱ص. ۴.

برجام در سطح کلان کشور بخشهای اقتصادی را تحت تاثیر قرار خواهد داد[1]

“Ҳаракатлар қўшма комплекс режаси” мамлакатнинг иқтисодий соҳаларига юқори даражада таъсир ўтказади.

Форс тили газета матнлари таҳлили жараёнида феълнинг ўтган замон шаклларидан ўтган замон аниқ феъли ҳамда ўтган замон натижали феъл шакллари сермаҳсул эканлиги аниқланди. Маълумки, газета мақолаларининг асосий функцияси хабар бериш бўлиб, унда яқин ўтмишда содир бўлган воқеалар тафсилоти ҳамда юз берган ҳодисалар натижаси ҳақида сўз кетади. Шунга кўра, газета матнларида аниқ ўтган замон ҳамда ўтган замон натижали феълларининг учраши кўпроқ кузатилади. Бу феъл шакллардан ташқари узоқ ўтган замон ва ўтган замон давом феъллари ҳам учрайди. Лекин уларнинг қўлланиш даражаси жуда паст кўрсаткичга эга. Газета матнларида ўтган замон феълларининг қўлланиши бўйича тўпланган манбалар асосида яратилган матн массивидан келиб чиқиб таҳлил этилганда, қуйидаги статистик кўрсаткич намоён бўлади: аниқ ўтган замон 50%, ўтган замон натижали феъллари 40%, узоқ ўтган замон 5% ва ўтган замон давом феъллари 5%ни ташкил этади.

В этой связи Гун Тин дала следующие рекомендации по использованию общественно-политической терминологии.

Во-первых, отмечает Гун Тин, китайские авторы должны употреблять в целях продвижении идей и планов концепции инициативы «Один пояс, один путь» в основном «мягкие» термины и лексику. Нужно уделять особое внимание точности словоупотребления в англоязычной среде. Нужно часто и больше использовать такие термины, как 启动 qǐdòng – «инициатива», 合作 hézuò – «сотрудничество», 互动 hùdòng – «взаимодействие». Меньше следует прибегать к таким терминам, как 战略 zhànlüè – «стратегия», 地缘政治 dìyuán zhèngzhì «геополитика», 地缘经济学 dìyuán jīngjì xué «геоэкономика», 全球化 quánqiú huà «глобализация», 挑战 tiǎozhàn «вызовы», 威胁 wēixié «угрозы». В целом, при помощи соответствующих общественно-политических терминов, надо дать понять, что Китай не преследует при помощи инициативы «Один пояс, один путь» какие-то геостратегические цели. Основная задача ученых, журналистов, специалистов, экономистов и публицистов, отмечает Гун Тин, не допускать, чтобы зарубежные читатели неправильно истолковывали цели инициативы, как геополитическую стратегию экспансивного характера, продвигаемую Пекином на Евразийском континенте.

При раскрытии роли и значения китайских городов и провинций по продвижению инициативы «Один пояс, один путь», подчеркивают китайские ученые, не следует прибегать к таким терминам как 前卫 qiánwèi «авангардный», 领先 lǐngxiān – «ведущий», 重要 zhòngyào – «важный», 平台 píngtái – «платформа», 桥头堡 qiáotóubǎo – «плацдарм», 总部 zǒngbù – «штаб» и др., то есть не придавать им военно- политическую окраску.

Указанные китайские ученые рекомендуют уделять в документах важное значение таким терминам и словосочетаням как 联合考虑 liánhé kǎolǜ – «совместное рассмотрение», 联合研究 liánhé yánjiū – «совместное изучение», 联合讨论 liánhé tǎolùn «совместное обсуждение», 联合建设 liánhé jiànshè – «совместное строительство» и 联合使用的主动权“一带一路” liánhé shǐyòng de zhǔdòng quán” yīdài yīlù “ – «совместное использование инициативы «Один пояс, один путь» .

Гун Тин рекомендует в публикациях избегать мысли о том, что Китай, якобы намерен гнаться за ролью лидера проекта и добиться роли управляющего сферой влияния в региональных вопросах. В этой связи, китайские специалисты считают необходимым твердо придерживаться принципов совместного обсуждения, строительства и совместного пользования плодами китайской инициативы.

Другая задача активно продвигать обоюдную состыковку стратегий национального развития стран-участников проекта. Кстати, в Концепции проекта указано: «Китай не навязывает странам Юго-Восточной Азии,

Южной Азии, Центральной Азии, Ближнего Востока, Европы реализацию китайской версии «Евразийской программы развития», не требует подписания двух или многосторонних договоров, не предполагает конкретных целей региональной интеграции, так как проект нацелен на поиск обоюдных преимуществ для стран-участников на основе добровольности, равноправия и полного понимания требований национального развития» [1].

Далее Гун Тин предлагает, что при продвижении инициативы нужно бы больше использовать такие общественно-политические термины, как 开放 kāifàng – «открытость», 共性 gòngxìng – «общность», 亲密 qīnmì – «близость», 相互理解 xiānghù lǐjiě – «взаимопонимание», 宽容 kuānróng – «толерантность» и меньше прибегать к использованию терминов 中国集中制 Zhōngguó jízhōng zhì" «китайский централизм».

Надо, подчеркивает она, полнее раскрывать не только китайскую инициативу, но и те инициативы, которые были выдвинуты странами-участницами вдоль «Одного пояса, одного пути». В их число входят такие инициативы, как американский план «Нового Шелкового пути», российский «Евразийский экономический союз», индийский проект «Маусам», многостороннее экономическое взаимодействие в рамках ШОС, координируемые Экономической и социальной комиссией ООН по странам Азиатского-Тихоокеанского региона, Трансазиатская железнодорожная программа и проект «Международная Азиатская сеть», возглавляемые Азиатским банком развития, программа центрально Азиатского регионального экономического сотрудничества, транспортная и энергетическая инициатива Европа – Центральная Азия, японская «Дипломатическая стратегия Шелкового пути», российская и индийская программа «Север – Юг», проект ЕС «Новый Шелковый путь и другие.

По словам Гун Тина, важно постоянно подчеркивать, что инициатива «Один пояс, один путь» – это «экономическое сотрудничество», а не «китайская версия плана Маршалла». Эти два плана или проекта несопоставимы и имеют существенные отличия и по историческом фону, по сути экономического сотрудничества и механизму правления. План Маршалла управлялся Правительством США. Инициатива «Один пояс, один путь» – это объект совместного управления всеми странами-участниками.

По мнению Шан Хупина, когда речь идет о китайской инициативе «Один пояс, один путь», следует больше прибегать к использованию таких общественно-политических терминов-словосочетаний, как 提高中国企业东道国的生活水平 tígāo zhōngguó qǐyè dōngdàoguó de shēnghuó shuǐpíng – «повышение уровня жизни страны с наличием китайских предприятий» .

[1] Shan Xupin. Odin poyas, odin put: klyucheviye ponyatiya/ per. s kit. V.Nikolayevoy, V. Yefanovoy. – M.:OOO MIK «Shans», 2019, p.15

Следует воздержаться от употребления термина 中国在国外的利益 Zhōngguó zài guówài de lìyì – «китайские интересы за рубежом», разъяснять ошибочность таких терминов как 中国威胁论 Zhōngguó wēixié lùn – «теория китайской угрозы», 中国侵略理论 Zhōngguó qīnlüè lǐlùn – «китайская захватническая теория». Надо решительно пресекать использование терминов и предложений о том, что 美国的衰退是不可避免的 Měiguó de shuāituì shì bùkě bìmiǎn de – «упадок США неизбежен», 美国将被排除在中华人民共和国领导的区域体系之外 Měiguó jiāng bèi páichú zài zhōnghuá rénmín gònghéguó lǐngdǎo de qūyù tǐxì zhī wài – «США будут вытеснены за пределы возглавляемого КНР регионального устройства. Вместо этого следует чаще использовать такие термины и лексику, как 中国是现有国际秩序的支持者和倡导者 Zhōngguó shì xiàn yǒu guójì zhìxù de zhīchí zhě hé chàngdǎo zhě – «Китай является сторонником и защитником существующего международного порядка», 北京不打算挑战或破坏世界秩序 Běijīng bù dǎsuàn tiǎozhàn huò pòhuài shìjiè zhìxù – «Пекин не намеревается оспаривать или нарушать миропорядок» , 中国不会将美国赶出亚洲 Zhōngguó bù huì jiāng měiguó gǎn chū yàzhōu – «Китай не собирается вытеснять США из Азии» [1].

В целом, при продвижении идей и достижении основных целей инициативы, концентрировать внимание широкой международной общественности на таких терминах как 世界 shìjiè – «мир», 发展 fāzhǎn – «развитие», 合作 hézuò – «сотрудничество» и 双赢 shuāngyíng – «обоюдный выигрыш»[2].

Выводы по статье

Проведенный анализ свидетельствует о том, что мощная инвестиционная и экономическая политика КНР в некторых странах, принимающих участие в реализации программы «Один пояс, один путь» вызывает, очевидно, позитивную, а также негативную реакцию.

Негативная реакция и опасения, в большинстве случаев, связаны, как представляется, с тем, что привлекаемые китайские инвестиции, заемные и кредитные средства в случае нестабильного роста внутреннего валового продукта и внешней торговли, преимущественно экспортных поставок, приносящих твердую валюту, могли бы ложиться тяжелым долговым бременем для стран- реципиентов.

Китай хорошо понимает такие опасения и вероятность негативного восприятия огромных китайских инвестиций, кредитов, связанных займов и прочих финансовых инструментов. Нельзя в связи с этим не отметить, что китайские ученые-филологи, экономисты хотели бы смягчить остроту восприятия, когнитивную составляющую некоторых общественно-политических

[1] Shan Xupin. Odin poyas, odin put: klyucheviye ponyatiya/ per. s kit. V.Nikolayevoy, V. Yefanovoy. – M.:OOO MIK «Shans», 2019, p.18.

[2] «Kitayskaya mechta» - sotsialno-politicheskiy kurs, vidvinutiy Si Jinpinom v 2013 g.

терминов китайского языка в рамках продвижения стратегии «Один пояс, один путь». Материалы исследования показывают богатство китайского языка, широкие возможности передачи мысли при помощи разных общественно - политических терминов, трансформируя при этом не только тон, но и когнитивную парадигму текста. Эти лексико-семантические особенности китайской общественно-политической терминологии должны быть учтены при переводе статей, материалов переговоров, речей, докладов и выступлений.

Адекватный, эквивалентный и верный перевод текущих ОПТ может способствовать прогрессу обменов между странами и дать понять всему миру, что Китай важный партнер для Узбекистана и Узбекистан также важный партнер для Китая. Главным вызовом для узбекской синологии в настоящее время является адекватное реагирование на изменения ОПТ современного КЯ. Ключевой задачей является проведение глубоких научно- практических исследований в этой сфере в интересах высококвалифицированного языкового обеспечения узбекско - китайского стратегического партнерства.

Прикладное значение данного анализа заключается в том, что полученные результаты могут быть использованы в курсах общей теории и методологии перевода, в курсе истории перевода и учений о переводе, а также в обучении переводчиков-китаистов и в практической переводческой деятельности.

МАХМУДОВА ДИЁРА
ўқитувчи, ТошДШИ

Ҳозирги араб тилида янги сўзларнинг ясалиши

Аннотация. *Араб тилида янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиш жараёнига “ат-тавлийд ад-дилаалий” атамаси қўлланиб, бу бирикма “сўзларнинг маъно жиҳатдан қайтадан шаклланиши”, деган маънони билдиради. Араб тилида янги маъноли сўзлар икки хил йўл - иштиқоқ ҳамда ажнабий сўзларнинг араб тилига кириб келиши орқали ҳосил қилинади.*

Янги маъноли сўзларнинг иштиқоқ орқали ҳосил бўлиши ҳақида тўхталсак, бунда иштиқоқнинг ички гуруҳ ва турларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иштиқоқнинг ички турларига иштиқоқ кабийр, иштиқоқ соғийр, иштиқоқ куббар, наҳт ва итбаъунлар кириб, ал-иштиқоқ ад-дилаалий (“маъновий иштиқоқ”), ал-иштиқоқ ассовтий (“товушли иштиқоқ”), ал-иштиқоқ ал-лафзий (“шаклий иштиқоқ”)ҳамда ал-иштиқоқ аш-шаъбий (“халқона иштиқоқ”)лар унинг гуруҳларини ташкил қилади.

Иштиқоқнинг ички турларида сўз шакл жиҳатдан ўзгаришларга учрайди- унинг таркибидаги ҳарфларнинг ўрни ўзаро алмаштирилади, ҳаракатлар ўзгартирилади, баъзи ҳаракатлар олиб ташланади ёки қўшилади. Бундай ҳолатда баъзи бир сўзлар маъно жиҳатдан қисман ўзгарса, баъзилари эса мутлақо янги маънони касб этади. Юқорида номлари зикр этилган иштиқоқ кабийр, иштиқоқ соғийр, иштиқоқ куббар кабилар иштиқоқнинг “ал-иштиқоқ ал-лафзий” гуруҳига киради. Яъни бир сўз билан

айтганда, сўз шаклининг “синдирилиши” натижасида маъноларнинг ўзгариши “ал-иштиқоқ ал-лафзий”да намоён бўлади.Оҳанг, товуш билан боғлиқ янги сўзларнинг ясалиши “ал-иштиқоқ ас-совтий”да намоён бўлади. “Ал-иштиқоқ аш-шаъбий”да кўпинча халқ томонидан ажнабий ҳисобланган сўзлар ўзлаштирилади ҳамда уларнинг шакли ўзгартирилиб, янги маъно-мазмун касб этган бошқа бир сўз ҳосил бўлади.

“Ал-иштиқоқ ад-дилаалий”да сўз шакл жиҳатдан эмас, балки маъно жиҳатдан ўзгаришга учрайди. Бунда сўз маъноси кенгайиши, торайиши ёки, умуман, бошқа мазмунни касб этиши мумкин. Бу жараённи араб тилшунослари “ат-тавлий ад-дилаалий” номи билан атайдилар ҳамда унга омонимлик, метонимия, ад-дод ва “ал-иқтирад” кабиларни киритадилар.

Араб тилида мавжуд бўлган омоним сўзлар шаклан бир хил бўлсада, аммо маъноси бир-биридан фарқланади. Аммо бундай сўзлар ўртасида икки предметнинг ўхшашлигига асосланган ҳолда улардан бирининг номини иккинчисига кўчириш муносабатлари намоён бўлади. Ад-дод хусусида гап кетганда, араб тилшунослари уни “тазод” санъатининг асоси сифатида кўрсатадилар. Ад-дод, бир сўз ўз замирида бир-бирига қарама-қарши икки маънони акс эттириши билан характерланади. Шуниси қизиқки, араб тилшунослари ад-додга бўлган ёндашувда икки қутбга бўлинадилар. Улардан бири бундай сўзлар мавжудлигини инкор этсалар, бошқаси эса унинг мавжудлигини таъкидлайдилар ҳамда бундай сўзлар араб шеъриятида, Қуръони Каримда ҳамда ҳадисларда учрашини алоҳида қайд этадилар.

Араб тилида янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлишида “ал-иқтирад” (араб тилидан таржима қилганда “қарз олмоқ”, “ўзлаштирмоқ”, деган маъноларни билдиради) ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай усулда сўзнинг мавжуд маъносига яна бир янги маъно қўшилади. “Ал-иқтирад” усулида ясалган сўзларнинг маъносида баъзи ҳолларда маълум бир узвийлик акс этса, айрим ҳолатларда эса бу алоқа умуман кузатилмайди.

Таянч сўз ва иборалар: *"التوليد الدلالي", иштиқоқ, иштиқоқ кабийр, иштиқоқ куббар, наҳт, “ал-иқтирад”, метафора, маъноларнинг кенгайиши, маъноларнинг торайиши, маъноларнинг ўзгариши, ад-дод сўзлар.*

Аннотация. *В арабском языке термин “ат-тавлийд ад-дилаалий” применяется в процесс образования новых значений слов, что приводит к значимому преобразованию слов. В арабском языке новые значения слов формируются двумя способами – путем “иштикок”, а также путем заимствований.*

Во внутренние типы входят “иштикок кабийр”, “иштикок согийр”, “иштикок куббар”, “нахт”, “итбаун”, группы которых составляют “аль-иштикок ад-дилаалий”(“смыславой иштикок”),“аль-иштикок ас-совтий”(“звукавой иштикок”), “аль-иштикок ал-лафзий”(“форменный иштикок”), а также “аль-иштикок аш-шаъбий”(“общенародный иштикок”).

Во внутренних типах иштикака меняется форма слова. Буквы, которые входят в состав слова меняется местами, меняются гласные, некоторые из них выпадают, или же добавляются. В таких случаях некоторые слова меняют своё значение частично, а некоторые приобретают совсем иное значение. Упомянутые выше термины – “иштикок кабийр”, “иштикок согийр”, “иштикок куббар” входят в состав “аль-иштикок ал-лафзий”. То есть, в результате ломанной формы слова приводит к изменение смысла, и это приявляется в “аль-иштикок ал-лафзий”. Образование новых слов, которые связаны со звуком, а также с интонацией приявляется в “аль-иштикок ас-совтий”. В“аль-иштикок аш-шаъбий” слова, которые считаются иностранными заимствуются и меняют своё значение, приобретая новые значения.

В “аль-иштикок ад-дилалий” слова меняются в значении, а не по форме. Это может означать, что значения слов может быть расширено, сужено или координально менятся по смыслу. Арабские лингвисты называют этот процесс “аттавлийд аль-дилаалий”, который включает в себя омонимию, метонимию, аддод и аль-иктирад.

Хотя в арабском языке слова омонимы похожи по форме, они имеют разные значения. Тем не менее, такие слова показывают связь между перемещением значения двух имен на основе сходства между этими двумя предметами. Когда дело доходит до «ад-дода», арабские лингвисты называют его основой искусства “тазад”. Он характеризуется тем, что слово отражает два противоположных значения по своей сути. Интересно, что арабские лингвисты делятся на две группы в традиционном подходе. Одна группа отрицает существование таких слов, другая – подчеркивает его существование и отмечает, что такие слова встречаются в арабской поэзии, Коране и хадисах.

В арабском языке термин “аль-иктирад” (что означает “заимствовать”) имеет особое значение в образовании слов. Таким образом, новое значение слова добавляется к существующему значению. В некоторых случаях значение слова “аль-иктирад” выражается последовательно, но в некоторых случаях оно вообще не наблюдается.

Опорные слова и выражения: "التوليد الدلالي" *, иштикок, иштикок кабийр, иштикок куббар, нахт, “аль-иктирад”, метафора, расширенные значения, сужение значений, изменение значений, слова ад-дод.*

Abstract. *In arabic, the term “at-tawlid ad-dilaali” is used in the process of generating new meanings of words, which means a meaningful transformation of words. In the Arabic language, new meanings of words are formed in two ways – by means of “ishtikok”, as well as by introducing foreign words into the Arabic language. The internal types include “ishtikok kabiyr”, “ishtikok sogiyr”, “ishtikok kubbar”, “naht”, “itbaun”, the groups of which are “al-ishtikok ad-dilaaliy” (“sensual ishtikok”), “al-ishtikok as-sovtiy” (“sound ishtikok”), “al-ishtikok al-lafziy” (“ uniform ishtikok”), and also “al-ishtikok ash-shabiy” (“popular ishtikok”).*

In the internal types of ishtikak, the form of the word changes. The letters that make up the word change places, the voices change, some vowels drop out, or are added. In such cases, some words change their meaning partially, and some acquire a completely different meaning. The above-mentioned terms – “ishtikok kabiyr”, “ishtikok sogiyr”, “ishtikok kubbar” are part of “al-ishtikok al-lafziy”. That is, as a result on the broken form of the word, it leads to a change in meaning and it is admitted in al-ishtikok al-lafziy. The formation of new words that are associated with sound, as well as with intonation, as admitted in “al-ishtikok as-sovtiy”.

In “al-ishtikok ash-shabiy” the mentioned words that are considered foreign words are borrowed and change their meaning, acquiring new meanings.

In “al-ishtikok ad-dilaaliy” words change in meaning, not in form. This may mean that the meaning of the word can be expanded, narrowed, or in a more general sense. This process is known to Arabic linguists as “at-tawliyd ad-dilaaliy” and includes homonymy, metonymy, ad-dod, al-iktirad.

Although in Arabic the words homonyms are similar in form, they have different meanings. However, such words show a connection between moving two names into one

based on the similarities between the two objects. When it comes to ad-dod, Arabic linguists call it the foundation of "tazad" art. It is characterized by the fact that the word reflects two opposite meanings in essence. Interestingly, Arabic linguists are divided into two poles in the traditional approach. One denies the existence of such words, the other emphasizes its existence and emphasizes that such words are found in Arabic poetry, the Quran and Hadith.

In Arabic, the term "al-iktirad" (which means "to borrow") has a special meaning in the formation of words. Thus, the new meaning in is added to the existing meaning of the word. In some cases, the meaning of the word "al-iktirad" is sometimes expressed sequentially, but in some cases it is not observed at all.

Keywords and expressions: *"التوليد الدلالي", ishtikak, ishtikak kabiyr, ishtikak kubbar, naht, "al-iktirad", metathora, streach meaning, meanings narrow, change meaning, ad-dod words.*

Кириш. Сўз ясалиш муносабатлари – бу грамматик эмас, балки лексик ҳодисадир. Араб тили бу борада энг сермаҳсул ва ўзига хос хусусиятли тиллардан бири саналади.

Араб тилида янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиш жараёнига الدلاليالتوليد атамасини қўллайдилар.Ушбу сўз араб тилидан таржима қилганда "янги маъноли сўзларни ясаш", деган маънони билдиради. Ат-тавлийд жараёнида сўзлар икки хил йўл орқали ҳосил қилинади. Улар қуйидагилар:

1. Иштиқоқ орқали;
2. Ажнабий сўзларнинг араб тилига кириб келиши орқали[1].

Иштиқоқ орқали сўзлар таркиб, ҳарф, ҳаракатларни қўшиш, уларни олиб ташлаш, ўрнини ўзгартириш, мавжуд ҳарфни бошқа ҳарф билан алмаштириш ва ҳоказо йўллар билан ҳам ҳосил қилинади. Профессор Розия Бин Арабийя бу жараёнга нисбатан шундай фикр билдирган:

"Иштиқоқ кабийр" Халил Ибн Аҳмад Ал-Фараҳидий айтиб ўтган ўрин алмаштиришларни ўз ичига олса, "иштиқоқ куббар"да эса асл ўзакнинг таркибидаги бир ҳарфдан ташқари барча ҳарфлар янги ҳосил бўлган сўзда иштирок этади, масалан,ёрмоқ ва майдаламоқ, тўсқинлик қилиш ва рад этиш, бўйига кесиш ва энига кесиш, бўлмоқ ва синдирмоқ(وشق والصد،دق وقط،السد وقصم،قد قسم).

Бу икки турдан асосий мақсад араб тилини бойитиш ҳамда кўп сонли янги сўзларни шакллантиришдир"[2].

Юқорида иштиқоққа нисбатан берилган ушбу шарҳлар тор доирада ифодаланган, негаки, иштиқоқнинг юқорида номлари зикр этилган уч туридан ташқари яна ички гуруҳлари ҳам мавжуд, булар қуйидагилар:

1. اشتقاق لفظي (шаклий иштиқоқ);
2. اشتقاق دلالي (маъновий иштиқоқ);

[1] راضية بنت العربي. إشكلية صناعة المصطلح.شلف.2010. ص5.
Roziya bint al-Arabiy. Ishkaliyya sina'ati al-mustalah [The problem of the term industry].Shalaf., 2010. –B.5.

[2] Ўша манба.

3. اشتقاق صوتي (товушли иштиқоқ);
4. اشتقاق شعبي (халқона иштиқоқ) .

اشتقاق لفظي– шаклий иштиқоқ, иштиқоқнинг бу турида ўртадаги шакл жиҳатдан бўлган алоқа сақланган ҳолда янги сўзларни ясалиши назарда тутилиб, ушбу янги ҳосил бўлган сўзлар ўзларининг асоси ҳисобланган сўз маъносига мувофиқ мазмунни касб этади. Иштиқоқ лафзийга, биз, феъл майллари ва боблари, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлар, сифатун мушаббаҳа (ўхшаш сифат), қурол-аслаҳа отлари, замон ва макон отлари, сифат даражалари, исмул-аъйн (отдан ясалган феъллар) кабиларни киритишимиз мумкин. Масалан,

عنته– унга кўзим билан зарар етказдим (унга кўзим тегди)

حبله– уни арқон билан маҳкамлади

Яна, бир ўзак асосида ҳосил бўлган янги сўзларга қуйидагиларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин:

" البطن" – “ қорин” сўзидан ясалган янги сўзлар:

بُطِنَ– унинг қорни оғриди

مبطون– унинг қорни оғрияпти

بَطِنَ– тўйганидан қорни катталашмоқ

مبطان– ўзини овқат ейишдан тўхтата олмайдиган одам

بطين– катта қоринли

مبطِّن– кичик қоринли

بَطَنَهُ– унинг қорнига урди

Юқорида мисол тариқасида келтириб ўтилган сўзлар араб тилида жуда ҳам кенг тарқалган бўлиб, Доктор Абдуллоҳ Аминнинг китобида араб луғатларида изоҳ бериб ўтилган бу каби сўзларга яна кўплаб мисолларни кўриш мумкин[1].

اشتقاق صوتي - товушли иштиқоқда эса оҳанг, товуш билан боғлиқ янги сўзларнинг ясалиши назарда тутилади. Масалан,бирор-бир товушнинг такрорланиши ёки унинг талаффуз этилишини ифодаловчи феъллар ҳамда отлар иштиқоқ совтийга мисол бўла олади. Мисоллар:

أفف فلان ، رجل أفّاف

Фалончи уф тортди, кўп уф тортувчи киши[2]

رجل تاتاء

“Т” ҳарфини яхши талаффуз қила олмайдиган киши[3]

الثعثعة

Сўзлаётганда ҳарфларни “ саъун” ва “ аъйн” каби таллаффуз қилиш[4]

الجهجهة

Урушда қаҳрамонларнинг қичқириши[1]

---

[1].124ص.1956.القاهرة."الاشتقاق".“Al-ishtiqoq” [The derivation]. Qohira. 1956-й.. 124-б.

[2] 132ص.مصر."لسان العرب".ابن المنظور .Ibn al-Manzur, “ Lisan al-arab” [Arabes tong], Misr, 132-б

[3] Ўша манба

[4] 123ص.بيروت."المخصص".ابن السيد . Ibn as-Sayyid, “Al-muxassas” [Specified], Bayrut, 123-б.

حأحأ بالتيس أو بالكبش
Эчки ёки қўйни чақирмоқ[2]
العمعمة
Урушда довюрак кишиларнинг овоз чиқариши[3]

اشتقاق شعبي- халқона иштиқоқ, иштиқоқнинг бу турида кўпинча халқ томонидан ажнабий ҳисобланган сўзлар ўзлаштирилиб, уларнинг шакли ўзгартирилиб, янги маъно-мазмун касб этган ҳолда қайтадан ҳосил бўлади[4]. Қизиғи шундаки, бундай сўзларни бутун халқ оммаси амалда қўллаб, ўша янги сўзнинг асли ўз она тилларидаги бирор бир сўзга бориб тақалади, деб ўйлайдилар. Мисол учун, араб тилида мавжуд бўлган "لقمة القاضى " иборасини олайлик, ушбу ибора араб халқлари орасида кенг тарқалган ширинлик номи бўлиб, ўз- ўзидан нима учун у бундай ном билан аталган, деган савол юзага келади? У қозилар учун махсус тайёрлангани ёки уларга бўлган ҳурмат туфайли шундай ном олганми? Ёки бу ширинликни "القاضى"исмли киши илк бора тайёрлаганми? Жавоб эса қуйидагича: Қадимда Мисрда яшаган турклар бу ширинликни "لقمة القادين " , деб атаганлар, القادينсўзи эса турк тилида “ хоним”, “ аёл” , деган маъноларни англатади. Аёл оғзининг ниҳоятда бежирим ва кичик бўлиши гўзаллик рамзларидан саналиб, унга фақатгина шундай кичик ҳажмдаги луқманинг сиғиши мумкин бўлган. Шу сабабдан ҳам, бу ширинлик дастлаб "لقمة القادين " , яъни “ хоним луқмаси” , деб аталган. Мисрликлар бу янги иборани илк бора эшитганларида эса талаффузини аниқ идрок этмаганлар. Шундай қилиб, ушбу ширинлик номи араб тилига мослаштирилган ҳолда ушбу тил вакиллари томонидан қўлланила бошлаган[5].

اشتقاق دلالي- маъновий иштиқоқда эса шакл унчалик аҳамиятга эга бўлмайди, балки янги ҳосил бўлган сўзларнинг англатаётган маъно-мазмуни биринчи ўринда туриб, бунда бир сўздан олинган иккинчи сўз бутунлай янги маънони касб этади. Иштиқоқнинг бу турига синонимия, паронимлик, ал-иқтирад, ад-дод каби ҳодисалар киради.

Шу ўринда, “ат-тавлийд” ҳамда “иштиқоқ” тушунчаларини бир-биридан фарқлаб олиш лозим. Янги сўзларни ҳосил қилиш усули араб тилида “иштиқоқ” деб номланса, уларнинг ҳосил бўлиш жараёни умумий ном билан “ат-тавлийд” деб аталади.

Араб тилида "الأضداد" атамаси ўзаклари муфовиқ келиб, маънолари бир-биридан фарқланувчи сўзларга нисбатан қўлланади. Ушбу атама ҳақида кўпчилик араб тили ихлосмандлари етарли маълумотга эга эмасликлари сабаб, уни “тазод” билан адаштирадилар. Кўпгина араб наҳвчи олимлари ушбу мавзуни араб тилида тазод, яъни бир- бирига зид маъно берувчи сўзлар сирасига

---

[1] ابن السيد."المخصص".بيروت.ص123 .Ibn as-Sayyid, “Al-muxassas” [Specified], Bayrut, 123-б.
[2] ابن المنظور."لسان العرب".مصر.ص133 .Ibn al-Manzur, “Lisan al-arab” [Arabes tong], Misr, 133-б.
[3] ابن السيد."المخصص".بيروت.ص137 . Ibn as-Sayyid, “Al-muxassas” [Specified], Bayrut, 137-б.
[4] www.гоогле.сом, [The phenomen of popular derivation]“ Zahiratul-ishtiqaaq ash-sha’biy” "ظاهرة الاشتقاق الشعبي".

қўшадилар. Лекин, буюк ва машҳур наҳв илми олимлардан Сибавайҳи ва Алмубаррид фикрларига кўра, аслида тазод аддоднинг бир қисми холос[1].

Аддод полисемик бирикмаларнинг бир тури бўлиб, унда сўз бир вақтнинг ўзида бир- бирига қарама- қарши, зид маъноларни акс эттиради. Араб олимлари аддод ҳақида турли хил фикрлар билдирганлар. Олимларнинг жуда ҳам камчилик гуруҳи араб тилида бундайин аддод сўзларнинг мавжуд эканлигини инкор этганлар. Бироқ кўпчилик олимлар араб тили луғатларида бундай сўзлар борлигини қайд этганлар. Аддодни инкор этган энг машҳур олимлардан бири бўлган Ибн Дуруставайҳ "Аддод ҳамда омоним сўзлар чалкашлик ва ноаниқликка олиб келади. Бу эса тилнинг асл вазифаси, яъни тушунтириш ва аниқлик киритишни бузади", деб айтган[2].

Аддод сўзлар шеърларда, Қуръони Каримда, ҳадисларда ва бошқа араб матнларида ҳам учрайди. Демак, аддодни мутлоқ инкор қилиб бўлмайди, у товуш ва маъно ўзгаришларидан вужудга келгандир. Шу ўринда, "маъно ўзгаришларидан" деган иборага аҳамият қаратсак. Биз аддод ва иштиқоқнинг маъновий тури- اشتقاق دلالي ни умумий боғлиқликка эга эканлигини қайд этиб ўтмоқчимиз, чунки юқорида зикр этилганидек, сўзнинг янги маъноларни касб этгани ҳолда қайтадан ҳосил бўлиши ҳам айнан اشتقاق دلالي га хос жиҳатдир. Фақат бу ҳолда сўз бошқа бир сўздан ҳосил бўлмай, балки унинг маънолари шу сўз доирасида ўзгариб, ўзаро қарама- қаршиликни касб этади.

Олимлар аддодни ўрганишда уч хил ёндашганлар, улардан биринчиси бу мавзуга тор доирада ёндашиб, ўз асарларида бу тил ҳодисасига мисолларни кам келтириб ўтганлар. Қуйида номлари келтирилган олимлар ҳам шу гуруҳ вакилларидандир:

Ас-Саолибий ўзининг "Фиқҳ ал-луға" номли китобида 7 та аддод сўзларни келтирган бўлса, шарқшунос олим Ал-Алмоний Жейс ўзининг қисқа рисоласида 22 аддод сўзларни келтириб ўтган.

Аддодга кенг доирада ёндашган олимлар сирасига биз Қутруб, Ибн Ал-Анбарий, Феруз Абадий, Абу Ат-Тоййиб Ал-Луғавий сингариларни киритишимиз мумкин бўлиб, бу гуруҳ олимлари ўзларининг китобларида 300 та аддод сўзларни мисол тариқасида берганлар.

Учинчи- аддодга ўртамиёна ёндашган олимлар сирасига Ибн Сиккийт (92 та сўз), Абу Ҳотим Ас-Сажистоний (170 та сўз), Ибн Саййид (92 та сўз) ларни киритиш мумкин.

Ибн Ал-Анбарий аддод мавзусига бундайин бир-биридан фарқланувчи фикр-мулоҳазаларнинг билдирилишига бир неча омиллар сабаб қилиб кўрсатган[3]:

1. Араб халқлари билимларидаги нуқсонлар;
2. Уларнинг балоғат илмидан бебаҳра эканликлари;
3. Уларнинг суҳбатларида чалкашликларнинг мавжудлиги.

[1] "Kamolot sari" [Towards perfection] 5-сон иқтидорли ёшлар илмий тўплами. Тош., 2012-й., 43-б.
[3] www.google.com, [Ad-dod words]"Калимаату ад-дод"."كلمات الضداد"

Араб халқлари билимларидаги нуқсонлар сабаб улар ўз фикрларини жуда ҳам заиф тарзда баён этиб, бунинг натижасида улар айтаётган гаплар бутунлай чалкашиб кетган.

Бугунги замонавий тилшунос олимлар аддод сўзлар араб, лотин, форс, оромий каби кўпгина тилларда мавжудлигини эътироф этадилар. Бироқ инсонлар бу ҳолатга унчалик ҳам аҳамият беравермайдилар.

Баъзи олимлар эса аддоднинг юзага келишига иштиқоқнинг гуруҳларидан бири- “наҳт”ни сабаб сифатида кўрсатадилар. Яъни бир- бирига қарама қарши маъноли икки сўзни “наҳт” қилиш орқали битта аддод сўз вужудга келган. Масалан, "الأبض " сўзи, у “ ташвиш” ва “ хотиржамлик ” маъноларини англатиб, икки "أب " (“ турмоқ” ва “ шошилмоқ”) ва "بض" (“жойлашмоқ” ва “ хотиржам бўлмоқ”) сўзларидан ясалган.

Қуйида аддод сўзларга мисолларни келтириб ўтдик:

أبرّ– энг яхши; энг ёмон

أفزع– қўрқмоқ; қўрқувдан халос бўлмоқ

جدا– бермоқ; сўрамоқ

شعب- синдирмоқ; тузатмоқ

لمق– ёзмоқ; ўчирмоқ

Машҳур араб шоирларидан Антара ўзининг қуйидаги байтида "البين" сўзини қўллаган бўлиб, бу сўз “ фироқ” ва “ висол” маъноларини англатади:

ظعن الذين فراقهم أتوقع

و جرى بينهم الغراب الأبقع

Мен айрилишиб йўлга чиққанлар ҳақида қайғураман,

Ола қарға олиб кетди уларнинг фироғини (висолини).

Ибн Ал-Аъробий байтида эса "شليم " сўзи қўлланилиб, у “ соғ-омон” ва “ жароҳатланган” деган маънога эга:

يشكو إذا شدّ له حزامه

شكوى سليم ذربت كلامه

Камарбандин тортсалар гар,

Оғринади у бундан.

Соғ(жароҳатланган) одам шикоят қилса,

Гаплари ўткир бўлар.

""عسعسсўзи ҳам “ туннинг бошланиши” ва “ туннинг чекиниши” , яъни “ куннинг ёришиши” маъноларига эга. Қуйида шоир Ал-Қалама Ибн Қуртнинг қуйидаги шеърида ушбу аддод сўз қўлланган[1]:

حتى إذا الصبح عنها تنفسا

و انجاب عنها ليلها و عسعسا

Тун кундузни дунёга келтирди ва чекинди

Ва кун тундан гўдак каби пайдо бўлди.

Тил доимо ривожланиш, ҳаракатда бўлиб, вақт ўтиши билан ундаги сўзларнинг маъноси ўзгарган ҳолда қайтадан шаклланиб бораверади. Шундай

[1] “Kamolot sari” [Towards perfection] 5-сон иқтидорли ёшлар илмий тўплами, Тош., 2012-й., 44-б.

ҳолатлар ҳам бўладики, сўз шаклан эмас, балки маъно жиҳатидан янги кўринишга эга бўлади. Тилдаги бундай маъноли сўзларнинг шаклланишида "النقل" – “ кўчириб ўтиш жараёни” муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнда ўз ва кўчма маънода қўлланилаётган сўзнинг кўчма маъноси асл маънога айланади ҳамда унинг аввалги рамзлари, мажозлари йўқ бўлиб кетади, янги ҳосил бўлган маъно эса ўша сўзнинг мустаҳкам маъносига айланади.

Мисол учун, “شَجَبَ” – ҳафа бўлмоқ- ҳалок қилмоқ, “رَضَخَ” – нимадандир озгина бермоқ- бўйсунмоқ, “تَفانَى” – бир-бирини йўқ қилмоқ-беркитмоқ, “إحْتَجَّ” – далил сифатида келтирмоқ- кифояланмоқ, “سَميكٌ” – баланд ва қалин[1].

Сўзлар қуйидаги уч жиҳатдан ўзгариб, янги маънони касб этиб бориши мумкин:

а) маъноларнинг қисқариши;

б) маъноларнинг кенгайиши;

д) маъноларнинг аралашиши, ўзгариши (мажоз, метонимия, синекдоха).

Маъноларнинг қисқариши умумий, асл маъноларнинг хусусий тасвирий маъноларга кўчиш ҳодисасидир. Масалан, “поисон” – “заҳар” сўзи аввал-лари “ичимлик” маъносида қўлланган, аммо вақт ўтиб, у “заҳар” маъносига ўзгарган. "حرامي" сўзи дастлаб асли ҳалол бўлмаган ҳар қандай ҳатти- ҳаракат маъносини берган, бироқ ҳозир бу сўз "لص" – “ўғри” сўзи маъносини беради. Қадимда "حريم" сўзи қўл билан ушлаб бўлмайдиган ҳар қандай нарсага нисбатан қўлланган бўлса, энди у “аёл” маъносини беради.

Маънонинг кенгайиши – бу тор, хусусий маънодан кенг, асл маънога кў-чиш ҳодисасидир. Масалан: “سُفْرَةٌ” – йўловчининг овқатланиши – овқатлана-диган стол,“زَيْتٌ” – зайтун мойи – ҳар қандай ўсимлик мойи ёки маъданли мой, “رائدٌ” – янги ўтлоқ қидираётган, қидирувчи – биринчи бўлиб кашф эт-ган, топган, очган ёки ўзлаштирган киши, кашшоф, “زميلٌ” – биров билан бир туяда кетаётган ёки ишлаётган киши – ҳамкасб, биргаликда ишловчи[2].“Гул” , яъни"زهرة" сўзи аслида дастлаб ўсимликлардан чиқувчи “илк куртак” маъ-носини берган, аммо вақт ўтиб у “гул” сўзиниифодалаш учун қўлланиладиган бўлди.

Маъноларнинг ўзгариши. Мажоз (метафора) – икки предметнинг ўхшаш-лигига асосланган ҳолда улардан бирининг номини иккинчисига кўчиришдан иборат[3]. Масалан: “عينٌ” – кўз – айғоқчи, жосус, “ثَرْثارٌ” – серсув, сувимўл (булоқ ҳақида), “ عينٌ ثَرْثارَةٌ” – сергаподам, эзма, вайсақи, сафсатабоз,"مسوّقة" сўзи аслида الساق оёқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳозирда бу сўз البنطلون– шим сўзини ифодалайди, негаки у икки оёққа тўлалигича кийдирилади. طرفية сўзи “ факс” маъносини бериб, аслида, الطرفсўзи кўзни юмиб- очиш деган

[1] 118،264،351،374،597.ص1996.بيروت).لويس المعلوف. المنجد. (قاموس اللغة العربية Luis Ma’luf. Munjid (arab tili lug’ati).[Al-Munjid (Arabic vocabulary)].Bayrut., 1996. –Б.118, 264, 351, 374, 597.

[2] Qodirov T.Sh., Aliyev D.I. Arab tili leksikologiyasi. [Lexicology of the Arabic language]. Toshkent., 2010. –Б.66.

[3] Ўша манба.

маънони беради(бир зумда дегани ҳам), факсга жавоб қайтариш тезлигига кўра, у шу ном билан аталган. Телефон эса "هاتف " (бу сўз "هتف"феълидан ясалиб, бақирмоқ деган маънони англатади) , деб номланиб, ушбу жиҳоз-нинг жиринглаши эгасига бақириб, гўёки уни нимагадир чақираётганга ўхшайди.Саудия Арабистонида эса “тормоз” сўзини"الفرامل"емас, балки "كوابح" , деб атайдилар. Асоси "كبح"– “тўхтатиб қолмоқ” феълидан олинган ушбу жиҳоз вазият тақозо қилган пайтда машинани тезликдан тўхтатиб қолади. Метонимия– бирон- бир ҳодисани ўзаро боғланиши (яъни мазмунни ифодаловчи, сабаб-оқибат, материалдан ясалган буюм, атоқли от – турдош от ва алоқалар)га, предметнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳодисаларни англатишига нисбатланади; Таққосланг: “يَمينٌ” – ўнг қўл – қасам; “صَفَقَ” – қўлташламоқ, бор барака қилмоқ – келишмоқ, битишмоқ; феълнинг бирлик шакли; “صَفْقَةٌ” “وَظيفَةٌ” – (бирор лавозимга тайинланган кишига бериладиган) маош, мояна – лавозим; “قَهْوَةٌ” - кофе – қаҳвахона (агар бу илгари кенг қўл-ланилган “بيتُ القهوةِ” атамасининг қисқартирилган шакли бўлмаса); “رَصاصٌ” – қўрғошин – ўқлар; “حَديدٌ” – темир – кишан; “دُخانٌ” – тутун – тамаки[1].Юқорида келтириб ўтилган тил ҳодисаларидан ташқари "التوليد الدلالي"га "الاقتراض" (“қарз олиш”, “ўзлаштириш”) ни ҳам киритиш мумкин. У кўпроқ янги маъноли сўзларни ҳосил қилишга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолатларда мавжуд сўзнинг маъносига яна бир янги маъно қўшилади; "الاقتراض" амалга оширилиши учун ягона битта шарт мавжуд - янги ҳосил қилинган сўз ўртасида маълум бир узвийлик мавжуд бўлади, айрим ҳолатларда эса бу алоқа умуман кузатилмайди. Масалан, тиббиётда қўлланиладиган “ ултратовуш” атамаси кўпчиликка таниш, унинг инглизча кўриниши “ултра-соунд” бўлади, араблар эса уни бу номдан мутлақо бошқача ҳолда, яъни "الموجات" – “ тўлқинлар” деб атаганлар. Унинг бундай ном олишига “ ултра-товуш” жиҳозининг экранида кўриниб турадиган тўлқинсимон чизиқлар сабаб бўлган. Араб тилидаги "النواة"(“ уруғ”, “ данак”) сўзи француз тилидаги “ данак” ва “ ядро” маъноларини ифодаловчи “ нояу” сўзидан "نواة الذرة " , яъни “ атом ядроси” маъносини ўзлаштирган[2].

Араб тилига бошқа чет тилларидан кириб келган сўзларнинг бир мунча арабчалаштирилиши ҳамда уларнинг ушбу тилнинг мавжуд қонун- қоидала-рига ва товушларига мослаштирилиши орқали янги сўзлар ҳосил қилинади. Масалан:"فبرك" – “ишлаб чиқармоқ”,“уйдирма тўқимоқ” , деган маъноларни англатади, бу сўз аслида инглиз тилидаги “фабрисате” сўзидан қабул қилинган. Араблар асабий одамга нисбатан "هو نرفزني"- “у асабий” , деб айтадилар, бу сўзнинг феъл шакли "تنرفّز " , сифатдош шакли эса "متنفرز" кўринишида бўлади. Асабийликни ифодаловчи бу сўз асли инглиз тилидаги “нервоус” нинг арабчалашган кўринишидир. Шунингдек, араблар “ фалончи ишини ёпиб кетди

[1] Qodirov T.Sh., Aliyev D.I. Arab tili leksikologiyasi.[Lexicology of the Arabic language]. Toshkent., 2010. B.67.

[2] Vinsent Moteil.Larab modern.[Modern Arabic]Parij., 1960. -B.172.

(сир сақлади)”, десалар "فلان دوك الأمر" иборасини ишлатадилар ёки машина бўёғига нисбатан "دوكو" атамасини қўллайдилар. Ушбу икки "دوكو"ҳамда "دوك" сўзлари аслида “десорате” сўзининг арабча кўриниши саналади[1].

Хулоса. Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, тил доимо ҳаракатда бўлиб, унда янги сўзлар доимий равишда шаклланиб бораверади. Араб тилида янги сўзлар юқорида келтирилган икки услуб – иштиқоқ ҳамда араб тилига ажнабий сўзларнинг кириб келиши орқали ясалиб, халққа татбиқ этилади. Биринчи услуб, иштиқоқ ёрдамида ҳосил бўлган янги сўзлар баъзан шакл, баъзан эса маъно жиҳатдан ўзгаришларга учрайди. Аммо, шуниси аҳамиятлики, иштиқоқнинг ички турлари воситасида ясалган сўзлар асосан сўз ўзаги таркибидаги ҳарфларнинг ўрнини ўзгартириш, унга ҳаракатлар қўшиш ёки олиб ташлаш ҳосил бўлади. Аммо унга мансуб бўлган гуруҳларда бу ўзгаришлар, асосан, маъно жиҳатдан намоён бўлади. Шуниси эътиборга моликки, ҳар икки услубда ҳам араб тили ўз асллигини йўқотмай, балки янада сайқал топиб бораверади. Биз араб тилида янги маъноли сўзларнинг шаклланишини ўрганиш орқали ушбу тилнинг ўтмиши, бугуни ва келажакда қандай кўринишда бўлиши ҳақида оз бўлсада тасаввурга эга бўламиз. Шунингдек, ушбу мавзу, яна бир бора, тилларни ўзаро қиёсий ўрганиш билан уларни самарали ўзлаштириш мумкин эканлигини ҳам кўрсатади.

[1] م.ح.الجبل.علم الاشتقاق.القاهرة.2006.ص177 .M.H.H.al-Jabal. I’lmul ishtiqaq. [Derivation science].Qohira., 2006. B.177.

МАНБАШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ // SOURCE STUDY

МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН
мустақил тадқиқотчи, ТошДШИ

“Девону луғати-т-турк”даги мақолларнинг мавзуий гуруҳлари

Аннотация. *Туркий халқларнинг XI аср ёзма манбаларидан бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари туркшуносликда муҳим аҳамиятга эгадир. У ўз даврининг тили, адабиётини ўзида мужассам этган филологик асар саналади. Мазкур асарнинг топилиши туркий халқлар адабиётида, хусусан, халқ оғзаки ижодида муҳим манбалардан саналади. Чунки унда туркий халқларнинг энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ўрин олган. Буларга халқ қўшиқлари, мақоллар, иборалар киради. Айниқса, асар матнида келтирилган мақоллар ўта муҳимдир.*

Туркий халқлар оғзаки ижодида, хусусан ўзбек халқ мақоллари бир неча бор таҳлил остига олинган, тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда мавзуий гуруҳлаштирилганига қарамай, қадимги туркий мақоллар устида жиддий тадқиқотлар ҳали амалга оширилмаган. Хусусан, “Девону луғати-т-турк”даги мақоллар мазуий гуруҳлаштирилган бўлса-да, уларни ҳозирги замон талабларига кўра, тўғри қўлёзма асосида ўқиб гуруҳлаштирилмаган эди. Мазкур мақолада мақолларнинг ана шу хусусиятлари очиб берилган. “Девону луғати-т-турк”даги мақоллар асарнинг ўзбекча таржимасида (“Девону луғотит турк”. Индекс-луғат, Тошкент, 1967) келтирилган эди. Бизнинг берган тавсифимиз ундан фарқ қилади. Биз ўз мақоламизда “Девону луғати-т-турк” асарининг профессор Қ.Содиқов томонидан 2017 йилда чоп этилган нашридан фойдаландик.

Шу билан бирга, мақолада қадимги туркий мақоллардаги синонимия, мавзу тематикаси масалалари ёритилган. Фикрни исботлаш учун “Девону луғати-т-турк”дан мақоллар келтирилган. Мақолларнинг мавзу кўлами, маъноси таҳлил этилган. Таҳлиллар асосида хулосалар чиқарилган.

Таянч сўз ва иборалар: *Маҳмуд Кошғарий, “Девону луғати-т-турк”, мақол, қадимги туркий адабиёт, халқ оғзаки ижоди, мақоллар мавзуий гуруҳлари, мақоллар синонимияси.*

Аннотация. *Книга Махмуда Кашгари «Дивану лугати-т-турк», являющаяся одним из источников XI века, имеет большое значение в тюркской культуре. Она считается лингвистическим произведением, отражающим язык и литературу того периода. Коллекция этого произведения является важным литературым источником у тюркских народов. Она содержит образцы древнего фольклора тюркских народов. К ним относятся народные песни, пословицы и поговорки. Пословицы, цитируемые в работе, особенно важны для изучения фольклора и языка той эпохи.*

Хотя тюркский фольклор неоднократно анализировался, народных пословиц, были проведены исследования и еще не проведено серьезных исследовании узбекских древнетюркских пословиц. В частности, пословицы «Дивану лугати-т-турк» были

разделены на тематическую группу, но не были прочитаны и сгруппированы в соответствии с текстом рукописи. В этой статье анализируются эти особенности. Пословицы в «Дивану лугати-т-турк» были впервые сгруппированы по смыслу в первом издании словаря в узбекской публикации (Дивану лугати-т-тюрк. Индексный словарь, Ташкент, 1967). Наше описание отличается от предыдущего. В статье мы использовали публикацию «Дивану лугати-т-турк», опубликованную в 2017 году профессором К. Садыковым.

Наряду с этим, в этой статье анализируется синонимия древнетюркских пословиц и тематические вопросы. Раскрыть для примера даны цитаты из словаря «Дивану лугати-т-турк». В статье были проанализированы масштабы и значение этой темы. В результате анализов были сделаны выводы.

Опорные слова и выражения: *Махмуд Кашгари, «Дивану лугати-т-турк», пословица, древнетюркская литература, фольклор, тематическая группа пословиц, синонимия пословиц.*

Abstract. *The book of Mahmud Kashgary "Divanu Lugati-t-Turk", which is one of the sources of the XI century, is of great importance in the Turkic culture. It is considered a linguistic work reflecting the language and literature of that period. The collection of this work is an important source of literature among Turkic peoples, especially folklore. The contains samples of ancient folklore of Turkic peoples. These include are folk songs, proverbs and sayings. The proverbs cited in the work are especially important for the study of folklore and the language of that era.*

Although Turkic folklore has been repeatedly analyzed, especially Uzbek folk proverbs, studies have been carried out, and the thematic group has not yet conducted a serious study of ancient Turkic proverbs. In particular, the proverbs "Divanu Lugati-t-Turk" were divided into a thematic group, but were not read and grouped in accordance with the text of the manuscript. This article analyzes these features. Proverbs in "Divanu Lugati-t-Turk" were first grouped in meaning in the first edition of the dictionary in Uzbek publication (Divanu Lugati-t-Turk. Index Dictionary, Tashkent, 1967). Our description is different from the previous one. In our article, we used the publication "Divanu Lugati-T-Turk", published in 2017 by Professor K. Sadikov.

Along with this, this article analyzes the synonymy of ancient Turkic proverbs and thematic issues. To prove the above questions, quotes from the dictionary "Divanu Lugati-t-Turk" are given. The article analyzed the scope and significance of this topic. As a result of the analysis, conclusions were drawn.

Keywords and expressions: *Makhmud Kashghari, "Diwan luγati-t-turk", proverb, Old Turkic literature, folklore, thematic group of proverbs, synonymous of proverbs.*

Кириш. XI асрнинг буюк турколог олими Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари туркий халқлар, шунингдек, ўзбек халқи тарихида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги қадимги турк мақолларини синчиклаб ўрганиш, муаллиф асарни ёзаётганида қанчалик пухта режа тузган бўлса, маълум бир сўзнинг изоҳини бераётганда ҳам кўплаб адабий парчалар қатори халқ мақолларидан ўринли фойдалана олгани олимнинг юксак тажриба ва маҳоратини намоён эта билганини кўрсатди.

«Ўзбек халқ мақоллари дунёдаги бошқа халқларда бўлгани каби мавзу жиҳатидан хилма-хил ва ранг-барангдир. Улар мазмунига ватан, халқ, меҳнат, оила, олий инсоний фазилатлар каби инсон ҳаётида муҳим ҳисобланган масалалар ҳақидаги ҳукмлар сингдирилган. Шунинг учун ҳам мақолларни халқнинг оғзаки қомуси билан тенглаштириш одат тусига кирган»[1].

Ўзбек халқ мақолларида ўзбек халқининг доно сиймоси, тарихий тақдири, менталитети, бағрикенглиги, саховати, адолатпешалиги, илмга, меҳнатга чанқоқлиги, бунёдкорлиги, меҳмондўстлиги, оилапарварлиги, болажонлиги, меҳмоннавозлиги, тўғрилиги, севги-садоқати, жўшқинлиги, тийраклиги, ғайрат-шижоати, қувончи, изтироби, дунёқараши, душманларига қаҳр-ғазаби, бетакрор урф-одатлари ва анъаналари яққол акс этиб туради. Мақолларнинг пайдо бўлиши ва маъно-мазмуни уларнинг яратилиш даврида мақолларга бўлган эҳтиёжнинг катта бўлганидан далолат беради. Чунки халқ донолиги бўлган мақоллар бирор воқеа-ҳодиса ортида пайдо бўлади. Аввал бирор ҳикматли сўз, сўнг эса қолип бирикма шаклига тушади ва шу тариқа мақол ҳолига кўчади.

Халқ афсонаю достонлари, ривояту эртаклари, қўшиқлари, мақол ва ибораларининг айримлари жуда эски замонларга илдиз отган. Фольклор материаллари бадиий тафаккурдаги эски анъаналарга, тил анъаналарига изчил амал қилади. Асрлар бўйи юзага келган ушбу ижод намуналари эски тил белгиларини яхши сақлайди. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди асарлари тилидан тил тарихи материали сифатида ҳам фойдаланиш мумкин[2].

Асосий қисм. Ҳозирги кунга қадар ўзбек тилидаги мақоллар бўйича қилинган тадқиқотларда улар маъно-мазмунига кўра турлича таснифланган[3].

1. Алифболи тасниф (мақолларнинг алифбо тартибига солинган мақоллар);
2. Тематик тасниф (маъно-мазмунига кўра гуруҳланган мақоллар);
3. Поэтик тасниф (мақолларнинг ўз ва кўчма маънода таснифланиши);
4. Тарихий тасниф (мақолларнинг яратилган даврига кўра таснифи);
5. Мақолларни тузилишига кўра тасниф этиш (мақолларнинг синтактик қурилишига кўра: содда, қўшма гап шаклидаги таснифи). шу кунга қадар ўзбек халқ мақоллари бўйича амалга оширилган ишларда таснифнинг тематик шакли амалга оширилган. Қуйида улар билан танишиб чиқамиз.

«Масалан, М.Афзалов бошчилигида тайёрланган тўпламнинг кейинги нашрига 2500 дан ортиқ мақол 34 мавзуга бўлиб берилган бўлса, Р.Жуманиёзов тўпламининг сўнгги нашрида 1047 мақол 22 мавзу остида жамланган. Ёки Б.Раҳмонов тўпламига 564, Ш.Жўраев тўпламига 711 мақол киритилган,

[1] Xalq og'zaki poetik ijodi (Folklore). O.Madayev, T.Sobitova. Toshkent. Sharq. 2003. 37-b.
[2] Sodiqov Q. Turkiy til tarixi (History of Old Turkic language). – Toshkent: ToshDSHI, 2009. – B. 8.
[3] *Бу ҳақида қаранг*: O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Uzbek folklore). K.Imomov, T.Mirzayev, B.Sarimsoqov, O.Safarov. Darslik. Toshkent. O'qituvchi. 1990. – B. 95-99.

холос»[1]. Э.Сиддиқов тайёрлаган «Денгиздан томчилар» номли мақол, матал ва ҳикматли сўзлар жамланган китобчада аввалги нашрларда акс этмаган ҳикматли сўзлар киритилгани ёзилган[2]. Албатта, юқорида келтирилган ва йиғилган мақоллар, уларнинг мавзуларга бўлиниши тўпланган фактик маълумотларнинг олимлар томонидан саралланган шаклидир. Бундай бўлишни, албатта қадимда яратилган мақолларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бу ҳол қадимги халқларнинг ўй-кечинмалари, оилавий ҳаёт ташвишлари, турмуш-шароитларида қандай воқеа-ҳодисалар юз берганидан, уларни қай мавзудаги қийинчиликлар қамраганини билиб олиш мумкин бўлади.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган мақоллар ҳам аждодларимизнинг узоқ йиллик ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан, уларнинг юксак ақлу заковатидан далолат берувчи яхлит хулосалардир. Фикримизча, ҳар бир мақолнинг яратилишида ибратли бир воқеа асос бўлган ва бу аждодларимиз томонидан фикр ва мазмуни кенг қамровли, ҳажм жиҳатдан эса лўнда, аниқ, равон, содда шаклда хулосаланган.

Тузилишига кўра мақоллар уч турга бўлинади: 1) кўчма (мажозий) маънода қўлланувчи мақоллар; 2) ҳам кўчма, ҳам ўз маъносида қўлланувчи мақоллар; 3) ўз маъносида қўлланувчи мақоллар.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари соф бадиий асар эмас, балки том маъноси билан илмий-қомусий асардир. Шунга қарамай, унда мақолларнинг махсус таъкидланиши мазкур адабий этикетнинг амал қилинганидан далолатдир. Халқ донишмандлигининг маҳсули – мақолларда турмуш ҳодисалари билан боғлиқ ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, илм-ҳунар, вафодорлик каби идеал ахлоқ намуналари маъқулланиб, нодонлик, қўрқоқлик, эгрилик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу эса «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган мақолларнинг ғоявий-тематик ранг-баранглигини кўрсатади.

Биз ҳам мутахассисларнинг юқоридаги халқ мақолларини йиғиб, мавзуий гуруҳларга бўлишларини инобатга олиб, «Девону луғати-т-турк»даги мақолларни гуруҳлаштириб чиқдик. Асарда жами бўлиб 298 та мақол берилгани аниқланди[3]. Улар орасида девонда такрор келгани 42 та, бироз ўзгарган, қисқарган шаклдагилари 14 та. Гуруҳларга бўлишда бир-бирига зид маъноли мақоллар ўзаро бирлаштирилди. Улар қуйидаги 16 мавзуий гуруҳлар доирасида яратилгани маълум бўлди: 1. Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик; 2. Билим-

[1] O’zbek xalq maqollari (Uzbek national proverbs). Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Toshkent, Sharq. 2005. 5- b.

[2] Dengizdan qatralar (Trains from the sea). To’plab nashrga tayyorlovchi: E.Siddiqov. Toshkent. Yosh gvardiya. 1976.

[3] Қуйидаги манба асосида ҳисоблаб чиқилган: Mahmud Koshg’ariy. Devonu lug’ati-t-turk (Turkiy so’zlar devoni). Nashrga tayyorlovchi: Q.Sodiqov. – Toshkent: G’afur G’ulom, 2017. Шундан хулоса қилиш мумкинки, девонда 298 дан ортиқ мақол келтирилган.

лилик ва билимсизлик; 3. Дангасалик ва эпчиллик; 4. Вақт ва умр билан боғлиқ; 5. Манманлик; 6. Хоинлик; 7. Ор-номус; 8. Мустақиллик, озодлик; 9. Ризқ-насиба; 10. Ҳалоллик; 11. Тақдир; 12. Тўғри сўзлик; 13. Феъл-атвор; 14. Эзгулик; 15. Қариндош-уруғчилик; 16. Тенглик.

«Девону луғати-т-турк»да такрор келган мақоллар мақол йўқлигидан ёки асар муаллифи бошқа мақол топа олмагани учун қайта келтирилмаган. Бунинг бошқа сабаблари бор. Фикримизча, бунинг бир сабаби сўзни изоҳлашда айнан ўша мақол яхшироқ очиб берган. Шунинг билан бирга, мақолларни изоҳини беришда берилаётган сўзнинг маъноси асосий ўрингa чиққан. Шунинг учун икки, учинчи марта қайта берилган мақол изоҳида бироз ўзгарган ҳолда берилган ўринлари ҳам бор. Лекин бу мақолнинг асосий мазмунидан қочмаган ҳолда амалга оширилган.

Юқоридаги келирилган мақоллар ушбу мавзу гуруҳларга бўлишда англатган маъноси, мазмун-моҳияти ҳисобга олинди. Улар ичида бирор маълум гуруҳга кирувчи, лекин мазмун жиҳатидан кенгроқ тасаввурга эга мақоллар йўқ эмас. Уларни маълум гуруҳга киритишга қийналдик, шунинг учун ҳам маъносига яқин бўлган гуруҳга киритишни лозим топдик.

Масалан, асарда инсоний фазилатлар сирасига кирувчи қуйидаги мавзуларга кўп мурожаат қилинади:

Ҳалоллик мавзусидаги мақоллар. Бундай мақолларда ота-онага, фарзандга, дўстга, ёрга, ватанга бўлган ҳалоллик акс эттирилган. Агар Маҳмуд Кошғарийнинг ўша даврдаги энг сермаҳсул бўлган мақолларга мурожаат қилганлигини ҳисобга олсак, мазкур мавзудаги мақоллар асарда мавжуд мақолларнинг катта қисмини ташкил этади. Мисол учун: ***Suw bermäskä süt ber*** – «Сув бермасга сут бер» (ДЛТ,366)[1]. Бу мақолдан мақсад – сенга ёмонлик қилганга ҳам сен яхшилик қил, чунки ҳалоллик энг асосий жиҳатдир. Чунки сенинг яхшилигинг уни сенга тобе қилади, демакдир.

Билимлилик ва билимсизлик мавзусидаги мақоллар. Билимлилик улуғланиб, унинг зидди бўлган билимсизлик, ишёқмаслик, дангасалик қаттиқ қораланади: ***Kičigdä qatïğlansa, ulğaδu sewnür*** – «Ёшликда тиришиб ҳаракат қилган катта бўлгач, севинади» (ДЛТ,85). Кўриниб турганидек, «ёшликдан бошлаб меҳнатга ўрганилса, катта бўлгач қийналмай, ўз йўлини топиб кетади» деган мазмунни ифодалаётган ушбу мақол меҳнат ва ҳунар ўрганишнинг фазилатини таъкидлаган.

Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик мавзусидаги мақолларда кишиларни ҳамжиҳатликда, «бир ёқадан бош чиқариб» иш тутишга даъват этувчи руҳдаги мақоллар хусусида сўзланган: ***Etli tïrïŋaqlï eδirmäs*** – «Эт тирноқдан айрилмас» (ДЛТ,85). Бундай мақолларда «ёлғиз, тарқоқ бўлиб иш кўришдан узоқда бўл» деган мазмун сингдирилган.

[1] ДЛТ – Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk (Turkiy so'zlar devoni). Nashrga tayyorlovchi: Q.Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017. Мақоллар шу манбадан олинди.

Ризқ-насиба билан боғлиқ фазилат Шарқ халқларига хос бўлган анъаналардан бири бўлиб, асарда қўлланган мақолларни кузатишда бу мавзудаги мақоллар XI аср кишилик жамияти учун муҳим эканлиги англашилади: ***Anuq otru tutsa, yoqqa sanmas*** – «Меҳмонга бор овқат тақдим қилингач, кўрмадим демайди» (ДЛТ,40). Бу мақол уй эгаси бор нарсасини меҳмонга тақдим қилиши зарурлигига ишорат қилиб айтилади.

Яна бир мисол: ***Tïlïn tergikä tegir*** – «Ширин, ёқимли сўз билан киши дастурхонга етишади» (ДЛТ,171). Мақол «хушмуомала, ёқимли сўз, ширин тил билан киши иззат-икромда бўлиши» назарда тутилган. ***Ümä kelsä, qut kelir*** – «Меҳмон келса, у билан бирга бахт ҳам келади» (ДЛТ,50). Бу мақолда меҳмон – бахт, ризқ-рўз, барака тимсоли сифатида гавдалантирилган.

*Тақдир билан боғлиқ мақоллар*га мурожаат қилганимизда ўша давр кишиларининг бахтли ҳаётга интилиб яшаганларини кузатиш мумкин: ***Qutluğqa qoša yağar*** – «Бахтли кишига давлат қўша-қўша келади» (ДЛТ,345) мисолида бой-бадавлат, ўзи хоҳлаган ҳамма нарсани қилишга қурби етувчи киши бахтли эканлиги мазмуни англашилган. Аҳамиятлиси шундаки, бу гуруҳдаги мақоллар "Девону луғати-т-турк"даги мақолларнинг катта қисмини ташкил этади.

Тўғри сўзлик мавзусидаги мақоллар ёрга, дўстга, мамлакат ҳукмдорига қарата айтилган: ***Kündä irük yoq, begdä qïyïq yoq*** – «Қуёш кулчасида тешик йўқ бўлганидай, бекнинг ваъдасида ҳам қайтиш йўқ» (ДЛТ,41). Мисолдан англашилиб турганидек, мақол мамлакат ҳукмдорига қаратилган бўлиб, бекларни вафодорликка ва адолатли бўлишга ундаяпти. Асарда бу мазмундаги мақолларни кўп учратиш мумкин. Демак, ўша замон кишилари мафкурасида «мамлакат подшоси айтган гапидан қайтмас, вафодор бўлса, халқи ҳам шунга яраша содиқ бўлади» деган ғоя ётган.

Эзгулик мавзусидаги мақолларда яхшилик, эзгу фикр, амални кузатишимиз мумкин: ***Yalïŋuq oğlï yoqaδur, eδgü atï qalïr*** – «Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, яхши номи қолади» (ДЛТ,32). Албатта, мазкур мисраларда қўлланган туркий мақол кўпчиликка яхши таниш. У ҳозирги тилимизда бир неча хил кўринишларга эга:

Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур,

Эр етилар йигитнинг пешонаси кенг бўлур.

Ёки: *Бўладиган бола бошидан маълум.* Демак, биз мазкур мақолнинг қадимги туркий тилдаги яна бир шаклини кўриб турибмиз. Бу шакл ўша даврдаги миллий-маҳаллий реалликни акс эттиргани билан ҳам эътиборлидир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимги жанрларидан бўлмиш мақолларнинг мавзу мундарижаси хилма-хил ва ранг-баранг эканлигини юқоридаги мисолларда кузатдик. Кузатишимиз натижасида ушбу мақоллар воситасида Шарқ халқлари этикасининг юқори даражада бўлганлиги маълум бўлади. Қолаверса, Маҳмуд Кошғарий XI аср жонли тил намуналарини бериш орқали ўша давр

кишиларининг дунёқараши, турмуш тарзи, этик-эстетик нормаларини юксак маҳорат билан ўз асарида акс эттиргани девон адабий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилган.

Маҳмуд Кошғарий асарида қўлланган мақоллар ҳақиқатан ҳам ўз замонида халқнинг оғзаки ижодида, яъни кундалик турмушида фаол истеъмолда бўлган.

Маълумки, халқ мақолларининг кўпчилиги муайян бир конструкцияларга, ўзига хос қурилишга, такрорланмас мантиқий бутунликка эга бўлади. Уларни мавзу доирасига кўра ниҳоятда кўп туркумларга ажратиш мумкин.

«Девону луғати-т-турк»даги мақолларда вариантлилик ҳодисасидаги мақоллар жуда кам учрайди. Чунки бу ҳодиса қуйидаги қоидага бўйсунади: «Маъноси, асосан бир хил бўлиб, ифода планида фарқланадиган мақоллар ўзаро вариантлиликни ташкил этади»[1]. Халқ оғзаки ижодидаги вариантлилик борасида тадқиқотларда қуйидаги фикрлар ҳам мавжуд: «вариант – маълум бир асарнинг жонли оғзаки эпик анъана заминида вужудга келган, бир-бирини инкор этмасдан ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фарқланувчи турли-туман нусхаларидир»[2]. Бу борада бадиий адабиётларда бир мақолнинг турли хил шаклларда келишини мисол келтириш мумкин. Бунда мазкур мақолнинг бир-икки жумласи, қўшимчаси ўзгариши ёки замонавийлаштирилиши мумкин, лекин маъно-мазмуни ўзгармайди. «Девону луғати-т-турк»да бунга қуйидаги мақолларни мисол келтириш мумкин: 1. Atasï ačïğ almïla yesä, oğlïŋïŋ tïšï qamar. Маъноси: «Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар» (ДЛТ,305) билан «Atasï, anasï ačïğ almïla yesä, oğlï, qïzï tïšï qamar. Маъноси: «Отаси ёки онаси бирор нордон, қимизак олма еса, болаларининг тиши қамашади» (ДЛТ,417). Ушбу мақолда anasï ва qïzï сўзлари қўшилган. Бу мақолнинг яратилиши, вариантлашуви тўғрисида шуни айтиш мумкинки, мақол аввал биринчи ҳолда, фақат ота билан ўғилнинг ўзаро муносабатлари устига қурилган. Вақт ўтиши билан она ва қиз ҳам бу жараёнга қўшилганлар. Шу сабаб ушбу мақолнинг кейинги вариантида она ва қиз қўшилган.

Асарда қўлланган мақолларнинг ҳозирги туркий тиллардаги ўхшашлари деярли ҳар бир алоҳида олинган халқда мавжуд. Маҳмуд Кошғарий асаридаги халқ мақолларининг турли шаклдаги кўринишларини қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тиллар амалиётида ҳам учратишимиз мумкин. Буни аниқ мисоллар орқали кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида шундай мақол бор: ***Alp yağïda, alčaq čoğïda*** – Ботир ёв билан олишганда, ювош тиришишда

[1] Jo'rayeva B.M. Maqollarning lisoniy mavqei va ma'noviy-uslubiy qo'llanishi (The linguistic position and the methodological use of articles). Filologiya fanlari ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya. Buxoro, 2002. – B. 73.

[2] O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi (Uzbek folklore). K.Imomov, T.Mirzayev, B.Sarimsoqov, O.Safarov. Darslik. Toshkent. O'qituvchi. 1990. – B. 11.

(синалади) (ДЛТ,31). Ушбу мақолнинг турли вариантлари XI асрда жуда кўп бўлган. Улардан яна бирини Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи келтиради: ***Alp čerigdä, bilgä tirigdä*** – Ботир жанг алангасида (синалади), доно мажлисда (синалади) (ДЛТ,156). Гарчи Маҳмуд Кошғарий келтирган изоҳларнинг мантиқан тўғрилигига ҳеч бир шубҳа ва эътироз бўлмаса-да, мақолларнинг мазкур ҳолатидаги грамматик конструкцияни ўзбек тилига айнан ўгириш зарурати сезилмоқда. Шунда биринчи мақол:

Ботир – жангда,
Ювош – тиришишда

кўринишига келади. Иккинчи мақол эса:

Ботир – жангда,
Доно – йиғинда

шаклини олади. Уларнинг мақол эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу уларнинг шаклий-поэтик хусусиятларидан очиқ кўриниб турибди. Ҳозирги ҳолатларидаёқ улар мақол жанрининг барча талабларига тўла жавоб бера олади. Бунинг устига Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам уларни мақол сифатида махсус таъкидлаган.

Alp – čerigdä шаклининг Маҳмуд Кошғарий томонидан XI асрдаги оғзаки нутқда фаол истеъмолда бўлганлигини юқорида кўрдик. Айни шакл иштирокида Маҳмуд Кошғарий ўз замонасидаёқ иккита вариантнинг амал қилаётганлигига шоҳидлик бериб турибди. Ҳақиқатан ҳам айни мақолнинг турли вариантлари XI асрда мавжуд экан, унда:

Келин – кўданда,
Алп – черикда

варианти ҳам кенг ҳам фаол истеъмолда бўлганлигини тахмин этиш мумкин бўлади. Бу ўринда *«келин»* ҳамда *«кўдан»* сўзларининг аллитерация орқали умумий оҳангдошликни ҳосил қилаётганини ҳам унутмаслик керак. Фикримизни қўллаб-қувватлайдиган яна бир далил мавжуд. Бу мақолларнинг юзага келишидаги мотивларнинг иккиланиши билан боғлиқ назариянинг мавжудлигидир. Бу ҳақда проф. Б.Саримсоқов шундай ёзган: «Шеър куртагидан ҳақиқий шеърий мақолни юзага келтириш учун икки мотивдан иборат битта ритмик-синтактик параллелизмга худди шундай яна битта ритмик-синтактик параллелизмни қўшиш орқали эришиш мумкин. Бундай қўшиш шакл жиҳатдангина бўлмай, балки мазмун жиҳатидан ҳам амалга ошиши лозим. Яъни биринчи ритмик-синтактик параллелизмда ифодаланган мазмунга иккинчи ритмик-синтактик параллелизмдаги мазмун ўхшатилиши, қарама-қарши қўйилиши мумкин:

Элга берсанг ошингни,
Эрлар силар бошингни.

Биринчи икки мотив – биринчи ритмик-синтактик параллелизм.

Итга берсанг ошингни,
Итлар ғажир бошингни.

Иккинчи икки мотив – иккинчи ритмик-синтактик параллелизм».

Юқоридаги мисолимизда айни шундай параллелликнинг бўлиши ҳам уларинг қадимий мақол варианти эканлигини яна бир марта тасдиқлайди. Фақат бу ерда мисралар мазмунида зиддият, қарама-қаршилик эмас, балки аналогия – ўхшашлик ёки параллеллик устунлик қилади. «Кўданда – черикда» сўзларининг қофиядошлиги ҳам ушбу шаклларнинг мақолларга яқинлигидан далолат бериб турибди. Тўғри, бу ерда қофия фақат қўшимчалар орқали амалга ошяпти. Аслида «Девону луғати-т-турк»даги халқ шеъриятида қофияларнинг катта қисми ўзак қофияларга эмас, балки қўшимчалар орасидаги қофияларга тўғри келади. А.Е.Мартинсев уларнинг аниқ ҳажмини ҳам (90%) келтиради.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги мақолларнинг вариантлилиги ҳолатини икки хил тарзда изоҳлаш мумкин:

1. Маҳмуд Кошғарийнинг замонида мазкур мақолларнинг бир неча кўриниши мавжуд бўлган. Олим ўша мавжуд вариантлардан фойдаланган, уларни ўз асарига шу ҳолатда киритган.

2. Маҳмуд Кошғарийга мақолнинг фақат бир варианти маълум бўлган, бошқачароқ айтадиган бўлсак, XI асрда мақолнинг бир варианти фақат истеъмолда бўлган. Олим айни мақолнинг мазкур ҳолатини ҳам, унинг мазмунини акс эттира оладиган бошқа ўша сўзнинг синоним (маънодош)ини изоҳлаётганда ҳам ўз вариантини асарига киритган. Бунда, албатта, муаллифнинг мақолга муайян ишлов берган бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Бу ерда гап мақолларнинг синонимик ҳолати ҳақида кетаётганлиги аёндир.

«Синонимия ҳодисаси мақолларда анча кенг ривожланган семантик категориялардан биридир. Синоним мақоллар борлиқда мавжуд бўлган бир-бирига ўхшаш ҳаракат-ҳолат, ҳодисалар мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай мақоллар бир хил мазмунни турли хил шаклларда, образларда ифодалайди. Синоним мақоллар умумий мазмунни ифодалаши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, ўзига хос маъно нозикликлари, айрим қўшимчалар турлари билан фарқланиб туради»[1].

Ўзбек халқ мақоллари орасида синонимлик ҳодисаси бўйича мақола эълон қилинган[2]. Мазкур мақолада ҳозирги ўзбек тилида мавжуд мақоллар таҳлилга тортилган. Биз кўриб чиқаётган «Девону луғати-т-турк» асарида ҳам бундай ҳодиса амалда бўлган. Фикримизча, мақолларнинг бундай синоним мазмунга эга бўлиши бир-бирига яқин воқеа-ҳодисалар юзага келганда халқ уларга турлича ёндашишидандир. Ушбу ёндашувлар ҳам мақолларнинг шакл жиҳатидан турли кўринишда пайдо бўлишига олиб келган. Юқорида таъкидланганидек, улар бир-биридан шаклан, тузилиш жиҳатидан, етказиб берилиши билан фарқланса-да, умумий бераётган фикри, хулосаси бир хил.

[1] Jo’rayeva B. Maqollarda sinonimiya hodisasi (Synonymous in proverbs). // O’zbek tili va adabiyoti. – № 5. – Toshkent, 2000. – B. 59.
[2] O’sha asar. – B. 58-61.

«Девону луғати-т-турк» асарини кузатиш жараёнида асарда қўлланилган 300 га яқин мақол ва ҳикматли сўзлар аниқланган бўлса, шулардан 26 таси икки марта, 6 таси эса уч марта тилга олинган. Қайта мурожаат қилинган мақоллар орасидан уларнинг вариантлари ҳам ўрин олган.

Девонда келтирилган мақолларнинг синонимларига қуйидагиларни мисол келтириш мумкин: ***İm bilsä, er ölmäs*** – «Им билса, эр ўлмас» [Киши яширин белгини билса, ноҳақ ўлмайди] (ДЛТ,30) ҳамда ***Ula bolsa yol azmas, bilig bolsa, söz yazmas*** – «Белги бўлса, одам йўлдан адашмайди, ақли бўлса, киши сўзда янглишмайди» (ДЛТ,50). Юқорида келтирилган иккала мақолда киши билимли бўлса, махсус тайёргарлиги бўлса, им (парол)ни билса йўлда қолмаслиги, иши битиши айтилмоқда. Яна бир мисол: ***Ermägükä ešik art bolur*** – «Ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепасидек кўринади» (ДЛТ,31). Ушбу мақолда эринчоқлик тўғрисида гап кетмоқда. Эринчоққа эшик остонаси, яъни бир қадам юқори чиқиладиган остонаси ҳам худди тоғдек кўриниши айтилмоқда. Ялқовнинг ялқовлиги жуда чиройли ўхшатиш қилинмоқда. Худди шундай мазмунни берувчи бошқа бир мақол девонда келтирилган: ***Ermägükä bulït / bulut yük bolur*** – «Ялқовга булут сояси ҳам юк бўлади» (ДЛТ,69). Яъни, эринчоққа пардек енгил, юмшоқ булут ҳам оғир юк бўлади. Ушбу мақолда ҳам дангаса кишининг дангасалиги гўзал далилланмоқда. Юқоридаги икки мақолда эронч оқ, дангасанинг хусусияти, хислати баён этилган. Шу жиҳати билан юқоридаги иккала мақол маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, синоним маънога эга.

«Девону луғати-т-турк»нинг ўзида муаллиф мақолларни келтирар экан, баъзида уларнинг синонимларини ҳам бериб кетади. Масалан: ***Köp sügütkä quš qonar, körklüg kišikä söz kelir*** – «сершох дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз [мақтов] келади». Ёки бунинг бошқача шакли: ***Yïğač učïŋa yel tegir, körklig kišikä söz kelir*** – «дарахт учига шамол тегади, юмшоқ одамга сўз етади». Шунинг учун у ўзини сақлаши керак, дейилади (ДЛТ,132). Ушбу мақоллардаги асосий персонаж бу ***körklig kiši***дир. Чунки яхши одам ҳар доим мақталади, унга яхши сўзлар айтишади. Мақоллардаги иккинчи персонаж бу дарахтдир. Биринчи мақолда дарахтнинг сершохлиги уқтирилса, иккинчисида эса унинг учига шамол тегиши, яъни у юқорида бўлганлиги учун шамол тегиши айтилмоқда. Юқорида келтирилган ҳар иккала мақолларда солиштирилаётган нарсалар дарахт ва яхши кишидир.

Boldačï buzağu öküz ara belgülüg – «ҳўкиз бўлади, дея гумон қилинган бузоқ ҳўкизлар орасида ёшлигидаёқ маълум бўлиб қолади». (Бу мақол келажагидан) яхшилик умид қилинадиган ёш, зийрак, ботир йигитларга қарата айтилади (ДЛТ, 207). Ушбу мақолда бўладиган аввалдан маълум, деган мазмун англашилмоқда. Худди шу мазмунга эга бўлган мақол ўзгарган шаклда ҳозирги ўзбек тилида мавжуд: «бола бошидан маълум».

Баъзида Маҳмуд Кошғарий мақолларнинг бироз ўзгарган шаклларини ҳам беради. Масалан: ***Sartnïŋ azuqï arïğ bolsa, yol üzä yer.*** Маъноси:

«Савдогарнинг моли тоза, бешубҳа бўлса, йўл устида ейди» (ДЛТ,40). Угбу мақол бошқа бир ўринда қуйидагича келтиради: ***Sart azuqï arïğ bolsa, yolda yer*** – Бу мақолнинг изоҳи бир неча марта айтилди (ДЛТ,139). Ушбу мақолларнинг биринчиси иккиничисидан биринчи сўздаги қаратқич келишиги қўшимчаси (***-nïŋ***) ва иккинчи гапдаги ***üzä*** сўзи билан фарқ қилади, холос.

Ersäk erkä tegmäs, ewäk ewkä tegmäs – «Эркакка рағбатли, эр учун шошилган хотин эрга ёлчимайди, шошма-шошар киши уйига етолмайди». Чунки шошилиш натижасида (бу ишда) кутилган шароитларни ҳисобга олмайди. Шунингдек, шошилган эркак ҳам уйига етолмайди. Чунки шошилинч билан отини ҳалокатга етказади-да, ўкиниб қолади. Бу мақол шошилмасликка ундаб айтилади (ДЛТ,54). Худди шу мақолнинг фақатгина иккинчи гапи шаклидаги қисқаргани девонда келтирилади: ***Ewäk ewkä tegmäs*** – «шошган киши уйига ета олмайди». Чунки у тез чоптириб отини чарчатиб қўяди, сўнг армонда қолади. Ишда шошма-шошарлик қилмасликка ундаб айтилган (ДЛТ,214). Шошма-шошарлик маъносини англатувчи яна бир мақол девонда келтирилган: ***Ewäk siŋäk sütkä tüšür*** – «Шошқалоқ пашша сутга тушади (ва ғарқ бўлиб ўлади)». Бу мақол ишда шошмасликка ундаб айтилади. (ДЛТ,212). Келтирилган ҳар иккала мақолда инсоннинг шошиб қилинган ҳар бир иши, хатти-ҳаракати яхшиликка олиб келмаслиги, унинг кетидан қилинган иш ўз маромида амалга оширилмаслиги, уқтирилмоқда. Худди шу мазмунни ифодалайдиган ҳозирги ўзбек тилида мақоллар бор. Шулардан бири: «шошган қиз эрга ёлчимас». Шошишнинг оқибатида интилаётган нарсага эриша олмаслик назарда тутилиб ушбу мақол ясалган. Юқорида кўрилган ҳар учала мақолдаги асосий кадит сўз бу ***ewäk*** «шошиш»дир.

Баъзида, Маҳмуд Кошғарий сўзларнинг маъносини изоҳлар экан, мақолларнинг бир-икки сўзи ўзгарган вариантини ҳам келтириб ўтади. Масалан, қуйидаги мақолни кўрсак: ***atasï ačïğ almïla yesä, oğlïŋïŋ tïšï qamar –*** «Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар» (ДЛТ,305). Худди шу мақол бошқа бир ўринда қуйидагича берилган: ***atasï, anasï ačïğ almïla yesä, oğlï, qïzï tïšï qamar*** – «Отаси ёки онаси бирор нордон, қимизак олма еса, болаларининг тиши қамашади». Иккинчи мақол биринчисидан ***anasï*** ва ***qïzï*** сўзларининг қўшилгани билан фарқ қилмоқда. Мазмунан англатаётган маъноси ҳам бир хил: ота-онаси қилган айб иши улар вафот этган бўлса-да, фарзандларига иснод келтириши уқтирилмоқда.

«***Ot tütünsüz bolmas, yigit yazuqsuz bolmas*** – «Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас» (ДЛТ,161). Мақолда ўт ёндирилганда тутагани каби инсон боласи, яъни барча одамлар гуноҳкор эканликлари уқтирилмоқда. Мақол матнидаги yazuq «гуноҳ» маъносида қўлланган. «Девон»да шу мақолнинг синоними ҳам бор: ***yalïŋuq oğlï münsüz bolmas*** – «Инсон боласи қусурсиз бўлмас» (ДЛТ,370). Юқоридаги икки мақолда инсон боласи гуноҳкор эканлиги айтилмоқда. Ҳозирда ушбу мақолнинг ўзгарган эквиваленти ўзбек тилида ишлатилади: «Беайб парвардигор». Бу ерда ҳам яратгандан бошқа ҳамма жонзотлар гуноҳ қилишга мойиллиги билдирилмоқда.

«Девону луғати-т-турк»даги халқ мақолларига Маҳмуд Кошғарий қисқача шарҳлар беради, кўпинча халқ мақолларининг моҳиятини ёритиб, уларнинг ишлатилиш ўрнини ҳам кўрсатади. Мисол: ***İkki buğra igäšür, otra kökägün yenčilür*** – «Икки эр ҳайвон олишади, орада кўкагун (пашша) енгилади» (ДЛТ,297). Бу мақол икки амир урушиб, орада кучсизлар янчиладилар деган маънода ишлатилади.

Usuqmïšqa saqïğ qamuğ suw körünür – «Чанқаган кишига ҳар бир сароб сув бўлиб кўринади» (ДЛТ,89). Бу мақол «муҳтож одам ҳар бир нарсадан ўз ҳожатининг чиқишини ўйлайди» деган мазмунда ишлатилади. Албатта таърифланаётган киши ижобий хислатга эга эмас. Худбинроқ характерга эга инсон тўғрисида гапирилмоқда.

Ушбу кўчирмалар охиридаги изоҳ вазифасини бажариб келаётган гаплар мақолнинг ишлатилиш ўрни ва унинг XI асрдаги бадиий-эстетик вазифаси ҳақида ҳам қисман ишора беради. Булардан бир ҳар бир мақолнинг қай вазиятда қўллаш кераклигини билиб олишимиз мумкин. Чунки мақоллар орасида бир ўқишда тушунарсиз бўлганлари ҳам оз эмас.

Мисол тариқасида қуйидаги кўчирмани келтиришимиз мумкин: ***Uluq yağïrï oğulqa qalïr*** – «Отнинг курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади. Чунки пай томирлари у ерга тўпланган учун тез тузалмайди» (ДЛТ,40). Ҳозирдаги «от ўрнини той босар», «олмани тагига олма тушади» каби мақолларда англашилаётган мақсад юқоридаги мақолда ўз аксини топади.

Мазкур ҳодисанинг адабий этикет даражасида амал қилганлигини кейинги даврларда яратилган бошқа бир қатор асарлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳатдан Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарига мурожаат этиш мумкин бўлади. Унда, дастлаб, мақол ва ҳикматли сўзларга эътиборни тортиш тамойили кўзга ташланади:

Baqa körgil emti uqa sïnayu,
Ne näŋ bar biliktin asïğlïğ öŋin.
Энди ўзинг синаб, уқиб, боқиб кўр,
Билимдан фойдалироқ қандай нарса бор[1].

Аҳмад Югнакий қаламига мансуб яна бир парчага диққатимизни қаратайлик:

Ešitgil, biliklik negü teb ayur,
Adablar baš ï til ködäzmäk turur.
Илмли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол,
Одоблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур[2].

Аҳмад Югнакий қўллаган бу мақол Маҳмуд Кошғарийда ***Erdäm baš ï – tïl*** тарзида бир неча маротаба қўлланганлиги маълум.

[1] Mahmudov Q. Ahmad Yugnakiyning “Hibatul haqoyiq” asari haqida (about “Hibatul haqoyiq” of Ahmad Yugnaki). (Kirish, fonetika, morfologiya, tanqidiy matn, transkripsiya, sharh, lughat). Toshkent, Fan. 1972. – B. 220, 234.
[2] O’sha asar. – B. 221, 235.

XI аср қомуси ҳисобланган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган мақолларда ўша замон руҳи, дунёқараши, кишиларда меҳнатга муносабатнинг турли хил шакллари ўз ифодасини топган.

Кузатишлар натижасида маълум бўладики, «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган мақоллар қадимги турк уруғлари ва қабилалари орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирги кунимизга қадар кенг истеъмолда ва халқимизнинг сўз бойлиги хазинасидан ўрин олган. Масалан, қуйида биз келтирмоқчи бўлган, «Девону луғати-т-турк»дан олинган мақол «Ўзбек халқ мақоллари»[1] китоби таркибида бироз ўзгаришларга учраган бўлса-да, бироқ маъно жиҳатдан Кошғарий даври билан бир хил шаклда сақланиб қолган. Бу факт ўзбек халқи поэтик ижодиётининг, ўзбек тилининг жуда қадим замонларда туғила бошлаганини яна бир карра тасдиқлайди. Масалан: ***Quš qanatïn, er atïn*** – «Қуш қаноти билан – эр оти билан» (ДЛТ,28). Ҳозирги кунимизда бу мақолнинг икки варианти мавжуд экан:

1. Қуш қаноти билан тирик, Одам меҳнати билан[2];

2. Қуш – қаноти билан, эр – ҳиммати билан[3].

«Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Мақол киши нутқининг безагидир. Мақолни ўрнида ишлата билганнинг сўзи таъсирли бўлади. Сўзамол, гапга чечан киши сўз орасида келтирган ажойиб отасўзи билан кўпнинг эътиборини ўзига торта олади. «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган мақоллар тарихийлик хусусиятига эга. Улар кўпинча тарихий воқеа ва ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Шунинг учун ҳам халқ мақолларининг ғоявий мазмунида халқ ҳаётининг турли томонлари ўз аксини топган. «Девону луғати-т-турк»да берилган қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик:

Qïz birlä küräšmä, qïsraq birlä yarïšma – «Қиз билан ўйнашма, чунки улар кучли ва сени енгади. Ёш қисир бия билан пойга қилишма, у айғирдан кўра кучлидир, у ҳам сенинг устингдан ғалаба қилади (сени енгади)» (ДЛТ,188).

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу мақол хоқония қизларидан бири Султон Маъсуднинг никоҳ кечаси ўз эрини оёғи билан чалиб йиқитганидан кейин хоқонийларда юзага келган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маҳмуд Кошғарийдан улкан мерос бўлиб қолган мўтабар ёдгорлик – «Девону луғати-т-турк» асари барча туркий халқлар тарихини ёритиб беришда муҳим манбадир. Қолаверса, бу манбани ўрганиш тилимиз тарихи учунгина эмас, балки халқимиз тарихи учун ҳам кўпгина қимматли материаллар бериши шубҳасиз.

[1] Mirzayev T., Musaqulov A., Sarimsoqov B. O‘zbek xalq maqollari (Uzbek national proverbs). – Toshkent: Sharq, 2005.
[2] O’sha asar. – B. 19.
[3] O’sha asar. – B. 89.

Юқорида айтиб ўтилганидек, девондаги мақоллар турли тематик гуруҳларга бўлинади. Улар орасида, албатта, эзгулик, яхшилик каби ижобий хислатларни тарғиб қилувчи мақоллар сон жиҳатидан кўп. Мақол матнларида қўлланилган сўзлар ҳам қадимги туркий тил гўзаллигини яққол намоён қиладиган даражада бойдир. Хусусан, асарда келтирилган мақоллардаги диний-фалсафий тушунчаларни англатувчи мақолларни олсак: улар сон жиҳатидан кўп бўлмаса-да, улар орқали ўша даврдаги диний-фалсафий тасаввурларнинг қай даражада ривожланганини, ушбу тушунчаларнинг мақол матнида қўлланиши ва улар орқали ўқувчига бирор воқеа-ҳодисанинг хулосаси уқтирилиши баён этилган.

Биргина ўша даврда қўлланган *тангри* сўзини мисол сифатида олсак, «девон»да ушбу сўзга қуйидагича таъриф берилган: ***تَنْگْرِی Täŋri*** (**Тангри**) – улуғ ва азиз Тангри. Мақолда (шундай келган): ***Toyïn tapuğsaq, Täŋri sewinčsiz.*** Маъноси: «Кофирларнинг дин бошлиқлари Тангри таъолога ибодат қилади, лекин Тангри субҳоноҳу ва таъоло унинг ишидан рози бўлмайди». Бу мақол бировларга ёқади, деб гумон қилган, аммо иши ёқмаган одамлар ҳақида айтилади. (Билимли) шундай деган:

Tün-kün tapun täŋrikä boynamağïl,
Qorqup aŋar eymänü oynamağïl.

Айтмоқдаки: Кеча-кундуз Тангри таъолога ибодат қил, йўлдан озиб адашма. Худодан қўрқ, ундан уял, ийман, ўйинқароқлик қилма.

Яратганнинг қаҳрига учрагур кофирлар «осмон»ни ***täŋri*** дейдилар. Шунингдек, улар кўзларига катта кўринган ҳар нарсани, чунончи, «катта тоғ», «ҳайбатли ёғоч»ни ҳам ***täŋri*** деб атайдилар. Шунинг учун ҳам улар шунга ўхшаш нарсаларга сажда қиладилар. Улар билағон кишини ***täŋrikän*** деб аташлари ҳам шундан. Буларнинг гумроҳликларидан Худо паноҳ берсин» (ДЛТ,451). Келтирилган таърифдан англашиладики, *täŋri* сўзи турли маъноларда ишлатилган. Исломдан бурунги матнларда у осмон тангриси[1], улуғ, буюк ва бошқа маъноларни англатган. Кейинги давр матнларида ушбу сўзнинг маъноси торайган. Айниқса, Маҳмуд Кошғарийнинг юқорида келтирилган маълумотида *täŋri* сўзи яратувчи маъносида ишлатилган. Қуйида *täŋri* ва бошқа диний-фалсафий мазмунга эга бўлган сўзлар иштирок этган мақолларни кўриб чиқамиз.

«Süsägän uδqa Täŋri möŋüz bermäs **–** «Сузонғич сигирга Худо шох бермайди». Бу мақол бирор ишни қилмоқ истаса ҳам, аммо бу иш халққа зарар бериши мумкинлиги сабабли шу ишни қилмаган одамга қарата айтилади» (ДЛТ,446). Мақолдан англашиладики, барча мавжудотларга ризқ-насибани яратган беради. Шундан келиб чиқиб, инсон боласи бу дунёда қанчалик тиришмасин, худо унга бирор нарсани раво кўрмаса, бу ишга, нарсага эриша олмаслиги уқтирилмоқда. Яратган барчага ўзи тақсимлагани каби ризқ-насиба

[1] Sodiqov Q. Qadimgi turk falsafasi (Philosophy of old Turks). Toshkent. 2008. – B. 19-27.

беради. Ундан ортиғини ҳам, камини ҳам олмайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу мақолни ислом муҳитида яратилган, дейиш мумкин.

«Toyïn tapuğsaq, Täŋri sewinčsiz – «Кофирларнинг дин бошлиқлари Тангри таъолога ибодат қилади, лекин Тангри субҳоноҳу ва таъоло унинг ишидан рози бўлмайди». Бу мақол бировларга ёқади, деб гумон қилган, аммо иши ёқмаган одамлар ҳақида айтилади» (ДЛТ,451). Ушбу мақолдаги *toyïn* сўзи қадимги туркий матнларда қўлланган «будда роҳиби»[1] маносидаги сўздир. Ушбу мақол буддавийлик муҳитида яратилган бўлиши керак. Шундай бўлсада, ушбу мақолнинг «девон»да келтирилиши унинг ўз маъносини сақлаб қолганидан, вақт ўтиши билан муҳимлигини йўқотмаганидан далолат беради.

Буддавий роҳиб сўзи иштирок этган яна бир мақолга эътиборни қаратсак: «***Bir toyïn bašï ağrïsa, qamuğ toyïn bašï ağrïmas*** – «Бир роҳибнинг боши оғриса, бошқа роҳибларнинг боши оғриб қолмайди». Бу мақол ўртоқлари орасида улар еган бир нарсани ейишдан тортинган кишиларга нисбатан қўлланади» (ДЛТ,381). Мақолдан яна манманлик, кибр маъносини ҳам англаш мумкин. Яъни, «мени бошим оғрияпти, қолганларники ҳам оғриши керак», дегани эмас. Ҳаётда бу каби ҳолатлар кўп кузатилгани боис ушбу мақол келиб чиққан бўлиши керак. Унда «роҳиб» сўзининг ишлатилиши бежизга эмас. Мақолдан англашилган маънони кучайтириш учун қўлланилган. Бошқалар еяётган нарсани ейишни хоҳламаётган киши ҳаттоки роҳиб даражасида бўлса ҳам, бу иш одобдан эмаслиги уқтирилмоқда. Чунки ҳар бир киши қилаётган ишига ўзи жавоб беради.

«Bilmiš yek bilmäδük kišidän yeg – «Таниш шайтон нотаниш кишидан яхши». Бу мақол танишлар ҳурматини сақлашга ундаб айтилади» (ДЛТ,378). Шайтон (душман) бўлса ҳам нотаниш кишидан яхши, дейилмоқда. Танишлар ҳар қандай вазиятда ҳам сени билишлари, сен эса уларни танишинг, нотаниш эса сени ҳам, сен уни ҳам танимаслигинг муносабатларни қуришда тўсқинлик қилиши, бу билан танишларнинг яхшилиги, уларнинг обрўси борлиги айтилмоқда. Мақол тузилиш жиҳатидан аллитерация устига қурилган. Мақолдаги *bilmiš* ва *bilmäδük, yek* ва *yeg* сўзлари ўзаро қофияни ташкил этади. *Yek* сўзи туркий тилга ўрта форс тилидан кириган бўлиб, қадимги туркий матнларда «шайтон» маъносини англатиб келган[2]. Фикримизча, бу мақолнинг пайдо бўлиши ҳам қадимги туркий тил даврига бориб тақалади.

«Tamu qapuğïn ačar tawar – «Пора ҳатто дўзах эшигини очади, нега бошқа (жойлар эшигини) очмас экан». Бу мақол «Иши битишини истаган киши пора бериши керак» деган маънода қўлланади (ДЛТ,405)». Ушбу мақолда *tamu* «дўзах» сўзи ишлатилган[3]. Мақолдан англашиладики, *tawar* яъни (мақолда «пора» маъносида келган) маълум миқдордаги пул ҳаттоки

[1] Drevnetyurkskiy slovar (Old Turkic dictionary). Leningrad. 1969. – C. 572.
[2] Drevnetyurkskiy slovar (Old Turkic dictionary). Leningrad. 1969. – C. 253.
[3] O'sha asar – C. 531.

дўзах эшигини ҳам очади. Бу билан пора барча ишни юриштирувчилиги, уни ишлатган инсон кўп ишни битириши мумкинлиги, аммо, унинг ёмонлиги, ҳаромлиги биргина *tamu* сўзини ишлатиш орқали қораланмоқда. Мақолда мажозий маъно ҳам бор: пора бериш уни берган кишига дўзах эшикларини очишга ёрдам беради, дейилмоқчи. Демак, мақолдан олинадиган ўрнак – ҳеч қачон пора бермаслик керак.

Кейинги мақолларда айнан диний мазмунга эга бўлмаса-да, балки ўша доирада ишлатиладиган сўзлар қўлланган. Масалан, гуноҳ, инсон боласи ва ҳоказо.

«Ot tütünsüz bolmas, yigit yazuqsuz bolmas – «Ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас» (ДЛТ,161). Мақолда ўт ёндирилганда тутагани каби инсон боласи, яъни барча одамларнинг гуноҳлари борлиги уқтирилмоқда. Мақол матнидаги *yazuq* «гуноҳ» маъносида қўлланган. «Девон»да шу мақолнинг синоними ҳам келган: ***yalïŋuq oğlï münsüz bolmas*** – «Инсон боласи қусурсиз бўлмас» (ДЛТ,370). Ушбу мақолнинг ҳозирги кун халқ тилида эквиваленти бор: «Беайб парвардигор».

Юқоридаги «инсон боласи» маъносини тўлдириб келган яна бир мақолда инсоннинг бу дунёда абадий эмаслигига ишора этувчи мақол берилган: ***Öδ kečar, kiši tuymas, yalïŋuq oğlï mäŋgü qalmas*** – «Замон кечар, киши тўймас, инсон боласи мангу қолмас» (ДЛТ,32). Мақолдан инсон боласи ҳар бир ишда ва бу дунёда мангу эмаслиги уқтирилмоқда. Ушбу мақол туркий халқлар орасига ислом динининг ёйилганидан кейин яратилган бўлиши керак.

Хулоса. Умуман олганда, юқорида кўриб чиқилган қадимги туркий мақолларнинг бир қисми исломдан аввалги тушунчаларни ўзида сақласа ҳам, мазмунан эскирмаганини ва Маҳмуд Кошғарий яшаган даврда истеъмолда бўлганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, уларнинг бир қисми ислом кириб келганидан кейин пайдо бўлган. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мақол қайси замон ва маконда яратилмасин, агар у ўзининг мазмунини, долзарблигини йўқотмаса, ишлатилаверади. Агар бу икки хусусиятни қўлдан бой берса, ушбу мақол ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

ЎКТАМОВА ҲИЛОЛА
Таянч докторант, ТошДШИ

Farhang-e Jahângiri (“Жаҳонгир луғати”) – форси-йе дарий тили грамматик асари сифатида

Аннотация. *Ушбу мақола форси-йе дарий тили грамматикасини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган, ўрта асрда яратилган, ўша давр муҳити ва тил вазиятидан хабар берадиган ноёб қўлёзма “فرهنگ جهانگیری” Farhang-e Jahângiri (“Жаҳонгир луғати”) луғати тадқиқига бағишланган. Ушбу китоб бир нечта етук олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг баъзи қирралари ҳамон таҳлилга муштоқ. Тадқиқот ишимизда ушбу китобнинг ҳозирги уч тил яъни, форс, тожик, дарий тиллари учун умумий манба эканлигини унутмаган ҳолда, унда келтирилган грамматик қайдлар ана шу уч тил учун ҳануз қоида бўлиб сақланиб қолмоқда дейиш мумкин.*

Ушбу китоб гарчи форс элида, форсийзабон халқ мамлакатида яратилмаган бўлса-да, буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шарофати ила кенг тарқалган Ҳинд юртида ҳам шуҳрат қозонган. Ушбу китоб яратилишида муаллифга форс элининг етук олимлари ҳам кўмак берган. Узоқ йиллик оғир меҳнатнинг самараси бўлган мазкур луғат форси-йе дарий тилининг илк грамматик асари сифатида эъзозланади ва унинг муаллифи Хусайн Инжу форси-йе дарий тилининг илк грамматикачиси сифатида эътироф этилади.

Таянч сўз ва иборалар: *грамматика, луғат, грамматик асар, от, олмош, қўшимчалар.*

Аннотация. *Эта статья посвящена изучению словаря “فرهنگ جهانگیری” Farhang-e Jahângiri (“Словарь Джахангира”) – уникальной средневековой рукописи, описывающей обстановку и языковую ситуацию того периода. Хотя эта книга изучалась несколькими ведущими учеными, некоторые ее особенности все еще нуждаются в анализе. Знаем, что эта книга является общим источником для трех языков: персидского, таджикского и дари, и можно с уверенностью сказать, что содержащиеся в ней грамматические примечания остаются неизменными для этих трех языков.*

Хотя эта книга не была создана в персидскоязычной стране, она хорошо известна в Индии. Автор книги также внес вклад в работу ведущих ученых-персов. Этот словарь, являющийся продуктом многолетней кропотливой работы, считается первым грамматическим произведением персидского дари, а его автор, Хуссейн Инжу, признан первым грамматиком персидского дари.

Опорные слова и выражения: *грамматика, словарь, фонетика, имя существительное, местоимение, суффикс, дари.*

Abstract. *This article is devoted to the study of the “فرهنگ جهانگیری” Farhang-e Jahângiri (“Dictionary of Jahangir”), a unique medieval manuscript that describes the environment and language situation of that period. Although this book has been studied by several leading scholars, some of its features are still in need of analysis. While we do not forget that this book is a common source for the present three languages, Persian, Tajik, and Dari, it is safe to say that the grammatical notes contained in it remain the same for these three languages.*

Although this book was not created in a Persian-speaking country, showed that the Persian Dari language, with the service of our great-grandfather Zahiriddin Muhammad Babur, is also popular in India. The author of the book also contributed to the work of leading scholars of Persian. This dictionary, which is a product of years of hard work, is regarded as the first grammatical work of Persian-Dari, and its author, Hussein Inju, is recognized as the first grammarist of Persian-Dari.

Keywords and expressions: *grammar, glossary, grammar, nouns, pronoun, suffix.*

Кириш. Форси-йе дарий тили грамматикасининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган “فرهنگ جهانگیری” *Farhang-e Jahângiri* (“Жаҳонгир луғати”) луғати форсийзабон халқларнинг мўтабар манбаси ҳисобланади. Эроншунос олимлар томонидан бу китоб илк грамматик асар сифатида жуда қадрланади ва унинг муаллифи илк форс тили грамматик асарини яратган олим сифатида эътироф этилади. Мазкур луғатнинг турли жиҳатлари В. Капранов[1], Х. Раупов[2], Л. Пейсиков[3], С. Баевский[4], Ю. Рубинчик[5], С. Ҳ. Садриддин Ҳож (Камол)[6], Ф. Мирзоёров[7] ва А. Мамадназаров[8] томонидан ўрганилган. Мақолада луғатнинг яратилиши, китоб юзасидан қилинган мулоҳазалар, олимлар эътибор қаратмаган жиҳатлар ёритилган.

Ушбу манба Ҳинд диёрида яратилган бўлса-да, унинг муаллифи дунёнинг бошқа нуқталарида бу тил бўйича олиб борилган изланишлардан хабарбор бўлиб, уларни тадқиқ қилиб, форсийзабон халқнинг маданияти, миллий колорити ва шу тилнинг ички хусусиятларига оид сўзларни ҳам яхши билганлигини билиш мумкин. Қолаверса, Бобурийлар сулоласи вакили Акбаршоҳ ушбу манба яратилишига ҳомийлик қилгани ҳам ўз ўрнида мукаммал асар яратилишига катта кўмак бўлиб хизмат қилган.

Мақсад ва вазифа: Ушбу мақолада луғатнинг яратилиши, унинг олимлар томонидан қайси жиҳатлари ўрганилгани ҳақида маълумотлар берилган. Олимлар ушбу луғатни қачондан ўрганишни бошлади, асосан, дунёнинг қайси давлатлари бу манбага қизиқиш билдирди ва қандай натижалар олинди каби масалалар ёритилган. Шунингдек, ушбу луғатдаги грамматика оид фикрлар келтирилган. Луғатнинг таркибий қисмлари тизимли равишда ёритилган. Муаллифнинг ўша даврдаги форси-йе дарий тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрларини ўрганиш вазифа қилиб олинган.

---

[1] Kapranov V. K istorii tadzhikskoĭ leksiko i leksikografii. – Dushanbe, 1956.

[2] Raupov X. “Farkhangi Dzhakhongiri” kak istochnik tadzhiksko-persidskoĭ leksikografii. – Avtoref. kan. nauk fil. – Dushanbe, 1966.

[3] Peĭsikov L.S. Leksikologiia sovremennogo persidskogo iazyka. – M., 1975.

[4] Baevskiĭ S.I. Rannaia persidskaia leksikografiia (XI–XV vv.). – M. – Nauka, 1989.

[5] Rubinchik IU.A. Leksikografiia persidskogo iazyka. – M. – Nauka, 1991.

[6] Sayyid Ḥasan Ṣadriddin Ḥāj Sayyid Javādi. Āghāz va ertiqā‘-yi dasturnavisi-yi fārsi dar shabh-i qāra-yi Pakistān va Hind. – Lahur, 1992.

[7] Mirzoyorov F. Grammaticheskie kommentarii v tadzhikskikh tolkovykh slovariakh XVI-XIX vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2011.

[8] Mamadnazarov A. Stanovlenie i razvitie tadzhikskoĭ perevodnoĭ leksikografii XX i nachala XXI vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2013.

Усуллар: мақолада тавсифий методдан фойланилган.

Натижалар ва мулоҳаза: Луғатнинг муаллифи Мир Жамолиддин Ҳусайн Инжу, Акбаршоҳ Кўрагоний (1556-1605) ва унинг ўғли Жаҳонгиршоҳ (1605−1628)нинг хизматида бўлган Фахриддин Ҳасан Шерозийнинг ўғли, асли шерозлик бўлиб, Қосим ар-Розий ибн Ҳасан ибн Иброҳим Таботабоий Ҳусайни наслидан эди. Мир Жамолиддин Ҳусайн Инжу Акбаршоҳ атрофидаги мансабдорлар ва давлат арбоблари сирасидан бўлиб, ёшлик пайтлариданоқ кўп вақтини форсий китобларни ўқишга бағишлаган. Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ давридан етиб келган асарлардан Ҳусайн Инжунинг шуҳрати ва мавқеи баланд бўлганлиги маълум. У Акбаршоҳ даврида ўзидан олдин яратилган форсий асарлар мутолаасига кўп вақт ажратган. Асарларнинг аксарияти паҳлавий тилидаги луғатлар ва истилоҳлардан иборат китоблар бўлган. Ҳусайн Инжу форсий, паҳлавий ва дарий тиллари, улар ўртасидаги фарқларни тадқиқ қилган, илм уммонида ўз ўрнини топиб, шуҳрат қозонгани ҳақида эронлик олим Раҳим Афифий ёзиб қолдирган[1]. 1596 йилда унинг дўстларидан бири Ҳусайн Инжу ўрганган тадқиқотларни Кашмир ҳудудида Акбаршоҳга баён қилиб берган. Шундан сўнг подшоҳ уни маъмур этиб тайинлаб, тадқиқотларини китоб шаклига келтиришини буюрган. Ҳусайн Инжу бор эътиборини форсий луғат ва китобларни тўплашга қаратиб, ишини шоирларнинг девонлари ва луғат китобларни ўрганишдан бошлаган.

“فرهنگ جهانگیری” *Farhang-e Jahângiri* луғатининг муқаддимасида унинг 53 та фарҳангдан фойдаланган (шундан 44 тасининг номи бор, 9 таси номсиз) келтирилган[2]. Ҳусайн Инжу 1596 йилда бу луғат устида иш бошлаб 1608 йилда уни ниҳоясига етказди. Китоб Жаҳонгиршоҳ номи билан чоп этилди. Муаллиф луғат тузиш учун ўттиз йил умрини сарфлаган ва қирқдан ортиқ лексикографик манбадан фойдаланган. Китоб икки жилд ва 24 боб (фасл) бўлиб, форс тилида ёзилган.

Унда форс тили фонетикаси, грамматикаси ва сўзлар этимологияси масалалари бирмунча тўлароқ ёритилган. Бундан ташқари орфоэпия ва орфография ҳақида ҳам назарий фикрлар билдирилган. Шу сабабли ҳам Ҳусайн Инжу форс тили норматив грамматикасининг асосчиси ҳисобланади. Ушбу китобда 7000 дан зиёд сўз йиғилган.

Муаллиф китобнинг сўзбошисида қуйидагиларни келтириб ўтади: У Акбаршоҳ Сринагарда бўлган вақтида, шоҳдан тезроқ луғатни тугатиш буйруғини олади. Акбаршоҳ нафақат қўлёзмани сотиб олиш учун ҳадя беради, балки бу ишга зарур материалларни тўплаш учун Форс элидан ҳам олимларни чақириб, унга ёрдамчи тайинлайди. Бадахшон тарихчиси ҳақиқатан ҳам Акбаршоҳнинг катта бир мажлисда ўзи Ҳусайн Инжудан ўрганган

[1] Raḥim Afifi. Dibācha-yi farhang-I Jahāngiri. – Dānishgāh-i Mashhad, 1351. - Ṣ. shash.
[2] Husayn Inju. Farhang-i Jahāngiri. – Mashhad, 1831. - Ṣ. 141.

сўзларини ўқиш лаззати ҳақидаги гапларини баён қилган[1]. Аниқ соҳадаги қирқ тўртта луғат, шундан тўққизтасининг муаллифи ноаниқ луғатлардаги қайдлар, илмий сўзлар, форс адабиётидаги Занд ва Позанд китобларидан сўзлар йиғилган. Муаллиф энг қадимги луғатларни ҳам топишга муваффақ бўлган. Носир Хусрав Қабодиёний ва унинг "سفرنامه" *Safarnâma* ("Сафарнома") асари, Асади Тусий ва унинг "لغت فرس" *Luğat-e furs* ("Форс тили луғати") асари ҳақидаги хотираларини ёзган. Бахтга қарши луғат ниҳоясига етмасдан Акбаршоҳ 1605 йилда вафот этади. Уч йил ўтгандан сўнг, яъни 1608 йилда китобни якунлаб, Акбаршоҳнинг хотирасига бағишлаб унинг давомчиси бўлмиш Жаҳонгиршоҳ номи билан "فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* ("Жаҳонгир луғати") деб атайди.

Ўша вақтдаги олимлар ва фарҳангнависларнинг ҳаммаси "فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* луғати тайёр бўлгани ҳақида гапиришарди ва бу фарҳангни ўзида назмни ҳам акс эттирган фарҳангларнинг энг яхшиси ва энг мукаммали деб билишарди. Ҳусайн Инжунинг замондоши фарҳангнавис Сурурий "فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* китобидан фойдалангани ҳақида ўз луғатининг муқаддимасида ёзиб қолдирган[2].

Муҳаммад Ҳусайн ибн Халаф Табризий "برهان قاطع" *Burhân-e qât'e* ("Қатъий далиллар") луғатини яратишда жуда салмоқли фойдаланганини айтган[3]. Муҳтарам олим жаноби Али Асфар Ҳикмат ҳам бу луғатда " فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* китобида баъзи сўзлар, иборалар айнан келтирилганини таъкидлаган[4].

فرهنگ رشیدی *Farhang-e Rašidi* ("Рашидий луғати") луғати муаллифи Саййид Абдуррашид ибн Саййид Абдулғафур Татавий ҳам бу луғатни энг мукаммал фарҳанг деб атаб, ўз китобини унинг давоми ва қолаверса, Рашидийнинг махсус тадқиқотлари деб ҳисоблайди[5]. У ўз китобида Ҳусайн Инжунинг бу китоби ҳақида баъзи мулоҳазалар ҳам билдирган.

Абдурашид Абдулғафур ал-Ҳусайни ат-Татавий 1653 йилда яратган китобининг муқаддимасида ушбу китоб ҳақида қуйидагича ёзади:

"چنین گوید معترف بعجز و قصور و معترف از مشرب اهل هوش و ارباب شعور، عبدالرشیدین الغفور الحسینی المدنی التتوی، که چون فرهنگ جهانگیری و سوروری مطالعه افتاد، جامعترین فرهنگها دید. اما مشتمل بودند بر امری چند، که احتراز و اجتناب از آن لازم و متحتم گردید[6]"

"Камчилик ва қусурларни тан олиш ақл-идрок соҳибларининг ақлдан озишидир деб айтишадики, Абдулрашидидин Абдулғафур ал-Ҳусайни ал-Маданий ат-Татавий "فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* ("Жаҳонгир луғати") ва فرهنگ سوروری *Farhang-e Sururi* ("Сурурий луғати") мутолаасига

[1] Husayn Inju. Farhang-i Jahāngiri. – Mashhad, 1831. - Ṣ.125.
[2] Ўша манба. – Б. 140.
[3] Baevskiĭ S.I. Rannaia persidskaia leksikografiia (XI–XV vv.). – M. – Nauka, 1989.
[4] نامه فرهنگستان سال سوم، شماره اول، خطابه دانشمند محترم آقای علی اصفر حکمت و نیز مقدمه برهان قاطع هشتادودو.
[5] Ўша манба. – Б. 11.
[6] Ўша манба. – Б. 12.

киришганида, энг мукаммал фарҳанглар эканлигини билди: аммо қилиниши зарур бўлган ишлардан тийилгани қайд этилган” .

Шунингдек, қуйидаги камчиликларни келтириб ўтади:

1. Бу икки фарҳанг муаллифлари сўзларни изоҳлашда кўп сўзларни ишлатган.

2. Баъзи сўзларда тилни тўғрилаш, эъроб қоидасини тушунтириш ва услубни таҳрир қилиш лозим.

3. Форсча сўзлар орасида арабча ва туркийча сўзлар берилган.

4. Баъзи сўзлар хато ўқилган ва бир қанча сўзлар кўп жойда такрорланган[1].

Луғатнинг қуйидаги нусхалари бизгача етиб келган:

1. Исломободда 3835- бўлимда сақланадиган нусҳаси Ҳиндистонда 1615 йилда настаълиқ ёзувида кўчириб ёзилган, ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Муқаддима билан бошланган ва 12 фаслга бўлинган.

2. Исломободда 92- бўлимда настаълиқ ёзувидаги Эронда 1637 йилда кўчирилган, ва фақат кириш ва хотимадан иборат бўлаги сақланиб қолган. Ким томонидан ёзилгани маълум эмас.

3. Исломободда 11271- бўлимда Ҳиндистонда кўчирилган, настаълиқ ёзувида ёзилган 445 саҳифаси сақланади. Аниқ йили ва хаттоти маълум эмас.

4. Лоҳур университети кутубхонасида Ҳиндистонда XVII асрда Саййид Карим томонидан настаълиқ ёзувида кўчирилган, 12 фаслдан иборат нусхаси мавжуд.

5. Эроннинг Машҳад университети кутубхонасида профессор Раҳим Афифий томонидан 1932 йилда ёзув машинкасида ёзилган тўлиқ ҳолатидаги китоб сақланади.

6. Кембридж университети кутубхонасида ҳам юқоридаги китоб нусхаси ва электрон нусхаси мавжуд.

7. Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам шикаста ёзувида ёзилган иккала жилди сақланади.

Собиқ Иттифоқда даврида ушбу луғат анча яхши ўрганилгани малум. Дастлаб С. Баевский томонидан мазкур луғат лексикграфик тадқиқот манбаси сифатида ўрганилаган. Олим луғатнинг нусхалари ҳақидаги маълумотларни тўплаб, 1962 йилда нашр этилган “Описание персидских и таджикских рукописей института народов Азии” китобида ёзган.

Кейинчалик олим яна луғатларга бағишланган китобида мазкур луғат тузилиши, унда келтирилган сўз ясалишига оид фикрлар баён қилди[2].

Х. Раупов 1966 йилда ушбу луғат тадқиқига бағишланган ““Фарханги Джахонгири” как источник таджикско-персидской лексикографии” номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

---

[1] نامه فرهنگستان سال سوم، شماره اول، خطابه دانشمند محترم آقای علی اصفر حکمت و نیز مفدمه برهان قاطع هشتادودو

[2] Baevskiĭ S.I. Rannaia persidskaia leksikografiia (XI–XV vv.). – M.: Nauka, 1989. – C. 11.

Бундан ташқари Л.С. Пейсиков 1979 йилда нашр этилган “Лексикология современного персидского языка” китобида мазкур луғат ҳақида Х. Рауповнинг тадқиқотига[1] асосланиб, асарда форси-йе дарий тилининг фонетикаси, грамматикаси ва сўзлар этимологияси масалалари бирмунча тўлароқ ёритилгани, бундан ташқари орфоэпия ва орфография ҳақида ҳам назарий фикрлар билдирилгани, шу сабабли Ҳусайн Инжу форс тили норматив грамматикасининг асосчиси ҳисобланиши, луғатда 7000 дан зиёд сўз йиғилгани, муаллиф луғат тузиш учун ўттиз йил умрини сарфлагани ва қирқдан ортиқ лексикографик манбадан фойдаланганини ёзади[2].

В. Капранов томонидан 1987 йилда чоп этилган “Таджикско-персидская лексикография в Индии XVI-XIX вв” китобида ҳам мазкур луғат ҳақида маълумотлар келтирилган[3].

Ю. Рубинчик “Лексикография персидского языка” китобида Х. Рауповнинг номзодлик диссертациясидан ҳамда Л. Пейсиковнинг китобидан фойдаланган ёзилган. Бу китобда ҳам Л. Пейсиковнинг китобида келтирилган маълумотлар берилган[4].

Покистонда Сайд Жаводий (Камол)нинг 1992 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ҳам муаллифи, қачон ва қаерда ёзилгани ҳақида умумий маълумот берилган[5].

Собиқ Иттифоқ парчаларгандан сўнг Тожикистонда шу ва шу каби луғатларни ўрганиш анча ривожланди. Шулар қаторида Ф. Мирзоёров номзодлик ишида С. Баевский, В. Капранов ва Ю. Рубинчикнинг фикрларидан фойдаланган. Шунингдек, луғатда келтирилган фонетикага оид қайдлар, сўз ясалиши, сўз ясовчи қўшимчалар ва уларнинг турлари таҳлил қилинган[6].

А. Мамадназаров илмий ишида Х. Раупов, В. Капранов ҳамда С. Баевскийларнинг ишларига асосланган. Унда Ҳусайн Инжу луғатнинг сўзбошида 44 луғатдан фойдаланган, охирида эса 5 та махсус глоссарий келтирилгани ёзилган. Бу глоссарий қуйидагилардан иборат: 1) метафора ва бадиий ифодалар; 2) қўшма сўзлар; 3) таркибида мураккаб арабча товушлар мавжуд сўзлар; 4) Занд ва Позанд сўзлар; 5) бошқа тилдан ўзлашган сўзлар[7].

Луғат икки жилд ва умумий 2657 саҳифадан иборат. Биринчи жилдида муаллифнинг сўзбоши (кириш қисми), муқаддима, асосий қисм яъни

[1] Raupov X. “Farkhangi Dzhakhongiri” kak istochnik tadzhiksko-persidskoĭ leksikografii: Avtoref. ... kand.filol. nauk. – Dushanbe, 1966.
[2] Peĭsikov L.S. Leksikologiia sovremennogo persidskogo iazyka. – M., 1975.
[3] Kapranov V. K istorii tadzhikskoĭ leksiko i leksikografii. – Dushanbe, 1956.
[4] Rubinchik IU.A. Leksikografiia persidskogo iazyka. – M. – Nauka, 1991. – S. 15.
[5] Sayyid Ḥasan Ṣadriddin Ḥāj Sayyid Javādi. Āghāz va ertiqā‘-yi dasturnavisi-yi fārsi dar shabh-i qāra-yi Pakistān va Hind. – Lahur, 1992..
[6] Mirzoyorov F. Grammaticheskie kommentarii v tadzhikskikh tolkovykh slovariakh XVI-XIX vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2011. – S. 45, 112-137.
[7] Mamadnazarov A. Stanovlenie i razvitie tadzhikskoĭ perevodnoĭ leksikografii XX i nachala XXI vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2013. – S. 76.

сўзларнинг изоҳи ва биринчи жилднинг хотимаси (س ҳарфи билан тугаган), иккинчи қисми иккинчи жилднинг бошланиши, хотимаси, сўзларнинг рўйхати, шоирлар ва ёзувчилар исмлари рўйхати, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Луғатнинг кириш қисми 12 қисмдан иборат:

1. Форс ўлкасининг чегаралари хусусида.
2. Форс тили хусусида.
3. Форс тили алифбоси ва د ва ذ ҳарфларининг қоидаси хусусида.
4. "فرهنگ جهانگیری" *Farhang-e Jahângiri* луғатидаги сўзларнинг берилиш тартиби ҳақида.
5. Муаллиф қабул қилган талаффуз қоидалари ҳақида.
6. Ҳарфларнинг ўзаро алмашиниши ҳақида.
7. Олмош сўз туркуми хусусида.
8. Форс тилидаги сўзлар маъносини ўзгартирмайдиган қўшимчалар ҳақида مر، بر، فرا، به، در.
9. Орт қўшимчалар: فام، همی، مند، لاخ.
10. ا، ش، ک، ن، و، ه ҳарфлари талаффуз қилинганида товуш ўзгариши.
11. Имло қоидалари.
12. Хулоса.

Муаллиф луғатнинг муқаддима қисмида форси-йе дарий тилида ўша вақтда 24 та ҳарф мавжуд эканлигини қайд этган[1] (чунки, форсийзабонлар араб тилидаги 28 та ҳарфдан 8 тасини талаффуз қилиш қийин деб билиб, уларни қабул қилмай, форсийга хос 4 та ҳарфни қўшишган). Шунингдек, араб ҳарфлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Рисолани тақсимлашда алифбо тартибига асосланган ҳолда йигирма саккизта ҳарфдан бошланадиган сўзларни уч қисмга ажратган:

1. Сарвариноманд, яъни икки ҳарфлилар:
با، تا، ثا، حا، خا، را، زا، طا، ظا، فا، ها، یا.

2. Бу қисмни талаффуз деб номлаган, унга ўн учта ҳарф киритилаган:
جیم، دال، ذال، سین، شین، صاد، عین، غین، قاف، کاف، لام.الف.

3. Бу қисм ёзма ҳарфлар деб номланиб, унга учта ҳарф киритилган:
میم، نون، واو.

Бундан сўнг форс ва араб ҳарфлари ўртасидаги фарқ ҳақида ёзилган. Бунинг учун муаллиф форс тилидаги шеърлардан фойдаланган.

Сўзлар жойлашуви бошқа луғатларникидан фарқ қилади: етакчи бўлиб иккинчи ҳарф, ундан кейин биринчи ҳарф, сўнг эса қолган ҳарфлар алифбо тартибида жойлашади. Сўзларнинг жойлашуви араб алифбосининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ҳарфлари бўйича учинчи тартиб ҳам мавжуд. Хотима бешта қисмга тақсимлайди.

[1] Mamadnazarov A. Stanovlenie i razvitie tadzhikskoĭ perevodnoĭ leksikografii XX i nachala XXI vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2013. – S. 143.

1. Мажозий ифода.

2. Изофали ёки изофасиз сўз бирикмалари, унинг таркибидаги бир сўзи ёки иккаласи ҳам арабча сўз бўлиши мумкин.

3. ق، ع، ظ، ط، ض، ص، ح، □ ҳарфлари таркибида бўлган сўзлар.

4. Занд (Сосонийлар даврида ўрта форс тилида тузилган авестага изоҳлар) ва Позанд (авеста графикасида ёзилган ўрта форс тилидаги матнлар; одатда бу авестага берилган изоҳлар ва унинг таржимаси) сўзлар.

5. Ноёб сўзлар. Масалан, шаҳар, инсон номлари.

Бу луғатда фонетикага оид фикрларини келтириб ўтган. Мисол учун оғзаки ва адабий нутқдаги фарқлар, назмда учрайдиган вазн тақозо этадиган товушларнинг ўзгариши ҳақида мисоллар орқали келтириб ўтган.

Луғат фаслларга ажратилган ва ҳар бир фасл якунида "истиорот" берилган. Унда мураккаб сўзлар ва фразеологик бирликларга шарҳлар ёзилган. Масалан, "маъносида, қ" ароб бўлмоқ" – *âstin bar sôxtan*" آستین بر سوختن[1] "آستین گردون[2]" *âstin-e gardun* – "дунё" маъносида, "*e nil -angošt*" انگشت نیل کشیدن[3] *kašidan* – "фахр" маъносида каби фразеологик бирликларга изоҳлар келтирилган. Баъзи истиоротлар бир сўздан ҳам иборат: "افتاده" *oftâda* - "ожиз ва забун" маъносида, "افگنده" *afganda* - "тенглаштирмоқ" маъносида.

Яна бир эътиборли жиҳати бор, яъни муаллиф сўз ясалиши тилининг бойишига асос бўлишини алоҳида таъкидлаб, бир нечта қўшимчаларни таснифлаб ўтган. Сўз ясовчи қўшимчаларни қуйидагича таснифлаган:

1. Ўхшашлик маъносини ҳосил қилувчи қўшимчалар: دس *-des* (خانه دس *xânades*),وار *-vâr* (ترکوار *turkvâr*), سار *-sâr* (*xâksâr*), وش *-vaš* (مهوش *mahvaš*) каби.

2. Касб-корни англатувчи қўшимчалар: گر *-gar* (کاسه گر *kâsagar*), آن *-ân* (خاندان *xandân*), آر *-âr* (خریدار *xaridâr*) каби.

3. Кичрайтириш маъносини берувчи қўшимчалар: چه *-ča* (باغچه *boğča*), ک *-ak* (پسرک *pesarak*) каби.

4. Ҳашаматни англатувчи қўшимчалар: وار *-vâr* (شاهرار *šâhvâr*), آنه - *âna* (شاهانه *šâhâna*) каби.

5. Эгаликни (яъни тасарруфида борлигини) билдирувчи қўшимчалар: دار - *dâr* (زردار *zardâr,* مالدار *mâldâr*), بان *-bân (*فیلبان *filbân),* وان *-vân* (استروان *ušturvân*) каби.

6. Тавсифловчи қўшимчалар: ناک *-nâk* (غمناک *ğamnâk*), گبن-*gin* (شرمگین *šarmgin*) каби.

7. Нисбат ясовчи қўшимчалар: ی *-i (* خیروی *xiravi*), ین *-in* (سیمین *simin*), ه *-a* (یکروزه *yakrôza*) каби.

8. Ранг ва тусни англатувчи қўшимчалар: فام *-fâm* (امبرفام *ambarfâm),* گون - *gun* (گندمگون *gandômgun*) каби.

9. Масдар ясовчи қўшимчалар: آر *-âr* (رفتار *raftâr),* یش *-êš* (دانیش *dânêš*) каби.

[1] Mamadnazarov A. Stanovlenie i razvitie tadzhikskoĭ perevodnoĭ leksikografii XX i nachala XXI vv. Diss. kan. nauk fil. – Dushanbe, 2013. – S. 159.

[2] Ўша манба. – Б. 163.

[3] Ўша манба. – Б. 182.

10. Имкониятни билдирувчи қўшимчалар: دان -*dân* (قلمدان *qalamdân*) каби.

Бу таснифдан кўриниб турибдики, муаллиф қўшимчаларнинг синонимлик ва омонимлик ҳолатини ҳам кўрсатиб кетган.

Хусайн Инжу феъл негизларининг замонларда ўзгаришини ҳам қайд қилган:

Феъл негизида мавжуд “x” товуши ҳозирги замон феъл негизида “z” товушига ўзгаради: *sâxtan-sâxt-mêsâzad-sâz.*

“f” товуши “ô” товушига ўзгаради: *goftan-goft-mêgôyad-begô* каби.

Илк бор ушбу китобда “ô” ва “way” олмошлари инсонлар учун, “ân” олмоши инсонлардан ташқари барча нарсаларга, жонзотларга нисбатан қўлланилиши келтирилган. Қолаверса, “ast” боғламаси ҳақида ажойиб шарҳ ёзилган:

در زبان فارسیی دری قضیه ی خالی از رابطه تمام نموده، کلمه و یا جمله ی بعدییه را به آن پیوند نمایند.

Dar zabân-e fârsi-ye dari qaziya-ye xâli az râbeta tamâm namuda, kalema wa yâ jomla-ye badiya râ ba ân paywand namâyand.

Форси-йе дари тилида мустақил сўзларни улаб, сўз ёки гапларни бир-бирига боғлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш ўринли:

1. “فرهنگ جهانگیری” *Farhang-e Jahângiri* луғати эроншунос олимлар томонидан форси-йе дарий тилининг илк норматив грамматикаси сифатида эътироф этилган.

2. Луғатда тилшуносликка оид кўплаб фикрлар, хусасан, фонетика, лесикология, морфологияга оид қоидалар баён қилинган.

Мазкур луғат ўзидан кейинги луғатлар яратилишида манба бўлиб хизмат қилган.

ҚОДИРОВА ЗУҲРА
ўқитувчи, ТошДШИ

Рашиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари – шарқ мумтоз поэтикаси манбаси сифатида

Аннотация. *Мазкур мақолада Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари мумтоз поэтик манба сифатида ўрганилган. Ушбу мавзу илмий мақолалар, рус тилидаги диссертациялар, форс тилидаги илмий адабиётлар асосида ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳали ўрганилмаган кўплаб қўлёзма манбаларимизни ўрганиш, уларни илмий муомалага киритиш учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда.*

Мақолада Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари ҳақида қизиқарли маълумотлар, асарнинг XII асрдан то ҳозирги кунга қадар бўлган аҳамияти, унда келтирилган адабий санъатлар ва мисоллар ҳақида сўз юритилган. Ушбу асар ўзидан кейин “илми бадеъ” билан машғул бўлган барча

олимлар учун асосий манба сифатида хизмат қилган. Асар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий-адабий қимматини йўқотмаган бўлиб, мазкур мақолада унинг кам сонли тошбосма нусхалари адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Асосий масала сифатида асарнинг манбашуносликдаги тутган ўрни ва аҳамияти, хусусан, мазкур асарнинг адабиётшунослик назариясига қўшган ҳиссаси ҳамда уларнинг турли таржималар ва тадқиқотларда қўлланилиши таҳлил этилган.

Таянч сўз ва иборалар: *бадиият, шеърий санъатлар, илми бадеъ, поэтик манба, шеърий тасвир, панегирик шоир.*

Аннотация. *В этой статье изучена работа Рашидуддина Ватвата «Сады волшебства в тонкостях поэзии» в качестве классического поэтического источника. Эта тема освещена в научных статьях, диссертациях на русском языке и научной литературе на персидском языке. Указ Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» открывает большие возможности для изучения многих рукописных источников, которые еще не изучены.*

Статья содержит интересные факты о работе Рашидуддина Ватвата «Сады волшебства в тонкостях поэзии», значении произведения с двенадцатого века до настоящего времени приведены примеры из источника. Эта работа послужила источником для всех ученых, которые занимались «илми бадийъ». Произведение не утратило своей научной и литературной ценности по сегодняшний день и в этой статье с литературной точки зрения рассмотрено лишь небольшое количество его копий. Основным вопросом, поставленным в данной статье, является роль и значение работы в источниковедении, в частности, ее вклад в теорию литературной критики и ее использование в различных переводах и исследованиях.

Опорные слова и выражения: *художественность, художественные фигуры, бадиъ, поэтический источник, поэтический образ, поэт-панегирик.*

Abstract. *This article explores the work of Rashid al-Din Watwat "Gardens of Magic in the intricacies of poetry" as a classic poetic source. This topic is covered in scientific articles, dissertations in Russian and scientific literature in Persian. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 24, 2017 No. PP-2995 "On measures to further improve the system of preservation, research and popularization of ancient written sources" opens up great opportunities for studying many manuscript sources that have not yet been studied.*

The article contains interesting facts about the work of Rashiduddin Vatvat "Gardens of Magic in the intricacies of poetry", the importance of the work from the XII century to the present, as well as literary works and examples. This work served as a source for all scientists who were engaged in "bade' science". The work has not lost its scientific and literary value to this day, and in this article from a literary point of view only a small number of copies are considered. As the main issue, the role and significance of the work in the source studies, in particular, the contribution of this work to the theory of literary and their using in various translations and studies are analyzed.

Keywords and expressions: *art, poetic arts, badi, poetic source, poetic image, the poet-panegyric.*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «Матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий-маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш» асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган[1].

Бу вазифа минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимиз манбаларини ўрганиш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Зеро, бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг объектга муносабати (нималарни тасвирлагани) билан биргаликда ҳадислар моҳиятини кўриш ва кўрсатишдаги маҳорати (уни қандай тасвирлагани)га ҳам эътибор қаратилган. Тасвирда фақат жанрнинг истифода этилишидан ташқари, қандай вазн ҳамда қофиялар тизимининг иштирок этгани, шунингдек, адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Табиийки бундай талаблар тегишли илмий рисолаларда ўз аксини топган.

Мақсад ва вазифалар: Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари XII асрнинг энг аҳамиятга молик форс адабиётшунослиги ҳақидаги фикрлари жамланган асарларидан биридир. Илми бадеънинг форсийзабон анъаналарини бошланишини Родуёний ва Ватвотларнинг асарлари бошлаб берди ва бу илм келажакда янада ривожланиб борди. Кейинги асрларда шеърият ҳақидаги барча илм мажмуаларни ўзида мужассам этган асарлар пайдо бўлди.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари аруз илмидаги адабий санъатларга бағишланган бўлиб, уларни изоҳлашда кўплаб мисоллардан фойдаланилган.

Ушбу асарни манбашунослик йўналишида тадқиқ этиш, поэтик нуқтаи назаридан ўрганиш, аруз илмидаги адабий санъатларга бағишланган мисолларни тадқиқ қилиш мақсад ва вазифаларимиздан иборат.

Натижалар ва мулоҳаза: Илми бадеъга доир дастлабки асарлар араб олимлари томонидан яратилган. Наср ибн Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Ибн ал-Муътазнинг (863–908) “Китоб ул-бадеъ”, Қуддама ибн Жаъфарнинг (888–948) “Нақд уш-шеър” номли асарлари ана шулар жумласидандир.

Илми бадеъга доир дастлабки форсий асар XI асрда юзага келди. У Муҳаммад бинни Умар Родуёний қаламига мансуб бўлиб, “Таржимон ул-балоға” деб аталади. XI–XII асрларда Аҳмад ибн Муҳаммад Маншури Самар-

[1] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 24 maydagi “Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ’ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari tog’risida”gi Qarori // “Xalq so’zi” gazetasi. – Toshkent, 2017 yil 24 ma. [The decree of the President of the Republic of Uzbekistan of May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, study and promotion of ancient written sources" // The newspaper "Halk Suzi". - May 24, 2017].

қандий талаввун санъати ҳақида (буни Хуршидий “Канз ул-ғароиб” деб атаган), Абдумуҳаммад ибн Муҳаммад Рашидиддин Самарқандий (“Зийнатнома”) ва бошқа ижодкорлар шу илмга доир рисолалар ёзганлар. Бироқ XI–XII асрларда яратилган илми бадеъга доир асарлар орасида энг мукаммали Рашидиддин Ватвот номи билан машҳур бўлган хоразмлик шоир ва олим Рашидиддин Абубакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил [1] Умар котибнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” номли асаридир.

“Ҳадойиқ ус-сеҳр” буюк олим томонидан битилган юксак савиядаги асар бўлиб, ундан кейин илми бадеъ билан машғул бўлган барча муаллифлар ана шу асардан фойдаланганлар. Рашидиддин Ватвот асари ҳозирги кунга қадар ўзининг илмий-адабий қимматини йўқотган эмас. “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” Ватвотнинг поэтика бўйича асосий асари бўлиб, унда машҳур асарларининг барча манбалари айтиб ўтилган.

Рашидиддин Ватвотнинг ушбу асарини адиблар, ёзувчилар, олим ва шоирлар ўрганган ҳамда ўз асарларини ёзишда ундан манба сифатида фойдаланганлар. Асар кейинги давр шоир ва адабиёт олимларига қўлланма сифатида хизмат қилган. Адабиётшунос Шарофиддин Ромий бу асарга “Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ” (“Ҳақиқат боғлари”) номли шарҳ ёзган. Шамс Қайс Розий, Атоуллоҳ Хусайний шеърий санъатлар ҳақидаги асарларида унга мурожаат қилганлар.

Асар илми бадеънинг форс тилидаги илк намуналаридан бири бўлиб, унга Ҳасан исмли шоир “Баҳру-с-санойиъ” (XIV аср), Шарофиддин Ҳасан бинни Муҳаммад Рамий Табризий (XIV аср) “Ҳадойиқ ул-ҳақойиқ”, Мирзо Абулқосим Фарҳанг (XIX–XX аср) томонидан “Шарҳи Ҳадойиқу-с-сеҳр” номли шарҳлар ёзилган. Рисолада муаллифга қадар бу соҳада асарлар ёзган Абул Ҳасан Наср ибн Ҳасан ал-Марғинонийнинг (ваф.1055) “Маҳосин ул-калом” (“Нутқ гўзалликлари”) ва Муҳаммад ибн Умар ар-Родуёнийнинг “Таржимон ул-балоға” (1088–1114) анъаналари давом эттирилган.

Асарнинг икки қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида (инв. 668) ва ЎзР ФАШИда сақланади. Париж нусхаси асосида Аббос Иқбол Аштиёний (1929) нашрига суяниб, рус олимаси Н.Чалисова форсча матн (факсимиле)ни русча таржимаси билан бирга нашр эттирган. Ушбу нашр асосида форс тилидан (русча таржимани солиштирган ҳолда) Ҳ.Болтабоев айрим боблардан парчаларни таржима қилган[2]. Бобур ҳам “Мухтасар” номли рисоласида Ватвотни тилга олган.

Т.Зеҳний[3], Р.Мусулмонқулов[1], А.Саттаров[2], Х.Шарипов[3] каби тадқиқотчилар форс-тожик сўз санъатларининг бадиий-эстетик қарашлари тарихини ўрганишда бевосита мазкур асарга таянишган.

---

[1] Biz ko’rgan № 4997 toshbosma nusxada bu nom Abduxalil shaklida ham uchraydi. [It also appears in the form of Abduhalil in the fossil record No. 4997 that we had seen]

[2] Boltaboyev H. Sharq mumtoz poetikasi manbalari. – T.: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. [Boltaboev H. Sources of Oriental Classical Poetry. - T.: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2008]

[3] Zehniy T. San’ti suxan. – D.: AKD, 1967. [Zekhniy T. The art of word. - D.: AKD, 1967]

Олимнинг мазкур асари X–XII асрнинг форсийзабон шоирлари учунгина эмас, туркийзабон адиблар учун ҳам муҳим поэтик манба бўлиб хизмат қилган[4]. Бироқ бу ёдгорлик ҳанузгача ўзбек адабиётшунослигида алоҳида ва яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Унинг адабий ва тарихий, шунингдек, назарий аҳамияти поэтика назарияси анъаналаридаги ўрни, яъни назарий ва методологик жиҳатлари ўрганилмаган.

“Ҳадойиқ ус-сеҳр” асари бир неча бор нашр этилган (Эрон ва Ҳиндистонда 6 марта чоп этилган). Ёдгорликнинг танқидий матнини Аббос Иқбол Аштиёний 1929 йилда амалга оширган[5]. Ушбу нашрнинг асоси сифатида 668 ҳижрий (1271–1272 милодий) йили санаси билан белгиланган Париж миллий кутубхонасидаги қўлёзма хизмат қилган.

Рашидиддин Ватвотнинг поэтика масалаларига доир бош асари “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” (“Шеър назокатида яратилган сеҳрли боғлар”)дир. Рисола Муҳаммад Отсизнинг ўғли Аббос Иқбол даврида (1156–1172 йилларда) ёзилган деб тахмин қилинади. Эллик беш бобдан иборат бу асарда араб ва форс шеъриятидаги олтмиш икки санъатнинг табиати ҳақида фикр юритилган.

Чалисованинг кўрсатишича рисоланинг танқидий матнини тайёрлаган ва нашр қилдирган эрон филологи Аббос Иқбол Аштиёний уни “форс насрининг хазиналаридан бири ва бугунги кунга қадар форс тилида ёзилган наср назарияси тўғрисидаги асарларнинг энг муҳимларидан бири” сифатида таърифлайди. Буни “Сеҳр боғлари”ни Ватвотнинг энг йирик асари деб билувчи, ёзувчи ўз шеърларидан кўра, шон-шуҳратидан кўпроқ қарздор эканини таъкидлаганини С.Нафисий ҳам эътироф этади[6].

Мазкур рисоланинг шуҳрати жуда юқори бўлган. Буни кўплаб манба ва луғатлар тасдиқлайди. Жумладан, XIV асрда яшаган Шарофиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Рами Табризийнинг “Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ” идан то XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб ўтган таниқли шоири Мирзо Абулқосимнинг “Шарҳ-и Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарларида шундай илиқ мулоҳазалар мавжуд. XIV асрда яшаб ижод қилган шоир Ҳасан рисолани изоҳловчи “Баҳр ус-саноя” шеърини ёзиб қолдирган.

---

[1] Musilmonqulov R. Masalahoi filologii tojiki. – D.: AKD, 1974. [Musilmankulov R. The issues of tajik Philology - D.: AKD, 1974]

[2] Sattarov A. Iz istorii persidsko-tadjikskoy literaturno-esteticheskoy misli (X-XV vv.). [Sattarov A. From the history of Persian-Tajik literary and aesthetic thought (X-XV centuries). - D.: AKD, 1972]

[3] Sharifov X. Formirovanie tadjikskoy literaturno-teoreticheskoy misli v X-XI vv. – D.: AKD, 1970. [Sharifov Kh. Formation of Tajik literary and theoretical thought in the X-XI centuries. - D.: AKD, 1970]

[4] Nafisiy S. Rashididdin Vatvot. Devon. – T.: Tehron universiteti, 1339. [Nafisi S. Rashid al-Din Watwat. Divan. - T.: Tehran University, 1339]

[5] Abbos I. Rashididdin Vatvot. Hadoyiq us-sehr fi daqoyiq ush-she’r. – T.: Universitet Tegrana, 1973. [Abbos I. Gardens of Magic in the intricacies of poetry - Tehran: University of Tehran, 1973]

[6] Chalisova N.Y. Rashid ad-Din Vatvat. Sadi Volshebstva v tonkostyax poezii // Perevod s persidskogo, isssledovanie i kommentariy. – M.: Nauka, 1985. – S. 12. [Chalisova N.Y. Rashid al-Din Watwat. Gardens of Magic in the intricacies of poetry // Translation from Persian, research and commentary. - M.: Nauka, 1985. – S. 12.]

Форс шеърияти назарияси мавзусида ёзилган деярли ҳар бир асар озми-кўпми Ватвот асаридан таъсирланиб ёзилган. Шеърият назариячилари ундан шеърий тасвир, шунингдек, изоҳловчи матн сифатида фойдаланишса-да, аммо, бу боғлиқлик доим ҳам Ватвотдан тўғридан-тўғри изоҳ келтириш орқали амалга оширилмаган. Бугунга қадар, Эрон университетларининг филология факультетларида мазкур рисола форс мумтоз шеъриятини тушуниш учун асос сифатида ўрганилган. Е.Э.Бертельс талқинига кўра, хоразмшоҳларнинг машҳур сарой шоири, араб ва форс тили девонлари муаллифи, етук ёзувчи Рашидиддин Ватвот тарихда назм санъати ҳақидаги китоблар муаллифи ҳамда шеър техникаси билимдони сифатида қолган.

Форс-тожик адабиёти, айниқса шеърияти билимдони, шеър анъанавий назарияси "техникаси ва тоифаларини жуда яхши билган Е.Э Бертельс поэтик асарлар таҳлилида кўпинча бу адабиётда дунёга келган тушунча ва атамаларни ишлатган[1]. Бироқ, барча тадқиқотчилар ҳам, анъанвий назарий адабиётни ҳамда адабий танқидни ўзлаштириш ва шарҳлаш қандай "амалий" аҳамиятга эга эканлигини англаб етолмайдилар. Шунинг учун ҳам, мумтоз мерос ва ҳатто, замонавий адабий асарлар ҳақида фикр юритганда, тадқиқотчи фақат европа филологияси илмидаги методика ва тушунча-атама тизими билан қуролланган ҳолда ёндашуви билан боғлиқ ноаниқ ва баъзида нотўғри фикрлар вужудга келади. Бунда у муқаррар равишда, ўзининг чуқур ва батафсил ишлаб чиқилиб ўз-ўзини баҳолаш тизимига эга бўлган, умумий адабий-эстетик тасаввурлар билан бевосита боғлиқ бўлган ўрганилаётган адабиёт "қаршиликлари" билан дуч келади. Лингвист учун шу тилда сўзлашувчи томонидан тузилган асарни ўрганишда, ўз она тили воситасида тил баёни ҳисобланса, мумтоз поэтика адабиёти тарихчиси учун анча аниқ тадқиқот истиқболлари белгиланади[2]. Анъанавий адабий назарияни ўрганиш лозимлиги яна шу билан белгиланадики, бизнинг давримизда адабиётшунослик назарий асосларини қайта кўриб чиқиш аниқ бир мақсадга қартилиш билан харктерланади ва бу назарияларга янги ғоялар олиб кириш манбаи сифатида қарала бошлади[3].

Ватвотнинг асари ўрта асрларнинг форсийзабон адабиётига мансуб бўлиб, унинг маъно жиҳатдан хусусиятларидан бири муайян қоидаларга бўйсундирилганлигидир. Шу муносабат билан меъёрий характердаги назарий асарлар алоҳида аҳамият касб этади ва европаликларнинг анъаналарига кўра, поэтика ёки риторика номини олган.

---

[1] Bertels A.E. Istoriya persidsko-tadjikskoy literaturi. – M.: Nauka, 1960. – C. 56-57. [Bertels A.E. The history of Persian-Tajik literature. - M.: Nauka, 1960. – C. 56-57.]

[2] Sherba L.B. Yazikovaya sistema i rechevaya deyatelnost. – L.: Noviy mir, 1974. – C. 224. [Shcherba L.B. Language system and speech activity. - L.: New World, 1974. - C. 224.]

[3] Grinser P.A. Problemi semantiki xudojestvennogo teksta v sanskritskoy poetike. – T.: Tartu, 1977. – C. 39-40. [Grinzer P.A. Problems of semantics of literary text in Sanskrit poetics. – T.: Tartu, 1977. – C. 39-40.]

Рашидиддин Ватвот “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарида олтмиш икки санъат ҳақида маълумот берган ва ҳар бирига бир нечтадан мисоллар бериб ўтган. Асарни “*тарсеъ”* санъатини бериш билан бошлаб, “*сахли мумтани”* санъати билан якунлаган.

А.Е.Бертельснинг хулосаларига қараб шундай дейишимиз мумкинки, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”нинг адабиётшунослик тарихидаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Чунки, “Ҳадойиқ ус-сеҳр”дан кейин яратилган асарларнинг асл моҳиятни тасаввур қилиш учун мутахассислар бевосита “Ҳадойиқ ус-сеҳр”нинг ўзига мурожаат қилишлари бежиз эмас. Чунки, уларда акс этган мавҳум ва умумий тушунчалар “Ҳадойиқ ус-сеҳр”да энг кичик деталларигача ва энг муҳими назарий жиҳатдан асос бўладиган даражаси билан кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам “Ҳадойиқ ус-сеҳр” муаллифи бу маънода ўзидан кейинги барча поэтика соҳасида қалам тебратган ижодкорлар учун тўлиқ маънодаги устоз вазифасини адо этган.

Поэтикани меъёрга солувчи “*илова*” соҳасини аниқлашда адабиёт тушунчасининг ўзини, жумладан, бир томондан, ўрта аср анъанавий асарларининг қатор мавжуд жанрларини (панд-насиҳат, илоҳий ва тарихий асарлар, мактуб ва ҳоказолар) ўзига олганлигини ва бошқа томондан, фақат “юқори” оғзаки, “илмий” ёзма адабиёт соҳаси билан чекланган адабий назария объекти сифатида келганлигини эътиборга олиш даркор. Адабиётчилик “ҳунари”ни эгаллаш учун узоқ вақт ўқиш лозим, бунда ўқиш Е. Э. Бертельс иборасига кўра “тахминан ҳунармандчилик цехидаги уста шогирдига ўргатганидек, ўқиш, ўрганиш каби бўлиши керак”[1]. Шеърлар муайян қоида намуналари ва поэтик санъат тартибларига қанчалик мос келса, шунчалик юқори баҳоланган.

Анъанавий илмларни тадқиқ этишнинг ҳеч бўлмаганда икки йўли мавжуд: “*ички*”, яъни мантиқий ва метаназарий асоси билан ўз назарий тузилишига кўра нисбатан адекват шарҳга эришиш мумкин бўлган жиҳати, ва “*ташқи*”, яъни адабий назария самарадорлигини ўрнатиш мумкин бўлган, ўзи ифода этаётган, меъёрга олиб келаётган, йўналтираётган ўша адабиёт назариясига нисбатан жиҳати. Иккинчи йўлда адабиётда бор бўлган ва унинг ишлаб чиқилган назарияси ўртасидаги барча мураккаб ўзаро боғликни эътиборга олиш лозим. Фақат поэтик назария ва поэтик амалиёт параллел тадқиқ этилгандагина, кейинги авлодлар учун намуна сифатида “яшаш ҳуқуқига эга бўлган” ва назарий фикр юритиш доирасидан четда қолган адабиёт ривожининг у ёки бу босқичида поэтика ҳақида яратилган асарда нима баён этилганлигини билиш мумкин. Бу ерда нима учун маълум бир ҳодисалар назариётчиларнинг назар доирасига тушмаган, деган савол туғилади: бу нарса таҳлил тизимининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқми, ёки унинг расман тан олиш соҳасига тўсиқлик қиладиган бошқа сабаблар бор бўлганми. Адабий назарияларнинг ўзаро алоқалари ва реал мавжуд адабиёт ўртасидаги турли даврларда назарий

[1] Bertels A.E. Istoriya persidsko-tadjikskoy literaturi. – M.: Noviy mir, 1960. – C. 112-113. [Bertels A.E. The history of Persian-Tajik literature. - M.: New World, 1960. – C. 112-113.]

поэтика йўналишида бирор-бир мафкуравий ва бошқа кучлар сабабли реал адабий жараённинг ривожланиш майлларига тўғри келмаган шакл муаммолари бўлганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Адабий жараёнга назариянинг бевосита таъсири, баъзида салбий оқибатларга олиб келиб, унинг ривожланишига қаршилик қилган ёки унинг шаклларига нотўғри ёндашилган. Табиийки, мазкур муаммолар доирасини тадқиқ этиш адабий назария алоқалари жиҳатларини ўша маданий анъаналар, мавжуд доираларда аниқлашни талаб этади[1].

Наср соҳасида Ватвот мероси асосан ҳам араб, ҳам форс тилидаги кўпгина тўпламларга бирлаштирилган жуда кўп нома ва ҳикматлардан иборат. Жанр жиҳатидан унинг насри олим-катибанинг одатий ижод намунасини намоён этади. Ватвотнинг ҳикматлар ва доно фикрларни тўплашга бўлган қизиқишини форс адабиёти анъаналари йўлидан кетган деб қараш мумкин (Эронда исломгача бўлган даврларда машҳур ҳисобланган маслаҳатлар ва насиҳатлар) ва бу араб насрининг шаклланишига таъсир этган.

Олимнинг назарий филологик фаолияти, энг аввало, илми бадеъ назариясининг ривожланишига қўшган ҳиссаси билан характерланади. Унинг бу йўналишдаги фаолияти унинг асосий “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асаридан ташқари яна иккита кичик асари билан бирга, маълум даражада Ватвотни асосий диққати назариянинг қайси бўлимига йўналтирилганини (*тарсеъ, сажъ, тасхиф*) билиш учун кифоядир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Хоразм заминида узоқ муддат яшаб ижод қилган балхлик шоир, адиб ва котиб Рашидиддин Ватвот қолдирган илмий ва адабий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шубҳасиз, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини тўла ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Ватвот ижодиёти адабий амалиёт ва назарий фаолиятнинг бирлаштирувчиси сифатида характерланади. Адабиёт соҳасида Рашидиддин Ватвот, энг аввало, шоир, чунончи, икки тилли шоир сифатида маълум бўлади. Унинг шеърлари XI–XII асрларда Эронда фаол ривожланаётган йўналиш – сарой панегирик (мадҳия) шеъриятига кирган бўлиб, унинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, асар услубий жиҳатдан мураккаблаштирилган, поэтик санъатлар мазмунан бойитилган бўлиб, бунда Ватвот шоир сифатида назарияни муваффақиятли тўлдирган.

Рашидиддин Ватвот адабиётшунослигининг назарий муаммоларини ҳамда амалий масалаларни яхлит бир тизимга солиш билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. У форс адабиётшунослигида шеърий санъатларнинг номланиши, моҳияти ҳамда амалий намуналарини тизимли равишда кўрсатиб беришда устози комилдир. Унда умумий ҳолатда олтмиш иккита санъатларнинг тавсифи берилган.

[1] Gabrieli F. Osnovnie tendensii razvitiya v literaturax islama. – Arabskaya srednevekovaya kultura i literatura. – M.: Nauka, 1978. – S. 14-30. [Gabrieli F. The main development tendencies in the literature of Islam. - Arab medieval culture and literature. - M.: Science, 1978. - S. 14-30.]

ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY

АЛИМОВА РАҲИМА
тарих фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

XIX –XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихшунослигига доир

Аннотация. *Мазкур мақола XIX аср - XX аср бошларида сайёҳлар, элчилар, дипломатик амалдорлар, тадқиқотчиларнинг асарларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ёритилиши масаласи ўрганиб чиқилади ва маълумотлар таҳлил қилинади. Хусусан, 1825 йил «Азиатский Вестник» журналида босилиб чиққан Габайдулла Амировнинг мақоласида ўша даврдаги Бухоро-Афғонистон савдо алоқаларининг муҳим томонлари, Афғонистондаги савдо марказлари бўлган Ҳирот, Кобул каби шаҳарларда бошқа шарқ давлатларининг савдогарлари билан бир қаторда бухоролик савдогарларнинг фаолиятлари кўриб чиқилади.*

Ишда 1820-1821 йилларда Бухоро амирлигида бўлган А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция вакилларидан табиатшунос Е.К.Мейендорфнинг асари кўриб чиқилади, унда Бухоронинг Афғонистонга чиқарадиган ташқи савдоси билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигида етиштириладиган пахта маҳсулоти, икки давлат ўртасидаги Балх орқали Кобулга ва Бухородан Ҳиротга борадиган савдо йўллари борасидаги маълумотлари алоҳида қайд этилади.

Мақолада XIX асрнинг 30 йилларидан Бухоро амирлиги билан Афғонистон савдо алоқаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги эътироф қилинади. Рус шарқшуноси П.С.Савельевнинг мақоласида шарқ давлатларининг савдо муносабатларида Бухоронинг муҳим роль ўйнаганлиги, Бухородан Эрон ва Афғонистонга борадиган учта карвон йўли ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Шу даврда Британия ҳукуматининг махсус топшириғи билан Ўрта Осиёга жўнатилган Бернс асаридаги Бухорода афғонлар масаласи, уларнинг савдо фаолияти кўриб чиқилади, айниқса, Ғазна туманида яшовчи афғон қабилалари — лоҳанийлар масаласи тадқиқ қилинади. 1833-1834 йилларда Бухорога махфий кўрсатма билан элчи қилиб жўнатилган П.И.Демезон, 1835—1836 йилларда рус офицери И.В.Виткевич тўплаган маълумотлар тадқиқотга тортилган. XIX асрнинг 40 йилларида Н.В.Ханиковнинг асарида Бухорога турли мамлакатлар қатори Афғонистондан келтириладиган товарлар, Бухоро билан Кобул ўртасидаги савдо карвонларининг қатнови, савдо товарлари тўғрисида маълумотлар кўриб чиқилади.

XIX асрнинг 50 йилларидан Россия Ўрта Осиё хонликларининг Афғонистон билан муносабатларини ўрганишга катта аҳамият берган. Рус географик жамияти аъзоси бўлган П.Небольсиннинг тадқиқотидаги Бухородан Кобулга анъанавий товарлар: ипак, эчки жуни, бўз каби товарлар қаторида кўпроқ рус товарлари:

мис, қозон, сандиқ, пичоқ, қайчи, нина, тери, устара, зар ип, заррин жияк, кашениль деб аталувчи қизил рангли бўёқ, енгил ипак матолар ва мовут келтирилганлигини ҳамда Бухоро билан Афғонистон шаҳарлари ўртасидаги оралиқ масофалар ҳам кўриб чиқилган.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларига оид тадқиқотларда, хусусан А.Вамбери, М.И.Венюков, В.В.Григорьев, В.И.Масальский, М.А.Терентьев, А.Г.Серебренников, Д.Н.Логофет, Губаревич-Радобильский ва бошқаларнинг асарларида ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларга оид хабарлар қаторида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларига оид маълумотлар тадқиқ қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: *сайёҳ, элчи, савдо муносабатлари, бозорлар, карвонсаройлар, «Ўрта Осиёнинг муҳим савдо омбори», афғонлар, лоҳаний, повинда, пахта.*

Аннотация. *В настоящей статье рассматриваются торгово-экономические отношения между Бухарским эмиратом и Афганистаном, отображенные в работах путешественников, послов, дипломатических чиновников, исследователей XIX и начала XX веков. В частности, анализируются материалы статьи Габайдуллы Амирова, опубликованной в журнале «Азиатский вестник» в 1825 году, где рассматриваются важные аспекты бухарско-афганских торговых отношений того периода, а также деятельность бухарских торговцев в городах Афганистана, таких как Герат, Кабул и торговые центры государства Афганистан.*

В статье изучаются материалы труда натуралиста Е.К. Мендорфа, члена экспедиции, возглавляемой А.Ф. Негри в Бухарском эмирате в 1820 и 1821 гг. В нем особое внимание уделяется изучению вопросов сельского хозяйства эмирата, производимого там хлопка, связанные с внешней торговлей Бухары в Афганистане, описываются торговые маршруты Балх-Кабул и Бухара-Герат.

В статье отмечается, что с 1930-х годов особое внимание уделялось торговым отношениям между Бухарским эмиратом и Афганистаном. В статье освещаются сведения, имеющихся в работах русского востоковеда Савельева, в которых Бухара играла особую роль в торговых отношениях восточных государств, даётся сведения о трех караванных путях, следующих из Бухары в Иран и Афганистан. Рассматривается информация, побывавщего в Средней Азии по особым инструкциям британского правительства А.Бернса, который изучал вопросы об афганцах в Бухаре, их торговой деятельности и особенно об афганских племенах, таких как лоханийцы, проживающих в районе Газна. Также была рассследована информация посла П.И.Демезона, который был отправлен в Бухару в 1833-1834 годах и русского офицера И.В.Виткевича, собранная 1835-1836 годах в Бухаре. В работе особое внимание было уделено также изучению работы Н. В. Ханикова, побывщего в Бухаре в 40-х годах XIX века, имеющего информацию о товарах, ввозимых в Бухару из Афганистан и торговых караванах, следующих между Бухарой и Кабулом.

С 50-х годов XIX века Россия придает большое значение изучению внешних отношений Центральноазиатских ханств с Афганистаном. Изучается работа П. Небольсина, отражающая торговые отношени между двумя государствами, рассматриваются номенклатуры традиционных товаров, такие как шелк, козья шерсть, медь, горшок, корочка, ножи, ножницы, олово, кожа, бритва, золотая пряжа, кашемир, шелковые ткани и бархат, а также обсуждается расстояние между Бухарой и Афганистаном.

В исследованиях второй половины XIX - начала XX вв. А.Вамбери, М.И.Венюкова, В.Г.Григорьева, В.И.Масальского, М.А.Терентьева, А.Г.Серебренникова, Д.Н.Логофета и Губаревича-Радобильского описываются социально-политические и экономические положения Бухарского эмирата, также рассматривается информация о торговых отношениях между Бухарским эмиратом и Афганимстаном.

Опорные слова и выражения: *путешественник, посол, торговые отношения, рынки, каравансараи, логанийцы, повинда, хлопок.*

Abstract. *This article devates and analyzes information on trade and economic relations between the Emirate of Bukhara and Afghanistan in the works of tourists, ambassadors, diplomatic officials and researchers during the 19th and early 20th centuries. In particular, the article by Gabaidulla Amirov, published in the journal «Aziatskiy Vestnik» in 1825, examines the important aspects of Bukhara-Afghanistan trade relations at the time, as well as the activities of Bukhoro traders in other cities, such as Herat, Kabul, and shopping centers in Afghanistan.*

This article examine caverfully the wook of E.K. Meindorf one of the naturalist (or scientist) from the expedition led by A.F. Negri in the Emerate Bukhara in 1820-1821. The informations about agricultural cotton, which produced in connection with foreign trade of Bukhara to Afganistan and the trade routes passes through Balkh to Kabul and through Bukhara to Herat, is highlighted in.

The article notes that the special attention has paid to the trade relations between the Emerate of Bukhara and Afganistan since the 1930. In the work of Russian orientalist P.S. Savelyev analyzes the role of Bukhara in the trade relations of the eastern states and the three caravan routes passed through Bukhara to Iran and Afganistan. In this period Burns, who was sent to Central Asia on a special mission from the British government at that time, will examine the issue of the Afghans in Bukhara, P.I. Demezon, who was sent as an ambassador to Bukhara in 1833-1834, and the information collected by the Russian officer I.V. Vitkevich in 1835-1836, were investigated. N.V. Hanikov's work in the 40s of the 19th century examines information about goods imported from Bukhara from Afghanistan, as well as trade convoys between Bukhara and Kabul, as well as trade goods. In addition, their trade activity, and especially the Lohanians, the Afghan tribes living in the Ghazna district.

Since the 50s of the 19th century, Russia has attached great importance to the study of the relations of Central Asian khanates with Afghanistan. Moreover, traditional goods from Bukhara to Kabul, such as silk, goat wool and wool, had based on research by P. Nebolsin, a member of the Russian Geographic Society. The Russian, copper, pot, crust, knives, scissors, tin, leather, razor, gold yarn, cashmere the so-called red paint, lightweight silk fabrics, and velvet are also included, and the distance between Bukhara and Afghanistan had discussed.

In the studies of the second half of the 19th - the beginning of the 20th century, in particular, A. Vamberi, M.I. Venyukov, V.G. Grigorev, V.I. Masalskiy, M.A. Terentev, A.G. Serebrennikov. In the works of Logofet, Gubarevich-Radobilsky and others, information on trade relations between the Emirate of Bukhara and Afghanistan had examined, along with reports on socio-political and economic issues in the country.

Keywords and expressions: *tourist, ambassador, trade relations, markets, caravanserai, "Sentral Asia's most important trade warehouse", afgans, lohani, povinda, cotton.*

Ҳозирги даврдаги Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги яқин дўстлик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўзининг ўтмиш тарихига эга. Тарихга назар ташласак, XVIII аср ўрталарида ташкил топган Афғонистон давлати билан Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги муносабатлари жадал олиб борилганлигига амин бўламиз. Бизгача етиб келган манбалар, сайёҳлар ва элчиларнинг маълумотлари ҳамда илмий адабиётларда Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топган.

XIX-XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасида олиб борилган савдо-иқтисодий алоқалар ёритилган асарларга назар ташласак, уларда Бухоронинг муҳим савдо маркази эканлиги ҳамда Афғонистондаги марказий савдо шаҳарлари тўғрисидаги маълумотларни учратиш мумкин. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар воқеалар гувоҳлари томонидан, хусусан, сайёҳлар, элчилар, махсус топшириқ билан Ўрта Осиё ва Афғонистонда бўлган амалдорлар ва тадқиқотчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Аммо, Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларига бағишланган яхлит кўринишдаги тадқиқотга эга эмасмиз. Аксарият асарларда Бухоро-Афғонистон муносабатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатлари ёритилган. Мазкур мақолада икки қўшни давлат ўртасида давом этган савдо алоқалари ёритилган тадқиқотларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

XVIII аср охирлари ва XIX асрнинг бошларида 30 йилдан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган Габайдулла Амиров томонидан тўпланган маълумотлар Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо муносабатлари жўшқин давом этганлигига гувоҳ бўламиз. Унинг хабарлари 1825 йил «Азиатский Вестник» журналида босилиб чиққан[1]. Г.Амировнинг маълумотларига кўра, Бухоронинг ташқи савдо алоқаларида Ҳирот, Кобул аҳолиси алоҳида роль ўйнаган. Масалан, у Кобулда бўлганида шаҳарнинг савдоси билан яқиндан танишади ва ёзиб қолдирган маълумотларида Кобул шаҳри Бухоро-Афғонистон савдосида муҳим марказ ролини бажарганлигини эътироф қилади. Г.Амиров Кобул бозори ҳақида ёзар экан, у ерда 4 та карвон-сарой бўлиб, уларда ҳиндистонлик, кашмирлик, эронлик ва бухоролик савдогарлар тўхташган, деб маълумот беради. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, Кобул шаҳридаги карвон-саройларда Шарқ давлатлари савдогарлари қаторида бухоролик савдогарларнинг эътироф қилиниши икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

1820-1821 йилларда Бухоро амирлигида бўлган А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция таркибида турли соҳа мутахассислари қатори табиатшунос Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У саёҳати давомида кўпроқ Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқаларига диққатини қаратган. У Бухорони савдо-сотиғи ривожланган, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан доимий қизғин

[1] Амиров Г. Странствование Габайдуллы Амирова по Азии //Азиатский вестник. – СПб., 1825. № 1-6. (Amirov G. Stranstvovaniye Gabaydulli Amirova po Azii //Aziatskiy vestnik. – SPb., 1825. № 1-6.).

савдо алоқаларида бўлган, аҳолиси зич жойлашган шаҳар, деб таърифлаган[1]. Мейендорф Бухоронинг қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар таркибига алоҳида эътибор берган. У Бухорода ғўза кўп экилаётганлиги масаласига алоҳида тўхталиб, пахтанинг каттагина қисми чет элга чиқарилганлигини баён қилади. Масалан, у Кобулда ғўза ўсимлиги яхши ўсмаслиги сабабли пахта Кобулга Бухородан келтирилишини эслатиб ўтган. Бухоро билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқалари иккита савдо йўли орқали олиб борилганлиги, биринчи йўл, Балх орқали Кобулга, иккинчиси эса Бухородан Ҳиротга борадиган йўл бўлганлигини ёзади. Мейендорф хабарига кўра, Бухорода тахминан 4000 афғонлар бўлиб, уларнинг бир қисми савдо билан шуғулланган[2].

XIX асрнинг 30 йилларида Россияда Бухоронинг қўшни давлатлар билан алоқалари ҳақидаги нашрлар пайдо бўла бошлади. Кўзга кўринган рус шарқшуноси П.С.Савельев ўз мақоласида шарқ давлатларининг савдо муносабатларида Бухоронинг роли ҳақида гапириб, уни «Ўрта Осиёнинг муҳим савдо омбори»[3] деб таърифлаган эди[4].

П.С.Савельев асосий диққатини карвон йўллари тавсифига қаратган эди. У Бухородан Эрон ва Афғонистонга борадиган учта карвон йўли ҳақида, хусусан, Машҳад, Ҳирот ва Кобулга борадиган ва Бухородан Кобул орқали Ҳиндистонга борадиган йўллар тўғрисида ёзиб қолдирган эди.

XIX асрнинг 30-йилларида Британия ҳукуматининг махсус топшириғи билан Ўрта Осиёга жўнатилган Бернс Бухорода афғонларнинг савдо билан шуғулланишини таърифлаб, уларнинг баъзилари Бухоро орқали Россия билан ҳам савдо қилган, деб ёзади. Масалан, Бернс билан бирга Кобулдан Дулат деган афғон савдогари савдо қилиш учун Бухорога келганлиги, у ердан Россияга бормоқчи бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлигини эслатиш кифоя[5]. Ҳиндистон, Кобул ва Бухоро ўртасидаги савдо ишларини Ғазна туманида яшовчи афғон қабилалари — лоҳанийлар олиб борган. Лоҳанийлар ҳақидаги маълумот ўша даврда Бухорода бўлган Демезон томонидан ҳам эслатиб ўтилган[6].

---

[1] А.Ф.Негри экспедицияси вакилларидан Будрин ҳам Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари тўғрисида ўз асарида ёзиб қолдирган. Унинг асари 1871 йил Санкт — Петербургда нашр қилинган. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) //Туркестанский сборник. Т.239. – СПб., 1880. – С. 32. (Budrin. Russkiye v Buxare v 1820 godu (Zapiski ochevidsa) //Turkestanckiy sbornik. T. 239. – SPb. , 1880. – C.32.

[2] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 106. (Meyendorf E.K. Puteshestviye iz O‘renburga v Buxaru. – M.: Nauka, 1975. – S. 106.).

[3] Савельев П.С. Бухара в 1835 году. – СПб., 1836. – С. 13. (Savelyev P.S. Buxara v 1835 godu. – SPb., 1836. – S. 13.).

[4] Савельев П.С. Бухара //Энциклопедический лексикон. Т.7. – СПб., 1836. – С. 460. (Savelyev P.S. Buxara //Ensiklopedicheskiy leksikon. T. 7. – SPb., 1836. – S. 460.).

[5] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.II. – М., 1848. –С.246. (Borns A. Puteshestviye v Buxaru. Ch.II. – M., 1848. – S.246.)

[6] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). –М.: Наука, 1983 .– С. 77-78. (Zapiski o‘ Buxarskom xanstve (O‘tchyoti P.I.Demezona i I.V.Vitkevicha). – M.: Nauka, 1983.) Демезон ҳақида қаранг: Энциклопедический словарь /Ф.А.Брокгауз и

А.Борснинг ёзишига кўра, қўшни Шарқ мамлакатлари билан бўлган савдони ривожлантириш учун Ўрта Осиё бозорларида ҳинд, афғон ва бошқа мамлакат савдогарларининг молларидан бож моллар сотиб бўлинганидан сўнг олинган. Бухоро ва Ўрта Осиёнинг жуда кўп шаҳарларида ҳинд ва афғон савдогарлари уй-жой қилиб турғун бўлиб яшаб қолганлар[1].

Савдо алоқаларида кўчманчи афғон қабилалари катта роль ўйнаганлиги адабиётларда эътироф этилган. Н.М.Гуревичнинг ёзишига кўра, афғон савдо капитали вакиллари ҳисобланган повинда деб аталган афғон кўчманчилари биринчи навбатда савдогарлар эмас, балки чорвадорлар бўлиб, улар товарларни ташиб бериш билан чекланган[2]. Повинда Ҳиндистондан Ўрта Осиё ва Эронга борадиган йўлда товарларни ташиб берувчи транспортёр вазифасини бажарган. Эльфинстоннинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг бошларида повинда қабилалари орасида 3000 ф. стерлинг миқдоридаги мулкка эга бўлган бир нечта савдогарлар бўлган[3].

Бухорога махфий кўрсатма билан элчи қилиб жўнатилган П.И.Демезон 1833-1834 йилларда Бухородa бўлиб, тўплаган маълумотлари орасида Кобулдан Бухорога ҳаворанг бўёқ қалам, таомга ишлатиладиган зарчава, қуроллар, шамшир, ханжар, камон, гуруч ва тулки териси жўнатилганлиги эътироф қилинган[4].

Демезоннинг маълумотларини Бухородa 1835—1836 йилларда бўлган унинг зомондоши рус офицери И.В.Виткевич ҳам тасдиқлайди[5]. У ўз маълумотларида, Бухородa ўша пайтда 25 та карвон—сарой бўлиб, уларнинг ҳар бирида шарқнинг турли давлатларидан келган савдогарлар яшашган. Масалан, бой афғон савдогари Бадриддин Бухородa ўзининг карвон — саройи, оиласи ва уйига эга бўлиб, унинг ҳисобида 40 минг тилло ёки 160 минг руб. пули бўлган. У Бухородан Кобулга юзлаб энг асл отлар ва кўплаб рус товарлари олиб

И.А.Ефрон. Т. X.1893. –С.359. (Zapiski o‘ Buxarskom xanstve… – S. 77-78. Demezon haqida qarang: Ensiklopedicheskiy slovar // F.A.Brokgauz i I.A.Efron. T. X. 1893. – S. 359.).

[1] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.II. – М., 1848. – С. 245; – М., Ч.III. – С.258, 414. (Borns A. Puteshestviye v Buxaru. Ch.II. – M., 1848. – S.245; Ch. III. – M., 1849. – S. 258, 414.).

[2] Н.М.Гуревич. Внешняя торговля Афганистана. – М., 1959. – С. 39. (N.M.Gurevich. Vneshnyaya torgovlya Afganistana. – M., 1959. – S. 39.).

[3] M.Elfunstone. An Account of the Kingdom of Caubul and its dependencies, in Persia, Tartary and India; comprising a view of the Afgan nation, and a history of the Dooraunee monarchy. London, 1815. – P. 377.

[4] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). –М.: Наука, 1983. (Zapiski o‘ Buxarskom xanstve (Otcheti P.I.Demezona i I.V.Vitkevicha). M.: Nauka, 1983.); Қаранг: Залесов Н.Г. Очерки дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843 г. //Военный сборник. 1862. № 9. (Qarang: Zalesov N.G. Ocherki diplomaticheskix snosheniy Rossii s Buzaroyu s 1836 po 1843 g. //Voenniy sbornic. 1862. № 9.); Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.).– М.: Наука, 1974. –С. 236-255; (Xalfin N.A. Rossiya i xanstva Sredney Azii (pervaya polovina XIX v.). – M.: Nauka, 1974. – S. 236-255); Россия и Афганистан. – М.: Наука, 1989. – С.39-61. (Rossiya I Afganistan. – M.: 1989. – S. 39-61.).

[5] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). –М.: Наука, 1983 (Zapiski o‘ Buxarskom xanstve (Otcheti P.I.Demezona i I.V.Vitkevicha). – M.: Nauka, 1983.).

борган. Маълумотлар шундан далолат берадики, Бухоро шаҳрида авғон савдогарларининг эркин ва манфаатли савдо қилишлари учун кенг имкониятлар мавжуд бўлган.

XIX асрнинг 40 йилларида ёзилган асарларда Бухоро Ўрта Осиёнинг асосий бош савдо шаҳри эди, деб эслатади[1]. Н.В.Хаников Бухорога турли мамлакатлардан ҳар йили 12 баъзан 15 минг туяда юклар келтирилган. У икки мамлакат ўртасидаги савдо карвонларининг қатнаш даврларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бухоро билан Кабул ўртасидаги савдо қишда довон қор билан қопланиб қолган вақтида қийин аҳволда қолганлигини, шунинг учун, у Кобулдан биринчи савдо карвонлари ёзнинг биринчи ойининг охири ёки иккинчи ойининг бошларида Бухорога келган, охирги карвон эса ёзнинг охирги ойи ва кузнинг бошларида келганлигини ёзади. Афғонистондан Бухорога асосан тўқ кўкранг бўёқ ва инглиз товарлари келтирилганлиги эътироф қилинган.

Рус географик жамияти аъзоси бўлган П.Небольсинни Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари қизиқтирган. Шу мақсадда, у 1850 йилда Оренбург чегара чизиғини айланиб чиқади, бир неча ой Оренбург ва Троицкда бўлади, ҳамда Қозоғистонга боради, 200 та рус, татар, хивалик, бухоролик, қўқонлик, афғон ва бошқа кишилардан сўраб асари учун статистик маълумотлар тўплайди.

Ўша давр тадқиқотчилари каби П.И.Небольсин Бухородан Кобулга анъанавий товарлар: ипак, эчки жуни, бўз, вибойка ва кўпроқ рус товарлари: мис, қозон, сандиқ, пичоқ, қайчи, нина, тери, устара, зар ип, заррин жияк, кашениль деб аталувчи қизил рангли бўёқ, енгил ипак матолар ва мовут келтирилганлигини эътироф қилган[2].

П.И.Небольсин асарида берилган маълумотлар орасида Бухоро билан Афғонистон шаҳарлари ўртасидаги масофаларга ҳам аҳамият берган. Унинг ёзишига кўра, Бухоро билан Кобул оралиғидаги масофа 27 кунлик йўл билан ўлчанган[3]. Бухородан Балхгача 11,5 кун ёки 465 верст, тўғри йўл билан 420 верст[4] масофани ташкил қилади.

XIX асрнинг 50-60 йилларида рус публицистикасида асосий эътибор “Бухоро масаласи”га қаратилади. Тадқиқотларда Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон билан анъанавий савдо алоқаларидаги товарларнинг рўйхати ва таркиби чуқур таҳлил қилинган. Рус тадқиқотчилари Бухоро-Россия савдосининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, хонликнинг рус товарларини шарқ мамлакатларига етказиб беришдаги воситачилик роли ортиб борганлигини ҳаққоний эътироф этган эдилар.

---

[1] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. (Xanikov N.V. Opisaniye Buxarskogo xanstva. – SPb., 1843.).

[2] Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией //Записки Императорского Русского Географического общества. Кн.: X. –СПб., 1855. – 171 б. (Nebolsin P.I. O‘cherki torgo‘vli Rossii s Sredney Aziyey //Zapiski Imperatorskogo Russkogo Geograficheskogo o‘bshestva. Kn.: X. – SPb., 1855. – 171 b.).

[3] Небольсин П.И. Ўша асар. – С. 188. (Nebolsin P.I. O‘sha asar. – 188 b.).

[4] Небольсин П.И. Ўша асар. – С. 189. (Nebolsin P.I. O‘sha asar. – 189 b.).

Рус тадқиқотчилари учун 1868-1873 йилларда Бухоронинг Россияга вассал бўлиб қолиши билан Бухоро хонлигини хом ашё базаси ва кенгаяётган рус капиталистик товарларини сотадиган бозор сифатида фойдаланишни баҳолайдиган янги вазият вужудга келади. Россия Бухоро амирлигини вассал давлатга айлантиргандан кейин, хусусан XIX аср охири ва XX аср бошларида яратилган тадқиқотларда Ўрта Осиё орқали Шарқ давлатлари билан муносабатлар масаласига ҳам эътибор қаратилган, жумладан, А.Вамбери, М.И.Венюков, В.В.Григорьев, В.И.Масальский, М.А.Терентьев, А.Г.Серебренников[1] ва бошқаларнинг асарларида ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларга оид материаллар берилиши билан бирга мазкур масалаларга нисбатан муаллифларнинг муносабатларини ҳам англаш мумкин. Мазкур асарларда Ўрта Осиё хонликлари, хусусан Бухоро амирлиги билан Афғонистон савдо алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

1894 йили божхона низомининг ўлкада жорий қилиниши ва Россия чегара чизиғининг Бухоро амирлиги ҳудудларини қамраб олиши амирликнинг назорати масалалари билан шуғулланадиган рус маъмурияти вакиллари томонидан қизғин кутиб олинди. Жумладан, 1898 йилда Бухородаги рус сиёсий агенти В. Игнатьев, энди Бухоро бозорларида рус товарларининг инглиз товарларидан устун келиши учун шароит яратилди, деб эътироф этган эди[2].

XX асрнинг бошларида рус публицистикаси марказида Ўрта Осиё ва Шарқда инглиз-рус рақобати муаммоси турган-ки, натижада Россиянинг ишбилармон табақалари томонидан “бухоро муаммоси”га янгича эътибор қаратила бошланди. Россия давлати полковниги М.В. Грулев, Бухорода ҳозирча амирлик бошқарув тизимини сақлаб қолишини, аммо унинг қўшни давлатлар билан савдоси устидан қаттиқ назоратни кучайтириш лозимлигини, токи инглиз

[1] А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – М., 1874; (A.Vamberi. Puteshestviye po Sredney Azii. – M., 1874) ; Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухара и Хива) и его будущее. – СПб, 1892 (Masalskiy V.I. Xlopkovoye delo v Sredney Azii (Turkestan, Zakaspiyskaya oblast, Buxara i Xiva) i ego budushyeye. – SPb., 1892); Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. – СПб., 1874 (Grigoryev V.V. Pusskaya politica v otnoshenii Sredney Azii. – SPb., 1874); Венюков М.И. Опыт военного обозрения русских границ в Азии. – СПб., 1873 (Venyukov M.I. Opit voyennogo obozreniya russkix granits v Azii. – SPb., 1873); Он же. Поступательное движение России в Средней Азии, записки о них. – СПб, 1868 (O‘n je. Postupatelnoye dvijeniye Rossii v Sredney Azii, zapiski o nix. SPb., 1868); Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – СПб., 1875 (Terentyev M.A. Rossiya i Angliya v Sredney Azii. – SPb., 1875); Он же. Россия и Англия в борьбе за рынки. – СПб., 1876 (O‘n je. Rossiya i Angliya v borbe za rinki. – SPb., 1876; Он же. История завоевания Средней Азии. Т. 1-3. – СПб., 1906 (O‘n je. Istoriya zavo‘yovaniya Sredney Azii. T. 1-3. – SPb., 1906.); Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания собрал полковник А.Г.Серебренников. Т. 1-8. – Т. 1912-1916. (Serebrennikov A.G. Turkestanskiy kray. Sbornik materialov dlya istorii yego zavo‘yovaniya sobral polkovnic A.G.Serebrennikov. T. 1-8. – T., 1912-1916.).

[2] Игнатьев В. Торговые сношения России с Бухарой. Выр. из «Правительственного вестника», за 1898 г. Туркестанский сборник. Т. 432. -С. 145-147. (Ignatyev V. Torgoviye snosheniya Rossii s Buxaroy. Vir. iz «Pravitelstvennogo vestnica», za 1898 g. Turkestanskiy sbornik. T. 432. – S. 145-147.).

товарларининг Афғонистон орқали хонликка кириб келишининг олдини олиш чораларини кўриш зарурлигини талаб қилиб чиқди[1].

Д.Н.Логофет қаламига мансуб асарларда Чор Россиясини Бухоро устидан назоратда бўшлик қилаётганликлари танқид қилиниб, рус капиталистларини Бухоро бойликларини фаол эгаллашга чақирган[2]. У Бухоронинг қўшни давлатлар билан ташқи иқтисодидан катта фойда кўриш мумкинлигини тушунган. Муаллиф ўзининг асарларида Бухоронинг Афғонистон билан савдосининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди[3]. Муаллиф Бухорога импорт қилинган ва у орқали Афғонистонга экспорт қилинган рус товарларнинг рўйхатини санаб ўтган[4].

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида бухоро масаласи билан боғлиқ қатор мақолалар чоп этилган. Уларда Бухоронинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари масалалари ҳам кўриб ўтилган ва хонликга ҳинд чойи, мал-мал матолари ва индиго каби товарлар кириб келаётганлини таъкидланган. Айрим мақолаларда Шарқ мамлакатларидан Бухорога турли йўллар орқали олиб келинаётган баъзи товарлардан бож солиғи олинмай қолаётганлиги куйиниб тилга олинган. Хусусан, Афғонистондан Бухорога чорва моллари божсиз ҳайдаб кирилаётганлиги, агарда улардан ҳам бож солиғи йиғилса, подшо хазинасига катта даромад киритилиши эслатилади[5].

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон генерал-губернаторлигида, узоқ йиллар амирлик ҳудудида хизмат қилган ва амирликнинг хўжалик ва савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланган А. Ф. Губаревич-Радобыльский ўзининг асарида хонликнинг иқтисодий аҳволи ва Россия томонидан уни эксплуатация қилиш масалаларини тадқиқ қилган[6].

---

[1] Грулев М. Соперничество России и Англии в Средней Азии. -СПб., 1909. -С. 204. (Grulev M. Sopernichestvo Rossii i Anglii v Sredney Azii. – SPb., 1909. – S. 204).

[2] Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1-2. – СПб, 1911 (Logofet D.N. Buxarskoye xanstvo pod russkim protektoratom. T. 1-2. – SPb., 1911); Он же. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. –СПб., 1909. (O‘n je. Strana bespraviya. Buxarskoye xanstvo i yego sovremennoye sostoyaniye. – SPb., 1909.).

[3] Логофет Д.Н. Страна бесправия. -СПб., 1909. (Logofet D.N. Strana bespraviya. – SPb., 1909.).

[4] Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1. – СПб., 1911. – С.296. (Logofet D.N. Buxarskoye xanstvo pod russkim protektoratom. T. 1 – SPb., 1911. – S. 296.).

[5] Обложение особым налогом скота, пригоняемого в Туркестан из Афганистана. /Туркестанские ведомости. 1911. № 232 (O‘blojeniye o‘so‘bim nalogom skota, prigonyayemogo v Turkestan iz Afganistana. /Turkestanskiye vedomosti. 1911. № 232); Иванович С. По поводу обложения пошлиной скота, следующего из Афганистана в пределы Бухары и России. /Туркестанские ведомости. 1911 № 233 (Ivanovish S. Po povodu oblojeniya poshlinoy skota, sleduyushego iz Afganistana v predeli Buxari i Rossii Бухары. /Turkestanskiye vedomosti. 1911 № 233); Русская торговля в Бухаре и Афганистане. Туркестанские ведомости. 1911. № 243 (Russkaya torgovlya v Buxare i Afganistane. Turkestanskiye vedomosti. 1911. № 243).

[6] Губаревич-Радобыльский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. -СПб., 1905 (Gubarevich-Rodobilskiy A. Economicheskiy ocherk Buxari i Tunisa. Opit sravnitelnogo issledovaniya dvux system protektorata. – SPb., 1905); Он же. Значение Туркестана в торговле России с

Совет даври тарихшунослигида Бухоро-Афғонистон савдо алоқалари масаласи алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган, аммо рус-инглиз, рус-афғон муносабатлари доирасида Бухоро билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқалари ҳам ёритилганлигини эътироф қилиш ўринли ҳисобланади. XX асрда тарихчилар томонидан Россия билан Афғонистон, хусусан Ўрта Осиё хонликлари билан Афғонистон ўртасидаги алоқалар масаласига доир бир нечта тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, шу ўринда Н.А.Халфин, Г.А.Ҳидоятов, И.Ғ.Низомиддинов, П.Н.Расуль-зода, Д.Ю.Арапов, А.Я.Соколов, Ғ.А.Ахмеджанов ва бошқаларнинг асарларини эътироф қилиш ўринли[1].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср-XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон давлати ўртасида жўшқин савдо алоқалари олиб борилган. Бу савдо муносабатларини ривожлантиришдан ҳар икки давлат ҳам манфаатдор бўлган.

сопредельными странами //Материалы для изучения хлопководства. Вып. 2. – СПб., 1912. (O‘n je. Znacheniye Turkestana v torgovle Rossii s sopredelnimi stranami //Materiali dlya izucheniya xlopkovodstva. Vip. 2. – SPb., 1912).

[1] Халфин Н.А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке (70-е годы XIX в.). – Т., 1957 (Xalfin N.A. Angliyskaya colonialnaya politica na Srednem Vostoke (70-ye go‘di XIX v.). – T., 1957); Он же. Провал британской агрессии в Афганистане (XIXв. -начало XX в.). – М., 1959 (O‘n je. Proval britanskoy agressii v Afganistane (XIX v. – nachalo XX v.). – M., 1959); Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии. – Т. , 1969 (Xidoyatov G.A. Iz istorii anglo-russkix o‘tno‘sheniy v Sredney Azii. – T., 1969); Он же. Британская экспансия в Средней Азии. – Т., 1981 (O‘n je. Britanskaya ekspansiya v Sredney Azii. – T., 1981); И.Низамиддинов. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. – Тошкент, 1961 (I.Nizamiddinov. O‘rta Osiyoning chet el Sharqi bilan munosabatlari. – Toshkent, 1961); Расул-Заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половиныXIX – начала XX века. – Т., 1968 (Rasul-Zade P.N. Iz istorii sredneaziatsko-indiyskix svyazey vtoroy polovini XIX – nachla XX veka. – T., 1968); Арапов Д.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. –М., Изд. МГУ, 1981 (Arapov D.Yu. Buxarskoye xanstvo v russkoy vostokovedcheskoy istoriografii. – M., Izd. MGU, 1981); Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. -Ташкент. Фан, 1971 (Sokolov A.Ya. Torgovaya polinica Rossii v Sredney Azii i razvitiye russko-afganskix torgovix otnosheniy. – Tashkent. Fan, 1971); Он же.Включение Хивы и Бухары в русскую таможенную черту и развитие русско-афганских торговых отношений. //Научные труды ТашГУ. Вып. 404. -Ташкент. 1971, -С.63-79 (O‘n je. Vklyucheniye Xivi i Buxari v russkuyu tamojennuyu chertu i razvitiye russko-afganskix torgovix o‘tnosheniy. //Nauchniye trudi TashGU. Vip. 404. – Tashkent. 1971, – S. 63-79); Аҳмаджонов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. – Тошкент, 2003 (Ahmadjonov G‘.A. Rossiya imperiyasi Markaziy Osiyoda. – Toshkent. 2003); Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII –начале XX вв. – Т., 1963 (Vzaimootnosheniya narodov sredney Azii i sopredelnix stran Vostoka v XVIII – nachale XX v. – T., 1963); Россия и Афганистан. – М.: Наука, 1989 (Rossiya i Afganistan. – M.: Nauka, 1989.).

РИСКУЛОВ ШАХЖАХОН
тадқиқотчи, ТошДШИ

Буюк Британия империясининг биринчи инглиз-афғон уришига тайёрланиши

Аннотация. *Мазкур мақолада XIX аср биринчи ярмида инглизларнинг Ост-Индия компанияси томонидан Афғонистон ҳудудига юборилган жосуслари, элчилари ва миссияларининг мақсадлари, уларнинг минтақада амалга оширган геосиёсий мақсадлардаги фаолиятлари, Афғонистоннинг давлат тузими, бошқарув шакли, қўшни давлатлар билан муносабатлари, Афғонистоннинг топографияси, афғон халқининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳволи, уларнинг, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, миллатлар ранг-баранглиги, бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади.*

XIX асрнинг энг муҳим халқаро муаммоларидан бири бўлган "Марказий Осиё" масаласи, шу асрнинг ўттизинчи йиллари охирида Британия Афғонистонга бостириб кириш учун олиб борган ҳарбий-сиёсий ва дипломатик тайёргарликларини, Ост-Индия компанияси Афғонистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини, ҳудуд орқали ўтган барча йўлларни аниқлаши, муҳим географик нуқтада жойлашган ҳар қандай объектларни ўрганиши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий қатламини тадқиқ қилиш кўриб чиқилади.

Афғонистонга тадқиқотчиларнинг турли қиёфада, асосан, савдогар, дарвеш, сайёҳ, муқаддас жойларни зиёрат қилувчилар ниқоби остида юборилганлиги, улар минтақанинг энг хилват жойларигача кириб, ҳудуд жойлашувини мукаммал ўрганишганлиги ва эҳтиёткорлик билан тўпланган маълумотларни қайд этиб боришганлиги масалалари таҳлил қилинади.

Буюк Британиянинг махфий хизмат тармоқлари, уларнинг фаолияти тизимли ва узлуксиз олиб борилиши, бу йўналишда ҳар қандай воситалардан фойдаланиши, биринчи инглиз-афғон урушига (1838-42) инглизларнинг узоқ йиллик тайёргарлик жараёни бўйича маълумотлар таҳлилий ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: *Афғонистон, афғон халқи, геосиёсат, элчилар, экспедициялар, разведкачилар –М.Эльфинстоун, Уильям Муркрофт, А.Бёрнс, Чарлз Мэссон, Роберт Лич, Ж.Вуд, Чарльз Кристи, дэАрси Толд, Г.Потинжер, П.Лорд, биринчи инглиз-афғон уруши (1838-1842), Кобул, Ҳирот, Қундуз, Вахан кўли, Бомиён дараси, Ост-Индия компанияси.*

Аннотация. *Одной из важнейших международных проблем XIX века была проблема "Центральной Азии". В результате на протяжении всего столетия Центральная Азия была предметом спора между Англией и Россией. Афганистан был «воротами» в Центральную Азию. В этой статье описывается дея-тельность Британской империи в Афганистане в первой половине 19 века. В настоящей статье рассматриваются цели и задачи британских посольств и экспедиция в Афганистан в XIX веке, Даются сведения об их деяткльности в области геополитики, а также о топографии Афганистана, экономическом и социальном положении, афганском народе, о их быте, традиция, территории Афганистана, раскрываются особенности этого периода, устройстве, государственном управлении. Приводятся сведения государственном устройстве, государственном уп-*

равлении, взаимоотношениях с сопредельными странами, социально-экономической жизни населения.

Опорные слова и выражения: *Афганистан, афганский народ, геополитика, послы, разведчики: М. Эльфинштейн, Уильям Меркрофт, А. Бернс, Чарльз Мессон, Роберт Ли, Дж. Вуд, Чарльз Кристи, д'Арси Тодд, Г.Поттингер, П.Лорд, первая Британская афганская война (1838-42) Кабул, Герат, Кундуз, Озеро Вахан, Ущелье Бамиан, Ост-Индская компания.*

Abstract. *One of the most important international problems of the 19th century was the issue of "Central Asia". As a result, throughout the whole century Central Asia has been the subject of contention between En gland and Russia. Afghanistan was a "gateway" to Central Asia. This article describes the activities of the British Empire in Afghanistan during the first half of the 19th century. In this article describes of British ambassadors and missions sent to Afghanistan in the 19th century, their geopolitical objectives in the region, the state structure of Afghanistan, its relationship with neighboring countries, the topography of Afghanistan, the economic political and social status, customs, traditions, way of life, diversity of nations, characteristic of this period. Reports in publishing by ambassadors and expedition of representatives reports, news, informations, about work of memoirs educates. The historical roots of trade, economic and political relations between Russia and Afghanistan will be explored.*

Keywords and expressions: *Afghanistan, Afghan people, geopolitical, ambassadors, expedition spies - M.Elfinstein, William Murcroft, A. Burns, Charles Messon, Robert Lee, J. Wood, Charles Christie, d'Arcy Todd, G.Potinger, P.Lord, first British Afghan War (1838-42) Kabul, Herat, Kunduz, Lake Wakhan, Bamiyan Gorge, East India Company.*

XIX асрнинг энг муҳим халқаро муаммоларидан бири бу “Марказий Осиё” масаласи эди. Натижада бутун аср мобайнида Марказий Осиё Англия ва Россия ўртасидаги баҳсга сабаб бўлди. Оқибатда XIX аср охирига келиб бу икки империалистик давлатлар ўртасидаги инқироз катталашиб узоқ давом этган сиёсий можарога айланди. Асосий муаммо мустамлакачи мамлакатлар ўртасида ҳали бўлиб олинмаган ҳудудларни эгаллаб олиш учун бўлаётган кураш эди. Бу курашда XIX аср капиталистик тизим ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўринади. Англия ва Россиянинг ҳукмрон доиралари Марказий Осиёдаги тажоввузкор ҳаракатларини оқлаш, ушбу минтақанинг маълум қисмларига ўз ҳуқуқларини асослаш учун кўплаб жиддий далилларни топдилар. Марказий Осиёда иккала давлатнинг сиёсати қандайдир ниқоблар остида олиб борилган бўлмасин, уни амалга ошириш учун ҳар қандай баҳоналар ишлатилган бўлса ҳам, бу сиёсат моҳияти тажоввузкор мустамлакачилик эди[1].

XIX асрда Англия ер-мулклари улкан, жаҳоннинг энг йирик мустамлакачи мамлакати эди. Бирқанча давлатлар ва халқларни қамраб олган Ҳиндистон ярим оролида босқинчилик ва мустамлака эксплуатацияси учун инглиз буржуазиясининг асосий ташкилоти Ост-Индия компанияси бўлиб, у

[1] Kolesnikov A.A., Kharatashvili G.S. Russia and Afghanistan. Missions. Expeditions. Traveling (second half of the 19th - beginning of the 20th centuries). - St. Petersburg, 2011. – p. 6.

доимий равишда босқинчилик урушларини олиб борди. Ост-Индия компанияси Осиё қитасининг исталган жойини британия мулки деб эълон қилиши ва исталган жойига қўшин юбориши мумкин эди. Хусусан Марказий Осиёда жойлашган Афғонистон ўзининг қулай географик жойлашуви туфайли савдо-сотиқ, сиёсий ва стратегик жихатдан Британияниг алохида қизиқиш марказида бўлган. Бундан ташқари у Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва ўзбек хонликлари билан ҳам чегарадош бўлиб, ўз вақтида жахон цивилизация ривожига анчагина катта хисса қўшган ва XIX асрда ўзининг бироз ахамиятини йўқотган минтақа орқали Хитойдан Европага қадимги буюк ипак йўли ўтган эди. Бу эса Афғонистоннинг геополитик нуқтаиназардан ҳам нақадар муҳим ҳудуд эканлигини билдирарди[1].

Ост-Индия компанияси Афғонистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини, ҳудуд орқали ўтган барча йўлларни аниқлаш, муҳим географик нуқтада жойлашган ҳарқандай обектларни ўрганиш, ахолининг ижтимоий сиёсий қатламини тадқиқ қилиш шунингдек хукумат аъзоларини ўз тарафига оғдириш ва Англия билан сиёсий алоқалар ўрнатиш мақсадида ўз ходимларини мунтазам равишда жўнатиб туради. Ходимлар турли қиёфада юборилган бўлиб, улар асосан савдогар, дарвеш, сайёҳ, муқаддас жойларга зиёрат қилувчилар ниқоби остида бу ҳудудда харакат қилишган. Юборилган айғоқчилар минтақанинг энг хилват жойларигача кириб, худуд жойлашувини мукаммал ўрганишган ва эхтиётқорлик билан тўпланган маьлумотларни қайд этиб боришган. Улар маҳаллий аҳоли тилини ва уларнинг урф-одатларини яхши билишган бўлиб, бу эса уларга бу худудда узоқ муддат фаолият юритишларига ва ўзларига нисбатан шубха пайдо бўлмаслигига ёрдам берган[2]. Марказий Осиё масалалари бўйича Англия сиёсатида муҳим рўл ўйнаган инглиз тарихчиси Ж.Олдер шундай ёзади: “Марказий Осиё масаласида дипломатик фаолият юритишдан олдин минтақа хақидаги тадқиқотлар нақадар муҳим эканлиги ва айниқса географик билимлар ҳар доим сиёсат, иқтисодиёт, дипломатия ва ҳарбий харакатлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, бунда харқандай аскар ва сиёсатчидан кўра тадқиқотчи ва махфий жосуслар муҳим рўл ўйнашини” таъкидлайди[3].

Афғонистонга дастлабки инглиз миссияси 1809 йил феврал ойида Маунстюарт Эльфинстоун бошчилигида юборилади. Унга Афғоистонни батафсил ва ҳартомонлама ўрганиш вазифаси юклатилади. Агарда инглизлар мамлакатга бостириб кирганда бу худудда Британия ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишда суянч бўлаоладиган маълум бир ижтимоий қатлам, гуруҳ ва қабилалар орасида алоҳида эътиборга эга шахслар билан ҳам алоқалар ўрнатиш каби кўрсатмалар кирарди. Экспедиция таркибини инглиз офицерлари

[1] Khidoyatov G.A. British expansion in Central Asia. - T., 1981. p.7
[2] Timchenko S.V. Anglo-Russian rivalry in Central Asia in the 40s. XIX century. - Almaty. — p.120.
[3] Alder G. J. British India’s Northern Frontier. 1865-1895. London, 1963, p.4.

ва жосуслари ташкил этиб, Афғоистонда ҳар тарафлама чуқур ҳарбий-сиёсий разведка ишларини олиб борди. Шахсан М.Эльфинстоунга мамлакатнинг хукмрон доиралари ҳақида батафсил маълумотлар йиғиш топшириғи юкланади. Экспедиция деярли беш ой давом этади. Шу вақт мобайнида улар мамлакатдаги карвон йўллари, афғон халқи ва қабилалари, алоҳида эътиборга эга бўлган шахслар билан танишади. Инглизлар маҳаллий амалдорларга қимматбаҳо совғалар бериш орқали улар билан алоқалар ўрнатади. Пора бериб ўз томонига оғдириш инглиз сиёсатига хос хусусият бўлиб, ҳарқандай урушда ўз хукмронлигини ўрнатишда восита бўлиб хизмат қилади[1].

1809 йил июн ойида Пешаворда М.Эльфинстоуннинг шох Шужоил ул-Мулк билан олиб борган музокаралари натижасида биринчи афғон-инглиз шартномаси имзоланади. Шартнома шундан иборат эдики мободо Франция ва Эрон Ҳиндистонга хужум қилгудек бўлса Афғонистон Англия томонида туриб урушда қатнашиши назарда тутилган эди[2].

Ост-Индия компанияси 1820-25 йилларда ўзининг тажрибали ходими Уильям Муркрофт бошчилигида Афғонистон ва унга қўшни бўлган худудларга уларнинг иқтисодиёти, ҳарбий-сиёсий ҳолати, худудларнинг топографик жойлашуви ва айниқса тоғлардан ўтиб бўладиган сўқмоқлар, даралар, йўллар ҳақида маълумотлар тўплаш учун Британия экспедициясини жўнатади. Уильям Муркрофт 1822 йилда Жалолободда, 1824 йилда Кобул шаҳарларида бўлишади. У ва унинг ҳамроҳлари европаликлар орасида биринчи бўлиб Бомиёндаги будданинг улкан хайкалини кўришган. Экспедиция аъзолари 1825 йил феврал ойида Бухоро амрилигига етмуш кишилик таркиб билан кириб келишади[3]. Бу экспедиция натижасида инглизлар Бухоро амирлигини хартарафлама ўрганади ва маҳаллий амалдорлар билан тил топишнинг уддасидан чиқади.

Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий имкониятлари, савдо йўллари, стратегик аҳамиятга эга нуқталарини ўрганишда анчагина катта иш қилган инглиз армияси ҳарбий разведка лейтинанти А.Бёрнс бўлиб, у Ост-Индия компаниясига хизмат қилганлар орасида энг қобилиятлиларидан эди. У форс тили ва унга яқин бўлган бошқа диалектларни ҳам мукаммал эгаллаган бўлиб, бу эса унга ўрта шарқ халқлари орасида осонлик билан муносабатта бўлишига ва улар орасига киришиб кетишига хизмат қилди. У тўплаган маьлумотлар ҳарбийлар, дипломатлар, иқтисодчилар, лингвистлар, савдогарлар, географ ва сайёҳлар учун қимматли маьлумотлар бўлиб хизмат қилади. 1831 йилда А.Бёрнс ҳинд савдогари ниқоби остида Бухорога йўл олади. Унинг вазифасига Ҳиндистондан Бухорога энг қисқа бўлган йўлни топиш,

[1] Hopkirk P. The Big Game against Russia: Asian Syndrome. –M .: Ripol classic, 2004.- 266 p

[2] Steinberg E.L. History of British aggression in the Middle East. - M .: Military Publishing, 1951. -212 p.

[3] The history of Uzbekistan and Central Asia in the second half of the XIX-beginning of XX centuries - URL: http://testhistory.ru/history.php?id=his_2_151 (date of application: 24.08.2019)

маҳаллий бозорларни ўрганиш, Бухоро амирлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги дастлабки сиёсий ва савдо алоқаларини ўрнатиш кирарди[1].

А.Бёрнс саёхатини Деҳлидан бошлайди ва Амрицар, Пешовар, Кобул орқали Хулумга келади. Хулумдан у шарққа қараб йўл олади ва Қундуз шаҳрини батафсил тадқиқ қилади. Уердан у Балхга келади сўнгра Амударёдан ўтиб Қарши орқали Бухорога етиб келади. Уерда бирнеча ой бўлиб, А.Бёрнс Чоржўй ва Урганч орқали Машхадга йўл олади. Шу жойдан унга Ост-Индия компанияси ходими Мохан Лал унга Хиротга бориши учун хамрохлик қилади. Улар бутун Хуросонни айланиб сўнгра Техрон ва Форс кўрфази орқали яна қайтиб Ҳиндистонга йўл олади[2].

Аслида Бёрнснинг олиб борган барча экспедицион миссияларининг моҳиятида Афғонистонни ҳарбий йўл орқали босиб олишга қаратилган харакат ётарди. Ост-Индия компанияси раҳбарлари унга мамлакат билан ҳар томонлама танишиш, хусусан унинг хукумати, хукумат раҳбарлари, амалдорлари, иқтисодиёти, унинг қуролли кучлари, бойликлари шунингдек қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотлар тўплаш тўғрисида кўрсатмалар беради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун экспедиция таркибига лейтенант Роберт Лич, ҳинд флоти лейтинанти Жон Вуд ва врач Персивал Лордлар кирарди. Р.Личга мамлакатнинг ҳарбий сохасини ва унинг қўшин турларини кузатиш, Ж.Вудга сув йўлларини биринчи навбатда Амударёни ўрганиш, П.Лордга эса борган жойларининг табий бойликларини ўрганиш вазифаси юклатилади. Лорд узоқ вақт мобайнида Қундуз хонлигини ўрганади Вуд эса Помир олди худудларини хусусан юқори Амударё, Вахан Сарикўл хавзалари тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланади. Р.Лич бу вақтда Қандахорда қолиб А.Бёрнсга Қандахор, Хирот ва Эрондаги бўлаётган воқеалар ҳақида ахборотлар жўнатиб туради[3].

А.Бёрнс ўзининг эсдаликларида минтақанинг бой табиати ва иқтисодий имкониятлари хақида ҳам батафсил маълумотлар келтиради. Масалан Бадахшондаги Шуғнон яқинидаги дарё бўйида жойлашган Ғарон деб номланадиган жойдаги ёқут конлари тўғрисида маълумотлар беради. Шунингдек у яна буерда улкан кумуш конлари захираси жойлашганлигини ҳам таъкидлайди. А.Бёрнс Ҳиндуқуш тоғидаги Бомиён дарасини ва унга ёндош худудларни “ажойиб бойликларга эга подшолик” деб таъкидлайди. Яна унинг хабар беришича Фулдот яқинида олтин ва кумуш қазиб олинишини, Бомиёндан унча узоқ бўлмаган худудда ўн ёки ўн иккита қўрғошин конлари жойлашганлигини айтади. А.Бёрнс ғоят даражада пухталик билан мис, қалай, олтингугурт, асбест, темир, чақмоқтош ва турли хил кимёвий элементларга эга бўлган конрларни ҳам ҳисоблаб чиқади[4].

[1] Burns A. Travel to Bukhara. Part III. - M., 1850., p. 274.
[2] Khidoyatov G.A. British expansion in Central Asia. - T., 1981. p.11.
[3] Russia and Afghanistan. – M., 1989. – P. 25.
[4] Burns A. Travel to Bukhara. Part III. - M., 1850., p. 185.

Унинг тўплаган маълумотлари ичида энг қимматлилари: Ҳиндистондан Афғонистон ва Маркази Осиёга борадиган йўлларнинг батафсил чизмалари, Марказий Осиё хонликларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳволи тўғрисидаги маълумотлари, Амударёнинг чап қирғоғидаги ерлар ва Афғонистон ва Синд ўлкасининг турли-хил худудлари ҳақидаги хисоботлар эди. Бу маълумотлар Афғонистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа ўлкаларига тезкорлик билан ҳарбий хужум режаларини ишлаб чиқиш учун керак эди.

Чарлз Мэссон Афғонистонда узоқ вақт давомида норасмий таризда инглиз резиденти сифатида фаолият олиб борган. Мэссон Кобулдаги катта бозорни, Кобулга келадиган ва ундан чиқиб кетадиган карвонларни, турли хил бўлган махсулотлар айланмасини синчковлик билан кузатади. Кузатувлари натижасида у 1935 йилда матбуотда “Кобул савдоси тўғрисида” меморандум чоп этади. Бу хужжатда қайд этилишича Кобул шаҳри Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасидаги энг муҳим савдо маркази сифатида қаралади сабаби 1934 йилда унинг савдо айланмаси 1 млн фунт стерлинг сифадида кўрсатилади. У бу бир томондан Ҳиндистонда иккинчи томондан Афғонистон ва Марказий Осиёда Британия мулклари ўртасида савдо-сотиқнинг кенг ривожланишига ёрдам беради деб ҳисоблаган. Бу ҳол ўз навбатида инглиз-афғон муносабатларида асосий аҳамият касб этган[1].

Ост-Индия компаниясининг махфий комитети 1836 йил 25 июнда Ҳиндистон генерал губернатор Окленд ва унинг ташқи ишлар вазири Пальмерстоуннинг буйруғи билан дипломат ва жосусларни Кобулга жўнатади. Ҳиндистон генерал-губернатори уларга Афғонистондаги вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва “Россия таъсирига” қарши барча чораларни кўришни тавсия қилади[2].

XIX аср ўттизинчи йилларида генерал Малкольмнинг махфий топшириқларини бажариш мақсадида инглиз офицерлари Афғонистоннинг олис худудлари, ҳечқандай қонунлар амал қилмайдиган ва ҳали ҳечқачон шупайтгача ҳечбир тадқиқотчининг қадами етмаган жойларда жосуслик ишларини олиб боришади. Ўша вақтларда Бомбей пиёда қўшинлар бешинчи полки офицерлари капитан Чарльз Кристи ва лейтенант Генри Поттинжерлар ўзларининг миссияларини бажаришга киришади. Улар саёҳати давомида маҳаллий қабилалар ва уларнинг сардорлари, шаҳарларнинг мудофа тизими ва уларнинг истеҳкомлари ҳақида етарлича маълумот тўплашга муваффақ бўлади. Чарльз Кристи Афғонистондаги стратегик жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Ҳирот шаҳрини тадқиқ қилади ва у ҳақда тўплаган ҳисоботларни Ҳиндистон генерал губернаторига жўнатишга муваффақ бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки инглиз махфий хизмат ходимларининг Афғонистондаги асосий резиденцияси Ҳирот шаҳри бўлиб ходимларга буйруқлар

[1] Bartold V.V. Works on the history of Islam and the Arab caliphate. - M.: Eastern literature, 2002.— p. 784.
[2] Ibid, p. 789.

асосан шуердан бериларди. Ҳиротдаги бу яширин таризда асос солинган марказга маёр д'Арси Тодд бошчилик қилган[1].

Мустамлакачи Британия бир зум ҳам Афғонистон худудини тадқиқ қилиш ишларини тўхтмади. Улар Афғонистоннинг сиёсий, иқтисодий аҳволини ва қулай бўлган савдо йўлларини топиш мақсадида ўлкани синчковлик билан ўрганиш ишларини мунтазам равишда олиб боришган. Мамлакатда фаолият олиб бораётган Ост-Индия компанияси ходимлари Калкутта ва Лондонга турли хил маълумотлар ва ахборотларни борича етказиб туришган.

Хулоса. Нима учун бу жафокаш халқ уруш ичида яшашга маҳкум? Нима учун тамаддундан орқада қолган бу замин сўнгги икки аср ичида улкан сиёсий кураш майдонига айланиб қолди?

Ер юзининг шундай минтақалари, ҳудудлари борки, улар табиий ва турли-туман қазилма бойликлари билан эмас, айнан географик жойлашуви билан йирик империялар эътиборини ўзига жалб этади. Осиёнинг стратегик муҳим минтақасида жойлашган Афғонистоннинг сиёсий курашлар ва фитналар марказига айланиб қолаётганининг асосий сабаби ҳам шунда. "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир"… Шундай иш кўрсак, Афғонистон ва унинг атрофида (бошқа оловли нуқталарда ҳам) кечаётган геосиёсий ўйинлар моҳиятини ўрганиш осонроқ кечади.

XIX аср бошларида Англия Афғонистонга шунчаки мамлакат сифатида эътибор қаратиб қолмай балки уни Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий остонаси сифатида кўради. Сабаби Британиянинг босқинчилик сиёсати режасида бўлган Эрон ва Марказий Осиё ерларига ҳарбий юришлар олиб борилган тақдирда Афғонистон энг муҳим ҳарбий амалиётларга тайёргарлик кўрадиган майдон сифатида бошланғич нуқта вазифасини бажариши керак эди. Шу сабабли Англия Афғонистонни тадқиқ этиш ва батафсил ўрганиш мақсадида у ерга ўзларининг махфий айғоқчиларини ва ходимларини жўнатади. Масалан улардан М.Эльфинстоун,Ч.Кристи, У.Муркрофт, Требек, Фрезер, Стирлинг, Конолли, Ч.Мессон, А.Бёрнс каби Ост-Индия компаниясининг махфий ходимлари тўплаган маълумотлар узоқ йиллар давомида нафақат Англия балки бошқа империалистик давлатлар учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилди.

Шу тариқа XIX асрнинг ўттизинчи йиллари охирида Британия мустамлакаси Афғонистонга бостириб кириш учун бўлган ҳарбий-сиёсий ва дипломатик тайёргарликни якунлайди. Улар мамлакатдаги ҳар-бир йўлларнинг батафсил чизмаларини, сув йўлларини, хукумат амалдорларини, ҳар қандай манбаларни, ҳудудларнинг сиёсий-иқтисодий шароитларини синчковлик билан ўрганишди.

[1] Rishtiya.S.K. Afghanistan in XIX century. — M.: Foreign literature, 1958. — p. 487.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // ЭКОНОМИКА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // ECONOMY AND INTERNATIONAL RELATIONS

АБДУЛЛАЕВ РАВШАН
иқтисод фанлари доктори, профессор, ТошДШИ

Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида

Аннотация. *Ушбу мақолада жаҳон иқтисодиётида туризм индустриясининг ҳиссаси ва унинг сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланаётгани ҳақидаги маълумотлар асосида мазкур соҳанинг Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда ҳам муҳим роль ўйнаши ва долзарб эканлиги ёритиб берилган. Шу билан бирга Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида туризм индустриясининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган ҳамда унинг миллий иқтисодиётлардаги ўрни, роли ва устувор аҳамияти очиб берилган. Туризм бўйича илғор давлатлар сафида турувчи ва минтақа давлатлари ичида эса пешқадам ҳисобланган Туркия ҳамда бошқа ноараб давлатлардан бўлган Эрон ва Исроилда мазкур соҳанинг ривожига ижобий ёки салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатиб берилган. Мақолада халқаро туризм ҳолатини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар, яъни мамлакатларга ҳар йили ташриф буюрадиган сайёҳлар сони, туризмдан келадиган даромад ва унинг ЯИМ даги ҳиссаси бўйича статистик маълумотлар жадвал шаклида келтирилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги туризм ривожи ушбу соҳадаги жаҳоннинг илғор мамлакатлари кўрсаткичлари билан қиёсланган. Туризм ривожи учун биринчи навбатда, энг муҳим омил – бу мамлакатдаги тинчлик-хотржамлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик эканлиги алоҳида таъкидланган. Шунингдек, туризмни ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятга молик экани ҳамда унинг яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари баён этилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Туризм индустрияси, Жаҳон саёҳат ва туризм Ҳайъати (WTTC), ЯИМ да туризм ҳиссаси, экотуризм, тиббиёт туризми, когнитив туризм, конгресс туризми, зиёрат туризми, овчилик туризми, таълим туризми, шоптур, қишлоқ туризми, циммерами.*

Аннотация. *В данной статье на основе данных, отражающих долю индустрии туризма в мировой экономике, а также её ускоренное развитие в последние годы, обоснованы важная роль и актуальность данной отрасли в развитии экономики Узбекистана. Вместе с этим, сделан анализ нынешнего состояния и тенденций развития индустрии туризма в странах Ближнего и Среднего Востока, а также расскрыты её место, роль и приоритетное значение в национальных экономиках. Показаны факторы, влияющие положительно или отрицательно на развитие данной отрасли в Турции, которая находится на ряду с передовыми странами мира и считается лидером среди стран региона и в других не арабских странах, как Иран и Израиль. В статье приведены в виде таблицы экономические показа-*

тели: статистические данные по количеству туристов, прибывающих в страну, доходу от туризма и доли в ВВП, отражающие состояние международного туризма. Эти данные по развтию туризма в странах Ближнего и Среднего Востока сопоставлены с показателями ведущих по этой отрасли стран мира. Особо отмечено первостепенное значение мира и спокойствия, общественно-политической стабильности в стране. Изложены также важность развития туризма в Узбекистане и его прогнозы на ближайшую перспективу.

Опорные слова и выражения: *индустрия туризма, Мировой Совет по путешествиям и туризму (WTTC), доля туризма в ВВП, экотуризм, медтуризм, когнитивный туризм, конгресс-туризм, паломничество туризм, охотничий туризм, образовательный туризм, шоптуры, сельский туризм, циммерами.*

Abstract. *Based on data reflecting the share of the tourism industry in the world economy, as well as its accelerated development in recent years, this article substantiates the important role and relevance of this industry in the development of the economy of Uzbekistan. Along with this, an analysis is made of the current state and development trends of the tourism industry in the countries of the Near and Middle East, and its place, role and priority importance in national economies are disclosed. Factors are shown which influence positively or negatively on the development of this industry in Turkey, which is among the leading countries of the world and is considered a leader among the countries of the region and other non-Arab countries, like Iran and Israel. In the article, economic indicators, such as statistics on the number of tourists arriving in the country, tourism income and shares in GDP, reflecting the state of international tourism are given in table form. These data on the development of tourism in the countries of the Near and Middle East are compared with the indicators of the leading countries of the industry in the world. The paramount importance of peace and tranquility, social and political stability in the country is especially noted. Also, the importance of tourism development in Uzbekistan and its forecasts for the near future are outlined.*

Keywords and expressions: *Tourism industry, World Travel and Tourism Council, share of tourism in GDP, eco-tourism, medical tourism, cognitive tourism, congress tourism, religious tourism (pilgrimage, ziyarat), hunting tourism, educational tourism, shopping tourism, village tourism.*

Жаҳон иқтисодиётида туризм индустрияси сўнгги йилларда нисбатан жадал суръатларда ривожланаётган соҳалар сирасига киради. Халқаро саёҳат ва туризм Ҳайъати (WTTC) маълумотларига кўра, асримиз бошидан ҳозирги кунга қадар дунё бўйича хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5 фоиздан зиёд бўлса, туризмдан келадиган даромад, яъни валюта тушумлари эса ўртача 14 фоиздан ошиб бормоқда.[1] Жаҳонда туризм аҳамиятининг тобора ортиб бориши, аввало, унинг миллий даромадлардаги улушининг кўпайиши ва бинобарин, унинг иқтисодиётларда устувор аҳамият касб этиши билан изоҳланмоқда.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи

[1] WTTC статистик маълумотлари асосида

бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади. ”Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”.[1] Бундан ташқари, халқаро майдонда когнитив туризм, конгресс туризми, овчилик туризми, таълим туризми, шоптур, қишлоқ туризми каби туризмнинг яна бошқа жозибадор турлари жадал суръатларда оммалашиб бормоқда.

Дунё харитасида каттагина ҳудудни эгаллаган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари(ЯЎШМ) Шимолий Африка, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфазида жойлашган араб давлатлари ҳамда Туркия, Эрон ва Исроил каби ноараб давлатлардан иборат. Ушбу мамлакатларнинг аксарияти нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки туризм нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда жозибадор ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан жозибадорлиги уларнинг аксариятида углеводород қазилма бойликлар захирасининг мавжудлиги бўлса, туристик нуқтаи назардан эса мазкур минтақа мамлакатларининг, деярли, барчаси денгиз соҳилларида жойлашганлиги ва бой тарихий- маданий ёдгорликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мазкур минтақа давлатларида туризм индустриясининг ривожланиши ва ундан келаётган даромадларнинг ортиб бориши мазкур давлатлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, туризм индустриясининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши, янги иш ўринларининг яратилиши, тарихий-маданий ёдгорликларнинг қайта тикланиши ва экологик мувозанатни сақлашга эътиборнинг кучайиши шулар жумласидандир.

Ўзининг бой тарихи, юксак маданияти ва гўзал табиати ила Туркия азалдан сайёҳлар эътиборини қозонган мамлакатдир. Зангори денгиз соҳиллари, яшил ўрмонлар, қорли тоғлар, меҳмоннавоз аҳоли ва бетакрор турк таомлари ушбу мамлакатни тавсифловчи хислатлар сирасига киради. Ёзги таътил оммавий марказларига Анталия, Алания, Мармарис, Бодрум, Фетхие ва Каш киради. Истанбул ва Анталия хорижий туристларни қабул қилувчи асосий шаҳарлардан ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатнинг барча туристик имкониятларини янада кенгроқ тарғиб қилишни назарда тутувчи «Турк туристик секторига янгича нигоҳ» лойиҳаси доирасида янгича инновацион дастурлар қўлланмоқда. Шу билан бир қаторда, Туркия бугунги кунда тиббиёт муассасалари, уларнинг савияси ва даволаш сифати бўйича Европада 4-ўринда туради. Хусусан, пластик хирургия, офтальмология, стоматология ва бошқалар ривожланган. Мамлакатга даволаниш ниятида, ҳатто, Буюк Британия, Франция, Германия,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 28.12.19й.

Бельгия, Голландия, шунингдек, Миср, Ливия ва Сурия каби мамлакатлардан кўплаб мижозлар ташриф буюрмоқда.

ЯЎШМ ичида Туркия давлати мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони ва даромади бўйича пешқадамлик қилиб келмоқда. 2017 йил маълумотларига кўра, Туркия дунё бўйича Франция (86,9 млн. киши), Испания (81,8 млн. к.), АҚШ (76,9 млн. к.), Хитой (60,7 млн. к.), Италия (58,3 млн.к.) дан кейинги 6-ўринда (37,6 млн. к.) туради. Мазкур мамлакатларнинг халқаро туризмдан кўрган даромади, мос равишда, 69,9 млрд., 68,4 млрд., 251,4 млрд., 32,6 млрд., 44,5 млрд. ва 31,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Аслида Туркияга келган сайёҳлар сони бўйича рекорд кўрсаткич – 39,8 млн. киши 2014 йилга тўғри келади. Бироқ, 2015 йилдаги содир этилган терактлар туфайли ушбу кўрсаткич 2016 йилда 23,3% га камайиб, 30,3 млн. кишига тушиб қолди. Мутаносиб равишда, туризм соҳаси 2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 12,2 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилда 11,1 фоизга тушди ва 2016 йилда бирмунча кўтарилиб, 11,6 фоизни ташкил этди. Дунё бўйича халқаро туризм жаҳон ЯИМ ининг 12 фоизини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Туркия давлати иқтисодиётида ҳам туризм устувор соҳа эканлигига амин бўламиз.

Исроилда туризм давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. 2017 йилда мамлакатга 3,6 млн. сайёҳ ташриф буюрган бўлса, ундан келган даромад 7,6 млрд.долларни ва ЯИМдаги ҳиссаси эса 6 фоизни ташкил қилди. Уч денгиз соҳиллари, диний зиёратгоҳлар, даволаниш курортлари ва мўътадил иқлим Исроилдаги туризмнинг жозибадор жиҳатларидандир. Шунингдек, сўнгги пайтларда мамлакатда туризмнинг рекреацион тури (инсон ўзининг жисмоний ва руҳий ҳолатини қайта тиклаши) ҳамда қишлоқ туризми кенг тус олмоқда. Хусусан, шаҳарнинг шовқин - сурони ва оғир ҳавосидан йироқда, тинч ва осуда, мусаффо ҳаводан нафас олган ҳолда, циммерами - қишлоқ уйчаларида тунни ўтказиш нафақат исроилликлар, балки хориждан келган сайёҳлар орасида ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Зиёрат туризми деб ном олган туризмнинг дииний йўналиши Исроилда нисбатан кўпроқ сайёҳларни ўзига жалб қилади. Боиси, мамлакатга ким, қаердан ва қандай иш билан ташриф буюрмасин, уч иброҳимий динлардан бирининг вакили бўлади. Улар албатта, ўз динига мансуб бўлган муқаддас жой ва ибодатхоналарни зиёрат қиладилар. Бундан ташқари, Баҳаи динининг асосчиси бўлмиш Саййид Али Ширози мақбараси ҳам Исроилнинг Хайфа шаҳрида жойлашган. Умуман олганда, мамлакатга туристларнинг 63 фоизи Европадан, 25 фоизи Шимолий ва Жанубий Америка, 18,9 фоизи АҚШ ва 16,8 фоизи Россиядан ташриф буюради. Ҳозирда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6 фоизи, яъни 195 минг киши туризм соҳасида банд.[1]

Минтақанинг яна бир ноараб мамлакати ҳисобланган Эрон ўзининг бой тарихи, меъморий обидалари, мўътадил иқлими, денгиз соҳиллари ва ўзига хос таомлари билан сайёҳларни ўзига чорлайди. Ўтган асрнинг 70 йилларига қадар

[1] Туризм в Израиле/ru.wikipedia.org

туризм Эронда жадал ривожланиб келган. Бироқ, 1979 йилдаги ислом инқилобидан кейин ушбу соҳа инқирозга юз тутди. Шариат талабларига биноан кўплаб тақиқлар сйёҳлар оқимини кескин қисқартирди. Бундан ташқари, туризм ривожига АҚШ нинг узоқ йиллик иқтисодий санкциялари ҳам салбий таъсир кўрсатди[1].

Мазкур муаммоларга қарамай, Эрон йилига 4-5 млн. сайёҳларни, асосан, Туркия, БАА, Саудия Арабистони ва бошқа қўшни давлатлардан қабул қилди. 2017 йил маълумотларига кўра, мамлакатга 4,9 млн. киши ташриф буюрган, туризмдан кўрилган даромад 3,9 млрд. доллар, унинг ЯИМ даги ҳиссаси эса 7,3 фоизни ташкил этган. Ҳозирда сайёҳлик визаси муддати 15 кундан 1 ойгача узайтирилган ва туристларга бошқа кўплаб қулайликлар яратилган[2].

Жадвал 1.

Халқаро туризм бўйича асосий кўрсаткичлар[3]

№	Мамлакат	Йиллар	Туристлар сони, млн киши	Даромад, млрд $	ЯИМдаги улуши, %
1	Франция	2017	86,9	69,9	8,9
2	Испания	2017	81,8	68,4	14,9
3	АҚШ	2017	76,9	251,4	7,7
4	Хитой	2017	60,7	32,6	11,0
5	Италия	2017	58,3	44,5	13,0
6	Туркия	2017	39,8	38,8	12,2
		2016	30,3	26,8	11,1
		2017	37,6	31,9	11,6
7	Саудия Арабистони	2017	16,1	14,8	9,4
8	БАА	2017	15,8	20,0	11,3
9	Баҳрайн	2017	11,4	3,8	9,7
10	Тунис	2018	8,3	1,3	8,0
11	Миср	2010	14,0	14,5	15,2
		2017	8,2	8,6	11,0
12	Марокаш	2017	11,35	9,09	8,3
13	Иордания	2017	3,8	5,54	9,3
14	Эрон	2017	4,9	3,9	7,3
15	Исроил	2017	3,6	7,6	6,0
16	Ўмон	2017	2,4	2,7	6,6
17	Қатар	2017	2,3	15,7	10,0
18	Жазоир	2017	2,2	0,2	6,8
19	Кувайт	2017	0,4	0,64	0,5

[1] 40 лет под санкциями: как живут в Иране // "Вести.Экономика", 5.10.2019

[2] Iran issues 30-day visas for tourists from 180 countries. Ministry of Foreign Affairs of Iran (14 февраля 2016).

[3] Международный туризм knoema.ru маълумотлари асосида тузилган

20	Яман	2015	0,37	0,12	5,2
21	Ўзбекистон	2005	0,3		
		2017	2,7	0,8	2,8
	(прогноз)	2025	7,0	2,0	
	Дунё бўйича (прогноз)	2020	1600,0		12,0

Туризм бўйича халқаро ташкилот WTTC маълумотларига кўра, 2024 йилга келиб, Эронда туризм соҳаси мамлакат ЯИМ и га 8,9 млрд. доллар ҳисса қўшади.

Туризм индустрияси Миср Араб республикаси, Тунис, Марокаш, Иордания ва Бирлашган араб амирликлари (БАА) да иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Умуман олганда, Миср қадимдан 7 мўжизанинг бири бўлмиш – эҳром(пирамида)лари билан жаҳонда маълум ва машҳур. Доимий равишда туризм Миср давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳаси сифатида мамлакатга валюта тушумларини таъминлаб берувчи Сувайш каналидан кейинги 2-асосий манба ҳисобланади.

2017 йилда Мисрга ташриф буюрган сайёҳлар сони – 8,2 млн. киши, ундан келган даромад – 8,6 млрд. доллар ва унинг ЯИМ даги улуши эса 11% ни ташкил этди. Охирги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткич 2014 йилда, мос равишда, 14 млн. киши, 7,9 млрд. доллар ва 9,1% даражасида қайд этилган эди. Бироқ, мамлакатдаги беқарор сиёсий вазият туризм ривожига салбий таъсир ўтказди ва мос равишда, 5,2 млн. киши, 3,3 млрд. доллар ва 7,3% ни ташкил этди[1].

Худди шундай «Араб баҳори» туфайли Иордания ҳам 2 млрд. доллардан зиёд талофат кўрди. 2010 йили ушбу мамлакатга 8 млн. сайёҳ ташриф буюриб, 7,6 млрд. доллар фойда келтирган эди. 2017 йилда мос равишда 3,8 млн. киши ва 5,54 млрд. долларни ташкил этди.

Марокашда туризм жуда яхши ривожланган бўлиб, боиси унинг Шимолий Африкадаги сиёсий жиҳатдан энг барқарор ва тинч мамлакат эканлиги ҳамда Атлантика океани соҳилларида жойлашган мафтункор курортларга эгалигидир. Марокаш ҳукумати 1985 йилда Туризм вазирлигини таъсис этган бўлиб, ўша даврда йилига 1-1,5 млн. сайёҳ Франция, Испаниия, Англия, Германия каби Европа мамлакатларидан келар эди. 2008 йилга келиб сайёҳлар сони 8 млн. кишига етди. Шундан 3,8 млн. киши чет элда истиқомат қилувчи марокашликлар ва 20% дан зиёди эса французлар бўлган ва бундан келган даромад 7,5 млрд. долларни ташкил этган. 2017 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 11,35 млн. киши ва 9,09 млрд. долларни ташкил этди. Мамлакат валюта тушумлари ҳажми бўйича туризм фосфат ўғитлар экспортидан кейинги иккинчи ўринда туради. Мамлакатда «VISIO-2010» туризмни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра яқин келажакда сайёҳлар сонини 10 млн. кишига ва туризмнинг ЯИМ даги улушини 20% га етказиш кўзда тутилган.

[1] https://media.unwto.org/ru/press-release/2011-06-02/turizm-osnovnoi-faktor-vosstanovleniya-ekonomiki-egipta

Тунисга 2018 йилда жами 8,3 млн. сайёҳ ташриф буюрган ва даромади 1,3 млрд.доллар ва ЯИМ даги улуши эса 8% ни ташкил этди. Шуни ёдга олиш жоизки, Бардо музейи ва Суссе отелида терактлардан сўнг, сайёҳлар сони кескин камайиб кетган эди. Бироқ, ҳукумат томонидан хавфсизлик чоралари кўрилгач, 2017-2018 йиллар давомида сайёҳлар сони яна 23% га ошди.

Халқаро туризм Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) иқтисодиётига 2018 йилда 20 млрд. доллар даромад келтирди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 5% га кўпроқ демакдир. Мазкур мамлакатда туризмнинг шопинг, когнитив ва бошқа кўнгилочар турлари нисбатан кўпроқ ривожланган. Халқаро туризм ташкилоти прогнозига кўра эса 2028 йилда ушбу кўрсаткич 29,5 млрд. долларга етар экан. Ҳозирги кунда бу ерда туризмнинг ЯИМ даги улуши – 11,3% ни ташкил этиб, мазкур соҳада 380 минг киши иш билан банд. 2017 йилда Дубайга ташриф буюрган сайёҳлар сони 15,8 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 20 млн. кишига етиши кутилмоқда.

Баҳрайнга 2017 йилда 11,4 млн. сайёҳ келган ва мамлакат бундан 3,836 млрд. доллар даромад кўрган. Бу эса ЯИМ нинг 9,7% га тенг бўлган. Худди шу йили ушбу кўрсаткичлар Қатар давлати бўйича, мос равишда, 2,3 млн. киши, 15,7 млрд. доллар ва 10% ни ташкил этган.

ЯЎШМ да туризм индустрияси ривожидаги тенденциялар таҳлили шундан далолат беради, минтақа бўйича, умуман олганда, халқаро туризм нисбатан жадал суръатлар билан ривожланган. Мазкур соҳанинг асосий индикаторлари сифатида олиб қаралган мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони, ундан келган даромад ва ушбу даромаднинг ЯИМ даги ҳиссаси минтақа мамлакатларида турлича ўзгарган.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий вазият тинч мамлакатларда туризм анча барқарор ривожланган ва сайёҳлар сони муттасил ошиб борган. Бироқ, ижтимоий-сиёсий вазият беқарор ва нотинч давлатларда туризм талофат кўрган. Хусусан, Миср Араб республикаси ва Тунисда рўй берган «араб баҳори» оқибатида сайёҳлар сони кескин камайиб кетган. Шу каби, 2015 йили Туркияда содир этилган терактлар бир йил ичида сайёҳлар сонини, қарийб, чорак бааварга қисқартириб юборди.

Аксинча, Баҳрайн, БАА ва Марокаш каби сиёсий барқарор ва тинч мамлакатларда туризм мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ҳозирда ҳам ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда туризм ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йил 28 декабрида Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасига 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаши вазифаси юклатилди. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 28.12.19й.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари туризм индустриясининг ҳозирги ҳолати ва унинг миллий иқтисодиётларда тутган ўрни ва ролини жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан қиёсий тарзда очиб беришга қаратилган таҳлилларимиз қуйидаги хулосаларни қилишимизга асос бўлади:

Биринчидан, ЯЎШМ аксарият давлатларида (сиёсий нотич давлатлардан ташқари) туризм индустрияси жаҳонда мазкур соҳадаги ривожланиш тенденциялари билан ҳамоҳанг равишда ривожланиб бормоқда.

Иккинчидан, Туркия ва Форс кўрфази араб давлатларида эса туризм дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори суръатларда шиддат билан ривожланмоқда.

Учинчидан, туризм индустрияси минтақанинг аксарият давтлатларида миллий иқтисодиётниинг устувор йўналиши ҳисобланади ва ЯИМ га сезиларли ҳисса қўшади.

Тўртинчидан, ҳукумат томонидан халқаро туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соҳа ривожига ижобий таъсир ўтказади.

Бешинчидан, мамлакатдаги ижтимоий - сиёсий барқарорлик, тинчлик – хотиржамлик ва хавфсизлик туризм ривожи учун бирламчи, энг муҳим омил ҳисобланади.

Олтинчидан, Ўзбекистон учун эса ЯЎШМ лари туризм индустриясини ривожлантириш тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

МУҲАММАДСИДИҚОВ МУҲАММАДОЛИМ
Сиёсий фанлар доктори, ЎХИА

Африка араб давлатларида сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ислом сиёсийлашувига таъсири

Аннотация. *Мақолада сиёсийлашган исломнинг араб давлатларидаги модернизация жараёнларига, ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий жараёнларга таъсир даражаси аниқланди. Беқарорлик ўчоғига айланаётган Африка араб давлатларида рўй бераётган сиёсий воқеликларни, диний муносабатларни тартибга солишнинг илмий асосларини яратиш заруратини ўрганади. Шу нуқтаи назардан Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнларни тадқиқ этилган. Ижтимоий-сиёсий трансформация жараёни минтақадаги Тунис, Миср, Ливия ва Форс кўрфазидаги бошқа мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди.*

Ижтимоий-сиёсий трансформация тўлқини 2010 йил декабрь ойида Тунис ва Жазоир давлатларида бошланиб, "Араб баҳори" воқеалари мураккаб ички вазиятга қаршилик ҳаракати эканлиги, бу ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи ички ва ташқи сабаблар мавжудлигини исботлаш мазкур мақоланинг мақсади ҳисобланади.

Шунингдек, бу ижтимоий ва диний ҳаракатлар натижаси бўлиб Тунис, Миср, Ливиядаги амалдаги режимлар қулаши, Ямандаги ҳокимият элитасидаги ўзгаришлар ва бугунги кунга қадар давом этаётган Суриядаги расмий ҳокимият ва мухолифат ўртасидаги курашни номаълум муддатгача давом этаётганини келтириш мумкин. Агар Тунис, Миср ва Яманда амалдаги режимга қарши намойишлар ички омиллар ижтимоий-иқтисодий инқироз, ҳукмрон элитанинг коррупцияга ботиб кетгани, ҳақиқий демократик эркинликларнинг йўқлиги, этноконфессионал қарама-қаршиликларга асосланган бўлса, Ливия ва Сурияда эса ҳал қилувчи омилни мухолиф кучларнинг ташқаридан қўллаб-қувватланиши ташкил этди.

Бу воқеалар Сомали, Мавритания ва Қомор ороллaридан ташқари барча араб дунёсини қамраб олиб, давлатларнинг кейинги сиёсий тақдирини ўзгартириш билан бирга уларнинг сиёсий тизимлари ва тузимларида янгиланишлар олиб келди.

Араб баҳорининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда Араб баҳори ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари характерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Баҳрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар фақатгина юзаки таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Қувайт, Саудия Арабистони, Уммон каби давлатларни келтириш мумкин.

Бунда минтақадаги ҳар бир давлат ичидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши қўшни давлатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар янада қийин ва ўзаро боғлиқ вазиятни вужудга келтириб, нафақат қўшни минтақалар, балки жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик нисбатини ўзгаришига олиб келади.

Таянч сўз ва иборалар: *“Араб баҳори”, Гаага суди, Араб шарқи, революция, радикал кайфиятдаги ёшлар, коррупция, авторитаризм, конфессия, кланлар, миллий-этник, диний-этник.*

Аннотация. *В статье исследуется степень влияния политизированного ислама на процессы модернизации, геополитики, а также социально-политического развития, в том числе исследуется необходимость создания научной основы для регулирования религиозных отношений в арабских африканских странах, которые стали нестабильности. В этом контексте изучаются политические процессы в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Процессы социальных и политических трансформаций оказал и влияние на политические системы Туниса, Египта, Ливии и других стран Персидского залива.*

Цель этой статьи – продемонстрировать, что волна социально-политических трансформаций, начавшихся в декабре 2010 года в Тунисе и Алжире, под названием «арабская весна» была явлением, вызванным сложной внутренней ситуацией, а также были внутренние и внешние факторы, которые спровоцировали эти события.

Результатом социальных и религиозных волнений также явились свержение правящих режимов в Тунисе, Египте, Ливии, измененияя в правящей элите в Йемена и по сей день продолжающиеся борьба между сирийским правительством и оппозицией. Если демонстрации против режима в Тунисе, Египте и Йемене были основаны на внутреннем социально-экономическом кризисе, коррупции правящей элиты, отсутствии подлинных демократических свобод и этноконфессиональной конфронтации, то ключевым фактором в Ливии и Сирии была поддержка внешних сил.

Эти события охватили весь арабский мир, за исключением Сомали, Мавритании и Коморских островов, и привели к изменению их политических систем, структур, а также политической будущности государств.

Влияние «арабской весны» на Северную Африку и Ближний Восток неодинаково. В результате политических и экономических потрясений "арабской весны" такие страны, как Тунис, Египет, Йемен, Бахрейн, Ливия, Сирия серьезно пострадали. А на Марокко, Иорданию, Ливан, Алжир, Кувейт, Саудовскую Аравию и Оман они оказали лишь поверхностное влияние.

В то же время изменения социально-политической ситуации в каждой из стран региона напрямую влияют на и соседние государства. Недавние события на Ближнем Востоке и в Северной Африке создали более сложную и взаимозависимую ситуацию, что привело к изменениям в отношениях безопасности и стабильности не только в соседних регионах, но и в мире.

Опорные слова и выражения: *Арабская весна, Гаагский суд, арабский Восток, революция, радикальная молодежь, коррупция, авторитаризм, конфессия, кланы, национально-этнический, религиозно-этнический.*

Abstract. *The article examines the degree of influence of political Islam on the processes of modernization, geopolitics, as well as socio-political development, including the need to create a scientific basis for regulating religious relations in Arab African countries, which have become a source of instability. In this context, political processes in North Africa and the Middle East are studied. The processes of social and political transformations have influenced the political systems of Tunisia, Egypt, Libya and other Gulf countries.*

The purpose of this article is to demonstrate that the wave of socio-political transformations that began in December 2010 in Tunisia and Algeria, called the "Arab Spring", was a phenomenon caused by a difficult internal situation, as well as internal and external factors that triggered these events.

Also, the result of social and religious unrest was the overthrow of the ruling regimes in Tunisia, Egypt, Libya. They led to changes in the ruling elite in Yemen and to this day the struggle continues between the Syrian government and the opposition. If the demonstrations against the regime in Tunisia, Egypt and Yemen were based on the internal socio-economic crisis, corruption of the ruling elite, the absence of genuine democratic freedoms and ethno-confessional confrontation, then the support of external forces was a key factor in Libya and Syria.

These events spanned the entire Arab world, with the exception of Somalia, Mauritania and the Comoros, and led to a change in their political systems, structures, as well as the political future of states. The influence of the "Arab spring" on North Africa and the Middle East is not the same. As a result of the political and economic upheavals of the Arab Spring, countries such as Tunisia, Egypt, Yemen, Bahrain, Libya, Syria were seriously affected by them. And on Morocco, Jordan, Lebanon, Algeria, Kuwait, Saudi Arabia and Oman, they had only a superficial influence.

At the same time, changes in the socio-political situation in each of the countries of the region directly affect their neighboring states. Recent events in the Middle East and North Africa have created a more complex and interdependent situation, which has led to changes in the relations of security and stability not only in neighboring regions, but also in the world.

Keywords and expressions: *The Arab Spring, The Hague Court, The Arab East, revolution, radical youth, corruption, authoritarianism, confession, clans, national-ethnic, religious-ethnic.*

Кириш. XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, дунёнинг турли ҳудудларида ислом дини қадриятларининг уйғониши, диннинг жамиятдаги ўрни кучайиши билан бирга исломга боғлиқ мутлақо янги хавф-хатарлар шаклланмоқда. Қуръон ва ҳадислардаги кўрсатмалар, исломий дунёқараш ва урф-одатларни бузиб кўрсатиш ҳамда динни терроризм, экстремизм билан асоссиз боғлаш исломофобия ривожига таъсир қилаётган омиллардандир. Бу эса турли минтақаларда сиёсий, диний ва бошқа ижтимоий жараёнларнинг кескинлашувига ҳамда диний конфессиялараро зиддиятларнинг авж олиши минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид туғдирмоқда. Бундай хавф-хатарларнинг таҳдиди уларнинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, истиқболини, олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш заруратини янада оширмоқда.

Мақсад ва вазифа: Бугунги кунда араб ва мусулмон жамиятларининг нисбатан барқарор ривожланишида, ислом цивилизацияси ва араб давлатлари жойлашган минтақалардаги сиёсий муносабатларда, хусусан, Африка араб давлатларидаги замонавий модернизация жараёнларида сиёсийлашган ислом таъсир даражасини аниқлаш давр талабидир. Шу нуқтаи назардан, сиёсий ислом ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий жараёнларга жалб этилган, беқарорлик ўчоғига айланаётган Африка араб давлатларида рўй бераётган сиёсий воқеликларни чуқур таҳлил этиш, диний муносабатларни тартибга солишнинг илмий асосларини яратиш зарурати пайдо бўлди. Шу нуқтаи назардан Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки биринчи оммавий норозиликлар тўлқини 2010 йил декабрь ойида Тунис ва Жазоир давлатларида бошланди. Россиялик тадқиқотчи Н.А.Комлева: “Араб баҳори” деб 2011 йил баҳорида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисига айтиш мумкин”[1] деб фикр билдиради. Албатта, “Араб баҳори” воқеалари мураккаб ички вазиятга қаршилик ҳаракати эди, лекин бу ҳодисаларда албатта, ташқи сабаб ва оқибатлар ҳам мавжуд.

Бу ижтимоий ва диний ҳаракатлар натижаси бўлиб Тунис, Миср, Ливиядаги амалдаги режимлар қулаши, Ямандаги ҳокимият элитасидаги ўзгаришлар ва бугунги кунга қадар давом этаётган Суриядаги расмий ҳокимият ва мухолифат ўртасидаги курашни келтириш мумкин. Агар Тунис, Миср ва Яманда амалдаги режимга қарши намойишлар ички омиллар ижтимоий-иқтисодий инқироз, ҳукмрон элитанинг коррупцияга ботиб кетгани, ҳақиқий демократик эркинликларнинг йўқлиги, этноконфессионал қарама-қаршиликларга асосланган бўлса, Ливия ва Сурияда (юқорида айтиб ўтилган муаммолар бўлса ҳам) эса ҳал қилувчи омилни мухолиф кучларнинг ташқаридан

[1] Комлева Н.А. Арабская весна: геополитеский аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html (дата обращения: 14.03.2014) [Komleva N.A. Arab Spring: The Geopolitical Aspect]

қўллаб-қувватланиши ташкил этди[1]. Бу воқеалар Сомали, Мавритания ва Қомор оролларидан ташқари барча араб дунёсини қамраб олиб, давлатларнинг кейинги сиёсий тақдирини ўзгартириш билан бирга уларнинг сиёсий тизимлари ва тузимларида янгиланишлар олиб келди.

Усуллар: илмий мақолани ёзишда назарий-методологик, тарихийлик ва холислик, статистик таҳлил ва тизимлаштириш тамойиллари, шунингдек, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза: Араб баҳорининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда Араб баҳори ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари характерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Баҳрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар фақатгина юзаки таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Қувайт, Саудия Арабистони, Уммон каби давлатларни келтириш мумкин[2]. Юқорида қайд этилган биринчи гуруҳ давлатларида “демократизация тўлқини” сиёсий режимлар ағдарилишига олиб келди ва Тунисда З.Бен Али, Мисрда Ҳ.Муборак, Ливияда М.Каддафи режими қулади ва ниҳоят 2019 йил 11 апрель куни мамлакат армияси исён кўтариши оқибатида 1989 йилда айнан ҳарбий тўнтариш ортидан ҳокимиятга келган ва мамлакатни 30 йил бошқарган Судан президенти Умар ал-Башир ҳокимиятдан ағдарилди.

Мазкур масалани тадқиқ этганимизда бу жараёнда Тунис, Миср ва Ливиядаги мамлакат ичкарисидаги элиталар ўртасидаги можароларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз. Тунис мисолида давлат армияси ва махсус хизматлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар алоҳида аҳамият касб этган бўлса, президент Бен Али махсус хизматларга таяниб қолиши натижасида армия ва ҳарбий кучлар мамлакатдаги ғалаёнларни бостиришда ҳукумат тарафидан фаолият юритмади. Тунис махсус хизматларида фаолият юритадиган ишчилар сони армиядан 4 баробар кўпчиликни ташкил этгани, ларзалар пайтида армия генералларининг ҳокимиятга чиқиши учун намойишларни қўллашига туртки бўлди.

Миср мисолида ҳам армия олий мансабдор шахслари ва Президент Ҳусни Муборакнинг тунғич ўғли Жамол Муборак ўртасидаги можаро Ж.Муборак президентликка номзодини илгари суриш ниятини билдирганидан

[1] Долгов Б.В Арабская весна: итоги и перспективы // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: http://www.perspektivy.info/book/arabskaja_vesna_itogi_i_perspektivy_2012-04-%20http://voprosik.net/arabskaya-vesna-i-resursnaya-politika (дата обращения: 25.03.2014) [Dolgov B.V. Arab spring: results and prospects] Electronic resource

[2] Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. - М.: Новый взгляд, 2013. - С. 1448. [Isaev L.M. Factors of destabilization of the Arab Republican regimes during the Arab Spring. // Sociology of global processes, transformation and development. - M .: Noviy vzglyad, 2013 .-- C. 1448.]

бошлаб авж олди. 1952 йил революциясидан бери ҳокимият тепасида турган ҳарбийлар [1] армия билан қаттиқ боғлиқ бўлмаган Ж.Муборак ҳокимият тепасига келишини истамаслиги аниқ эди [2]. Бу ўз навбатида ҳарбий генералитет ва парламент ва ҳукуматда кенг ваколатларга эга ўринларни эгаллаган Ж.Муборак ҳамфикрлари ўртасида низони вужудга келтирди.

Ливиядаги сиёсий жараёнларда юз берган ҳолат юқоридаги икки ҳолатни такрорлади. Агар, Тунис ва Мисрда элита ичидаги низолар бир текисликда амалга ошган бўлса, Ливияда бу низолар қабилавий низолар билан аралаш ҳолда кечди. Аввалдан бир бирига қарши бўлган Триполитания ва Киренакия[3] қабилалари, Триполитаниядан чиққан М.Каддафининг 40 йилдан ортиқ ҳокимият тепасида туришини қабул қила олмади. Ливиянинг нефть ресурсларига энг бой ҳудудлари шарқда, яъни Киренакия ҳудудларида жойлашгани вазиятни янада оғирлаштирди. Ташқи душман образи олдида бирлашган Триполитания, Киренакия ва Феццана қабилалари "жамаҳирия" тузиш ҳақидаги мафкуралар билан М.Каддафи қўл остида бирлашган эди. Лекин, ўн йилликлар давомида ҳеч қандай янгиланишларсиз турган режим ўзининг нўноқлигини кўрсатди. Ливия амадаги режими жуда тез суръатларда қулади, барча структуралар бирин кетин исёнчилар қўлига ўта бошлади. 2011 йил баҳорига келиб М.Каддафи режимини фақат унинг қабиладошлари қўллаётган эди.

Жазоир, Ливан, Судан каби Араб республикалари сўнгги гуруҳи мамлакатларидаги кучли ижтимоий-сиёсий ларзаларга қарамай иммунитет ишлаб чиқди. Бу давлатларда норозиликлар фақат вақти вақти билан такрорланадиган тусга кириб, сиёсий тизим ўзгаришига эмас, унинг салгина замонавий реалияларга кўникишига олиб келди. Масалан, Жазоирдаги ижтимоий-сиёсий ларзалар ижтимоий-иқтисодий муаммоларга асосланган эди. Бу ҳодисалар қўшни Тунис ва Мисрдаги кўтарилишлар занжири сифатида эмас,

[1] 1952 йилдан бери МАР сиёсий ҳокимияти тепасида фақатгина ҳарбийдан чиққан президентлар турган: М.Нажиб, Ж.Абдул Носир, А.Садаат, Ҳ.Муборак.

[2] Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. - М.: Новый взгляд, 2013. - С.1469. [Isaev L.M. Factors of destabilization of the Arab Republican regimes during the Arab Spring. // Sociology of global processes, transformation and development. - M .: Noviy vzglyad, 2013 .-- C. 1469.]

[3] Ливиядаги вазиятни кенгроқ тушуниш учун айтиш мумкинки, тарихдан мамлакатни учта минтақа бирлаштирган. Биринчиси, Киренакия – мамлакатнинг шарқий қисми бўлиб, унинг маркази Бенғози шаҳри, иккинчиси, Триполитания – маркази Триполи шаҳри бўлган мамлакатнинг ғарбий қисми, учинчиси, Феццан – мамлакатнинг жанубидаги кўчманчи қабилалардан иборат бўлган ҳудуд. Ливия 1951 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритганида барча минтақалар пойтахт Бенғозида бирлашишди. 1969 йилда ҳарбий тўнтариш натижасида М.Каддафийнинг ҳокимиятга келиши натижасида пойтахт Триполига кўчириш билан бирга нефтдан келадиган даромадни ҳам пойтахт Триполи фойдасига ҳал этди. М.Каддафийнинг бу қароридан Бенғозийликлар норози бўлишган эди. Чунки Ливиянинг нефть захираларининг асосий қисми Шарқда жойлашган. Шу сабабли, 2011 йилдаги М.Каддафийга қарши инқилоб ҳам айнан Бенғози шаҳридан бошланди.

мамлакатда маҳсулотлар нархининг ошиши билан боғлиқ эди. 2011 йил январь ойида ўтказилган намойишларда намойишчилар сиёсий талаблар билан эмас, ишсизлик, нархларнинг ошиши, паст ойлик иш ҳақлари, юқори инфляция кўрсаткичлари, солиқларнинг кўтарилиши каби ижтимоий муаммоларни олиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам кўзғалонларнинг биринчи ойида Жазоир ҳукумати айнан иқтисодий муаммоларни ҳал этишга киришди.

Араб баҳори даврида аввалдан ижтимоий-иқтисодий талаблар кўтарилиб чиқилган давлатларда фуқароларнинг ўзини-ўзи ёқиш ҳолатлари кузатилди: Тунис (Муҳаммад Буазизий), Миср (Абдул Мунъим Камол), Яман (Ф.Султон). Қўзғалончилар фақат сиёсий талаблар билан чиққан мамлакатларда эса бундай ўз-ўзини ёқиш ҳолатлари кузатилмаган.

Бироқ, ижтимоий-сиёсий трансформация жараёни минтақадаги бошқа мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, Жазоир мухолиф кучлари Мисрдаги ғалаёнлардан руҳланиб, сиёсий талабларни қўя бошлади. Лекин, Жазоирда амалдаги сиёсий режим сақланиб қолишига асосий сабаб этиб қўшни мамлакатлардагидек президент А.Бутафлиқанинг жуда узоқ муддат давомида ҳокимият тепасида бўлмагани сабаб бўлди. Иккинчидан, Жазоир жамияти 1990 йилларда урушни бошидан кечиргани ва жамият учун тубдан ўзгаришлар эмас барқарорлик муҳимлиги билан ифодаланади. Учинчи, яна бир муҳим жиҳат Жазоир сиёсий ҳаётида исломчи партиялар асосий ўрин эгаллаганидадир.

Судандаги инқилоб мамлакатда 2018 йил 19 декабрдан бери давом этаётган, 30га яқин шаҳарни қамраб олган кўп минг кишилик норозилик намойишлари вақтида рўй берди. Оммавий акциялар дастлаб нон ва бошқа озиқ-овқат турлари нархини пасайтиришга қаратилган эди, кейинроқ эса намойишчилар президент истеъфосини ҳам талаб қила бошладилар. Бу эса кучишлатар тузилмалар билан тўқнашувларни кучайтирди, улар аҳолига қарши кўздан ёш оқизувчи газ, дубинка ва ўқотар қуроллар қўллай бошладилар – тахминан 50 киши қурбон бўлди. Бу тўқнашувларда армия аҳоли тарафда туриб, намойишчиларни ҳимоя қилди. Кейинроқ Ички ишлар вазирлиги намойишларни бостиришда қатнашмаслигини маълум қилиб, тарқалиб кетди[1].

2019 йил февраль ойига келиб, ал-Башир мамлакатда 20 йил ичида илк марта фавқулодда ҳолат жорий қилишга мажбур бўлди. Инқироздан чиқиш учун юқори мартабали қатор мулозимлар, жумладан барча провинциялар раҳбарлари алмаштирилди. Президент тартибсизликларда мамлакат ғарбидаги Дарфур вилоятида жойлашган қуролли мухолифатни айблаб, халққа мурожаат билан чиқиш қилди. Аммо бу чоралар уни қутқариб қола олгани йўқ.

Маълумотларга кўра, инқилобдан сўнг дарҳол барча сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилган. Шу билан бирга, ҳарбий кенгашнинг сиёсий қўми-

[1] Суданда давлат тўнтариши: Африкада энг узоқ ҳукм сурган диктаторнинг ағдарилиши тафсилотлари https://kun.uz/news/2019/04/13/sudanda-davlat-tontarishi-afrikada-eng-uzoq-hukm-surgan-diktatorning-agdarilishi-tafsilotlari [Sudanese coup: details of the longest dictatorship in Africa]

таси раиси Умар Зейннинг маълум қилишича, собиқ президент Умар ал-Башир Халқаро жиноий судга топширилмайди – у Суданда суд қилинади.

Зеро, Гаагадаги Халқаро жиноий суд 2009 йилда ал-Баширни қўлга олишга ордер берган эди. Умар ал-Башир Дарфур вилоятидаги ҳарбий можарони ваҳшийларча бостириб, тинч аҳолини ўққа тутишга шахсан ўзи буйруқ берганликда айбланади. Айбловнинг 7 та бандидан 5 таси инсониятга қарши жиноятларга, 2 таси эса ҳарбий жиноятларга алоқадор[1].

Таъкидлаш керакки, Суданнинг табиий бойликларга бой ғарбий вилояти – Дарфурда 2003 йилда бошланган ҳарбий можаро инсоният тарихидаги энг даҳшатли геноцидлардан бирига олиб келган. БМТ маълумотларига кўра, этник ва сиёсий тўқнашув натижасида 300 мингга яқин инсон қурбон бўлган. Бошқа ҳисоб-китобларга кўра, ҳалок бўлганлар сони 178258 нафардан 461520 нафаргачани ташкил этади. Ушбу низо давоми сифатида Чадда иккинчи фуқаролик уруши бошланган, 2011 йилда мустақил Жанубий Судан давлати ташкил топганди.

2009 йилда Гаага суди ордеридан кейин ўтган ўн йил давомида ал-Башир фақатгина уни судга топширмасликка кафолат берган давлатларгагина сафар қилган[2].

Шимолий Африка давлатлари бошидан кечирган ва кечираётган трансформациялар ҳар бир давлатнинг ўзига хослиги, яъни ушбу давлатларнинг миллий ва давлат қурилишининг қайси босқичини бошдан кечираётганига қараб турли ўзгаришларни келтириб чиқарди:

- демократлашув жараёни – Тунис ва Миср каби давлатлар сиёсий тизимларида янги элементлар пайдо бўлиши, амалдаги режим ағдарилиши ва конституциявий ўзгаришларнинг жорий этилиши;

- либерал-демократик ислоҳотларнинг жадаллашуви жараёни – Марокаш ва Иордания каби давлатлар ва бошқа республика тизимлари учун кучли ларзаларсиз, лекин амалий натижаларга олиб келувчи ислоҳотларнинг амалга оширилиши;

- секин либераллашув жараёни - Форс кўрфази монархиялари учун амалдаги ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда, либерализация элементларини жорий этилиши;

- сиёсий тарқоқлик (парчаланиш) ёки ярим тарқоқлик (ярим парчаланиш) жараёни – Ливия, Яман, Сурия каби давлатлар учун вазиятнинг оғирлашуви ва мамлакат сиёсий истиқболини белгилашда ноаниқлик даври. Бу даврда

[1] Суданда давлат тўнтариши: Африкада энг узоқ ҳукм сурган диктаторнинг ағдарилиши тафсилотлари https://kun.uz/news/2019/04/13/sudanda-davlat-tontarishi-afrikada-eng-uzoq-hukm-surgan-diktatorning-agdarilishi-tafsilotlari [Sudanese coup: details of the longest dictatorship in Africa]

[2] Суданда давлат тўнтариши: Африкада энг узоқ ҳукм сурган диктаторнинг ағдарилиши тафсилотлари https://kun.uz/news/2019/04/13/sudanda-davlat-tontarishi-afrikada-eng-uzoq-hukm-surgan-diktatorning-agdarilishi-tafsilotlari [Sudanese coup: details of the longest dictatorship in Africa]

ушбу мамлакатлар сиёсий истиқболини белгилашда минтақавий гегемонлар (САП, Туркия, Эрон) ва дунёда этакчи давлатлар (Россия, ХХР, АҚШ, Франция)-нинг минтақада шакллантирадиган кучлар мувозанати муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда минтақадаги ҳар бир давлат ичидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши қўшни давлатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар янада қийин ва ўзаро боғлиқ вазиятни вужудга келтириб, нафақат қўшни минтақалар, балки жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик нисбатини ўзгаришига олиб келади.

Африка араб давлатларида юз берган ва ҳанузгача давом этаётган сиёсий ўзгаришларнинг туб асосини ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг оғирлиги билан боғлайдилар. Жаҳон матбуотида аксарият ҳолларда, одатдагидек, 2011 йилдаги Миср революцияси иқтисодий турғунлик, тенгсизлик, камтаъминланганлик, коррупция, ишсизлик, озиқ-овқат танқислиги муаммоси ва бошқа омиллар туфайли юзага келгани уқтирилади. Аммо, расмий маълумотларга қарайдиган бўлсак, манзара батамом бошқача эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, ялпи ички маҳсулот 1981-2011 йилларда 4.5 баробар ортди, айниқса, 2004 йил бошланган иқтисодий ислоҳотлардан сўнг суръат юқори бўлди. Ишсизлик 8% атрофида, 2010 йилдан янада пасая бошлаганди. Миср мамлакатдаги коррупция даражаси бўйича дунёда 178 давлат ичида 98 ўринни эгаллаган. Шунингдек, мамлакатда ишсизлик даражаси 9% ни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич АҚШ да 9,6%, Францияда 9,3%, Испанияда 20%, Покистонда эса 15,4% ни ташкил этган. Мисрни бу масалада ўрта миёна давлат дейиш мумкин, ҳар ҳолда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари жумладан, Россия Федерациясидан паст кўрсаткичга эга эди. Агар революцияга фақат коррупция сабаб бўлади деган фикрда бўлганимизда Осиё, Африка ва Шарқий Европадаги барча давлатларда инқилоб юз бериши керак эди. Тенгсизлик масаласида 145 давлат ичида Миср 120 ўринда келарди, яъни 119 давлатда, жумладан, Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Россияда кўрсаткич бундан бироз юқори ва 23 давлатда бундан паст. Албатта, Мисрни бу борада Скандинавия давлатларига тенглаштириб бўлмайди. Камбағаллик бўйича, тўғри, 40% мисрликлар кунига 2 АҚШ долларидан оз маблағга кун кечирардилар. Аммо халқаро мезонда аҳолининг кунига 1.25 АҚШ долларга яшайдиган қисми энг кам таъминланган ҳисобланади. Бу борада Миср кўрсаткичи анча юқори. Айтиш мумкинки, Ҳ.Муборак бу муаммони ҳал қилишга эришган эди[1].

Шунингдек, ижтимоий соҳадаги эришилган баъзи ижобий ютуқлар ҳам салбий роль ўйнаши мумкинлиги ўз исботини топди. Масалан, Ҳ.Муборак даврида Мисрда ўлим, айниқса, болалар ўлими кескин пасайди. Айтиш мумкинки, 1990 йилдан бошлаб ишсизлик даражаси ўзгармай қолган бўлса,

[1] Коротаев А.В., Зинькина Ю.В. Египетская революция 2011г. Структурно-демографический анализ. «Полис». Экстратект. 2011. Выпуск 1. [Korotaev AV, Zinkina Yu.V. The Egyptian Revolution 2011g. Structural and demographic analysis. “Police”. Extraterrestrial. 2011. №1.]

улар орасида ёшларнинг нисбати икки баробар ортди, хусусан, 20-24 ёшликлар ва улар умумий 2.5 млн. ишсизнинг 1 млн. дан ортиғини ташкил қилди. Яна бир маълумот: ишсиз ёшларнинг 43% олий маълумотликлар эди[1]. Демак, революциянинг асосий кучини олий маълумотли ишсизлар ташкил қилган.

Юқоридаги фикрлардан аниқ айтиш мумкинки, Миср халқаро муносабатларнинг актив иштирокчиси, мамлакат ичида барқарор вазиятни ушлаб турган, иқтисодий кўрсаткичлари доимий ўсиб борган давлат эди. Миср сиёсий тузуми трансформациясини вужудга келтирган тўғридан-тўғри(очиқ) ва яширин(латент) сабаблар мавжуд.

Биринчи гуруҳ, албатта, мамлакат беқарорлигига олиб келган очиқ ёки тўғридан-тўғри сабаблардир. Араб шарқида революциялар радикал кайфиятдаги ёшлар томонидан ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали ташкил этилгани Миср учун ҳам таъллуқлидир. Дунёда кетаётган демократлашув ва либераллашув жараёнларини кузатган Миср ёшларида ўз атроф-муҳитидан норозилик вужудга келди. Мамлакатда янги информацион ва коммуникацион технологиялар кенг омма томонидан фойдаланишнинг бошланиши бу тармоқнинг ҳокимият назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Масалан, 2005 йилга келиб Мисрда 180 000 та блоглар ишлар эди, яъни бу тармоқлар араб тилидаги барча тармоқларнинг 40% ни ташкил этди[2]. Ёш блоггерлар томонидан турли намойишларга оммани жалб этиш айнан норасмий ОАВ орқали амалга оширилди. Youtube ва Facebook сайтларида мисрлик ёшлар мамлакат сиёсий келажагига бефарқ бўлмаслик ва янги ҳокимият шаклланишида актив иштирок этишга чиқирдилар. Яқин Шарқ ва Африка араб давлатларида, шу жумладан Мисрда 1985-1990 йилларда туғилиш суръатларининг ортиши ва революциялар даврига келиб аҳоли демографик структурасида ёшлар улушининг кўпайиши бу оммавий ҳаракатларда ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминлади.

Мисрда оммавий намойишлар турли хил нуқталардан эмас, “Мусулмон биродарлар” ёшлар қанотининг уюшган ташкиллаштирувлари орқали амалга ошди. Мисрда бўлиб ўтган революциянинг биринчи кунларидан бошлаб унинг яқин келажакдаги сиёсий истиқболи аён бўла бошлади, яъни ҳокимиятга “Мусулмон биродар”нинг тўғридан-тўғри даъволари мавжуд эди. Ҳ.Муборак режими ағдарилгандан сўнг революцияларни бошдан кечирган ҳеч қайси бошқа араб давлатида “Мусулмон биродарлар” чалик ҳокимиятга эришишга яқин ва омма орасида кучли қўллаб-қувватланадиган уюшма йўқ эди.

Очиқ сабаблардан яна бири бу Ҳ.Муборак томонидан мамлакатда 1981 йилдан бери фавқулотда ҳолат жорий этилганидир. Мамлакат аҳолиси

[1] www.campas.gov.eg,/news.aspx?nid=491

[2] Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. / Под ред Курягина. С.-М.: МОФ ЭТЦ, 2011. - С.178. [The tsunami of politics. Analitics in the North Africa and in the Middle East Edited by Kuryagin].

30 йилдан ортиқ вақт давомида ярим уруш ҳолатида яшаган, шунингдек, амалдаги ҳокимият томонидан 2007 йилда Конституцияга ўзгартириш киритиш орқали мамлакатда диний негиздаги партиялар фаолиятининг тақиқланиши мамлакат аҳолисида тушкунлик кайфияти ва ҳукмрон табақага нисбатан ишончсизликни уйғотди. Мамлакатдаги ғоявий-сиёсий муҳит устидан бюрократик назорат, нафақат сиёсий, балки маданий ҳаётга ҳам турғунликни вужудга келтирди[1]. Мамлакатдаги доимий босим аҳолининг сайловларда қатнашиш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, 2005 йил парламент сайловларида мамлакат аҳолисининг фақатгина 28% и, президентлик сайловларида эса 24% и иштирок этди[2]. Бу кўрсаткичлар нафақат мамлакат аҳолисининг сиёсий ҳаётда пассив иштирокидан, шунингдек, аҳолининг деярли барча қатламларида амалдаги режимга қарши норозилик шаклланаётгани ва бу норозилик бир кун келиб юзага чиқишини исботлади.

Юқорида келтирилган оғир вазият 2008-2009 йилларда кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан ёмонлашди. Мисрнинг диверсификациялашган иқтисоди ҳам иқтисодий кўрсаткичлар пасайишидан азият чекди. Масалан, дунёда дон маҳсулотларига талабнинг камайиши (минтақа дон маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллайди), туристик оқимларнинг кескин камайиши, мамлакат ичида ва ташқарисида ноқонуний ишчи-иммигрантлар сонининг ортиши ва иқтисодиётга миллий ва хорижий инвестицияларнинг кам кириши мамлакатдаги вазиятни янада оғирлаштирди. Шунингдек, низолар жамият ва ҳукумат орасидагина эмас, амалдаги ҳукмрон табақа ва иқтисодий манфаат гуруҳлари ўртасидаги ихтилофларни вужудга келтирди.

Келтириб ўтилган очиқ сабабларга туртки берган ва уларни оммавий норозиликлар ва режимни қулатишгача олиб келган ёпиқ сабаблар очиқ сабабларнинг давоми уларни қўзғатувчи куч сифатида намоён бўлган. Масалан, мисрлик ёшларни оммавий намойишларга интернет ва норасмий ижтимоий тармоқларда амалдаги тузумга қарши чорлаган фақат мисрлик ёшларнинг ўзи эмас эди. Googleнинг Яқин Шарқ бўлими топ-менежери Воил Ғаним Ғарб ОАВларига берган интевьюсида Facebook ижтимоий тармоғида “Муборак режимига қарши” саҳифасини юритгани ва бундан асосий мақсад Ҳ.Муборак режимини ағдариш бўлганини айтган[3].

Шимолий Африка араб давлатларидаги аҳолини шартли равишда 4 қатламга ажратадиган бўлсак, биринчи қатлам бу – давлат раҳбари ва унинг атрофидагилардан ташкил топган сиёсий ҳокимият вакиллари, иккинчи қатлам-мамлакатда тинчликни сақлаб турувчи кучлар, яъни ҳарбийлар, учинчи қатлам-мамлакатнинг европалашган қисми, тўртинчи қатлам-мамлакатнинг

[1] Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. / Под ред Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.- 2011. - С.178.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша асар, Б.117.

қуйи қисмлари яъни консерватив фикрли кишилар. Рангли инқилоблар юз берган Тунис, Миср, Ливия ва Сурияда сиёсий ҳокимият ва президент хавфсизлигини таъминловчи энг муҳим қатлам бу албатта, иккинчи ҳарбийлар қатлами эди. Бу қатлам ҳар қандай халқ қўзғалонини ёки оммавий тартибсизликларни бостириши керак бўлган структура бўлиб, Араб давлатлари замонавий тарихида бу қатламни сиёсатда ўрни катта бўлган. Лекин, аксар араб мамлакатларининг коррупцияга ботиши натижасида бу қатламнинг ташқи таъсирга учраши осонлашиб кетди, яъни коррупциядан келган даромадни мамлакат ташқарисида оффшор зоналарда сақлаш ва яшириш керак эди. Барча оффшор зоналар ва халқаро банкларнинг ғарбда жойлашганини инобатга олиб маълумотлардан осонлик билан эгаларига қарши фойдаланилгани ҳақида айтиш мумкин. Минтақа давлатларидаги мавжуд мухолифат ҳам ҳарбийлар қаршилигини қайтаришда хориждаги структуралардан ёрдам сўраган[1]. Тунис ва Мисрда ҳарбийларнинг режимни ҳимоя қилиб мухолифатга қарши курашни эмас, мамлакатдаги тартибсизликларда амалдаги ҳокимиятга қарши иштирок этиши юқорида қайд этилган очиқ сабабларнинг ёпиқ сабаблар билан боғланиб кетганини кўрсатади.

Яна бир шундай боғлиқликни “Мусулмон бирадарлар” мисолида кўриш мумкин. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали Миср аҳолисининг катта қисми ларзага келди. Лекин, бундай замонавий технологиялар мамлакатнинг консерватив қисмига таъсир қилиши қийин эди. Шу мақсадда энди бошқа механизмлардан фойдаланилди. “Мусулмон бирадарлар” Мисрнинг энг консерватив кайфиятдаги қисмини амалдаги тузумга қарши қўя бошлади. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, дунёвий режимдаги Муборак режими қулаб ўрнига фундаменталистик қарашли “Мусулмон бирадарлар” ҳокимият тепасига келди.

Африка араб давлатлари хусусан Тунис ва Миср сиёсий режимлари трансформациясини вужудга келтирган яширин сабаблар эса минтақани демократлаштириш ғоялари билан боғлиқ. Бу минтақада демократлашув масалаларини НАТО, ЕИ, АҚШ каби ташқи ўйинчилар ўз ташқи сиёсий фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида қараган. Лекин, минтақани демократлаштириш минтақадаги кучли авторитар тузумли давлатлардаги қаршилик ҳисобига қийинлашган. АҚШнинг “Катта Яқин Шарқ” лойиҳаси ҳам деярли барча араб давлатлари раҳбарлари қаршилигига учраган. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози минтақада демократлашув жараёнларини доимий молиялаштириб турилишини қисқартирди. Хусусан, Мисрда мавжуд бўлган амалдаги ҳокимият ва ҳарбийлар уюшқоқлиги демократияни ташқаридан олиб кириш имкониятини яратмаган. Араб демократлашуви тўлқинлари аҳолининг энг қуйи қисмларидан бошланиб, энг юқори қисмларигача қамраб олинди. Шунинг учун ҳам, араб қўзғолонларида

[1] Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. / Под ред Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.- 2011. - С.117.

асосий талаблардан бири бу авторитаризмга қарши кураш, демократия ва инсон ҳуқуқлари бўлди. Энди асосий эътибор минтақа мамлакатларини ичкаридан кўтарилишига замин яратишга қаратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳаракат 6 апрель воқеаларидан сўнг оммавий сиёсий бўйсунмаслик ва режимни ағдариш ҳаракатига айланди. Шимолий Африка ва Яқин Шарқда демократлашув жараёнлари ҳам ички ҳам ташқи тайёргарлик ва комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, бу ўзгаришлар Мисрда аввалги режим даврида сиёсий мухолифат мақомига эга бўлган кучларни ҳокимиятга яқинлашишига ёрдам берди.

2014 йилнинг 25 май куни бўлиб ўтган президентлик сайловларида Абдул Фаттоҳ ас-Сисий ғалаба қозонди. А.Ф. ас-Сисий 2018 йилнинг 26-28 март кунлари бўлиб ўтган президентлик сайловларида ҳам 97,08% овоз олиб ғалаба қозонди. Шунингде, 2014 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳам А.Ф. ас-Сисийни қўллаб-қувватлаётган сиёсий партиялар мамлакат парламентининг икки палатасида депутатлик ўринларининг аксариятини қўлга киритдилар. Шундай қилиб президентлик, парламент ва маҳаллий сайловларда ҳарбий генералитетнинг мутлақ устунлиги таъминланиши эҳтимоли юқори эканлиги исботланди.

Президент А.Сисининг ички сиёсати авторитаризм элементларисиз бўлиши мумкин эмас[1]. Фақат масала ҳокимиятга эришган ҳарбийларнинг авторитаризми демократия элементлари билан биргаликда амалга оширишидадир. Масалан, унчалик кучли бўлмаган мухолифатни шакллантириш, ОАВ эркинлиги ва сиёсий диссидентларни қамоқдан озод қилиш ва бошқ.

Бугунги кунга келиб эса мамлакатнинг олий ҳарбий элитаси мамлакат ичидаги вазиятни тўлалигича қўлига олди ва уни назоратини амалга оширяпти. Мамлакатнинг бугунги сиёсий ҳолати революциялар бошланган даврдаги ҳолатидан анча ёмон бўлса ҳам янги ҳокимият мамлакат ичкарисида ўз қудратини мустаҳкамлаб, пишиқ позицияга эга бўлиб бормоқда[2].

Ҳатто, бугунги кунда ҳам МАР армияси Яқин Шарқ минтақасидаги энг яхши тайёргарликка эга кучли армиялардан ҳисобланади. Миср армиясини позициясини янада мустаҳкамловчи омил бу уларга мамлакат ичида қарши тура оладиган куч “Мусулмон биродарлар”нинг бугунги кунга келиб ҳокимиятдан узоқлаштирилгани ва уларга четдан келадиган молиявий ёрдамнинг кескин қисқариб кетганидадир. Бугунги кунда “Мусулмон биродарлар”нинг Миср армияси билан сиёсий курашга на объектив на субъектив имко-

[1] Агаджанян М. Предвыборный Египет: фактор Москвы против подмоченного лидерства США в ближневосточной игре // [Электронный ресурс]- http://www.regnum.ru/news/polit/1798655.html#ixzz31sCdjTVm - (дата обращения: 05.05.2014) [Agadzhanyan M. Pre-election Egypt: Moscow factor versus tarnished US leadership in the Middle East game]

[2] Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- http://itar-tass.com/opinions/1936 - (дата обращения: 05.05.2014) [Murid Ale. Key to the East: The Thermidorian Coup in Egypt]

ниятлари мавжуд эмас[1]. “Мусулмон биродарлар”нинг бугунги кунда мамлакат ички барқарорлигига салбий таъсир этиши унчалик ҳаққоний тарзда баҳоланмаяпти. Чунки, бу ташкилотнинг бир гуруҳи сиёсий мақсадларидан воз кечди, яна бир гуруҳи ноқонуний ҳаракат олиб бормоқда, қолган айрим аъзолари эса амалдаги ҳукмрон элита билан келишиш сиёсатини олиб бормоқда. Бу ташкилотнинг сиёсий келажаги ва мамлакат сиёсатидаги кейинги иштироки ҳақида шуни айтиш мумкинки, “Мусулмон биродарлар” эндиликда ҳокимият учун иккинчи даражали курашчилар мақомида фаолият олиб боради[2]. Россиялик шарқшунос Е.Сатановскийнинг фикрига кўра, “Мусулмон биродарлар” энди курашнинг тўғридан-тўғри ва очиқ усулларидан эмас, яширин усулларидан фойдаланади. Масалан, ёқотилган ҳокимиятни қайтариш мақсадида улар армияни исломлаштириш, ҳарбийларга ташқи кучлар (энг аввало Форс кўрфази монархиялари) орқали таъсир этиш ва фуқаролар ўртасида норозилик ва бўйсунмаслик актларини уюштириш тактикасини қўллашлари мумкин[3].

Бугунги кунда мамлакат ҳокимияти учун курашда асосий даъвогар ҳарбий генералитет бўлиб қолмоқда. “Мусулмон биродарлар”нинг легитим эришган ҳокимиятидан четлатилиши, фундаменталистик кайфиятдаги гуруҳлар билан ҳарбийларнинг келишувга эришиши мамлакатда ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаларини намоён қилди. Миср давлати революцион ҳолатдан барча гуруҳ ва қатламларни қониқтирадиган сиёсий компромисслар йўлини эмас, легитим сайланган парламентни тарқатиш ва эски Ҳ.Муборак режимининг янгиланган талқинини вужудга келтирганини намойиш этди. Мамлакат ичидаги либерал ва исломчи кучлар ҳарбийлар ҳеч қачон ҳокимиятдан осонликча воз кечмаслигини англаб етдилар. Бу нафақат ички сиёсий йўналишлар, балки ташқи сиёсий йўналишларни белгилашда ҳам ноаниқликларни вужудга келтирди.

Миср сиёсий истиқболи ҳақида сўз кетганда, унинг ички барқарорлиги ва жамиятнинг яхлитлиги масаласи олдинги ўринга чиқади. Жамият яхлитлигининг асосий элементларидан бири бу фуқаролик ҳокимияти органларини шакллантиришдир. Лекин, Миср замонавий ҳолатида бундай структураларнинг қурилиши ҳақида ҳокимиятга интилаётган ҳеч қайси гуруҳ сўз очаётгани йўқ. Шунингдек, эркин демократик сайловлар ҳам Миср демократлашуви учун қўйилган биринчи қадам бўлиши мумкин эди. Ҳақиқий

[1] Сапронова М. Конфликты в Египте и Сирии: сходства и различия - мнения экспертов // [Электронный ресурс]-http://www.vestikavkaza.ru/news/Konflikty-v-Egipte-i-Sirii-skhodstva-i-razlichiya-mneniya-kspertov.html - (дата обращения: 05.05.2014) [Sapronova M. Conflicts in Egypt and Syria: Similarities and Differences - Expert Opinions]

[2] Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- http://itar-tass.com/opinions/1936 - (дата обращения: 05.05.2014) [[Murid Ale. Key to the East: The Thermidorian Coup in Egypt]

[3] Сатановкий Е. Египетская рулетка/ [Электронный ресурс]- http://expert.ru/expert/2012/25/egipetskaya-ruletka/ - (дата обращения: 05.05.2014) [Satanovsky E. Egyptian Roulette]

вазият эса, ҳокимият тепасида фақат авторитар ёки ҳарбий раҳбарлар, ёки ҳам авторитар ҳам ҳарбий раҳбарлар бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Замонавий Шимолий Африка харитаси шуни кўрсатадики, Мисрда ҳокимият тепасига келадиган ҳарбийлар доимо ўз ҳокимиятини ушлаб туришга мажбур бўлади. Е.Сатановский таъкидлашича, Мисрда Жазоир сценарийси такрорланиши мумкин[1]. Яъни, ҳарбийлар ҳокимиятига қарши қўшни мамлакатларда ҳокимият тепасига келган исломчи ҳукуматлар Миср ичкарисидаги исломчи гуруҳларга ёрдам беради.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам оғир дейиш мумкин. Кундан кунга МАРнинг ташқи ёрдам ва ташқи аралашувга муҳтожлиги ортмоқда. Ҳ.Мубарак даврида шаклланган мамлакатнинг 36 миллиардлик олтин-валюта заҳираларидан бугунги кунга келиб 21 миллиардини революциялар тугатиб бўлди. Мамлакат иқтисодига катта молиявий сармоялар киритишсиз муаммони ечиш мумкин эмас. Лекин, Мисрнинг 80 миллионлик аҳолисини на АҚШ на САП таъминлашга қодир эмас[2].

Мақсад ва вазифалар. Мақолани ёзишда асосий мақсад сифатида Хитой ва Россия маданий дипломатиясини қиёсий таҳлил этиш белгилаб олинди. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мақолада Россия ташқи сиёсатида маданий дипломатиянинг роли, Россия маданий дипломатиясининг Ўзбекистонда қўлланилиши жараёнларини кўрсатиб бериш, шунингдек, Хитой маданий дипломатиясининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда унинг Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги маданий сиёсатини очиб бериш сингари вазифалар қайд этилади.

Усуллар: мақолада тарихийлик, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Маълумки, СССР тарқаганидан ҳамда янги мустақил давлатлар пайдо бўлганидан сўнг Москва статус-кво мақомини ўзгаришсиз сақлаб қолишга ёки Россия учун сезиларли зарар етказмаган ҳолда геосиёсий вазиятни қўлда ушлаб туришга уринган эди. Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин даврида Россиянинг заифлашиб қолганлиги ва икки қутбли оламнинг таназзули боис, 1990 йилларга келиб Россиянинг жаҳоннинг турли минтақаларидаги шу жумладан Марказий Осиё худудидаги турли шакллардаги – маданий ва иқтисодийдан геосиёсий ҳамда стратегик мавжудлиги Совет Иттифоқи даврида шаклланган мавқеи ва салоҳиятини йўқотди. Россиянинг минтақадан узоқлашиши билан бир вақтда ғарбнинг геосиёсий мавжудлиги кучайиши юз берди. Ўз асарида 1990 йилларнинг

бошидаги Россиядаги вазиятга урғу берган ҳолда Г.И. Цвык “Ташқи тарғибот ва хорижда маданиятни тарқатиш давлат тузилмаларининг иши амалда тўхтаб қолганлигини, умуман давлатнинг ўзи ҳам заифлашганлигини, давлат мафкураси йўқотилганлигини, умуммиллий манфаатлар бой берилганлигини, миллий ўзликни англаш хиралашганлигини, миллий мақсадлар ва қадриятлар сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва давлат мулкини хусусийлаштириш вазифасига айланиб қолганлигини” [1] таъкидлаган.

Ҳукумат тепасига Владимир Путин келишидан бошлаб, Россиянинг ташқи сиёсий, шу жумладан дунё ва минтақа даражасидаги маданий дипломатия соҳасидаги стратегияси Ўзбекистонга нисбатан ҳам XXI асрнинг бошида ўзгара бошлади. Россия 2000 йилларнинг ибтидосидан бошлаб ўз замонавий халқаро маданий сиёсатини ҳужжатлар асосида шакллантиришни бошлаган ҳолда, ҳозирги босқичда ҳудди кўплаб бошқа давлатлар сингари ўз ташқи сиёсий фаолият стратегиясини қайта кўриб чиқмоқда ҳамда уни долзарблаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича иш олиб бормоқда.

Бу иш Украинадаги инқироздан сўнг Россия атрофида шаклланган вазият натижасида янада долзарблашди. Бунинг натижаси Россияга нисбатан нафақат иқтисодий, балки маданият соҳасида ҳам жазолаш чораларини қўллаш кўринишида намоён бўлди[2]. Украинадаги инқироздан сўнг жаҳонда шаклланган сиёсий ва иқтисодий вазият давлатлар ўртасида маданий алоқаларни сақлаб туриш ва ривожлантириш муҳимлигини яна бир бор намойиш этди.

Шу билан биргаликда, А.А. Болотнованинг фикрига кўра “Ғарб мамлакатлари томонидан Россияни иқтисодий ва сиёсий чеклашга интилиш, барча нарсадан ташқари ҳамда сиёсий ва иқтисодий мулоқот ўрнатиш учун майдонга айланган мавжуд маданий алоқалар туфайли режалаштирилган самарани бермади”[3].

Шунга боғлиқ ҳолда россияча амалиётда ҳам эришилган натижаларни, ҳам мавжуд муаммоларини концептуал ва амалий даражада таҳлилдан ўтказиш зарур бўлиб кўринмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 1990 йилларнинг охирига қадар бўлган маданий дипломатия Россия ташқи сиёсатининг устивор йўналиши бўлмаган. Фақат 1999 йили ТИВ ҳузурида Маданият, фан ва таълим арбоблари кенгаши тузилди, 2001 йилда эса, Россия дипломатияси тарихида ташқи олам билан маданий ҳамкорликнинг мақсадлари ва вазифалари, хусусияти ҳамда меха-

[1] Tsvyk G.I. Kul'turnaya diplomatiya v sovremennykh mezhdunarodnykh otnosheniyakh (na primere Rossii i Kitaya) [Cultural diplomacy in modern international relations (on the example of Russia and China) (in Russian)] RUDN Journal of World History, 2018, № 10, 138.

[2] Масалан, 2015 йилда Польша томони кесишма маданият йилини рад этди. Россия ўз томонидан Россияда Польша Йилини ўтказмаслик борасида ўхшаш қарор қабул қилди [For example, in 2015, the Polish side rejected the cross-cultural year. Russia, for its part, made a similar decision not to celebrate the Year of Poland in Russia].

[3] Bolotnova A.A. Vneshnyaya kul'turnaya politika Rossii i Frantsii na sovremennom etape (sravnitel'nyy analiz). Diss…kand. polit. nauk. [The foreign cultural policy of Russia and France at the present stage (comparative analysis). Diss. cand. pol. Sciences (in Russian)]. – M., 2015. – C. 3.

низмини концептуаллатиришга илк уринишга айланган “Россия ТИВнинг хорижий мамлакатлар билан Россиянинг маданий алоқаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” тасдиқланди[1].

Россия ТИВ таркибида халқаро маданий алоқалар масалалари билан энг аввало ЮНЕСКО маданий алоқалари ва ишлари департаменти шуғулланади. маданий дипломатияни шакллантириш ва ўтказиш борасида Вазирликнинг хорижий муассасалари – дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига алоҳида масъулият юкланган. Ягона давлат ташқи сиёсий йўлини тутиш ва хорижий давлатлар билан Россиянинг иқтисодий, илмий ҳамда маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда ТИВнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш мақсадида Россия Президенти 2002 йилнинг 6 февралида “Россия ТИВ ҳузурида халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик Россия маркази” тўғрисидаги Фармонни имзолади. Мазкур фармонга мувофиқ, РФ ҳукумати ҳузурида 1994 йилда ташкил этилган, асосий мақсади хорижий мамлакатлар билан маданий ва илмий ҳамкорлик соҳадсидаги фаолиятни ривожлантириш бўлган, Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик Россия маркази (Росзарубежцентр)ТИВ тасарруфига ўтказилди. МДҲ мамлакатлари билан ягона маданий, ахборот ва таълим маконини шакллантириш, ушбу мамлакатларнинг халқлари билан кўп асрлик маънавий алоқаларни сақлаб қолиш, рус тилининг тарихий шаклланган мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни фаоллаштириш, шунингдек “юмшоқ куч” дипломатияси ва “халқ дипломатияси”ни самарали ишлашини таъминлаш мақсадларида РФ Президентининг 2008 йил 6 сентябрдаги фармони билан Росзарубежцентр МДҲ, хорижда яшовчи ватандошлар ишлари ва халқаро гуманитар ҳамкорлик бўйича Федерал агентликка (Росҳамкорлик) айлантирилди[2].

“Росҳамкорлик” нинг фаолияти халқаро гуманитар ҳамкорлик давлат сиёсатини амалга ошириш, хорижда замонавий Россия тўғрисидаги, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, унда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳамда мамлакат ташқи сиёсати йўли тўғрисидаги холис тасаввурларни тарқатишга йўналтирилгандир. Асосий вазифалар орасида – хориждаги ватандошларни қўллаб қувватлаш ва халқ дипломатияси механизмлари орқали россияча таълимни хорижда илгари суриш сингари вазифалар мавжуд.

Россиялик экспертларнинг фикрларига кўра “Ҳозирги геосиёсий шароитларда миллий ғояни халқаро майдонда илгари суришга имкон берадиган тўлақонли тизимини шакллантириш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Миллий ғояларни ташувчилар сифатида бошқа мамлакатлардаги русийзабон гуруҳлар, турли йўналишдаги жамоатчилик ҳаракатлари намоён бўлиши мумкин. “Юмшоқ куч” тамойилларини биринчи навбатда собиқ шўро республикалари ва Россия (СССР) билан узоқ вақт дўстона алоқаларда бўлган бошқа мамлакат-

[1] Diplomaticheskaya sluzhba: uch. Posobiye/ pod. Red. A.V. Torkunova, A.N. Panova – M.: Izd. «Aspekt Press» [Diplomatic service: tutorial / under. Ed. A.V. Torkunova, A.N. Panova - M.: Publishing House. Aspect Press. (in Russian)], 2017. – C. 250.
[2] Ўша асар, Б. 250.

ларга нисбатан амалга ошириш лозим. Айнан шўро сиёсий мероси асосида янгича имкониятларни келажакда уларнинг географиясини кенгайтирган ҳолда ривожлантириш мумкин”[1].

Ҳақиқатан ҳам, амалда сўнгги икки юз йил давомида шўролардан кейинги маконда, шу жумладан Ўзбекистонда ўз хусусиятларига эга бўлган русий забон гуруҳ (диаспора) шаклланган[2]. Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотлари ҳам бундан далолат бермоқда (Жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикасидаги русий забон аҳолининг сони (йил бошига; минг киши)[3]

	1991 й.		2011 й.		2017 й.	
	Сони	Нисбий салмоғи, %	сони	Нисбий салмоғи, %	сони	Нисбий салмоғи, %
Жами	**20607,7**	**100,0**	**29123,4**	**100,0**	**32120,5**	**100,0**
Шу жумладан:						
Руслар	1593,8	7,7	837,5	2,9	750,0	2,3
Татарлар	414,6	2,0	218,6	0,8	195,0	0,6
Корейслар	183,7	0,9	188,0	0,6	176,9	0,6
украинлар	146,8	0,7	78,2	0,3	70,7	0,2

Бевосита ушбу йўналишда ва умуман маданий-ахборот ишларида, ҳам русий забон гуруҳ ўртасида, ҳам рус тилида сўзлашувчи маҳаллий аҳоли ўртасида“Росҳамкорлик”нинг Ўзбекистондаги шўъбаси фаол иш олиб бормоқда. Масалан, Россия адабиёти ва санъати арбоблари иштирокидаги учрашувларга, мамлакат рассомлари ва халқ ҳунармандчилиги усталарининг асарлари кўргазмасини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Россиядан ўзбек ўқув муассасалари ва кутубхоналарига ўқув, услубий, маълумотнома, бадиий адабиётлар, кўргазмали қўлланмалар туфҳа қилинмоқда. РМММ ҳузурида ада-

[1] Publichnaya diplomatiya zarubezhnykh stran: Uchebnoye posobiye. / pod. Red. A.N. Panova i O.V. Lebedevoy. - M.: Izdatel'stvo «Aspekt Press» [Public Diplomacy of Foreign Countries: A Training Manual. / under. Ed. A.N. Panova and O.V. Lebedeva. - M .: Publishing house "Aspect Press"(in Russian)] 2018. – C. 21-22.

[2] Rakhmatullayev SH. Nekotoryye aspekty demograficheskikh kharakteristik russkoyazychnoy diaspory Uzbekistana v postsovetskiy period // “Etnografiya Altaya i sopredel'nykh territoriy” Materialy 8-y mezhdunarodnoy nauchnoy konferentsii, posvyashchennoy 20-letiyu istoriko-etnograficheskikh issledovaniy sektora ustnoy istorii i etnografii LIK AltGPA. Vypusk 8. Barnaul, [Some Aspects of the Demographic Characteristics of the Russian-speaking Diaspora of Uzbekistan in the Post-Soviet Period // “Ethnography of Altai and Neighboring Territories” Materials of the 8th International Scientific Conference dedicated to the 20th Anniversary of Historical and Ethnographic Studies of the Oral History and Ethnography Sector of Alt Altai State Pedagogical University. Issue 8. Barnaul, (in Russian)], 2011. – C. 54-59.

[3] Demograficheskaya situatsiya v Respublike Uzbekistan. [The demographic situation in the Republic of Uzbekistan. (in Russian)] // https://stat.uz/ru/433-analiticheskie-materialy-ru/2055-demograficheskaya-situatsiya-v-respublike-uzbekistan

бий меҳмонхона, тил ўқитувчилари учун рус тили бўйича услубий семинар, рус тили курслари, Россия ОТМларига кириш учун тайёрлов курслари, Ёш мухбирлар мактаби, Россия ва Ўзбекистон тарихчи-олимларининг жамоатчилик бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда. Китоб заҳираси 12 минг жилддан ортиқроқ ўқув, ўқув-услубий, маълумотнома ва бадиий адабиётлардан иборат бўлган кутубхона ишлаб турибди. Илмий-маърифий, маданий ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш учун жиҳозланган анжуманлар зали ва киноклуб мавжуд. "Росҳамкорлик" расмий сайти Ўзбекистон Республикаси миллий оммавий ахборот воситалари учун Россия тўғрисидаги холис ахборотнинг муҳим манбаидир[1].

Дастурнинг энг кўламли тадбирларидан бири Россия Федерациясининг тарихий жойлари бўйлаб "Салом, Россия!" ўқув- таълим сафарларини ташкил қилишдир. Ҳар йили ёш ватандошлар - Россия тарихи ва маданияти, рус тилини билиш бўйича танлов ғолиблари Москва, Санкт-Петербургга, 2015 йилдан бошлаб эса Қозон шаҳрига ҳам сафарга бормоқдалар[2].

Росҳамкорлик ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг Байналмилал маданий маркази, Рус маданият маркази ва унинг худудий бўлинмалари, Татар маданият маркази, А.Валидий номли Бошқирд ижтимоий-маданий маркази, "AVDET" Қрим-татар миллий маданий маркази, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси билан илмий, маданий, иқтисодий, ахборот ва ижтимоий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилмоқда. РМММга ҳамкор-ташкилотлар орасида Рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг Тошкент уюшмаси, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва бошқалар мавжуд.

Умуман, Росҳамкорлик Россиянинг "юмшоқ кучи"ни ишга солиш, унинг ижтимоий фикр орқали ҳамкорларга таъсир салоҳиятини юксалтириш, мамлакатнинг маданият-таълим, инсонпарварлик, ташқи сиёсий жозибадорлигини шакллантиришнинг беқиёс воситаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бироқ айни вақтда Россия Федерациясининг ушбу йўналишда амалга ошираётган барча чора тадбирлари, Россия маданиятининг барча ютуқлари ва унинг хорижда оммалаштириш бўйича ютуқларга қарамасдан бошқа хорижий ҳамкорларнинг фаол ҳужумкор ҳаракатларидан анча орқада қолмоқда. Жаҳондаги етакчи мамлакатлар ушбу йўналишни ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсон ҳуқуқлари масалалари билан бир қаторда энг муҳим йўналишлардан бири сифатида кўрмоқда, бу йўналишдаги ишларга концептуал ёндошилмоқда. Шу боис Россия маданий дипломатияси самарадорлигини баҳолашга ҳали эртага ўхшайди.

Ваниҳоят ўз ташқи сиёсий фаолиятида маданий дипломатиядан моҳирона фойдаланаётган давлат сифатидаги Хитойнинг "юмшоқ куч" нинг ушбу бўғинини амалга ошириш тажрибасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хитой маданий дипломатияси сўнгги вақтда фақат жадаллашмоқда ҳамда ШҲТ дои-

[1] O predstavitel'stve Rossotrudnichestva v Uzbekistane. [On the representative office of Rossotrudnichestvo in Uzbekistan] // http://uzb.rs.gov.ru/ru/about

[2] Podderzhka sootechestvennikov [Compatriots support. (In Russian)] // http://uzb.rs.gov.ru/ru/activities/15

раларида ва “Ягона йўл – Ипак йўли” ташаббуслари маъносидаги Пекиннинг манфаатларини илгари суришнинг муҳим омилига айланмоқда. Ташқи маданий стратегияни амалга оширишда ҳам миқдор, ҳам иқтисодий маънода тез кўпаяётган Хитой диаспорасидан асосий восита сифатида фойдаланмоқда. Улар ҳозирги босқичнинг ўзидаёқ Хитойнинг ташқи мавқеини янада мустаҳкамлаш учун жиддий таянчдир.

Бу стратегияда “маданий дипломатия”нинг асосий манбалари сифатида миллий маданиятнинг бойлиги ва хитойча модернизациялашнинг муваффақияти кўрсатилган, ушбу сиёсатнинг йўлбошчиси қилиб эса ривожланиш моделининг кўп қиёфалилиги, глобал барқарорликни қўллаб қувватлаш ва энг аввало ривожланаётган мамлакатлар манфаатдор бўлган умумий фаровонлик учун шароитлар яратиш ғояларига таянувчи “уйғун” дипломатия белгиланган[1].

Хитойнинг маданий дипломатияси тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ХХРнинг “юмшоқ кучи”ни илгари суриш учун муҳим воситалардан бири бўлган Конфуций институтларининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Хитой таълим вазирлиги ҳузуридаги котибият томонидан тайёрланган. Ушбу мактабларнинг низомига биноан мазкур ўқув муассасаларининг асосий мақсади Хитой маданияти ва тилини ўрганишни янада мустаҳкамлашга, Хитой ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш, жаҳондаги маданий кўпқиёфалилик ривожлантириш ҳамда мукаммал жамиятни барпо этишга ҳисса қўшишга кўмаклашишдир. Шу аснода Конфуций институтлари сиёсий тусга эга эмаслиги ҳамда уларнинг тадбирлари Хитойда ва хорижда таълим, маданият, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги таъкидланади. Дастлабки “Конфуций институти” 2014 йилнинг ноябрида Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулда очилган эди. Шу вақтдан бошлаб “Конфуций институтлари” бутун жаҳон бўйлаб очила бошлади[2]. Осиё мамлакатларида ҳозирги вақтда 100га яқин Конфуций институтлари ва 30дан ортиқ хитой тили курслари иш олиб бормоқда. АСЕАН мамлакатлари улушига 29 Конфуций институтлари ва 15 та тил курслари тўғри келади.

Марказий Осиёда дастлабки Конфуций мактаби 2005 йил майда Тошкентда очилган, унда талабалар, илмий ходимлар ва бошқалардан иборат бўлган 350 тингловчи билим олган. У ташкил этилганидан бери 2,5 мингдан кўпроқ ёшлар курсларни битириб чиқди. ХХР раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрида бўлиб ўтган Ўзбекистонга ташрифи доираларида яна бир Конфуций институтини Самарқандда барпо этиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 2014-2015 ўқув йилида ХХР ҳукумати икки томонлама битимга

[1] Tsvyk G.I. Vestnik RUDN. Seriya: VSEOBSHCHAYA ISTORIYA. [Bulletin of the RUDN. Series: UNIVERSAL HISTORY. (in Russian)]. 2018. T. 10. № 2. – C. 135–144

[2] Nogayeva A.M. «Kul'turnaya diplomatiya» ili «myagkaya sila» Kitaya: na primere Tsentral'noy Azii [“Cultural Diplomacy” or “Soft Power” of China: The Case of Central Asia. (in Russian)] // https://docplayer.ru/44443495-Kulturnaya-diplomatiya-ili-myagkaya-sila-kitaya-na-primere-centralnoy-azii.html

кўра ва ШҲТ доираларида 120 та ўзбек талабалари ва стажёрларига грант тақдим этди. Конфуций номидаги институт йўналиши бўйича Ланчжоу университетида 50 га яқин талабалар билим олмоқда[1]. Бундан ташқари Ўзбекистондаги 5 та университетларда хитой тили курслари очилди. ШҲТ доираларида Хитой ҳар йили Ўзбекистонга Хитой ОТМларида ўқиш учун 20 нафар инсонга квота ажратмоқда[2].

Хитой ташқи маданий сиёсати давлат турида молиялаштиришга мисол бўла олади. Расмий маълумотларга кўра, Конфуций институти ва Конфуций синфларининг глобал тармоғи фаолият кўрсатиши учун бўлган умумий ҳаражатлар фақат 2013 йилда 569 млн.долларни ташкил этди. (2012 йилга таққослаганда бу ҳаражатлар 43,7% га ошган) булардан 291 млн. доллари Конфуций институтининг хорижий ҳамкорлари улушига тўғри келди, 278 млн.доллари эса Хитой томонидан ажратилган эди[3]. Умуман олганда, 2006 йилдан 2013 йилгача жаҳонда Конфуций институти тармоғини қўллаб-қувватлашга бўлган ҳаражатлар 6 бараварга ошган. Бундан ташқари ХХР “оммавий дипломатияга” йилига 10 млрд.долларга яқин маблағ сарфламоқда[4], бу мамлакат раҳбариятининг хориждаги Хитой маданият ва ахборот сохасидаги мавжудлигини кучайтиришга интилаётганидан далолат беради.

Сўнгги вақтда Хитой иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Бу хорижий давлатларнинг Хитой тарихи ва маданиятига қизиқиши ортишига имкон яратади. Катта қизиқиш уйғотиш учун Хитой ҳукумати бутун жаҳонда Хитой тилини тарқатиш сиёсатини олиб бормоқда. Хитой тилининг ўқитилиши Хитойнинг ўз маданияти ва анъаналарини тарқатишга имкон яратади. 2013 йилнинг бошида Конфуций институти томонидан “Ривожлантириш бўйича лойиҳа 2020” эълон қилинди. Унинг қоидаларига кўра, навбатдаги 10 йил давомида жаҳондаги энг оммавий тилда гаплашишни истовчилар сони ер куррасида 2 баробарга кўпайиши лозим. Сиёсатдаги бунга ўхшаш ўзгаришлар халқаро

[1] Sotrudnichestvo Respubliki Uzbekistan so stranami ATR [Cooperation of the Republic of Uzbekistan with Asia-Pacific countries (in Russian)] // https://mfa.uz/ru/cooperation/countries/61/

[2] Nogayeva A.M. «Kul'turnaya diplomatiya» ili «myagkaya sila» Kitaya: na primere Tsentral'noy Azii [“Cultural Diplomacy” or “Soft Power” of China: The Case of Central Asia. (in Russian)] // https://docplayer.ru/44443495-Kulturnaya-diplomatiya-ili-myagkaya-sila-kitaya-na-primere-centralnoy-azii.html

[3] Mikhnevich S.V. Mudrets pomogayet Podnebesnoy: razvitiye seti Institutov Konfutsiya kak instrument realizatsii politiki «myagkoy sily» KNR v Bol'shoy Vostochnoy Azii / S.V. Mikhnevich // Vestnik mezhdunarodnykh organizatsiy: obrazovaniye, nauka, novaya ekonomika. [The sage helps the Celestial Empire: the development of the network of Confucius Institutes as an instrument for implementing the “soft power” policy of the PRC in Greater East Asia / S.V. Mikhnevich // Bulletin of international organizations: education, science, new economy.(in Russian)]. 2015. T.10. № 1. – C.101.

[4] Epple N. Sil'naya myagkost' /Nikolay Epple // Gazeta Vedomosti [Strong softness / Nikolai Epple // Vedomosti newspaper (in Russian)]. 2015. 21 июля. № 3877. – C. 4.

ҳамжамиятда Хитойнинг нуфузига ҳам таъсир кўрсатади. Бу ўзига хос "мамлакатнинг юмшоқ қудратидир"[1].

Бундан ташқари сўнги 10 йилда Хитой томонидан "юмшоқ куч" ни қўллаш концепцияси Ғарбдаги музейларда Хитой ҳукумати ёрдамида ташкил этилган бадиий кўргазмаларни кенг ёритилиши туфайли сезиларли қизиқиш уйғотди. Хитой ҳукумати бундай кўргазмалардан сиёсий ва дипломатик мақсадларда фойдаланмоқда, шундай бўлсада, ушбу ҳолат деярли ўрганилмаган.

Кўргазмалар билан алмашув доираларда Хитой музейлари тақдим этаётган бадиий экспонатлар Хитой ҳукумати номидан фаолият олиб бораётган ташкилотдан расмий розилик олиши лозим. Масалан, 2012 йилда Кембриджджаги Фитцуильяма музейида ўтказилган "Мангуликни излаб: Хань сулоласи мақбаралари хазинаси" кўргазмаси Хитой Халқ Республикаси ва Бирлашган қиролликларнинг тўлиқ дипломатик муносабатлар ўрнатганига 40 йил тўлиши даврига тўғри келди. Бундан ташқари кўргазма Лондонда Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган йилда бўлиб ўтди. Бундай ўхшаш тасодифлар Хитой томонининг миллий маданиятга қизиқишни рағбатлантириш бўйича Хитойга ажойиб имконият берилаётганлиги борасида ишончини орттирди[2].

Хулосада ўрнида "маданий дипломатия мамлакат давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлаш зарур. У маданий гуманитар сохани қамраб олади ҳамда мамлакатни дунё маданий маконига бирлаштиришга йўналтирилгандир. Албатта турли мамлакатларда халқаро маданий фаолиятга давлатнинг мансублик даражаси турличадир. Бу давлатнинг ривожланиш даражаси, миллий анъаналари ва мамлакатнинг маданий салоҳиятига, бироқ энг аввало давлатнинг молиявий имкониятларига ҳамда унинг ушбу сохадаги белгилаган мақсадларига боғлиқдир."

Маданий сиёсат ҳам давлат томонидан қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлар идоралари қиёфасида ҳам хусусий сектордаги корпорациялардан жамоатчилик ташкилотларигача бўлган турли институтлар томонидан амалга оширилади. Маданий сиёсат жамият ва давлатнинг маданий ҳаётига у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул қиладиган ёки ҳаракатларни амалга оширадиган шахслар учун қандайдир мажмуалар тизими эканлигини таъкидлаш жоиз. Хулоса ясаган ҳолда замонавий халқаро муносабатларда маданий дипломатиянинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Маданий дипломатия давлатнинг ташқи сиёсатидаги асосий мақсадларга эришиш мамлакатнинг

[1] Gan'shina G.I. Istoriya razvitiya politiki «myagkoy sily» v Kitaye. Vestnik Rossiyskogo universiteta druzhby narodov. Seriya: «Vseobshchaya istoriya» [The history of the development of the policy of "soft power" in China. Bulletin of the Peoples' Friendship University of Russia. Series: General History (In Russian)] 2016. № 3. – С. 63–72.

[2] Da Kun (Da Kong), Kul'turnaya diplomatiya Kitaya na primere vystavki «V poiskakh bessmertiya: sokrovishcha grobnits dinastii Khan'» Kitay — Velikobritaniya [Cultural Diplomacy of China on the example of the exhibition "In Search of Immortality: Treasures of the Tomb of the Han Dynasty" China - Great Britain (in Russian)].

мақбул қиёфасини яратиш унинг халқлари маданияти ва тилларини оммалаштиришга эришишнинг объекти ва воситаси сифатида фойдаланиш билан боғликдир. Амалга оширилган таҳлилга таянган ҳолда давлатнинг мамлакат қиёфасини шакллантириш ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш жараёнига таъсир ўтказиш даражаси ҳар бир алоҳида олинган мамлакатнинг нафақат тарихий анъаналари ва сиёсий тузилиши билан белгиланмаслиги борасидаги хулосага келиш мумкин. Ушбу ролнинг кучайтириш зарурати глобаллашув ҳамда ахборот ошкоралигининг замонавий шароитлардаги халқаро жараёнлар воқеликлардан келиб чиқмоқда.

АЛИМОВ ОҚИЛИДДИН
таянч докторант, ТошДШИ

Шарқий Осиёдаги геосиёсий трансформацияларнинг енергетика хавфсизлигига таъсири

Аннотация. *Геосиёсий трансформациялар ва уларнинг энергетика тизимига таъсири замонавий дунё тартиботи шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, энергия ресурслари омили халқаро муносабатларда тобора муҳим рол ўйнамоқда. Замонавий босқичда энергетика хавфсизлиги нафақат бозор иқтисодиёти қонуниятлари билан балки, геосиёсий манфаатлар доирасида тартибга солинмоқда. Сўнгги пайтларда Халқаро муносабатлар акторларининг ўз манфаатларини илгари суришда энергия-хомашё омилидан фойдаланишга уриниб келаётганлиги кузатилмоқда. Замонавий дунё тартиботида энергия ресурслари борасида кескин рақобат ва кураш янгича тус олди. Бугунги кунда етакчи давлатлар катта хом ашё захиралари, шу жумладан углеводородларга эга бўлган минтақаларда мустаҳкам ўрнашишга интилмоқда. Энергия ишлаб чиқариш, ташиш ва ташқи бозорларга энергия ресурсларини етказиб бериш соҳасидаги муносабатлар геосиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқ кечмоқда. Шу боисдан, геосиёсий трансформациялар таъсирида бу муносабатларнинг шакли тизим ҳамда функционал жиҳатдан ўзгаришларга юз тутмоқда. Бугунги халқаро энергетика тизими дунё тартиботига хос бўлган кучлар ва омилларнинг таъсирини бошдан кечириб, уларнинг таъсири остида мураккаблашиб бормоқда. Геосиёсий трансформациялар халқаро энергетика тартиботига жиддий таъсир кўрсатиб, геосиёсий кучларнинг янги конфигурациясини вужудга келтирмоқда. Халқаро майдонда янги йирик истеъмол марказлари пайдо бўлиб, улар ўртасидаги рақобат ҳам тобора кучаймоқда. Янги куч марказларининг пайдо бўлиши халқаро энергетика муносабатларига жиддий таъсир кўрсатади. Куч марказлари ва бошқа акторлар ўртасидаги энергетика зиддиятлари глобал энергия хавфсизлигининг асосларини заифлаштирмоқда. Шунингдек, энергия тартиботини таъминлашнинг самарали халқаро-ҳуқуқий механизмларининг йўқлиги энергетик вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.*

Мазкур мақолада Шарқий Осиёдаги геосиёсий трансформацияларнинг энергетика хавфсизлигига таъсири, минтақадаги геосиёсий жараёнлар, етакчи давлатларнинг геостратегик, геоиқтисодий манфаатларининг халқаро ва минтақавий

энергетика муносабатларига таъсири, минтақа давлатларининг бозорлар, инвестиция манбалари ва энергия ресурслари учун иқтисодий рақобат ҳамда сиёсий кескинликнинг минтақа умум хавфсизлигига таъсири, минтақадаги геосиёсий вазият ва унда етакчи давлатлар, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсий, иқтисодий тузилмаларнинг иштироки таҳлил қилинган.

Шунингдек, Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, минтақадаги энергетик вазият, минтақа давлатлари энергетика соҳасидаги долзарб масалалар, минтақа давлатларининг энергетика сиёсати ва ҳамкорлиги, Шарқий Осиёдаги замонавий энергетика хавфсизлиги архитектурасининг асосий йўналишлари, минтақа мамлакатларининг энергетика стратегиялари, энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари, минтақа давлатларининг энергетика дипломатияси олдида турган муаммолар, минтақавий зиддиятларнинг энергетика хавфсизлигига таъсири каби бугунги кунда минтақа энергетика хавфсизлиги олдида турган долзарб масалалар ёритилган. Шунингдек, келгусида минтақа ва халқаро майдонда кечадиган энергетик вазият борасида таҳлилий прогнозлар келтирилган.

Мақоланинг хулоса қисмида геосиёсий трансформациялар шароитида энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва бу борадаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўз ва иборалар: *Геосиёсий трансформациялар, геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар, "янги куч марказлари", геосиёсий стратегия ва энергетика хавфсизлиги, энергетика сиёсати, энергетика муносабатлари, минтақавий энергетика хавфсизлиги, энергетика стратегияси, энергетика дипломатияси, энергетика менежменти.*

Аннотация*. Геополитические трансформации и их влияние на энергетическую систему тесно связаны с формированием современного мирового порядка, а фактор энергии играет все более важную роль в международных отношениях. В настоящее время энергетическая безопасность регулируется не только законами рыночной экономики, но и геополитическими интересами. В последнее время наблюдается, что субъекты международных отношений пытаются использовать энергетический и сырьевой фактор для продвижения своих интересов. В современном мировом порядке ожесточенная конкуренция и борьба за энергоресурсы приняли новый оборот. Ведущие страны стремятся прочно обосноваться в регионах с большими запасами сырья, в том числе углеводородного сырья. Отношения в области производства, транспортировки и поставок энергии на внешние рынки напрямую связаны с геополитическими процессами. Поэтому под влиянием геополитических трансформаций эта форма отношений меняется системно и функционально. Современная международная энергетическая система испытывает воздействие сил и факторов, присущих мировому порядку, и становится все более сложной. Геополитические трансформации оказывают существенное влияние на международный энергетический режим, создавая новую конфигурацию геополитических сил. На международной арене появляются новые крупные потребительские центры, и конкуренция между ними растет. Появление новых центров силы окажет значительное влияние на международные энергетические отношения. Энергетические конфликты между центрами силы и другими субъектами ослабляют основы глобальной энергетической безопасности. В то же время,*

отсутствие эффективных международно-правовых механизмов обеспечения энергетической безопасности осложняет энергетическую ситуацию.

В настоящей статье обсуждается влияние геополитических трансформаций в Восточной Азии на энергетическую безопасность, геополитические процессы в регионе, влияние геостратегических, геоэкономических интересов ведущих стран на международные и региональные энергетические отношения, влияние экономической конкуренции и политической напряженности на рынки, инвестиционные и энергетические ресурсы стран региона на общую безопасность региона, геополитическая ситуация в регионе и участие ведущих государств, а также международных и региональных политических и экономических структур.

Также освещены проблемы энергетической безопасности в Восточной Азии, энергетическая ситуация в регионе, актуальные вопросы энергетики в регионе, энергетическая политика и сотрудничество стран региона, основные направления современной архитектуры энергетической безопасности в Восточной Азии, энергетические стратегии стран региона, институциональные основы энергетической безопасности, проблемы, стоящие перед энергетической дипломатией государств региона, влияние региональных конфликтов на энергетическую безопасность и другие актуалные проблемы, стоящие сегодня перед энергетической безопасностью региона. А также предоставлены аналитические прогнозы о будущей энергетической ситуации в регионе и на международной арене.

В заключении статьи приводятся научные рекомендации, направленные на обеспечение энергетической безопасности и повышение эффективности сотрудничества в условиях геополитической трансформации.

Опорные слова и выражения: *геополитические трансформации, геополитические и геоэкономические интересы, «новые центры силы», геополитическая стратегия и энергетическая безопасность, энергетическая политика, энергетические отношения, региональная энергетическая безопасность, энергетическая стратегия, энергетическая дипломатия, энергетический менеджмент.*

Abstract. *Geopolitical transformations and their impact on the energy system are closely related to the formation of the modern world order, and the energy factor plays an increasingly important role in international relations. Currently, energy security is regulated not only by the laws of a market economy, but also by geopolitical interests. Recently, it has been observed that subjects of international relations are trying to use the energy and raw materials factor to advance their interests. In the modern world order, fierce competition and the struggle for energy resources have taken a new turn. Leading countries are striving to establish themselves firmly in regions with large reserves of raw materials. Relations in the field of production, transportation and supply of energy to foreign markets are directly related to geopolitical processes. Therefore, under the influence of geopolitical transformations, this form of relationship changes systematically and functionally. The modern international energy system is affected by the forces and factors inherent in the world order, and is becoming increasingly complex. Geopolitical transformations have a significant impact on the international energy regime, creating a new configuration of geopolitical forces. New large consumer centers are emerging in the international arena, and competition between them is growing. The emergence of new centers of power has a significant impact on international energy relations. Energy conflicts between power centers and other actors weaken the foundations of global*

energy security. At the same time, the lack of effective international legal mechanisms to ensure energy security complicates the energy situation.

This article discusses the impact of geopolitical transformations in East Asia on energy security, geopolitical processes in the region, the impact of the geostrategic, geo-economic interests of leading countries on international and regional energy relations, the impact of economic competition and political tension on markets, investment and energy resources of the countries of the region on the total security of the region, the geopolitical situation in the region and the participation of leading states, as well as international and regional political and economic structures.

Also highlights problems of energy security in East Asia, the energy situation in the region, current issues of energy in the region, energy policy and cooperation of the countries of the region, the main directions of modern architecture of energy security in East Asia, energy strategies of the countries of the region, the institutional foundations of energy security, the problems facing energy diplomacy of the states of the region, the impact of regional conflicts on energy security and other relevant issues facing today's energy security in the region. It also provides analytical forecasts of the future energy situation in the region and in the international arena.

The article concludes with scientific recommendations aimed at ensuring energy security and enhancing the effectiveness of cooperation in the context of geopolitical transformation.

Keywords and expressions: *Geopolitical transformations, geopolitical and geo-economic interests, "new centers of power", geopolitical strategy and energy security, energy policy, energy relations, regional energy security, energy strategy, energy diplomacy, energy management.*

Кириш. Замонавий халқаро муносабатларда Осиё-Тинч Океани минтақаси, жумладан, Шарқий Осиёнинг роли ва аҳамияти тез суръатлар билан ўсиб бораётган янги давр бошланди. Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати марказининг тарихий мисли кўрилмаган "янги Осиё"га – унинг шарқий минтақасига кўчиши замонавий дунё тараққиёти тенденцияларининг энг муҳимидир. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда ушбу минтақада янги иқтисодий ўсиш марказлари пайдо бўлди. Минтақа стратегик макон, қудратли технологик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига, йирик молиявий сармоя ҳамда кенг меҳнат ресурсларига эгадир. Шу билан бирга, хавфсизлик ва барқарорлик нуқтаи назаридан дунёдаги энг мураккаб минтақалардан бири бўлиб қолмоқда. Минтақада кучларнинг геосиёсий жойлашуви ўзгариб, қуролланиш пойгаси тезлашди. Бундай вазият, аҳолиси ва ҳудуди жиҳатидан катта бўлган ушбу минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш минтақа давлатлари, шунингдек, ОТИҲ, АСЕАН, ШҲТ каби сиёсий ва иқтисодий ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш, янги минтақавий тузилмаларни шакллантиришни тақазо қилади.

Минтақа мамлакатларининг табиий захиралари ва энергия ресурслари чекланган бўлиб, бугунги кундаги энергияга бўлган юқори талабни қондира олмайди. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш минтақанинг барча давлатлари учун долзарб масала саналади. Тадқиқотчи Раул С. Манглапус фикрича минтақанинг барча давлатлари учун

“энергия хавфи” энг юқори кўрсаткичга эгадир[1]. Фешераки Ф. Шарқий Осиёни келажакда дунёдаги энг катта нефть импорт қилувчи минтақа бўлишини таъкидлайди[2]. К. Калдер фикрича, АСЕАН мамлакатлари тез орада соф нефть импортёрларига, Осиё эса, дунёдаги кўп нефть импорт қилувчи йирик минтақага айланади[3]. М.Клэрнинг таъкидлашича, АҚШ нафақат ўзининг Форс кўрфазидаги геосиёсий устунлигини мустаҳкамлаш, балки дунёнинг нефт-газга эга бўлган бошқа стратегик минтақалари сари таъсир доирасини кенгайтиришга уринади. Бундай вазиятда Хитойнинг ёнилғи-энергия ресурсларига бой бўлган ҳудудларда ҳарбий-сиёсий хозирликка интилиб келиши давлатлараро энергетика муносабатларини янада кескинлаштиради[4].

Хитойнинг индустриаллашуви жараёни ҳам Осиё энергетика хавфсизлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу мамлакат нефть захиралари бўйича дунёда тўққизинчи, истеъмол бўйича эса учинчи ўринни эгаллайди[5]. Хитой ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб соф нефть импорт қилувчи давлатга айланди ва кундалик танқислик 600 минг баррелгача кўтарилди.

Таҳлилий тадқиқотлар ҳамда экспертларнинг фикрига кўра яқин келажакда жаҳон иқтисодиётининг тузилиши жиддий ўзгаради. Дунё ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг улуши 70%га ўсиши таҳмин қилинмоқда[6]. Минтақа энергия ресурслари, хусусан нефть импортини 2030 йилга келиб 1860-1870 млн. тоннага ошириши, табиий газ импортини 410-420 млрд. куб. метрга етказиши кутилмоқда[7]. Бу ўз навбатида, энергетика хавфсизлиги муаммоларининг долзарблигини янада оширади.

Геосиёсий трансформацияларнинг халқаро энергетика муносабатларига таъсири. Геосиёсий ўзгаришларнинг муаммолари ва уларнинг энергетика тизимига таъсири замонавий дунё тартиботи шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, углеводород омили халқаро муносабатларда тобора муҳим рол ўйнамоқда. Айниқса, бугунги кунда энергетика дипломатияси фонида яширинган геосиёсий кураш жараёни кечмоқда[8]. Чунки замонавий босқичда энергетика

[1] Raul S. Manglapus APEC and East Asian Energy Insecurities//Speech delinered at the Seminar on Deepening Asia-Pasific Cooperation sponsoped by the Carlos P.Romulo Foundation on Pease and Development. – Makati City, 1996. 29 August.

[2] Fereidun Fesharaki, Allen L. Energy Outloon to 2010. Asia-Pacifics Demand, Supply and Climate Change Implications. // Asia-Pasific Issues. Honolulu: East West Center, 1995. – N. 19.

[3] Kent E. Calder. Asia’s Empty Tank // Foreign Affairs, 1996. V. 75. – N. 2.

[4] Klare M. Rising Powers, Shrinking Planet: The New Geopolitics of Energy. – New York: Metropolitan Books, 2008. – P. 44.

[5] Xodjaev A. Kitayskiy faktor v Sentralnoy Azii. (The Chinese factor in Central Asia.) – T.: Fan, 2004. – S. 94.

[6] Summary of the Asia-Pacific Trade and Investment Report 2017. (5), p. 18.

[7] Korjubaev A.G. Tixookeanskiy rinok nefti i gaza – osnovnoe napravlenie novih eksportnih postavok iz Rossii [Pacific oil and gas market - the main direction of new export deliveries from Russia] // Burenie i neft, [Drilling and oil] 2010. – №1. – S. 8.

[8] Roberts Paul. The end of oil: on the edge of a perilous new world. Boston: Houghton Mifflin Harcourt, 2004, p. 12.

хавфсизлиги нафақат бозор иқтисодиёти қонуниятлари билан балки, геосиёсий манфаатлар доирасида тартибга солинмоқда. Энергоресурслар қудратли сиёсий дастак, дунё углеводородлар бозори эса, сиёсий манфаатлар тўқнаш келувчи майдонга айланиб улгурди. Айрим давлат ва ҳукуматлар халқаро муносабатларда ўз манфаатларини илгари суришда энергия-хомашё омилидан фойдаланишга уриниб келмоқда. Буни турли сиёсий, иқтисодий босимлар, эмбарго ёки тўғридан-тўғри қуролли аралашув ва бошқаларда кўриш мумкин. Ўз навбатида геосиёсий трансформация жараёнларининг дунё энергетика тартиботига сезиларли таъсири ҳам ортиб бормоқда. Биполяр дунё тартиботи барҳам топганидан сўнг дунё энергетика харитасида мураккаб ва баъзан зиддиятли жараёнлар юзага келди.

Замонавий дунё тартиботида улкан энергия имкониятларига эга бўлган ҳудудларда бир томондан бой Шимол, иккинчи томондан қашшоқ, шу билан бирга энергия ресурслари донори бўлган Жануб ўртасидаги кескинлик янгича тус олди[1]. Ўтган асрнинг бошларида дунё аҳолисининг атиги 5 фоизи катта шаҳарларда яшаган бўлса, XXI асрга келиб инсониятнинг 60 фоизи мегаполисларда яшай бошлади ва аҳоли ўсишининг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади[2]. Бундай жадал тараққиёт ресурслар учун бўлган курашни янада кескин тус олдириши муқаррардир. Сўнгги прогнозларга кўра 2030 йилга қадар дунё аҳолисининг сони 8 миллиарддан ва 2050 йилга келиб эса 10 млрд.дан ошиши кутилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Шубҳасиз, дунё аҳолисининг ўсиши энергия истеъмолига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда етакчи давлатлар катта хом ашё захиралари, шу жумладан углеводородларга эга бўлган минтақаларда мустаҳкам ўрнашишга интилмоқда. Бу ҳолат, албатта, геосиёсий ўзгаришларнинг асосий хусусиятларидан бири – кучларни қайта ташкил этиш, қайта қуриш, минтақавий ва субрегионал марказларни макрорегионал географик конструкцияларга айлантиришга қаратилган. Бундай ўзгаришлар ҳудудий чегараларни билмайди ва халқаро муносабатлар акторлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча шаклларини истисносиз қамраб олади. Бу, айниқса, энергетика ресурслари борасида аниқ намоён бўлади. Энергия ишлаб чиқариш, ташиш ва ташқи бозорларга энергия ресурсларини етказиб бериш соҳасидаги муносабатлар геосиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Шу боисдан геосиёсий трансформациялар таъсирида бу муносабатларнинг шакли тизим ҳамда функционал жиҳатдан ўзгаришларга юз тутади.

Бугунги халқаро энергетика тартиботи ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги вазиятдан тубдан фарқ қилади. Нефть-газ комплексларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган йирик инвестициялар Шарқий Сибирь, Аркти-

[1] Klare Michael. Resource Wars: The New Landscape of Global Conflict. New York: Metropolitan Books, 2001, p. 18.; Hill Fiona. Russia. The 21st Century's Energy Superpower? In: Brookings Review. Spring 2002, vol. 20, p. 28 – 31.

[2] Ivanov S. O prirode razvitiya chelovechestva [On the nature of human development] // Za rubejom, Abroad, 1998. – №51. – C.6.

ка, Узоқ Шарқ минтақларига қаратилган. Бу энергия векторининг шимолга – Арктика ва Шимолий муз океанигача сезиларли тарзда силжиганлигини кўрсатади. Ноёб жўғрофий жойлашув бу ҳудудларни ҳарбий стратегик аҳамиятга эга Шимолий Америка ва Евросиёни боғлайдиган денгиз ва ҳаво йўллари ўтадиган зона деб қарашга имкон беради.

Геосиёсий трансформациялар ҳамда энергетика манфаатлари векторини қайта йўналтириш икки муҳим жиҳатга қаратилган: 1) яқин ўтмишга қадар геосиёсий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга бўлмаган минтақада янги жараёнларни шакллантириш; 2) энергетика тартиботининг моҳиятини ташкил этувчи энергия муносабатларининг умумий тизимидаги кучларнинг янги конфигурациясини вужудга келтириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, энергетика тизими дунё тартиботига хос бўлган кучлар ва омилларнинг таъсирини бошдан кечиради, уларнинг таъсири остида мураккаблашади. Кўриниб турганидек, геосиёсий маконнинг бундай муҳим платформаси аслида дунёда юз берадиган жараёнлар ва ўзгаришларнинг таъсири остида қолмаслиги мумкин эмас.

Геосиёсий ўзгаришлар энергетика тартиботига муқаррар таъсир кўрсатиб, геосиёсий кучларнинг янги конфигурациясини вужудга келтиради. Шу билан бирга, углеводород бозорининг асосий актorлари таркибида кенг кўламли ўзгаришлар кузатилади. Шу нуқтаи назардан, энергия ресурслари тақсимоти таркибидаги ўзгаришлар янги йирик истеъмол марказлари пайдо бўлишига туртки бўлади[1].

Янги куч марказларининг пайдо бўлиши халқаро энергетика муносабатларига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, энергетика ресурсларига эгалик қилиш муаммоси ва энергетика тартиботининг зиддиятли хусусияти ўртасидаги боғлиқликни кузатиш мумкин. Чунончи, Ливия ва Ироқдаги сўнгги воқеалар, жумладан, Россия, Украина ва Белоруссия ўртасидаги газ зиддиятлари куч марказлари ва бошқа актorлар ўртасидаги энергетика зиддиятларининг ҳалокатли таъсирини аниқ кўрсатмоқда. Бундай қарама-қаршиликлар глобал энергия хавфсизлигининг асосларини заифлаштиради. Шунингдек, энергия тартиботини таъминлашнинг самарали халқаро-ҳуқуқий механизмларининг йўқлиги энергетик вазиятни янада мураккаблаштиради.

Энергия ресурсларига эгалик қиладиган ҳамда энергетика муносабатларига таъсир ўтказиш салоҳиятига эга давлатлар ҳар доим етакчилар қаторини эгаллайди ва уларнинг халқаро муносабатлардаги позициялари ҳукмронлик мақоми билан белгиланади. Бундай “sui generis” доминантга эгалик куч марказлари ўртасидаги муносабатларнинг асосий кўрсаткичидир ва уларнинг мақоми кўп жиҳатдан актorларнинг энергетик қудрати ёки заифлиги билан характерланади.

[1] Overholt William H. Asia, America, and the Transformation of Geopolitics. Cambridge: Cambridge University Press, 2008. 366 p.

Шарқий Осиёдаги геосиёсий жараёнларнинг энергетик вазиятга таъсири. Дунё тараққиётида етакчи ўринларни эгаллаган Осиё-Тинч океани минтақасидаги халқаро вазият чуқур геосиёсий ўзгаришлар билан тафсифланади. Ушбу ўзгаришлар Хитой қудратининг ортиши, минтақадаги бир қатор ривожланаётган давлатларнинг юксалиши, Япониянинг ҳарбий соҳада ҳар қандай чекловлардан ҳоли давлатга айланиш истаги ва минтақада етакчиликка интилиши каби қатор муҳим омиллар билан изоҳланади.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида Осиё, айниқса, Шарқий Осиёда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берди. Минтақа бир вақтнинг ўзида юқори динамизм хусусиятига эга ҳамда кўплаб хатарлар таъсиридаги ҳудудга айланди. Бу ўз навбатида минтақа ва минтақадан ташқарида жойлашган мамлакатлардан биринчи навбатда, миллий ва глобал хавфсизликни таъминлаш йўлида ҳарбий-сиёсий, молиявий-иқтисодий, фан-техника ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ҳамда катта саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Замонавий босқичда минтақадаги кўплаб давлатлар, бир қатор ташкилотлар ва интеграцион тузилмалар Осиёни қайта тиклаш руҳида ўзларини жиддий равишда эълон қилишди. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Индонезия ва бошқа мамлакатлар халқаро майдонда ўз позицияларини мустаҳкамлади. Бироқ, минтақда қатор кучларнинг геосиёсий талабларининг таҳдидли ўсиши, минтақадаги вазиятга ташқи кучларнинг фаол аралашуви Шарқий Осиёни кўплаб геосиёсий манфаатлар тўқнашуви майдонига айлантирди. Етакчи давлатлар ва бошқа кучлар ўз геосиёсий, иқтисодий ва стратегик манфаатларини илгари суриш мақсадида ушбу минтақага нисбатан стратегия йўналишларини ўзгартирдилар.

Шу билан бирга, халқаро майдонда аввал муҳим рол ўйнамаган янги куч марказларининг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Глобаллашувнинг ҳозирги босқичи кўп жиҳатдан кутилмаган вазиятларга олиб келди. Бу бир неча ўн йиллар давомида ривожланишнинг индустриясиз босқичида орқада қолган минтақаларда ишлаб чиқариш кучларининг кескин ўсиши билан боғлиқ жараёнларда кўринади. Илгари хом ашё ва арзон ишчи кучи етказиб бераётган ривожланаётган мамлакатлар эндиликда глобал фабрикаларга эга энергия ва озиқ-овқат ресурсларининг асосий истеъмолчиларига айланмоқдалар. Ғарбий метрополия ва мустамлакалар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ўтмишга айланди. Кўп қутбли дунё ғояси аллақачон иқтисодий куч марказларининг кўплиги шаклида рўёбга чиқмоқда.

Глобаллашув ҳамда дунёнинг турли минтақаларида интеграция жараёнларининг кучайиши халқаро муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ўз-ўзидан, бу ҳодиса дунё тараққиётида тобора муҳим омил бўлмоқда. Глобаллашув ва минтақавийлашув ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва айни пайтда қарама-қарши тенденциялардир. Минтақавийлаштириш ривожланаётган мамлакатларнинг қудратли трансмиллий корпорацияларнинг ҳаддан ташқари босимига дучор бўлмасдан, глобаллашув жараёнларидаги фаол иштирокини таъминлайди. Бу ўз навбатида, глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш ва миллий ўзига хосликни сақлаш учун кўпроқ имкониятларни тақдим этади.

АҚШ Марказий разведка бошқармаси ҳисоботининг муаллифлари таъкидлашларича, 2030 йилга келиб Шарқий Осиё дунё саҳнасида пешқадам ўринни эгаллайди ва шу билан Ғарбнинг тарихий юксалиш даврига чизиқ тортади. Минтақа давлатлари Шимолий Америка ва Европа мамлакатларини ортда қолдириб, Хитой АҚШдан ўзиб етакчи иқтисодий кучга айланади[1].

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин вужудга келган ва 70-йилларнинг бошларидан ўзгаришларга юз тутган Шарқий Осиёдаги минтақавий тартиб икки асосий таянч – 1972 йилда Хитой ва АҚШ ўртасидаги ярашув ҳамда ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида АҚШ томонидан тузилган икки томонлама ҳарбий иттифоқлар тизимига асосланарди. Ташқи дунё билан очиқ сиёсат Хитойда 30 йиллик мисли кўрилмаган узлуксиз ўсишни таъминлади ва бу Шарқий Осиёда кучлар мувозанатини тубдан ўзгартирди. Шу билан бирга, минтақадаги АҚШнинг ҳарбий тузилмалари унга Тинч Океанининг ғарбий қисмида гегемонликни тақдим этди.

Бироқ, бу тизимнинг кўплаб камчиликлари бор эди. Биринчидан, у собиқ иттифоқга қарши курашнинг умумий манфаатларига асосланган эди. Унинг парчаланиши Хитойнинг АҚШ билан алоқаларини хавф остида қолдирди. Хитой энди АҚШ учун стратегик шерик эмас, балки мафкуравий жиҳатдан "бегона" бўлиб қолди. Иккинчидан, минтақадаги АҚШ ҳарбий кучларининг бутун тизими ХХРнинг минтақадаги имкониятларини чеклашга қаратилган эди. Учинчидан, Хитойнинг қитъа денгиз державасига айланишга бўлган интилишлари АҚШ ва бошқа соҳилбўйи давлатлар билан манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодий ва сиёсий ривожланиш марказининг Осиё-Тинч Океани минтақасига силжиши билан бир қаторда, жаҳон сиёсатининг етакчи иштирокчилари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам бу ерга кўчиб ўтди. Сўнгги пайтларда бозорлар, инвестиция манбалари ва ресурслар учун иқтисодий рақобат кучаймоқда. Ўз навбатида, ривожланиш учун қулай ташқи шароитлар, хавфсизлик кафолатлари, халқаро нуфуз ва янги ривожланаётган минтақавий архитектурага таъсир қилиш имконияти учун сиёсий рақобат ҳам кучайиб бормоқда. Бир қатор воқеалар ва минтақадаги бугунги вазият унинг тинчлик ва барқарорлик гўшаси бўлиб қолишини шубҳа остида қолдиради.

Умуман, кейинги даврда Шарқий Осиёдаги барқарорлик мўрт бўлиб қолмоқда. Жаҳон кучлари Яқин Шарқ, Африка ҳамда Афғонистонда ва бугунги кунда Европадаги кучли таҳликалар билан банд бўлаётган бир пайтда, Осиёнинг етакчи давлатлари ўзларининг ҳарбий салоҳиятларини ҳар томонлама ривожлантирмоқдалар. Улар тийиб туриш механизмларни кучайтиришга ва узоқ масофадан потенциал душманга қарши ҳужум қилиш имкониятларидан фойдаланишга интилишмоқда. Шу сабабли Шарқий Осиёдаги денгиз акваториялари борасидаги ихтилофлар кейинги пайтларда жиддий тус олмоқда. Минтақа мамлакатлари ҳарбий харажатларни энг тез оширадиган давлатлар қаторига

[1] Global Trends 2030: Alternative Worlds. National Intelligence Council, December 2012. URL: http: www.dni.gov/nic/globaltrends

кирмоқда. Улар авиация ва флотга, шунингдек, қирғоқ бўйидаги узоқ масофали қуролланиш тизимларига тобора кўп эътибор қаратмоқдалар.

Сўнгги йиллардаги воқеалар Шарқий Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг жиддий ўзгарганлигидан далолат беради. Минтақадаги етакчи давлатлар – Хитой, АҚШ ва Япония ўртасида стратегик учбурчак шаклланди. Ушбу учбурчакнинг бир қисми сифатида, айрим давлатлар бир вақтнинг ўзида вазиятни издан чиқарувчи ҳаракатларга йўл қўймоқдалар, бу эса қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда. Минтақада Ҳиндистон ўз манфаатларини фаол равишда илгари суришга киришмоқда. Шунингдек, Россия ҳам минтақадаги таъсир доирасини кенгайтиришга интилиб келмоқда.

Хитой ушбу минтақада АҚШ ва Япония билан жиддий рақобатга киришди. У Жанубий Корея, ASEAN давлатлари ва Ҳиндистоннинг асосий савдо шеригига айланди. Хитойнинг асосий минтақавий ташкилотлар – APEC ва ASEANдаги позициялари мустаҳкамланди. Хитойнинг кучли таъсири остидаги ASEAN + 1(Хитой) каби мини-гуруҳлар ҳам вужудга келди. 2015 йилдан бери Хитой-ASEAN эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги битим (CAFTA)[1] тўлиқ ишга тушиб, ҳозирги вақтда ASEANнинг барча 10 давлати мазкур келишув мажбуриятларини бажариб келмоқдалар. Худди шундай ғоя Токиода ҳам мавжуд. Япония биринчилардан бўлиб ASEANнинг етакчи давлатларидан бири Сингапур билан эркин савдо ҳудуди тўғрисида шартнома имзолади. Корея ҳам ASEAN билан муносабатларнинг ўз сценарийсини ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, уч томонлама Хитой–Япония–Жанубий Корея ҳамкорлик механизмининг таъсири ортиб бормоқда. ASEAN + 6 (ASEAN + 3 + Ҳиндистон, Австралия ва Янги Зеландия) доирасида кенгқамровли минтақавий иқтисодий шериклик (RCEP) ни яратиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда[2].

Шу билан бирга, хитой-япон қарама-қаршилиги кучайиб, минтақадаги йирик кучлар ўртасидаги рақобатни юзага келтирмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги зиддият кўплаб муаммо ва баҳс-мунозараларни ўз ичига олади. Булар: минтақавий етакчи позицияси учун кураш, ҳудудий низолар, Шарқий Хитой денгизидаги нефть қидируви борасидаги иҳтилоф, тарихий илдизларга эга ўзаро низолар, Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига қабул қилинишига оид келишмовчилик, Япониянинг ремилитаризация имконияти билан боғлиқ эътирозлар, Тайван борасида АҚШ-Япония иттифоқчилиги каби зиддиятлардан иборат. Ушбу қарама-қаршиликларга нисбатан Хитойнинг муросасизлиги расмий Токионинг мамлакат мудофаа қобилиятини кучайтириш борасидаги қарорларига сабаб бўлиб келмоқда.

АҚШ-Хитой ва Хитой-Япония ҳарбий рақобати минтақадаги кучлар мувозанатини тубдан ўзгартириб, хавфсизликка янги таҳдид туғдирмоқда. Бундай вазият минтақа давлатларининг яқин ҳамкорлигига тўсқинлик қилиб, бу сиз ҳам

[1] ASEAN – China Free Trade Agreements//https://asean.org/?static_post=asean-china-free-trade-area-2

[2] Fifth Round of Negotiations for Regional Comprehensive Economic Partnership (RCEP) https://www.mofa.go.jp/press/release/press4e_000336.html

заиф бўлган ўзаро ишончнинг сўнишига, минтақадаги кескинлик, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар хавфининг ортиши, қуролланиш пойгасининг тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Бунинг натижасида минтақа давлатларининг ҳарбий харажатлари ўсишда давом этиб, ушбу ўсиш суръатларини фақат АҚШ ва Яқин Шарқ билан қиёслаш мумкин[1]. Шарқий Осиё ҳарбий харажатларнинг юқори даражаси сақланиб қолаётган минтақага айланди. Шунингдек, Хитойнинг АҚШ ҳамда Япония билан кескин рақобатга кириши Шарқий Осиёда бўлиниш ҳолатини вужудга келтирмоқда. Бундай вазият минтақа энергетика муносабатлари ва энергетика хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммолари. Бугунги кунда глобал энергия бозорларида икки омил – Шарқий Осиёда энергия талабининг кескин ўсиши ва Шимолий Америкада сланец гази ва нефть қазиб олишнинг қутилмаган даражада кўтарилиши натижасида туб ўзгаришлар юз берди. Хитой дунёдаги энг йирик нефть импортёрига айланди. Фукусима фалокатидан сўнг Япониянинг узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган нефть ва газ импортига қарамлиги кескин ортди. Бундан ташқари, дунё ва минтақада кечаётган геосиёсий жараёнларнинг иштирокчиси бўлган Япония энергетика муносабатларида ҳам ўта мураккаб вазиятда турибди. Мамлакат ОРЕС ва йирик нефть консорциумлари ўртасидаги музокараларда иштирок этмайди, энергия ресурсларини улар белгилаган нархларда сотиб олишга мажбур. Импорт қилинадиган энергия ресурсларига бўлган қарамлик юқори бўлиб, мамлакат кунига 3,5 миллион баррел нефть импорт қилади[2].

Нефть ва газ таъминотига ишончли ва қулай эришиш Япония учун тобора муҳим ва устувор вазифага айланиб бормоқда, у ОТОМ ва умуман дунё энергетика бозорини мустаҳкамлаш ва янги ҳамкорликлар ўрнатишга қизиқишни кучайтирмоқда. Минтақанинг ҳеч бир мамлакати нефть ва газ импортига қарамликни камайтира олмади ва Брунейдан ташқари Жануби-Шарқий Осиёнинг барча мамлакатлари соф нефть импортёрларига айланди. Яқингача Осиё-Тинч океани минтақасидаги ОРЕС аъзоси бўлган ягона давлат – Индонезия ҳам хом ашё базасининг камайиши ва 2007 йилда ички талабнинг ўсиши натижасида нефть импорт қилувчи давлатга айланди ва 2008 йилда картелни тарк этди[3]. Ресурслар масаласи минтақа давлатларини энергия хавфсизлигига биринчи галдаги вазифа сифатида қарашга мажбур этади.

Ушбу ўзгаришлар мавжуд энергия хавфсизлиги тизимининг эскирганлиги, Шарқий Осиё мамлакатлари учун глобал ва минтақавий энегетиканинг янги воқеликларига мувофиқ минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш сиёсатига жиддий ўзгаришлар киритиш вақти келганидан далолат беради. Шарқий Осиё мамлакатлари энергетика хавфсизлиги тобора кескинлашиб бораётган

[1] http://www.sipri.org/contents/milap/milex

[2] BP Statistical Review of World Energy 2019. p. 29.

[3] Priglyadivayas k novim rinkam. [Looking to new markets.] Международная жизнь. International life. http://interaffairs.ru/lukoil.php?n=14

вазиятга мослашиши ва минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш потенциалига эга бўлиши жуда муҳимдир.

Шу ўринда, АҚШнинг Шарқий Осиёдаги нефть ва газ бозорида янги ролининг ортиб бораётганлигини, бир томондан АҚШнинг Яқин Шарқ нефтига қарамлиги тезда камайиб, иккинчи томондан, Шарқий Осиёнинг Яқин Шарқдан етказиб бериладиган энергеия ресурсларига қарамлиги жуда юқори суръатларда ўсаётганлигини кузатиш мумкин. 2006 йилдан бери янги технологиялар Американинг нефть қазиб олиш ҳажмининг пасайишининг узоқ муддатли ва таркибий жараёнини ўзгартиришга имкон берди. Шу билан бирга, АҚШда нефтга талаб 2005 йилдаги энг юқори даражага нисбатан пасайган ва келажакда жуда секин ўсиши мумкин.

Натижада, АҚШнинг нефть импортига қарамлиги тезда пасаймоқда бу кўрсаткич кейинги ўн йилликда ҳам давом этиб Яқин Шарқ ва Форс кўрфази минтақалари импорти ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Ҳатто Саудия нефтининг АҚШга экспорти ҳам аллақачон босимни ҳис қила бошлади. Сланецли табиий газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши туфайли АҚШ келгуси ўн йилликда суюлтирилган табиий газни Шарқий Осиёга экспорт қилиши эҳтимоли катта. АҚШ тобора кўпроқ ўз энергия таъминотига эга бўлаётган бир пайтда, Осиёда ва айниқса Хитойда нефтга талабнинг жадал ўсиши Шарқий Осиёни Яқин Шарқдан энг катта нефть сотиб олувчига айлантирди. Ушбу ўзгаришлар натижасида дунё миқёсидаги нефть оқими кескин равишда Яқин Шарқ–Шарқий Осиё вектори томон силжиди.

Шарқий Осиё мамлакатларига Яқин Шарқдан импорт қилинадиган энергеия ресурсларининг салмоғи сезиларли ортишда давом этмоқда. Масалан, Хитойнинг нефтга бўлган талаби сўнгги ҳар икки ўн йиллик ичида икки баравар кўпайди. Ҳозирда ушбу мамлакат томонидан истеъмол қилинадиган нефтнинг қарийб 60 фоизи импорт қилинади ва ушбу импортнинг ярми Яқин Шарқ минтақасига тўғри келади. Бугунги кунда Саудия Арабистони АҚШга қараганда Хитойга кўпроқ нефть етказиб бермоқда. Умуман олганда, ушбу минтақадан экспорт қилинадиган нефтнинг 80 фоиздан ортиғи Осиёга, унинг 50 фоиздан кўпроқ нефть эҳтиёжларини қондириш учун тўғри келади ва бу қарамлик кейинги ўн йилликда сезиларли даражада ошиши мумкин. 1978 йилдан бошлаб индустриал дунёга катта таъсир кучи билан кириб келган Хитой Яқин Шарқдан етказиб келинадиган нефтнинг кафолатланмаганлиги шароитида энергия ресурслари борасида мураккаб вазият исканжаси ва Ҳиндистон билан жиддий рақобатга тўқнаш келди[1]. Шарқий Осиё мамлакатларининг энергия ресурсларига тобора кўпроқ қарам бўлиб бораётганлиги ушбу муаммони янада кескинлаштирди ва бу бутун минтақа давлатларини ташвишга соладиган таҳдидга айланди.

Ушбу тенденция аср бошларида фақат Шимоли-Шарқий Осиё билан боғлиқ бўлган бўлса, келгуси йилларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари энергетика

[1] Bajpaee Chietigi. China's Quest for Energy Security. In: Power and Interest News Report. February 25, 2005. [On-line]: http://www.pinr.com

хавфсизлигига таъсир этиш эҳтимоли юқоридир. АҚШнинг Осиё тадқиқотлари миллий бюросининг (US National Bureau of Asian Research) савдо, иқтисодий ва энергетика масалалари бўйича катта вице-президенти Мередит Миллер (Meredith Miller) сўзларига кўра, "2035 йилга келиб Жануби-Шарқий Осиё дунёдаги тўртинчи йирик нефть импортёрига айланади"[1].

Шарқий Осиёдаги замонавий энергетика хавфсизлиги архитектураси уч асосий йўналишда акс этиши мумкин:

1) геосиёсий стратегия; 2) институционал ва бошқарув; 3) энергия бозори динамикаси.

Шарқий Осиёнинг геосиёсий стратегияси ва энергия хавфсизлиги.

Минтақанинг Яқин Шарқ энергиясига боғлиқлиги ўсиб бораётган ва Яқин Шарқда беқарорлик кучайиб бораётган бир шароитда минтақага энергия ресурсларини етказиб бериш ишончлилигини таъминлаш муаммоси кўпроқ эътиборни талаб қилади.

Бу муаммо икки омил – биринчидан, Яқин Шарқ минтақасида сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлар билан; иккинчидан, Шарқий Осиёга энергия ташишнинг денгиз йўллари хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Асримизнинг иккинчи ўн йиллигидаги воқеалар шундан далолат беради ки, Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги етакчи ташқи куч позицияси аста-секин заифлашиб бормоқда. Бундан буён Шарқий Осиё давлатлари Яқин Шарқдаги энергия манфаатларини таъминлаш учун кўпроқ ўз сиёсий дастакларига таяниб, фаолроқ дипломатия олиб боришлари керак бўлади.

Аммо, Шарқий Осиё мамлакатларининг бу минтақага сиёсий таъсир ўтказиш имкониятлари жуда чекланган. Кўп жиҳатдан таъсир ўтказиш доиралари инвестиция, иқтисодий ёрдам, маданий ва гуманитар ҳамкорлик каби воситалардан фойдаланишга асосланган. Япония, Хитой ва Жанубий Корея ушбу минтақада энг кучли дипломатик ва иқтисодий позицияларга эга бўлсада, уларнинг сиёсий нуфузи унчалик юқори эмас. Бундан ташқари, Америка-Хитой ҳамда Япония-Хитой ўзаро қарама-қаршиликларининг мавжудлиги ва вақти-вақти билан кескинлашиши туфайли минтақадаги таъсир кучлари сезиларли даражада заифлашмоқда.

АҚШ хусусан, Хитойни Яқин Шарқ ишларида фаолроқ иштирок этишга жалб қилишга шошилмаяпти, ўз навбатида Хитойнинг Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий мақсадлари, воситалари ва усуллари АҚШ билан жуда катта тафовутларга эга. Шу билан бирга, Хитой Яқин Шарқ энергетика соҳасига инвестицияларнинг кўпайтириш, йирик энергия импорти шартномалари ва савдо манфаатларини кенгайтириш орқали минтақадаги таъсир кучининг ортишига эришмоқда. Яқин Шарқ Хитой учун инвестиция ва энергетика хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ муҳим стратегик минтақага айланди. Ливиядаги уруш туфайли у ерда фаолият олиб бораётган Хитой компанияларининг кенг кўламли

[1] Asian Pacific Potential // The Oil & Gas Journal. 25.05.2015. P. 24.

қурилиш ва инвестиция фаолиятига (лойиҳа қиймати 18,8 млрд. АҚШ долларига тенг) жиддий зиён етди. Хитойнинг 2011 йил июнидаги тўғридан-тўғри йўқотишлари 3 млрд. АҚШ долларига тенг деб баҳоланди[1]. Яқин Шарқдаги бундай вазият Хитойнинг ушбу минтақадаги сиёсий-иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир кўрсатди. Хитой Ироқда ҳам кенг иқтисодий манфаатларини илгари суриб, Боғдоднинг Россия ва Франциядан кейинги учунчи савдо шергигига айланганди. Икки томонлама товар айланмаси йилига 2,7 млрд. долларни ташкил этиб, биргина 2001 йилда савдо деярли 30%га ошди. Урушгача 60 дан ортиқ Хитой компаниялари "нефтни озиқ-овқатга алмашув" дастури бўйича 500 дан ортиқ ўзаро шартномаларда иштирок этиб келган[2].

Шунингдек, С. Абе ҳукумати Япониянинг Яқин Шарқдаги халқаро хавфсизлик позицияларини мустаҳкамлашга уринаётган бўлса-да, Япония бу соҳада қайси мақсадларни амалга ошириши бир-мунча номаълум. Жанубий Корея ва айниқса Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг минтақада хавфсизликни таъминлаш имкониятлари ва мақсадлари янада ноаниқдир.

Шундай қилиб, Шарқий Осиё давлатлари, Яқин Шарқда сиёсий барқарорликни таъминлаш борасида турли ёндашув ва энг муҳими мазкур жараёнда иштирок этишнинг турли имкониятларига эга бўлишларига қарамай, ушбу минтақада сиёсий барқарорликни таъминлаш учун эҳтиёткорлик билан муштарак позицияларни излашлари даркор.

Яқин Шарқдан Шарқий Осиёга денгиз орқали ишончли ва барқарор энергия ресурсларини ташишни таъминлаш энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Жанубий Хитой денгизининг геосиёсий, геостратегик ва глобал аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Жанубий Хитой денгизи Тинч океанининг денгизларини ва шу билан бирга стратегик аҳамиятга эга икки улкан уммон – Тинч ва Ҳинд океанини боғлайдиган денгиз логистика йўлларининг энг муҳим бўғинларидан биридир. Дунё транспорт савдосининг 90 фоиздан ортиғи денгиз йўллари орқали, жумладан, 45 фоизи Жанубий Хитой денгизи орқали амалга оширилади[3]. У бой табиий захиралар, айниқса нефть ва газ, метан гидрат (газ гидрат) ҳамда улкан денгиз маҳсулотларига эга. Шу боисдан, нафақат геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатга, балки муҳим геостратегик аҳамиятга эга Жанубий Хитой денгизи "иккинчи Форс кўрфази", деб ҳам аталади. Шунинг учун, барча Шарқий Осиё мамлакатларининг хавфсиз денгиз йўлларига қизиқиши уларни геосиёсий масалалар бўйича музокаралар олиб боришга ундайди. Ушбу соҳада, биринчи навбатда, Япония учун ҳамкорлик қилиш борасида кўплаб имкониятлар очилмоқда. Япония муҳим денгиз потенциалига эга ва уни кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилиб келмоқда. Шунингдек, Хитой

[1] Krushinskiy A. Postsovetskiy faktor «kitayskogo chuda» [Post-Soviet factor of the "Chinese miracle"] // Problemi Dalnego Vostoka, Problems of the Far East 2011. – №4. – S. 73.

[2] Ross R. Problema s razvorotom [The problem with a turn]//Rossiya v globalnoy politike, Russia in global politics 2012. T. 10. – №6. – S. 141.

[3] Novie vizovy i mexanizmy bezopasnosti v Vostochnoy Azii. [New challenges and security mechanisms in East Asia.] – M.: ID «FORUM», 2016. – S. 52.

Ҳинд океани орқали Яқин Шарқ йўналиши бўйича қатновларни амалга ошириш имконига эга бўлган тез ривожланаётган денгиз флотига қизиқиш билдирмоқда. Бундай ҳамкорликнинг маълум бир тажрибаси аллақачон мавжуд: Хитой ва Япония Аден кўрфазидаги қароқчиликка қарши операцияларда иштирок этадилар. Бундан ташқари, Хитойнинг Ипак йўли лойиҳаси денгиздаги фавқулодда вазиятларга жавоб бериш ва Ҳормуз бўғози, Форс кўрфази ёки Баб эл-Мандеб бўғози орқали нефть етказиб беришни янада тартибга солинган ва бирлаштирилган механизмларини яратиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар доирасида ривожланиши мумкин.

Шу боисдан, Хитойнинг ҳарбий денгиз флоти аввало, нефть ташиб келинадиган денгиз йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақадаги вазиятни назорат қилишга сафарбар этилган. Шунингдек, Хайнань оролида йирик ҳарбий-денгиз базасини қуриш ва такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 2018 йилда Хитойнинг нефть импорти 418,11 млн. тоннани ташкил этди ва бу кўрсаткичнинг янада ўсиши кутилмоқда[1]. Нефть ташиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ҳинд океани ҳудудида ҳарбий-денгиз кучлари ва ҳарбий-ҳаво кучларининг Жанубий Хитой денгизидаги Хайнань оролидан то Жануби-Ғарбий Осиёгача чўзилган таянч пунктлари яратилмоқда. Мазкур стратегия “марварид шодаси” деб ном олган. 2001 йилда Хитой Мараода (Мальдив ороллари) ҳарбий-денгиз базасини қуриш учун рухсат олди. 2004 йилда Ситуе (Мьянма)–Куньмин (Юньнань провинцияси) қувур ўтказгичи, 2005 йилда ҳарбий денгиз флотининг Гвадардаги (Покистон) порти ва кузатув пункти ва бир вақтнинг ўзида у билан юқори тезликдаги автомагистраль орқали боғлиқ Пасни порти қурилиши, 2007 йилда Хамбантота (Шри-Ланка) порти қурилиши йўлга қўйилди[2].

Шунингдек, АҚШ асосан, Форс кўрфазидаги денгиз йўлларининг хавфсизлигини таъминлашда Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик ғоясини қўллаб-қувватлайди. Ҳатто Яқин Шарқ минтақасидан нефть ва суюлтирилган газни етказиб беришда узилишлар юзага келиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар режаларини ишлаб чиқишда манфаатдор бўлган мамлакатларнинг маълум бир коалициясини тузишга тайёр. Бу йўналишда маълум қадамлар қўйилди: биринчидан, денгиз маршрутларини ҳимоя қилиш муаммолари Халқаро стратегик тадқиқотлар институти томонидан ташкил этилган Шангри-Ла Диалоги доирасида ОТОМ мамлакатлари мудофаа вазирлари томонидан муҳокама қилинади. Иккинчидан, 2013 йилдан бери АҚШ-Хитой стратегик ва иқтисодий мулоқоти ўтказилиб, ҳар олти ойда бир марта учрашувлар ўтказилмоқда. Унда Яқин Шарқнинг асосий муаммоларига, шу жумладан энергия хавфсизлиги муаммоларига умумий стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ

[1] Zheng Xin. Nation's reliance on crude oil imports set to continue // http://www.chinadaily.com.cn/global/2019-06/05/content_37477320.htm

[2] Sharapov A.A. Osiyo-Tinch Okeani mintaqasi davlatlari va O‘zbekiston Respublikasi munosabatlari. (Relations of the Asia-Pacific region and the Republic of Uzbekistan) – T. 2014. – 95-b.

масалаларни муҳокама қиладилар. Аксарият экспертларнинг фикрига кўра, ушбу мулоқотни Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам қамраб олиши мумкин[1].

Минтақавий жараёнларда ўзаро фойдали келишувларга эришиш, шубҳасиз, қийин ва эҳтимол, узоқ давом этадиган жараёндир. Ҳиндистон қудратли кучларининг Ҳинд океанида Хитойнинг фаоллашувини англатадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан совуқ муносабатда бўлиши, бундан ташқари, Жанубий Хитой ва Шарқий Хитой денгизларида минтақанинг бир қатор давлатлари ўртасидаги жиддий зиддиятлар денгиз йўлларини ҳимоя қилиш соҳасида изчил ҳамкорлик қилишни талаб этади.

Шарқий Осиёдаги энергетика менежментининг институционал асослари.

Замонавий босқичда Шарқий Осиё мамлакатлари энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва соҳани бошқариш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга жуда муҳтож.

Сўнгги йигирма йил ичида Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик фаол равишда кенгайиб бораётган бўлса-да, ташқи нефть таъминоти ва минтақавий транспорт йўллари устидан назорат учун рақобат ривожланиб, энергетика хавфсизлиги соҳасидаги вазият бир-мунча ёмонлашди. Нефтнинг юқори нархи ва глобал таъминотнинг чекланиши, айниқса 2000 йилдан кейин, ишончли етказиб бериш билан боғлиқ хавотирларини кучайтирди ва иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда Шарқий Осиё давлатлари ҳукуматлари миллий нефть компанияларининг келажакда энергетика хавфсизлигини таъминлашига умид қилган ҳолда дунё бўйлаб нефть ва газ активлари устидан назоратни қўлга киритишни қўллаб-қувватламоқда ва рағбатлантирмоқда. Энергия манбалари ва уларнинг транзит йўллари устидан назорат стратегия ва хавфсизлик соҳасида миллий рақобатнинг муҳим элементларига айланди. Ушбу тенденция Шарқий Осиёда тобора кескинлашиб бораётган сиёсий рақобатни кучайтириши ажабланарли ҳол эмас. Энергия таъминотини ҳимоя қилиш минтақа мамлакатларининг энергетика секторини бошқарувчи институтларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва уларнинг функцияларини такомиллаштириш учун кучли рағбат бўлиб хизмат қилиши жуда муҳимдир.

Шарқий Осиё мамлакатлари томонидан энергия хавфсизлигининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлик яқин вақтгача жуда содда ва одатда самарасиз эди. Гарчи, APEC ва Шарқий Осиё Саммити каби минтақавий институтлар узоқ муддатли кун тартибида ушбу соҳада ташаббуслар билан чиқишса-да, уларнинг ҳеч бири изчил амалга оширилмади ва энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг кучайишига олиб келмади.

Энергетика хавфсизлиги соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг элементлари мавжуд, аммо улар тарқоқ ва асосан бир-бири билан боғлиқ эмас. Япония ва Жанубий Корея нефть захираларини тўплаш бўйича глобал ҳамкорлик тизимини

[1] Novie vizovy i mexanizmy bezopasnosti v Vostochnoy Azii. [New challenges and security mechanisms in East Asia]. – M.: ID «FORUM», 2016. – S. 141.

барпо этиш учун ХЭА аъзоси бўлиб, ундан нефть етказиб беришда жиддий узилишлар бўлган тақдирда биргаликда фойдаланишлари мумкин. Иккала мамлакатда ҳам фавқулодда вазиятлар захиралари мавжуддир.

Бироқ, Шарқий Осиёда энг тез суръатларда ўсаётган нефть импортёрлари, хусусан Хитой ва ASEAN давлатлари ХЭА га аъзо эмаслар. Хитой инқироз ҳолатида фойдаланиш учун ўзининг стратегик захираларини яратишга интилади. ASEAN минтақавий нефть захираларини вужудга келтириш ва етказиб беришда узилишлар юзага келганда нефть алмашинуви дастурини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, аммо бу ташаббус амалда кам қўллаб-қувватланади. Коллектив захиралар бўлмаган тақдирда, Шарқий Осиё фавқулодда ҳолатларда ХЭА аъзоларининг ўз захираларини тақдим этишига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолади.

Шарқий Осиё мамлакатлари, айниқса йирик давлатлар (Хитой ва Индонезия) таклиф қилинган шароитларда ХЭАга қўшилишдан унчалик манфаатдор эмасликлари ва ХЭАга нисбатан ишончсизлик кайфиятида эканликлари равшан бўлиб, бу агентликни АҚШ ва Европанинг манфаатларини акс эттирувчи институт сифатида кўриб келишади.

ХХР энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликни кучайтириш учун Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидан фойдаланиш ғоясини қабул қилмади. Бунинг ўрнига, Хитой миллий нефть ва газ компанияларини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишда давом этмоқда. Марказий Осиё, Мьянма ва Россиядан нефть ва газни етказиб беришни диверсификация қилишга ёрдам берадиган қуруқлик қувур линияларини ишлаб чиқмоқда.

Хом-ашё стратегияси Пекиннинг ташқи ва ички иқтисодий сиёсатида импорт заруриятини шакллантиради. Бу биринчидан, мамлакатдаги мавжуд табиий захираларнинг зарур даражада ишламаслиги, иккинчидан, мавжуд конларнинг ишлаши, улардан фойдаланиш аҳволининг молиявий мақсадга мувофиқлик масаласи билан боғлиқ. Тарим ҳудудидаги нефть конлари 147 млрд. баррел (20 млрд. тонна) миқдорида баҳоланиб, уни ўзлаштириш учун Хитойга 15 млрд. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция зарур бўлади[1].

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, энергетика менежменти тизимидаги ислоҳотлар истиқболларига қарамай, Шарқий Осиё энергия ресурслари истеъмоли ва импорт ҳажми бўйича дунёдаги энг катта ва тез ривожланаётган минтақа бўлиб, ҳозирги глобал энергия бошқаруви тизимидан ташқарида қолмоқда. Таъминотда жиддий узилишлар юзага келган тақдирда, минтақа давлатлари нефть захираларини алмаштириш ва ушбу зарбанинг минтақавий иқтисодиётга таъсирини камайтириш учун деярли тайёр эмас. Форс кўрфази минтақасидаги энергия оқимининг ҳар қандай тўхташи Шарқий Осиё бозорларига сезиларли таъсир қилиши мумкин.

Шунингдек, Шарқий Осиё мамлакатлари энергия ресурсларини етказиб бериш билан боғлиқ хавфларни бошқариш ва минтақадаги инфратузилма ва

[1] Sharapov A.A. Osiyo-Tinch Okeani mintaqasi davlatlari va O‘zbekiston Respublikasi munosabatlari. (Relations of the Asia-Pacific region and the Republic of Uzbekistan) – T. 2014. – 86-b.

энергетика сиёсатига умумий ёндашувларни кучайтириш учун минтақавий институционал механизмларни яратишга муҳтож. Бу минтақа мамлакатларига минтақавий энергетика хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан стратегик нефть захираларини яратиш, энергия соҳасидаги маълумотларнинг шаффофлигини ошириш, энергия ресурсларини ташишда денгиз асосий йўналишларини ҳимоя қилиш, таъминот манбаларини диверсификация қилиш ва нефть бозорларининг барқарорлигини таъминлаш муаммоларини биргаликда ҳал қилишга имкон беради. Афсуски, минтақавий форум ёки клубни яратишга бўлган барча ҳаракатлар (коллектив қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган самарали органни айтмасак ҳам бўлади), ҳозирга қадар муваффақият қозонмади. Минтақадаги манфаатдор томонлар ушбу соҳада бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ҳали ҳам тайёр эмаслар.

Энергия бозорлари тобора глобал, яхлит ва жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, минтақанинг энергия хавфсизлигига фақат ҳамкорлик орқали эришиш мумкин. Ушбу муаммони ҳал қилиш глобал нефть ва суюлтирилган газ бозорлари учун жуда муҳимдир, чунки фавқулодда вазиятда Осиё мамлакатларига нефть ёки суюлтирилган газ етказиб бериш учун кураш жаҳон нархларининг кескин кўтарилишига ва глобал иқтисодиётга зарар етказилишига олиб келиши мумкин.

Стратегик ва институционал ҳаракатларга қўшимча равишда, Шарқий Осиё минтақаси янги энергетика хавфсизлиги архитектураси шунингдек, минтақавий энергия ресурслари бозорларининг мослашувчанлигини ва барқарорлигини ошириш чораларини, янги етказиб беришга инвестицияларни кўпайтиришни ўз ичига олади. Ушбу бозор энергетиканинг муҳим минтақавий бозорларидан бири бўлиб, у мослашувчанлик ва бозор тамойилларидан кенг фойдаланишда сезиларли фойда келтиради. Табиий газ дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан Осиёда ҳали ҳам нисбатан кам ишлатиладиган ёқилғи ҳисобланади. Аммо, тоза энергия манбаига – табиий газга талаб тез ўсиб бормоқда, бу энергия истеъмоли таркибини диверсификациялаш ва углерод чиқиндиларини камайтириш ва атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш имконини беради.

Суюлтирилган табиий газ таъминотини кенгайтириш ва янада мослашувчан бозорни ривожлантириш энергия тежашни янада тоза ва ишончли тузилишига ўтишида муҳим рол ўйнаши мумкин. Осиёдаги узоқ денгиз йўлларини ҳисобга олган ҳолда, суюлтирилган газ минтақада табиий газни тақсимлашнинг жуда муҳим усули бўлади.

Япония узоқ вақтдан бери ушбу арзон, ишончли ва мослашувчан бозорни ривожлантиришда етакчи ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги янги диалог СТГ бозорини кенгайтириш, шунингдек бозор ўзгаришлари ва ислоҳотларини амалга ошириш бўйича етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида умумий позицияларни топиш учун ҳар йили ўтказиладиган форумга айланди. Япониянинг TEPCO ва Chubu компаниялари нарх ва шартнома шартларига кўпроқ таъсир кўрсатиши учун суюлтирилган газ сотиб олишни бирлаштирдилар. Ушбу ҳамкорлик компанияни дунёдаги суюл-

тирилган газ бозоридаги энг катта ягона иштирокчига айлантирди. Бундан ташқари, биринчи марта Япония ва Жанубий Кореянинг суюлтирилган газ харидорлари янада мақбул нархларга эришиш мақсадида қўшма харид механизмларини яратдилар.

Хусусан, томонлар суюлтирилган газ бозорлари ва савдо марказларини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича иш олиб бормоқдалар. Япония ўзининг СТГ тармоқларини ривожлантирмоқда. Шунингдек, Сингапур нефть маҳсулотларини ташиш учун янги кенг кўламли марказ ҳамда суюлтирилган газ қувури тармоғини қуришга ҳаракат қилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар бозорнинг самарадорлиги ва жуғрофий мослашувчанлигини сезиларли даражада ошириши ва ҳар хил турдаги газ таъминоти ўртасидаги рақобатга олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида Осиёда суюлтирилган газни янада арзонроқ қилиш имконини беради.

2015 йилдаги арзон нефть ва газнинг умумий тенденцияси жаҳон нефтининг ярмидан кўпини истеъмол қиладиган Шарқий Осиё мамлакатларига катта таъсир кўрсатди. Келажакдаги нефть нархлари борасидаги башорат ва тахминларининг аксарияти пессимистикдир[1]. Аммо соф нефть импортёри бўлган минтақа сифатида Шарқий Осиё учун бу тенденция умуман ижобийдир, чунки, нефть ва газ учун жуда юқори нархларнинг ўта ноқулай давридан кейинги вазият бир-мунча юмшаганлигини кузатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Шарқий Осиё глобал энергия талабининг маркази бўлганлиги боис, минтақа давлатларининг энергетика сиёсати янги шароитларда дунё энергетика хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Халқаро бозорда нефть нархларининг пасайиши халқаро сиёсатдаги, истеъмолчиларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришларни, шунингдек, нефть ва газ бозорларини ривожлантириш истиқболларини баҳолашни талаб қилади.

Умуман олганда Шарқий Осиё мамлакатлари энергетика хавфсизлиги соҳасида тубдан ўзгарган глобал ва минтақавий муаммоларга дуч келмоқдалар. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш кўпроқ ҳамкорликни талаб қилади. Минтақа мамлакатлари бу ҳақиқатни ва улар дуч келадиган муаммоларни англаб етишлари зарур.

Хулоса. XXI асрнинг икки ўн йиллигида халқаро муносабатларда кўплаб геосиёсий, геоиқтисодий ва минтақавий ўзгаришлар рўй берди. Жаҳон сиёсий майдонида кечган бу ўзгаришлар, шубҳасиз, Шарқий Осиёга ҳам таъсир ўтказди. Бу ерда етакчи давлатлар ўз геосиёсий, иқтисодий ва стратегик манфаатларини илгари суриш учун асосий ҳаракатлар векторини ўзгартирдилар. Шарқий Осиё замонавий дунёда уникал хусусиятга эга минтақа, шу билан бирга, геосиёсий манфаатлар тўқнашган нуқта бўлиб қолмоқда. Шимоли-Шарқий Осиёнинг йирик давлатлари АҚШ билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан жуда катта молиявий ва иқтисодий боғлиқликка эга. Шунингдек, минтақада сиёсий танглик ва қуролланиш пойгасининг кучайиши кузатилмоқда, Тинч океанининг ғарбий қисмида ҳукмронлик учун кураш тобора кескинлашиб бормоқда.

[1] Daugherty Deon. Oil Prices Expected to Go Lower for Longer. June 26, 2015. Available at: URL: http://www.rigzone.com/news/oil_gas/a/139348/Survey_ Oil_Prices_Expected_to_Go_Lower_for_Longer#sthash.xtAsMRdD.dpuf

Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, Шарқий Осиё узоқ вақт давомида жиддий хавфсизлик масалалари – КХДР ядро дастури, денгиз акваториясидаги ҳудудий низолар ва бошқа муаммолар қаршисидаги беқарор минтақа бўлиб қолади. Қўшма Штатлар ва Япониянинг ҳарбий мажбуриятларни бажариш ва минтақадаги кичик ва ўрта давлатларнинг мудофаа салоҳиятини кучайтириш мақсадлари Хитойнинг қарама-қарши муносабатига сабаб бўлади, бу эса фақат кескинликни кучайтиради.

Шарқий ва Жанубий Хитой денгизидаги кескинликлар давом этаётганига қарамай, ҳудудий-акваториал низолар қуролли можароларга айланиб кетиши даргумон. Ўзаро баҳслар қуролли тўқнашув босқичга бориб етмаган. Шунга қарамай, минтақадаги муаммоларнинг мураккаб табиати томонларнинг турли даъво ва талабларини келтириб чиқаради, улар ўртасидаги бирдамликка раҳна солади. Бу томонларнинг сиёсий риторика ва амалиёти ўртасида тез-тез номувофиқликка олиб келиб, минтақавий вазиятга жиддий таъсир қилади.

АҚШ Шарқий Осиёдаги хавфсизлик масалаларида ўзининг устувор ролини сақлаб қолишга доимо интилиб келади (АҚШнинг 7 ҳарбий иттифоқидан 5 таси Осиё-Тинч океани минтақасига тўғри келади). Бунга минтақавий хавфсизлик тузилмаларида фаол иштирок этиш ҳамда ишончли иттифоқчи ва стратегик шерик бўлиб қолишини таъминлаш орқали эришилади.

Икки океан ўртасидаги кучлар мувозанатининг ўзгариши АҚШ ҳарбий-денгиз ва хаво кучларининг бир қисмини Шимоли-Шарқий Осиёдан Жанубий-Шарқий Осиёга кўчирилиши, Шунингдек, Австралия, Филиппин ва Гуам оролида жойлашувини, денгиз мудофаа кемаларининг Сингапурда жойлаштирилишини катта эҳтимол билан вужудга келтиради.

АҚШнинг Япония, Австралия, Жанубий Корея, Филиппин ва Таиланд билан тузган алянс келишувлари Шарқий Осиё ва умуман Осиё-Тинч океани минтақасида стратегик мавқеининг асоси бўлиб қолади. Ушбу иттифоқ занжири Хитой томонидан уни тийиб туриш воситаси сифатида кўрилади ва минтақадаги кескинликни оширади.

Замонавий босқичда кўплаб минтақавий можароларнинг сабаби энергия ресурслари учун курашнинг авж олиши билан боғлиқ бўлиб, бу глобал трендга айланди. Шу ўринда, Шарқий Осиёдаги энергетик вазият ҳам асосан замонавий дунёда рўй бераётган тектоник геосиёсий силжишлар билан узвий боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Энергия масаласи Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларнинг манбаи сифатида сақланиб қолиш эҳтимоли катта. Сўнгги ўн йилликларда деярли барча Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши нефтга бўлган талабнинг мунтазам ўсишига олиб келди. Тобора кучайиб бораётган "нефтга чанқоқлик" хавфи нефть захираларига эга бўлган денгиз акваториялари учун курашни келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, нефтга бўлган талабнинг йилдан-йилга ўсиб бориши Малакка бўғози орқали транспорт йўлининг хавфсизлигини таъминлаш важидан, етакчи давлатларнинг минтақадаги хозирлиги ва сиёсий-иқтисодий даъволарига

сабаб бўлади. Буларнинг барчаси минтақа давлатларини денгиз кучлари қудратини ошириш, Ҳинд ва Тинч океанлари ўртасидаги денгиз йўлларини бошқариш имкониятлари учун курашишга ундайди.

Шарқий Осиёда барча минтақавий иштирокчилар қўллаб-қувватлайдиган тўлақонли хавфсизлик механизмлари мавжуд эмас. Минтақада хавф-хатардан эрта огоҳлантириш ва инқирозли вазиятларни бошқариш учун кўп томонлама механизм керак. Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россиянинг ушбу минтақадаги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий хавфсизлик механизмлари йирик жаҳон кучлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятини албатта ҳисобга олиши керак.

Замонавий тенденциялар ҳамда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик шуни кўрсатадики, Шарқий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. Минтақада кенг қамровли минтақавий хавфсизлик архитектурасининг яратилиши Совуқ Урушнинг (Корея ва Тайван муаммолари) аломатларини бартараф этиш, шунингдек, Шимоли-Шарқий Осиё ва бутун Шарқий Осиёда умумий хавфсизлик тизимининг вужудга келишини таъминлайди.

Энергетика хавфсизлиги Шарқий Осиё умум хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ушбу соҳа кўплаб муаммоларни ўз ичига олади. Энергетика хавфсизлиги глобал ва трансминтақавий характер касб этиб, Шарқий Осиё минтақасида уларни ҳал қилиш фақат минтақадаги барча давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан мумкин бўлади.

Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликнинг икки ва кўп томонлама механизмлари мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, бу ушбу соҳада маълум ютуқларга эришишга ёрдам берди. Келажакда, айниқса, Шарқий Осиё ҳамжамияти пайдо бўлганидан сўнг, энергетика хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик янги истиқболларга эга бўлади. Шундай бўлса-да, геосиёсий трансформациялар ҳамда Шарқий Осиё хавфсизлик тизимидаги ўзгаришлар шароитида энергия хавфсизлиги муаммолари янада мураккаблашади.

Геосиёсий трансформациялар шароитида энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва бу борадаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Шарқий Осиё давлатлари учун қуйидагилар зарур:

1) Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, энергия хавфсизлиги масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликни кучайтириш механизмларини яратиш ва ишлаб чиқиш;

2) Мавжуд бўлган мулоқот платформалари, келишувлари ва механизмларини қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга чекланган миқёсда вақтинча чоралар кўриш, мамлакатларнинг энергия масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликда фаолроқ иштирок этишини рағбатлантириш;

3) Минтақада энергия хавфсизлигига таҳдидларга қарши курашишнинг мустаҳкам ва самарали асосини яратиш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик билан бирлаштирувчи ҳар томонлама ҳамкорлик механизмларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

4) Энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорликни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратиш;

5) Минтақа давлатларининг узоқ муддатли шартномалар амалиётини кенгайтириш, экспортёр давлатлар ва энергия ишлаб чиқарувчилар ўртасида мақбул нархларни ўрнатиш учун мулоқотни ривожлантириш, халқаро нефть ва газ бозорининг прогноз қилинишини таъминлаш;

6) Ёқилғи-энергия ресурслари импортини диверсификация қилиш ва минтақадаги эксплуатация қилинадиган нефть ва газ резервлари, транспорт тармоқларини техноген офатлар ва террористик ҳуружлардан максимал даражада ҳимоя қилиш.

7) Энергетика инқирозининг олдини олиш мақсадида минтақадаги стратегик резервларни барқарор тутиб туриш;

8) Илмий-техник муаммоларни ҳал этишда минтақа давлатларининг янада интеграциялашуви, инновацион технологияларни муваффақиятли жорий этиш, энергетиканинг кўпгина соҳаларида йирик дастурларни яратиш ва амалга ошириш;

9) Қайта тикланадиган энергия манбаларининг кенг миқёсда жорий этиш орқали минтақа мамлакатлари иқтисодиётининг нефть ва газ таъминотига боғлиқлигини ҳамда энергия ресурсларини ташиш харажатларини камайтириш;

10) Хомашё етказиб беришдан энергия қайта ишлови соҳасида халқаро ҳамкорликка ўтиш, замонавий технологиялар алмашинуви, инвестицион соҳадаги кенг кўламли ҳамкорлик, шунингдек, замонавий энергия тежаш стандартларини ишлаб чиқиш;

11) Энергия манбаларини диверсификация қилиш орқали минтақа давлатлари иқтисодиётининг у ёки бу энергия манбаига ҳаддан ортиқ боғлиқ бўлмаслигини таъминлаш;

12) Минтақанинг энергия ресурсларига бўлган талабининг кескин ўсишига йўл қўймаслик (Хитой ва Ҳиндистоннинг минтақадаги энергия ресурслари борасидаги фаоллигини чеклаш орқали);

13) Минтақа давлатлари ўртасида ҳудудий ихтилофларнинг мавжудлиги энергетика хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Минтақада энергетика хавфсизлигининг таъминланмоғи учун, аввало, минтақа давлатларининг ўзаро низо ва баҳсларига чек қўйилмоғи даркор.

14) Минтақа давлатларининг жаҳоннинг турли бурчакларидаги нефть ва газ конларини ўзлаштиришда, йирик трансмиллий инфратузилма лойиҳаларида иштирок этишлари учун ягона қоидаларни ишлаб чиқиш, минтақавий тармоқларни нефть, газ ва электр энергиясини ташиш учун кенгайтириш ягона энергетика майдонини яратишд жуда муҳимдир.

Халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатларининг юқори даражадаги раҳбарларининг сиёсий қатъияти Шарқий Осиё энергетика хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда муваффақиятли ҳамкорлик қилиш ҳамда минтақа ва сайёрада умумий хавфсизликни сақлашга ҳисса қўшади.

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

ИЗЗЕТОВА ЭМИНЕ
Доктор философских наук, ТашГИВ

Эволюция методологической основы и категорий китайской философии

Аннотация. *В научной статье рассматривается становление методологической базы и философских категорий в рамках китайской культурной традиции. Значимость темы исследования детерминирована динамикой развития современного глобального мира, интеграционных процессов, ростом взаимодействия и сотрудничества разных стран и регионов, укреплением принципов открытого мира, расширением диалогового-коммуникативного пространства. Особую ценность в этой ситуации приобретает возрождение таких методологических подходов, как холизм, голограмма, синергетика, идейные истоки которых были заложены в древнекитайской философии.*

Цель заключаются в системном обосновании особенностей становления и развития методологической базы, категориально-понятийного аппарата китайской философии, её теоретической и практической значимости для формирования мировоззрения и образа жизни общества. Коррелятивно-ассоциативное мышление нашло свое отражение в трудах М. Грана, Д. Бодэ, Дж. Нидэм, Ю. Л. Кроль; классификационные схемы методологической основы китайской философии исследованы А.М.Карапетьянцем, А.И.Кобзевым; основополагающие онто-методологические аспекты категорий проанализированы в научных работах Е.Н.Торчинова, А.И.Кобзева.

Для достижения цели были поставлены следующие задачи: в контексте принципов историзма и преемственности рассмотреть становление и развитие методологической базы китайской философии; провести сравнительный анализ методологических, мировоззренческих основ античной и китайской философий; раскрыть роль коррелятивного мышления и нумерологии в познавательном процессе; обосновать приверженность европейской культуры причинному, а Китая корреляционному типам мышления мышлению; раскрыть космологический и онтологический характер категорий вэнь, ци и продемонстрировать их роль в китайской культуре; определить антропологические, панэтические и эстетические параметры понимания Космоса; выявить влияние реанимированных холистических, синергетических, хаосомных идеи на развитие современной философско-методологической мысли.

Для достижения научной цели и решения поставленных задач были использованы анализ, синтез, историко-теоретический анализ, сравнительно-исторический, философско-герменевтический и идеографический методы.

В результате проведенного исследования в рамках социоисторического подхода была прослежена эволюция методологических норм, категорий и понятий китайской философии. Дана характеристика причинного, холистического, голограммного и коррелятивного подходов. Рассмотрены базовые категории китайской философии в контексте становления методологии: нумерология, вэнь, ци, дао,

космос, воздействие-отклик и показана их роль в развитии современной философии и методологии науки. В контексте традиционных китайских представлений выявлены элементы синергетической парадигмы, а так же продемонстрирована их значимость для формирования нового миропонимания.

Опорные слова и выражения: *китайское мировоззрение, философия, методология, холизм, коррелятивное мышление, нумерология, космос, антропологизм, панэтизм, категория вэнь, ци, дао, воздействие-отклик, синергетика.*

Аннотация. *Илмий мақола Хитой маданий анъаналари доирасида методологик асос ва фалсафа категорияларининг шаклланиши муаммосига бағишланган. Ҳозирги даврда глобаллашган дунё, ундаги интеграцион жараёнлар динамикаси очиқ дунё тамойилларининг тобора мустаҳкамланиб, коммуникатив маконнинг кенгайиб бораётганлиги мақола мавзусининг долзарблигидан далолат беради. Бундай вазиятда қадимий Хитой фалсафасининг ғоявий асослари: холизм, голограмма, синергетика каби методологик ёндошувларнинг қайта тикланаётганлиги алоҳида эътиборга молик.*

Тадкикотнинг мақсади: Хитой фалсафасининг базаси, категориал аппарати шакллнишининг ўзига хос жиҳатларини. Уларнинг жамият турмуш тарзи ва кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги ўрни ва ролини ёритиб бериш.

Коррелятив-ассоциатив тафаккур муаммоси олимлар М.Грана, Д.Бодэ, Дж.Нидам, Ю.Л.Кроль изланишларида ўз ечимини топган; Хитой фалсафаси методологик асосларининг классификацион схамаси А.М.Карапетьянц, А.И.Кобзев илмий изланишларида таҳлил қилинган; асосий категорияларнинг онто-методологик жиҳатлари Е.Н.Торчинов, А.М.Кобзевнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

